ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг асосчиси
Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг
90 йиллик юбилейига
бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(V қисм)
(2022 йил 18-19 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ,

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби асосчиси Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

(V қисм)

2022 йил 18-19 февраль

САМАРҚАНД – 2022

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ,

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ,

МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»,

САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

“Самаркандская научная школа экономики”

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции, посвященной 90-летию основателя Самаркандской научной школы экономики И.Т.Абдукаримова
(часть 5)

(18-19 февраля 2022 г.)

САМАРКАНД– 2022

Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (V қисм). 2022 йил 18-19 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 260 бет.

Нашр учун масъул:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раҳбари:
М.Э.Пўлатов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши аъзолари:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
О.Муртазаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
В.И.Абдукаримов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Эштаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Д.Ҳ.Холмаматов– иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова, Умида Равшанова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда учинчи ренессансни шакллантириш шароитида иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, менежмент ва маркетингни, инвестицияларнинг ўрни ва молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

М.М. Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д., профессор
Шавкатжон Муродов – СамИСИ илмий тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ – УЧИНЧИ РЕНЕСАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда таълим ва ўтган даврда унинг сифатига негатив таъсир кўрсатган омиллар таҳлил қилинади. Айнан таълим сифатининг пастлиги мамлакатда бандлик ва ишсизлик муаммоларини келтириб чиқараётганлиги баён қилинади. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида инсон капиталининг ролига катта эътибор беридади, таълим сифатини тубдан ошириш уни юксалтиришнинг бош омили эканлиги исбот қилинади.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы образовния и факторы, оказавшие негативное влияние на его качество в прошлом. Наличие проблем занятости и беработицы в стране связывается с низким качеством образования. Большое внимание уделяется роли человеческого фактора в условиях современного рыночного хозяйства, доказывается, что повышение качества образования является главным фактором его развития.

Abstract: This article completes the issue of the development of education in Uzbekistan. High quality education. Although Uzbek schools, colleges and universities have a stable set of mobility programs, there is a lack of practical experience in applying knowledge. This study seeks ways to bridge this gap.

Калит сўзлар: таълим, таълим сифати, меҳнат бозори, бандлик, ишсизлик, инсон капитали.

Ключевые слова: образование, качество образования, рынок труда, занятость, безработица, человеческий капитал.

Keywords: high quality education, quality of education, labor market, occupation.

Нима учун Ўзбекистонда ишсизлик даражаси юқори? Жуда оддий савол, лекин унга аниқ жавоб топиш қийин. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай мамлакатнинг ишсизлик даражаси ва бандлик муаммолари авваламбор унинг экспорт салоҳияти, яъни халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши билан белгиланади.

2018-йилда Арманистонда ялпи ички маҳсулотда экспорт улуши 38 фоизни ташкил этди. Экспорт салоҳиятини ошириш бевосита таълим сифати билан боғлиқ, бугунги таълим сифати эса талабларга жавоб бермайди. Чуқур ишонч билан айтиш мумкинки, айнан таълим сифати пастлиги иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилмоқда ва бугунги кунда янгиланаёт-

ган Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат аҳамиятига молик долзарб муаммолари рўйхатида етакчи ўринни эгаллайди.

Расмий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда хом ашё тақчиллиги йўқ, ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурсларнинг катта захиралари мавжуд бўлиб, тез ўсиб бораётган ёш аҳолига эга. Бироқ, иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши ресурслар мавжудлиги билан эмас, балки улардан самарали фойдаланиш қобилияти билан белгиланади. Табиий бойлик ва меҳнат – бу ишлаб чиқаришнинг икки муҳим омили, улардан моҳирона фойдаланган тақдирда, Ўзбекистонни аҳолининг юксак турмуш даражасига эришган иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат даражасига кўтариши мумкин. Бизнинг фикримизча, бу икки омилнинг мавжудлиги унга асосий саъй-ҳаракатларни ва унинг иқтисодий салоҳиятини тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга қаратишга имкон беради.

Таълим сифати собиқ Иттифоқ давридан буён оқсаб келмоқда эди. Коррупция, порахўрлик, қариндошчилик, маҳаллийчилик, ўқитувчиларда профессионалликнинг етишмаслиги, профессор-ўқитувчиларнинг ўз меҳнати натижаларига қизиқмаслиги – ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълимнинг сифатига жуда оғир зарба берди. Бугунги кунда Ўзбекистон учун айнан юқори сифатли таълим – бу мамлакат ички ва ташқи бозорлар учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларида Ғарб мамлакатларидан ўтиб кетиш, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги ва уларнинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал қилиши мумкин бўлган жуда кучли қ омилдир.

Ўтмишдан бизга мерос қолган негатив омиллар ўзларининг чуқур илдизларига эга. Педагоглар ва ўрта махсус, олий ўқув юртлари ўқитувчилари маошининг пастлиги, профессор-ўқитувчиларнинг ўз меҳнати якуний натижаларига бефарқлиги коррупциянинг асосий сабаби бўлди. Педагогика соҳасида тасодифий одамлар, бугунги кун юқори талабларига жавоб бермайдиган ахлоқсиз ва маънавий жиҳатдан касбий фазилатларга мос келмайдиган шахслар кўпайиб кетди. Бу жараён Мустақиллик йилларида, айниқса, рус тилида сўзлашувчи аҳолининг фаол миграциясидан сўнг, таълим сифатининг умумий пасайиши жараёнида янада кучайиб кетди.

Таълим соҳасида юз берган ўзгаришлар сиртдан бўлган таъсир оқибатида тўққиз йиллик таълим ва коллежларда уч йиллик вақтни бефойда ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, бу таълим муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларининг саводсизлигини кучайтирди. Назарий жиҳатдан, коллежлардаги уч йиллик таълим ёш авлодга нафақат ўрта таълим, балки кейинчалик ҳаётда ўз ўрнини топиб, ишга жойлашиши учун мутахассислик ҳам бериши керак эди. Бироқ, ғоя амалга ошмади, ёшлар эса на унисини, на бунисини қўлга киритишди.

Ҳозирги кунда миллий меҳнат бозорида аниқ мутахассисликка эга бўлмаган ёшлар устунлик қилмоқда. Бундай ёшларнинг меҳнати фақат

малакасиз ишлар учун яроқли бўлади ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш талабларига жавоб бермайди. Ёшларнинг бутун бир авлоди, ҳақиқий мутахассислик (ҳунар) олмасдан, саводсизлик гирдобига тушиб қолди. Коллеж битирувчилари математика, физика, кимё, тарих, география, биология ва бошқа фанларни яхши ўзлаштирмадилар. Айни пайтда, улар ўзлари танлаган мутахассислик бўйича ҳам чинакам касбий билимларни эгаллаб ололмадилар.

Ишсизнинг мутахассислиги йўқлигини, унинг касб танлашга бўлган мойиллигини, масалан, давлат ҳисобига ишчи касбларни эгаллаш учун 3-6 ойлик курсларда стипендия олиб ўқишни хоҳлайдими ёки уни қаноатлантирадиган бошқа иш ўринлари мавжудлигини ўрганиш керак. Ишсизларни энг керакли касбни эгаллаши учун уларга ҳақиқий ёрдам кўрсатиш орқали тўла қамраб олиш, нафақат бандлик муаммосини ҳал қилиш, балки уларнинг миллий бойликдаги улушини оширишга ҳам ёрдам беради.

Албатта, ишсизларга ёрдамнинг бу тури қўшимча харажатларни талаб қилади ҳамда бу мақсадли вазифани мониторинг қилиш ва амалга оширишга кўмаклашувчи давлат идораларига юкламани оширади. Давримизнинг ҳозирги хусусияти шундаки, у технологик тараққиёт ақлли ишчини янада рағбатлантиради малакасиз ишчини эса кераксизга айлантиради. Натижада инсон капиталига эҳтиёж чандон ошади. Малакали меҳнатга талаб катта бўлган асримизда, юқори малакали, ақлли, билимли инсон ҳеч қачон камбағал бўлмайди.

XVIII аср саноати нқилобидан олдин, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришда ихтисослашув чекланган даврларда, ҳунармандлар оилавий меҳнат тақсимоти асосида маҳсулот ишлаб чиқарганлар ва ўз ҳунарлари эвазига оила тебратгинлар. Тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган, чуқур ихтисослашувга асосланган замонавий саноат ишлаб чиқариши ишчи кучи эгаларидан юқори малака, қобилият, таълим, мутахассислик, касб, ижодкорлик, тадбиркорлик уқуви ва ҳоказоларнинг мавжудлигини талаб қилади. Буларнинг барчаси замонавий лексикада инсон капитали деб аталади. Иқтисодчи Чарльз Уиллан фикрига кўра, инсон капитали “ишчиларнинг маълумоти, ақл, харизма, ижодкорлиги, иш тажрибаси, тадбиркорлик уқуви, ҳатто бир бейсбол коптокчасини қаттиқ ва аниқ отиш қобилияти, билим ҳамда кўникмаларининг йиғиндисидир. Бу тўсатдан барча бойликларингиз – ишингиз, пулингиз, уйингиз ва мулкингиздан ажралиб қолсангиз Сиз билан қоладиган нарсалардир”.[1]

Бундан ташқари, у “инсон капитали– шахснинг кўпроқ пул ишлаб топиши қобилиятидан янада кенг қамровли тушунча", деб ҳисоблайди. Бу бизни яхши ота-онага, кўп нарсадан хабардор сайловчига айлантиради, санъат, маданиятни қадрлашга ва ҳаётдан завқланиб яшашга ўргатади. Бу бизга соғлиқ бағишлайди, соғлиқ эса инсон капиталининг ўта муҳим қисмидир. Ғарб мутахассисларининг инсон капитали соҳасидаги фикрича таълим, тарбия, малака ва ҳатто одамларнинг соғлигидан иборат умумий захиралар замонавий иқтисодиёт бойлигининг қарийб 75 фоизини ташкил

этади. Шунинг учун Ғарб иқтисодчилари инсон капиталини иқтисодий паспорт, деб номлаб, иқтисоднинг ўзини эса "инсон капитали иқтисодиёти", деб атайдилар. Шунинг учун халқ фаровонлигини ва иқтисодий ўсишни яхшилаш муаммолари инсон капитали тушунчаси ва унинг унумдорлиги нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим. Давлат ишлаб чиқариш унумдорлиги қисман табиий ресурсларга боғлиқ, лекин унга техника, ихтисослашув, малакалар, яъни инсон капиталининг ҳосилалари тобора кўпроқ таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган инсон капиталини шакллантириш жамиятдан юқори сифатли таълим олишга катта сарф-харажатларни талаб этади. "Маҳсулдорликнинг ўсиши инвестицияларга: жисмоний ва инсон капитали, тадқиқот ва ривожланиши, ҳатто янада самарали давлат муассасаларига боғлиқ. Бу инвестицияларнинг барчаси биздан келажакда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятига эга бўлиш учун, айни вақтда истеъмолни камайтиришни талаб қилади.

Бугунги шароитда Ўзбекистонда инсон капиталини юксалтиршнинг асосий шарти таълим сифатини оширишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уилан Чарльз. Голая экономика. Разоблачение унылой науки. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2017. -168-бет. [Электрон ресурс].

Б.О.Дусматов – СамИСИ “Реал иқтисодиёт” кафедраси доцент в.б
Ш.Х.Халимов – СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республика саноат ишлаб чиқаришида инновацион жараёнларни ривожлантиришни тадқиқ этиш масалаларига бағишланган

Калит сўзлар: инновациялар, инновацион сиёсат, модернизациялаш, агросаноат ишлаб чиқариши, хўжалик юритиш механизми, рақобат.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам исследование развития инновационных процессов в промышленном производстве республики в условиях модернизации национальной экономики

Ключевые слова: инновации, инновационная политика, модернизация, агропромышленное производство, механизм хозяйствования, конкуренция.

Abstract: This article is devoted to the research of the development of innovative processes in the industrial production of the republic in the conditions of modernization of the national economy

Keywords: innovations, innovation policy, modernization, agro-industrial production, mechanism of management, competition

Инновация –янгиликларни амалий (илмий-техник) ўзлаштириш натижасида янгилик киритишни англатиб, инновацияларга янги

маҳсулотлар, илм талаб технологик жараёнлар маҳсулот ва хизматлар модификацияси (ижтимоий инновациялар) киради.

Маълумки, бир сифатдан бошқасига ўтишда энергия, вақт, молиялар ва шунга ўхшаш ресурслар сарфини талаб этади. Янгиликларни инновацияларга ўтказиш жараёни ҳам асосан инвестиция ва вақт каби турли ресурлар сарфи орқали амалга оширилади. Бозор шароитларида иқтисодий муносабатлар тизими сифатида, талаб, таклиф ва баҳо шаклланадиган доирада товарлар олди сотдисида янгилик ва инвестициялар асосий инновацион фаолият компенентлари булиб иштирок этади. Янгилик новациялар бозорини, инвестициялар-капитал бозорини (инвестициялар), янгиликлар (инновациялар)- соф рақобат бозорини шакллантиради.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш самарадорлигини, унинг рақобатбардошлигини оширишнинг обьектив зарурати, хўжалик тизимларининг моддий асосини илмий техник янгилаш мотивацияси бўлиб хизмат қилади. Унинг намоён бўлиши инновацион имкониятларни амалга оширишнинг юқори потенциал самародорлиги билан ифодаланган. Шунинг учун давлатнинг бирламчи вазифаси корхонани иқтисодий ўсиш омили сифатида инновацион фаолиятга чорловчи асосий ички ва ташқи мотивларни яратиш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхонасида инновацион фаолиятни амалга ошириш учун турли ресурслар йиғиндиси сифатида тавсифланучи корхонани инновацион салоҳияти мавжуд бўлиши зарур, шунингдек:

-интелектуал (технологик хужжат, патентлар, лицензия, янгиликларни ўзлаштириш бўйича бизнес-режа, корхонани инновацион дастури);

-моддий (тажриба-анжомли асос, технологик жихозлар, майдонлар ресурси);

-молиявий (шахсий, қарзга, инвестицион ва бошқалар);

-кадрларга оид (етакчи-новатор, персонал,инновациялардан манфатдор; ходимларнинг ИТИ ва ОТМлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда шахсий алоқалари);

-инфратузилмали (янги маҳсулот маркетинг бўлими, патент-ҳуқуқий бўлим, ахборот бўлими ва бошқа).

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзининг техник даражасига боғлиқлиги бозор муносабатлари аксиомаси ҳисобланади. Объектив тарзда рақобат кураши ҳам бозор муносабати аксиомасидир. Объектив рақобатши кураши ишлаб чиқаришнинг техник технологик даражасини оширучи инновацион фаолиятнинг асосий рағбати ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим қонуниятини қуйидагича таърифлаш мумкин: ишлаб чиқаришнинг қиёсий технологик даражасини ошириш унинг рентабиллиги ҳамда товар ва хизматлар рақобатбардошлигини мос равишда ошириш шароитларини яратади. Инновацион сустликни намоён этувчи саноат корхонаси рақобат курашига дош бера олмайди.

Корхонанинг инновацион салоҳияти замирида юқори инновацион

фаоликни максимал даражада генерациялаш имкониятини тушуниш лозим. Бунда инновацион фаоллик корхона томонидан инновацион фаолиятни шиддат билан амалга ошириш сифатида кўриб чиқилади.

Ҳозирги иқтисодиётнинг амал қилиши инновацион салоҳият ва ундан фойдаланишда олинган салоҳият ва иқтисодий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омилларига асосланади. Шунинг учун ҳозир жаҳонда етакчи ўринни эгаллашда юқори инновацион даражага эга бўлиш талаб этилади. Шу сабабли маҳаллий инновацион соҳанинг етарлича ривожланмагани қайд этиш мумкин. Турли рейтинг тадқиқотларига кўра, у технология инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни амалга оширувчи умумий инновационлик, корхоналар сони, инновацион маҳсулот ҳажми бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан ортда қолади. Бундан маҳаллий иқтисодиётда рақобатбардошликни таъминлаш учун, нафақат шахсий инновацион соҳани ривожлантиришдан орқада қолишни йўқ қилиш, балки энг қисқа муддатларда уни етакчилар қаторига чиқариш талаб этилади. Бу вазифа иқтисодиётнинг ҳамма босқичлари, авваламбор, инновацион ютуқлар асосида рақобатбардош ишлаб чиқариш ва турмушни таъминловчи жамият, иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни яратиши лозим бўлган саноат, унинг корхоналари учун янада муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда саноат баъзи мавқеини йўқотди, меҳнат унумдорлиги бўйича етакчи мамлакатлардан ортда қолмоқда, ноодий иқтисодий ҳолатда бўлади, лекин у кучли илмий инновацион ишлаб чиқариш салоҳияти ҳисобланади ҳамда уни модернизацияланган иқтисодиёт шароитларида жадал сурьатларда фаоллаштиришга талаб яққол намоён бўлмоқда.

Инновацион ва шу тариқа ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосида масалаларни ҳал этиш саноатдан, ҳар қачонгидек, бозор тури бўйича модернизацияланган иқтисодиёт билан очилган имкониятлар, интелектуал мулк захираси, ресурсларини максимал тарзда харакатга келтиршни талаб этади.

Мазкур босқичда саноат миқиёсида уни бозор иқтисодиётига фаол тарзда киритишни кўзда тутувчи инновацион фаолиятни функционал таркибини ривожлантиришнинг барча шарт-шароитлари мавжуд. Инновацион ривожланиш муамоларини ҳал этиш унинг инсонлар фаровонлигига таьсирини кучайтириш масалаларини ҳал этиш билан боғланади. Шунинг учун инновацион жараёнларни, биричидан, ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ривожланиш турлари бўйича узилишга йўл қўймайдиган, иккинчидан инсонларнинг турмуш сифатини ошириш бўйича ортиб борувчи натижага келтирувчи иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар билан уйғунликда самарадорликни таъминлаш борасидаги тадқиқотлар ва чора-тадбирлар муҳим ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал этиш, ривожланишдан манфаатдор бўлган фойдаланувчилар учун ҳозирги иқтисодиёт ва жамият ривожи қонунларини чуқур билишга асосланган ишлаш усули ва мотивацияларидан фойдаланишга эҳтиёж ва ресурсларни ривожлантириш йўналишлари бўйича оқилона мос келувчи

инновацион фаолиятни режалаштиришга янги ёндашувларни кўзда тутади.

Ушбу барча масалалар, модернизацияланувчи иқтисодиёт концепцияси ва талаблари даражасида уларнинг ечимини таъминлайдиган ҳамда бунга самарали фойдаланиши нафақат унинг ривожланиши, балки бутун миллий иқтисодиёт ривожига боғлиқ бўлган саноатнинг инновацион салоҳиятини сарбар эта олувчи бошқарув муамоси билан боғлиқ.

Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

1.Ҳозирги иқтисодиётда инновацион фаолият ва инновацион бошқарувни тадқиқ этишнинг долзарб жиҳатларини аниқлаш (инновациялар назариясининг тушунча аппарати, назарий базис, ривожланиш ресурсини шакллантиришга илмий ёндашувлар);

2. Инновацион жараёнларнинг уларга ёндош иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнлари билан уйғунликда тизимли комплекс ёндашиш услубиятини шакллантириш (тарихий жиҳат ривожланиш турлари синтезининг концептуал модели, мураккаб тузилган ривожланиш жараёнларини амалга ошириш шартлари);

3. Саноатда модернизацияланган иқтисодиётнинг хусусиятларини акс этирувчи инновацион фаолиятни бошқариш услубиятини ишлаб чиқиш (бошқарув вазифаларини таъминлашдаги янгиликлар, функционал-жараён-ли бошқариш назарияси концепцияси, мотивациянинг тармоқли модели);

4. Бозор иқтисодиётига унинг диверсификациясини фаоллаштирувини кўзда тутувчи инновацион фаолиятни бошқариш услубиятини расмийлаштириш (амалий мазмунийликни баҳолашнинг иқтисодий-математик модели, фаолият турлари бўйича ресурсларни тақсимлаш, инновацион жараёнлар иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатига эришиш);

5. инновацион жараёнлар вазифалари ва унда иштирок этувчи хўжалик юритувчи субьектлар ва давлатнинг стратегик мақсад ва эҳтиёжларини синтезловчи инновацион фаолият бошқарувини ташкил этиш бўйича ўриндош режалаштириш услубиятини ишлаб чиқиш;

6. корхонанинг ҳаётийлик даври ва унинг инновацияларини таъминловчи оптималлаштириш услубиятини шакллантириш;

7. ҳаётийлик даври кўрсаткичлари бўйича самарага эришишга мўлжалланган инновацион жараёнларни бошқариш услубиятини ишлаб чиқиш;

8. бозор шароитларига мослаштрилган, саноатда инновацион инвестициялаш билан бошқариш услубиятини ишлаб чиқиш.

Саноат корхоналарининг инновацион сиёсати ва инновацион хизматлар доирасида техник такомиллаштириш, илмий –техник ва ташкилий бошқарув инновацияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали амалга оширилади. Саноат корхоналарида уларнинг корпоратив бирлашмаларининг турли шаклларида барқорарлаштиришнинг якунланиши ва иқтисодий фаолликнинг бошланғич ўсиш даврида муайян саноат обеьктларининг модернизацион ва инновацион сиёсати варианлари мазмуни ва алоҳида йўналиш ҳамда босқичларни шиддатли амалга ошириш бўйича фарқланади.

Г. Х. Кайпназарова – Қорақалпоқ давлат университети, “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти, мустақил тадқиқотчи

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва ташкил этиш босқичларига тўхтаб ўтилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг бевосита иштирок этувчи унсури ҳақидаги назариялар, хўжалик алоқаларини ташкил этиш ва фаолият эркинлиги шароитида ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ муаммолар ва уларни ечиш йўллари ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслар, тадбиркорлик, мулк, самарадорлик.

Аннотация. В данной статье рассматривается особенности обеспечения соотношения факторов производства в малом бизнесе, непрырывность производственного процесса и этапы организации. Также теории факторов производства, элементы экономических ресурсов которые непосредственно участвуют в процессе производства и оказании услуг.

Ключевые слова: малый бизнес, производство, производственные факторы, экономические ресурсы, предпринимательство, имущество, эффективность.

Abstract. This article discusses the features of ensuring the ratio of factors of production in small business, the continuity of the production process and the stages of organization. Also the theory of factors of production, elements of economic resources that are directly involved in the production process and the provision of services.

Keywords: small business, production, factors of production, economic resources, entrepreneurship, property, efficiency.

Мамлакатимизда 2021 йилнинг 20 августида Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётдаги аҳамиятига катта баҳо берилди. Жумладан, мазкур учрашувда мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ва омиллар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтилди[1].

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада қулай муҳит ва шарт-шароитларни таъминлаш натижасида 2020 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 56,2 фоизи (2019 йилда 54,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Шунингдек, бу даврда:

- саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 3382,1 млрд. сўмни

[1] Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. - https://uza.uz/uz/posts/ tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlantirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratish-eng-muhim-vazifamizdir_294814

(саноат ялпи маҳсулотининг 23,9 фоизи), фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2884 тани ташкил этди;

- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳажми 10056,7 млрд. сўмни (қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,3 фоизи), фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2846 тани ташкил этди;

- инвестициялар ҳажми 2305,9 млрд. сўмни (умумий инвестициялар ҳажмининг 28,2 фоизи), 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 64,4 фоизни ташкил этди;

- қурилиш ишлари ҳажми 3495,1 млрд. сўмни (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,2 фоизи), қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2314 тани ташкил этди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,0 фоизи ёки 5947,3 млрд. сўми, хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 51,4 фоизи ёки 3347,4 млрд. сўми, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 5813 тани ташкил этди;

- экспорт ҳажми 78,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 21,7 фоизи)ни, импорт ҳажми 125,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 71,1 фоизи)ни ташкил этди[1].

Фикримизча, республикадаги кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали мазкур натижалар салмоғини янада ошириш имконига эришиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш жараёни ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёни тўлақонли ва узлуксиз амалга ошиши учун ишлаб чиқариш омиллари зарур бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари иқтисодиёт фанида кенг ўрганилган бўлиб, бу борада ишлаб чиқариш омиллари назарияси ҳам мавжуд.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар учта омил: ишчи кучи (меҳнат), меҳнат қуроллари (капитал) ва меҳнат предметлари (ер) бўлиши шарт. Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўлароқ, ўз ичига фақат ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи унсурларни олади.

Ишлаб чиқариш омиллари назариясини такомиллаштиришда мазкур омиллардан самарали фойдаланиш муаммоларини тадқиқ этиш муҳим ҳисса ҳисобланади. Шу муносабат билан Ж.Б.Кларкнинг алоҳида корхонадаги ишлаб чиқариш омиллари сарфлари ўртасидаги оптимал нисбатга эга бўлиш муаммоси қараб чиқиладиган меҳнат ва капиталнинг чегаравий (меъёрий) унумдорлиги концепциясини алоҳида таъкидлаш лозим[2]. Ўз моҳиятига кўра, мазкур назария микродаражадаги ишлаб

[1] Қорақалпоғистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2020 йил январь-декабрь. Нукус, 2021. – 124-б.

[2] Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе / Пер. С англ., 4-е изд. – М. : Дело ЛТД, 1994. – С. 395

чиқариш омиллари сарфлари таркибий тузилишини чегаравий таҳлил қилишнинг методологиясини белгилаб беради.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик тадқиқотчилар “ишлаб чиқаришнинг уч омили” концепциясини қўллаб-қувватлайдилар. Бироқ, тадқиқотчилар орасида омиллар тизимининг таркибий тузилишига ўзгача ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, А.Маршалл юқорида келтирилган анъанавий омиллар таркибига тўртинчи омил – ташкил этишни ҳам киритиб, ишлаб чиқариш омиллари тизимини кенгайтиради. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омилининг мавжудлиги тўғрисидаги масала ҳозирда ҳам тўлиқ ҳал этилмаган ва мунозарали ҳисобланади. Адабиётларда тадбиркорлик қобилиятига мураккаб таркибга эга омил сифатида қаралади. Бунга қуйидагиларни асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

- тадбиркорлик қобилиятининг асосида маълум даражада меҳнат омилининг мавжудлиги;

- унинг “соф ҳолда” эмас, балки “риск билан боғлиқ” ҳолдаги меҳнатни уйғунлаштирган ҳолда намоён этиши;

- тадбиркорлик қобилиятини ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакл ва усулларининг турлилиги ва ўзгарувчанлиги сабабли омил сифатида таҳлил қилишнинг мураккаблиги ва ҳ.к.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айрим тадқиқотчилар томонидан тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқаришнинг мустақил омили сифатида эмас, балки меҳнатнинг таркибий унсури сифатида қаралади. Фикримизча, бундай ёндашув тўғри бўлмай, ҳозирги ривожланган бозор муносабатлари шароитида марказий бўғинни ташкил этувчи тадбиркорлик фаолиятининг асоси бўлган тадбиркорлик қобилияти мустақил омил ҳисобланади.

Бугунги хўжалик алоқаларини ташкил этиш ва фаолият эркинлиги шароитида ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ қуйидаги муаммолар муҳим ўрин тутади:

1) ишлаб чиқариш омилларига мулкий эгалик;

2) ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқлик;

3) ишлаб чиқариш омиллари таркиби ҳамда улар ўртасидаги нисбатни иқтисодий самарадорликни максималлаштириш жиҳатидан шакллантириш;

4) ишлаб чиқариш жараёнида турли омилларнинг ҳаракатчанлик ва мослашувчанлик даражасини ошириш ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг тўғри ва самарали ҳал этилиши хўжалик юритиш субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарининг фаолият барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш уларнинг кўламидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Жумладан, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

– 460.

1) корхона кўламининг нисбатан кичиклиги сабабли ишлаб чиқариш омиллари ҳажмининг миқдор ва қиймат жиҳатдан катта бўлмаслиги;
2) ишлаб чиқариш омиллари таркибида ишчи кучининг етакчи ўрин тутиши;
3) аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиладиган моддий омиллар миқдорининг ишчи кучи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;
4) ишлаб чиқариш омиллари турлари ўртасидаги нисбатга ўта кучли аҳамият берилиши;
5) омиллар ўртасидаги мутаносибликни тартибга солишнинг енгиллиги ва ҳ.к.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳамда уларда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ инобатга олиниши мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектлари фаолият самарадорлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатади.

З. Ниёзов – к.э.н., и.о.доц. Самаркандский институт экономики и сервиса,
А. Каримова – PhD, и.о.доц., Самаркандский институт экономики и сервиса,
Т. Абдибаева – доц. Фискального института при ГНК РУз

НА ПОРОГЕ ТРЕТЬЕГО ПЕРИОДА РЕНЕССАНСА

Анотация: в данной статье рассматриваются вопросы связанные с системой образования Республики Узбекистан и необходимость создания модели образования, опирающаяся на передовой мировой опыт. Рассматривается значимость и сущность кредитно-модульной системы, а также работа по внедрению кредитно-модульной системы Самаркандского института экономики и сервиса.

Ключевые слова: сфера образования, кредитно-модульная система, учебно-воспитательный процесс, интеграция, мобильность студентов и преподавателей, академические знания, профиль, направления, нагрузка в классе, студент, знания.

Анотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва илғор жаҳон тажрибасига асосланган таълим моделини яратиш зарурати билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Кредит-модулли тизимининг аҳамияти ва моҳияти кўриб чиқилган бўлиб, Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтининг кредит-модулли тизимини жорий этиш борасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: таълим, кредит-модулли тизим, ўқув жараёни, интеграция, талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги, академик билим, профиль, йўналишлар, синф юки, талаба, билим.

Abstract: this article discusses issues related to the education system of the Republic of Uzbekistan and the need to create an education model based on advanced world experience. The significance and essence of the credit-modular system are considered, as well as the work on the implementation of the credit-modular system of the Samarkand Institute of Economics and Service.

Keywords: education, credit-modular system, educational process, integration, mobility of students and teachers, academic knowledge, profile, directions, classroom load, student, knowledge.

Сегодня, когда в полную силу реализуется мощный потенциал нашего народа, в Узбекистане закладывается фундамент новой эпохи Возрождения - третьего Ренессанса. Ведь сегодняшний Узбекистан — это не вчерашний Узбекистан и наш народ - уже не тот, каким был вчера». Эти мысли озвучены Президентом Шавкатом Мирзиёевым на торжественной церемонии, посвященной 29-й годовщине независимости Республики Узбекистан. При этом упоминание словосочетания «Новый Узбекистан» в мировом масштабе свидетельствует о признании того, что мы за последние годы вступили в совершенно новый этап развития - этап огромных преобразований и достижений.

Для того, чтобы система образования превратилась в локомотив, который потянул бы все сектора экономики на новые рубежи развития, необходимо создать такую модель образования, которая бы, опираясь на передовой мировой опыт и не копируя при этом вслепую все чужие образцы, а только творчески и умело используя его и многовековые богатые национальные традиции в сфере образования, вышла на передовые рубежи мирового развития и определяла бы его конкретные направления и результативность.

В Указе № ПФ-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», подписанном Президентом 8 октября 2019 года, говорится, что «в стране действуют не менее 10 высших учебных заведений. (Academic Ranking of World Universities) вошел в список 1000 лучших вузов и постепенный переход учебного процесса в вузах на кредитно-модульную систему. Также к 2030 году планируется перевести 85% всех высших учебных заведений страны на кредитно-модульную систему, в том числе 33 вуза в 2020/2021 учебном году.

По оценкам экономистов, сегодня 16 процентов всего мирового богатства приходятся на производство, а 20 процентов на природные ресурсы. Остальные приобретенные 64 процента богатства, которым обладает население планеты, непосредственно связаны с человеческим потенциалом, знаниями и опытом людей. В этом смысле для нашей страны, которая идет по пути передового развития и получает высокие оценки во всех сферах, нужны образованные и опытные, зрелые во всех отношениях кадры. В последние годы принят ряд Указов и постановлений, создающих для этого прочную основу. Обновляется система дошкольного, общего и высшего образования, принят и последовательно претворяется в жизнь Закон «О науке и научной деятельности» от 29 октября 2019 года.

В результате за последние четыре года в стране создано 43 новых высших учебных заведения, а их число достигло 121. В текущем году около полутора миллионов молодых людей подали документы для поступления в вузы. Это на 40 процентов больше, чем в прошлом году

Словом, ведется масштабная работа по инновационному развитию республики, чтобы она до 2030 года вошла в топ-50 стран в Глобальном

инновационном индексе. Как отметил Президент, Узбекистан должен стать конкурентоспособным на мировой арене в области науки, интеллектуального потенциала, современных кадров, высоких технологий.

В контексте осуществляемых мер по реформированию системы образования есть уже определенные положительные результаты:

– из года в год растёт число поступающих в вузы молодёжи;

– создаются новые учебные заведения, включая филиалы зарубежных вузов;

– повышаются требования к организации учебно-воспитательного процесса;

– налаживается система дополнительных выплат педагогическим работникам;

– расширяются права и самостоятельность учебных заведений;

– внедрение кредитного модуля ECTS системы в вузах и др.

Далее в контексте данной статьи рассмотрим значение и сущность кредитно-модульной системы. Создание кредитно-модульной системы направлено на обеспечение интеграции всех высших учебных заведений Европы с 1970-х годов, создание единого стандарта высшего образования, мобильность студентов и преподавателей, признание дипломов, унификацию оценок по студентам. «знания, навыки и умения. усилия будут запущены.

В результате этих усилий Болонская декларация была подписана в 1999 году в Болонье, Италия, представителями 29 стран. На сегодняшний день в Болонском процессе участвуют 48 стран. Среди них Россия, Украина, Азербайджан, Молдова, Армения, Грузия, Казахстан и Беларусь из стран СНГ. Подготовка высококвалифицированных кадров по Болонской системе осуществляется в два этапа. Обычно степень бакалавра не менее трех лет и степень магистра 1-2 года.

Наиболее распространены модели для США и Европы. Согласно отчету, Министерства высшего и среднего специального образования страны отдается приоритет использованию европейской системы ECTS при внедрении кредитной системы. Поэтому стоит остановиться на его достоинствах, не достоинствах и недостатках. Одним из наиболее важных аспектов Болонской декларации является использование единой «кредитной системы» (ECTS) высшими учебными заведениями. Кредит или зачетная единица является показателем ценности любой образовательной деятельности, включенной в учебную программу. Система ECTS предлагает большие преимущества студентам в Европе и Болонскому процессу в целом.

Например, он гарантирует признание академических знаний, полученных студентом в университете, где он / она учится, в высших учебных заведениях стран-участниц этой системы, то есть определенную «конверсию». В то же время система позволяет участникам возобновлять,

переводить и прекращать учебу в другом университете.

Известно, что у нас был ограниченный доступ к источникам информации и различным международным базам данных. В результате в высшем образовании профессора сосредотачиваются на поиске информации, ее усвоении и распространении среди студентов после первоначальной обработки. То есть учителя были просто предметом получения и передачи информации.

Сегодня вопрос развития самостоятельного образования студентов стоит на повестке дня в связи с ускорением доступа к информации, расширением доступа к международным научно-техническим базам данных, ускорением глобализации. Так, в традиционной системе не предоставлялись материалы о том, какие знания студент получит в будущем, какие профессора и преподаватели будут преподавать, профиль направления, краткое изложение предметов.

В настоящее время работа по кредитно-модульной системе идет полным ходом в 33 вузах страны. На создание этой системы мобилизуются все силы. В частности, в Самаркандском институте экономики и сервиса есть отдел кредитного менеджмента образования. С 2021/2022 учебного года на кафедрах института начаты работы по полной трансформации всех направлений обучения и специальностей, преподаваемых в институте на кредитно-модульную систему ECTS. По предварительным оценкам, в институте 15 недель обучения в семестр на уровне бакалавриата и 6 недель для сертификации (3 недели в семестр для экзаменов). Таким образом, количество учебных недель в 4 года составляет 144, аттестация - 24 недели, а общее количество каникул составляет 204 недели. Учебные планы всех направлений и специальностей отражаются в учебных планах на каждом этапе, разделенных на две части, а именно базовые и факультативные предметы. Исходя из требований ECTS, планируется возложить на студента обязанность накапливать в общей сложности 240 кредитов за 4 года из 60 кредитов в год. Тогда студенту предстоит потратить 2880 часов за 4 года лекций, практических и лабораторных занятий и экзаменов, 4320 часов самостоятельной работы, всего 7200 часов.

В нашем примере 1 кредит = 12 академических часов + 18 часов самостоятельной работы. Таким образом, 1 кредит считается равным 30 часам, а еженедельная нагрузка в классе студента равна 20 часам. Сумма кредита, выделяемого на квалификационную стажировку, должна быть сделана за счет соответствующего предмета или дисциплин.

Исходя из этого распределения, если мы определим загруженность предмета «Методика преподавания специальных предметов» для 6 зачетных магистерских специальностей, студент получит 72 часа ((30 * 6) * 40% = 72) аудиторных занятий в течение семестра. чтобы получить указанные кредиты по этому предмету, потребуется 108 часов ((30 * 6) * 60% = 108), чтобы выполнить самостоятельную загрузку чтения дома и в библиотеке. В кредитно-модульной системе ECTS одна аудитория

эквивалентна 45-60 минутам академического времени.

Таким образом, внедрение этой системы в высшем образовании улучшит качество обучения, обеспечит прозрачность, устранит коррупцию, раскроет истинные знания студента и создаст основу для самостоятельной учебы и работы студентов. Сегодня европейская кредитная система практикуется практически во всех высших учебных заведениях.

Кредитная система обучения увеличивает обмен студентами. Потому что ссуды, взятые в одном университете, учитываются в другом, и студенты могут переходить из одного университета в другой, не теряя кредита. Именно эта система позволяет узбекским студентам продолжить обучение в передовых зарубежных университетах и устранить сложные бюрократические барьеры.

В заключении хотим отметить, что для формирования конкурентной среды в сфере образования принимаются значительное количество мер. Так, например, не соответствует сложившейся ситуации подход к внедрению государственно-частного партнёрства в систему среднего образования. Нелогично перекладывать основную часть участия в этом процессе на плечи частных предпринимателей хотя бы потому, что сфера недостаточно защищена на законодательной основе. Достаточно изменить подходы к организации микрозон и повысить коэффициент сменности работы, чтобы в каждом городе и районе республики появилась возможность для высвобождения и передачи помещений нескольких школ частным инвесторам. А пока ситуация такова, что только считанное количество сельских районов и небольших городов Узбекистана имеет среднеобразовательные учреждения, основанные на государственно-частном партнёрстве.

N. M. Djalilova –QarMII “Innovatsion iqtisodiyot” kafedrasi katta o‘qituvchisi

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYALARNING O‘RNI

Annotatsiya. Ushbu maqolada innovatsiyalar iqtisodiyotni, xususan tadbirkorlikni rivojlantirishning, eng xarakterli xususiyatlaridan biriga aylanib borayotganligi va bozor rivojlanishini tezlashtiruvchi omil sifatida tahlil qilingan. Shuningdek, zamonaviy dunyoda innovatsiyalardan keng foydalanish orqali- tadbirkorlikni jadal rivojlantirishga erishish mumkinligi haqida taklif va tavsiyalar berilgan .

Kalit so‘zlar: Innovatsiya, kapital, innovatsion jarayon, innovatsion strategiya, innovatsion tadbirkorlik, ishlab chiqarish omillari

Аннотация. В данной статье инновации анализируются как одна из наиболее характерных черт развития экономики, особенно предпринимательства, и как фактор, ускоряющий развитие рынка. Также есть предложения и рекомендации, как добиться быстрого развития предпринимательства за счет широкого использования инноваций в современном мире.

Ключевые слова: Инновации, капитал, инновационный процесс, иннова-

ционная стратегия, инновационное предпринимательство, факторы производства.

Abstract. In this article, innovation is becoming one of the most characteristic features of economic development and is analyzed as a factor accelerating the development of the market. There are also suggestions and recommendations on how to achieve the rapid development of entrepreneurship in the modern world through the widespread use of innovation.

Keywords: innovation, capital, innovation process, factors of production, innovative strategies, innovative entrepreneurship.

Hozirgi vaqtda innovatsiyalar тadbirkorlikni rivojlantirishning eng xarakterli xususiyatlaridan biriga aylanib bormoqda. Innovatsion jarayonda jiddiy rol o‘ynaydigan va innovatsiyalarni korxonalar uchun strategik resursga aylantiradigan xalqaro kapital bozori kengayib bormoqda, bu borada unga yangi moliyaviy tuzilmalar unga yordam bermoqda.

Ayni damda shakllanayotgan yangi iqtisodiyot ko‘pincha "innovatsion iqtisodiyot" deb nomlanadi, bu esa innovatsiyalarning iqtisodiyotdagi rolini ta'kidlaydi. Hamma olimlar ham yangi iqtisodiyotning bu nomiga qo‘shilmaydilar, innovatsiyalar uchta asosiy qism - axborot, moliya va innovatsiyalarning faqat bir qismi ekanligini ta'kidlaydilar. Ammo, to‘g‘ridan-to‘g‘ri, bu barcha qismlarning umumiy rivojlanishi innovatsiyalarni jadal ishlab chiqarish va joriy etish bo‘lgan yangi iqtisodiy muhitni tashkil qiladi. O‘z navbatida, innovatsiyalar bozor rivojlanishini tezlashtiradi. Bu tezlashuvga axborot texnologiyalari ham yordam beradi. Axborot texnologiyalaridagi inqilobiy o‘zgarishlar tranzaksiya xarajatlariga ta'sir qiladi va korporativ nomoddiy aktivlarda innovatsiyalar ulushining ortishi kuzatiladi.

Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, innovatsiyalarga ko‘pincha odamlarning bevosita salbiy munosabati va pozitsiyasi to‘sqinlik qiladi. Biroq, O‘zbekistonda paradoksal vaziyat rivojlanmoqda, ya'ni butun jamiyat innovatsion jarayonlarga ijobiy munosabat va qo‘llab-quvvatlashni bildirayapti, lekin aslida tadbirkorlarning faqat kichik bir qismi innovatsion tadbirkorlik bilan shug‘ullanadigan innovatsion tadbirkorlar bilan bog‘lanishi mumkin.

Ayrim mualliflarning fikricha, an’anaviy iqtisodiyot ham, boshqa asosda rivojlanayotgan yangi iqtisodiyot ham mavjud. Bizning fikrimizcha, bu ikki modelni qarama-qarshi qo‘ymasdan ikkalasining ijobiy tomonlaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi, chunki an’anaviy iqtisodiyot zamirida yangisi asta-sekin rivojlanib borishini namoyish etadi. Darhaqiqat, zamonaviy dunyoda innovatsiyalar ishlab chiqarish omiliga aylangani haqiqatdir. Ma'lumki, an'anaviy ravishda ishlab chiqarishning uchta omili mavjud: yer, mehnat va kapital. Ularni birinchi bo‘lib J. B. Sey tahlil qilgan edi. Hozirgi vaqtda bu omillar odatda tadbirkorlarning qobiliyatini va ba'zi mualliflarning fikriga ko‘ra, axborot omilini ham o‘z ichiga oladi va shu bilan iqtisodiyotni rivojlantirishda axborotning rolini ta'kidlaydi.Bizning fikrimizcha, tadbirkorlar imkoniyatlarini innovatsiyalar bilan almashtirish yoki ikkala yangi omilni ham an’anaviy omillar bilan bog‘lash to‘g‘riroq bo‘ladi. Hozirgi vaqtda ishlab chiqarish omillarini o‘rganish orqali tahlil chuqurroq olib boriladi va har bir omil

parchalanadi. Yer yoki tabiiy omillar - tadbirkorlikning asosi sifatida foydalanish uzoq muddatli raqobatdosh ustunliklarni ta'minlamaydigan omillardir. Bundan tashqari, tabiiy resurslarning ko‘p turlari qayta tiklanmaydi va bir muncha vaqt o‘tgach tugashi mumkin. Boshqa tomondan, innovatsion omil amalda bitmas-tuganmas va u innovatsiyalarni keltirib chiqaradi, ularni ishlab chiqarishga joriy etish mumkin; ularning kengayishi uzoq muddatli raqobatbardoshlikni ta'minlashi mumkin, chunki u hozirgi vaqtda yangi, ayniqsa rivojlangan omillarga asoslangan.

Aslida, bunday nuqtai nazarni "mutlaqo yangi"deb bo‘lmaydi. Yuqorida aytib o‘tilgan "Sey" ishlab chiqarish omillarini tahlil qilar ekan, tadbirkorning rolini ta'kidlaydi, chunki u quyidagi ishlab chiqarish omillarini muvofiqlashti-radi: yer, kapital va mehnat, shuningdek, u juda keng qo‘llagan mehnat omili, shu jumladan nafaqat mehnat, balki mahsulot ishlab chiqarish va ishlab chiqarishni tashkil etish uchun zarur bo‘lgan ilmiy xulosalar va bilimlarni ham hisobga olgan.

Bu fikrni ingliz olimi G. A. Gobson yanada yorqinroq ifodalab, ijodiy qobiliyatlarni ishlab chiqarish omillariga ham kiritgan. Iqtisodiy tizimning yangi mahsulotlar paydo bo‘ladigan, yangi bozorlar paydo bo‘ladigan, yangi texnologiyalar joriy qilinadigan qismini tahlil qilib, uni "progressiv ishlab chiqarish sohasi" deb atadi. Hozir biz uni innovatsion iqtisodiyot deb ataymiz.

Albatta, innovatsiya kabi hodisani o‘rganish jarayonida ikki olim, ya’ni N.Kondratiev va avstriyalik J.A.Shumpeterning nomlarini unutmaslik kerak. Aynan Shumpeter o‘zining “Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi” tadqiqotida innovatsiya tushunchasiga birinchi bo‘lib ta’rif bergan. U innovatsiyani tijorat muammolarini hal qilishga qaratilgan mavjud ishlab chiqarish omillarining ilmiy va tashkiliy birikmasi sifatida talqin qildi. Shumpeter bevosita innovatsiyalarda iqtisodiy tizimlarning rivojlanish manbasini payqadi. Chunki o‘ziga xos kontent innovatsiyasi-bu o‘zgarishlar, ular beshta tipik o‘zgarishlarga e'tibor berib, ta'kidlaganlar:

1. Yangi texnologiyalar, yangi texnologik jarayonlar yoki yangi ishlab chiqarish bozorlarini ta'minlash;
2. Yangi xususiyatlarga ega mahsulotlarni joriy etish;
3. Yangi xom ashyolardan foydalanish;
4. Ishlab chiqarishni tashkil etish va ishlab chiqarishni moddiy-texnik ta'minotidagi o‘zgarishlar;
5. Yangi bozorlarning paydo bo‘lishi Shumpeter, JA (1934).

Bundan tashqari, u innovatsiya tushunchasidan foydalanib, uni o‘zgarishlar sifatida izohladi, uning maqsadi iste'mol tovarlarining yangi turlarini, yangi ishlab chiqarishni va yangi ishlab chiqarishni tashkil etish shaklidagi transport vositalarini joriy etish va ulardan foydalanishdir.

Innovatsiyalarni tavsiflashda Shumpeter bu jarayonda tadbirkorning rolini doimo ta’kidlab kelgan, chunki aynan tadbirkor harakatlantiruvchi kuch bo‘lib, yangi ixtirolarni amaliyotga tatbiq etuvchi va mukofot sifatida foydani oluvchi hisoblanadi.

Hamma ixtirolar innovatsiyaga aylanmaydi. Innovatsiyalar foyda keltiradigan va bozor talabini qondiradigan ixtirolardir. Boshqacha qilib aytganda, ilm-fan tufayli amalga oshadigan g‘oya paydo bo‘ladi va keyingi qadam bu g‘oyani tijoratlashtirish bo‘lib, ixtironi innovatsiyaga aylantiradi, daromad keltiradi. Unda shunday deyilgan: agar ilm-fan pulni bilimga aylantiradigan jarayon bo‘lsa, innovatsiya bu bilimlarni qo‘shilgan qiymat bilan pulga o‘zgartiradigan jarayondir.

Tadbirkorlikning rivojlanishida ilmiy-texnikaviy yangiliklar asosiy omil sifatida yuzaga chiqadi. Innovatsiyalar iqtisodiy muhitni o‘z tendentsiyasidan yuqori tendentsiyaga o‘zgartirib, hayajonni keltirib chiqaradi, ya’ni optimistik muhitni shakllantiradi. Boshqa tomondan, ta'lim va malakaning yaxshilanishi tufayli ishchi kuchi va boshqaruvning malaka darajasi oshadi. Vaqt o‘tishi bilan, ishlab chiqarishning texnologik darajasiga yuqori darajada erishish bilan, ishchi kuchining innovatsion xususiyatlari eng tez o‘sadigan xususiyatlardir, chunki malakali ishchi kuchi nafaqat yangi texnologiyalarni tezroq o‘zlashtiradi va ulardan samaraliroq foydalanadi, balki ishlab chiqarishda ham bu texnologiyalarni yaratadi. Ushbu texnologiyalarning qo‘llanilishi mamlakatda raqobatchilik muhitini rag‘batlantiradi, alohida korxonalarning raqobatbardoshligi asosida rivojlanadi. Har bir korxona raqobatbardoshlik bilan ta'minlangan afzalliklarga erishish uchun o‘zining innovatsion strategiyasini qo‘llaydi. Biroq, muvaffaqiyatli kompaniyalarning evolyutsiyasi va rivojlanishi tabiati o‘xshash bo‘ladi, chunki kompaniyalar innovatsiyalarga asoslangan raqobatdosh ustunliklarni yaratadilar.

Mamlakatimiz korxonalaridagi innovatsion jarayonlar kuchsizligining sababi quyidagi holatlardadir:

- sanoat sohasida ishlaydigan olimlar sonining kamligi, shuningdek, ishchi kuchida olimlar va tadqiqotchilar ulushining pastligi;
- yuqori texnologiyalarni patentlash sohasiga kirmaslik;
- ishlab chiqarish sektori va universitetlar o‘rtasidagi zaif hamkorlik;
- innovatsiyalarni rag‘batlantirishning nisbatan muvaffaqiyatsizligi va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari faoliyati;
- biznesni boshlash uchun murakkab protseduralar; texnologik ta’lim sifatining yetarli emasligi.

Yuqoridagilardan xulosa qilishimiz mumkinki, innovatsiyalar asosiy harakatlantiruvchi kuchdir. So‘nggi yillarda buni nafaqat iqtisodchilar, balki siyosatchilar ham tushunishmoqda. Bu tushuncha O‘zbekistonda qabul qilingan ko‘plab normativ-huquqiy hujjatlarda ham o‘z aksini topgan. Asosiy maqsadlarga erishish uchun yalpi ichki mahsulotning 3 foizini ilmiy-tadqiqot ishlariga yo‘naltirish, ya’ni bandlik darajasini 70 foizga yetkasish, byurokratiyani qisqartirish va tadbirkorlikni rag‘batlantirishni amalga oshirish kerak. Bu muammolar hal etilsa, mamlakatimizda iqtisodiyotimiz innovatsion jihatdan rivojlanishda katta muvaffaqiyatlarga erishadi.

Xususan, ychta asosiy ustuvor yo‘nalish ajratib ko‘rsatish mumkin:

- ta’limga va intelektual mulkni shakllantirish va ko‘paytirishga sarmoya kiritish;
- sanoat va xizmat ko‘rsatish sohasida raqobatbardoshlikni kuchaytirish;
- mehnat bozorida monomarkazlar tashkil etish;
- xususiy sektorda ilmiy-tadqiqot ishlarini rag‘batlantirish

Ko‘rinib turibdiki, yuqorida aytib o‘tilgan barcha holatlarda raqobatbardoshlikni oshirish innovatsiyalar bilan bog‘liq bo‘lib, mamlakatlar va alohida korxonalar o‘rtasida muvofiqlashtirilgan, samarali bilim almashinuvi bilan tadqiqot va bilimlarni kengaytirish uchun umumiy makonni yaratish zarurati aniqlandi. Gap nafaqat texnologiyalarni tadqiq etish va ishlab chiqarishni, intellektual mulk huquqlarini himoya qilishni qo‘llab-quvvatlash zaruratida, balki innovatsiyalarning tarqalishi va tarqalishini ta’minlash zarurligidadir, chunki joriy etish jarayonida kutilgan samarani beradigan innovatsiyalardir. Bugungi kunda O‘zbekiston tabiiy resurslaridan foydalanishga tubdan yangicha yondashuvni maqsad qilgan. Buning yorqin namunasi yangi UzGTL zavodi tabiiy gazni chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo‘shimcha qiymatga ega mahsulotlar ishlab chiqarishning yo‘lga qo‘yilganidir. Bu kabi yirik loyihalar tufayli O‘zbekiston bosqichma-bosqich tabiiy gaz xomashyosi eksportidan voz kechib, neft mahsulotlari importini kamaytirmoqda. Bu esa, energetik mustaqilligimizni mustahkamlashga salmoqli hissa qo‘shilayotganidan dalolat beradi. Nafaqat O‘zbekiston, balki MDH mamlakatlari ichida eng yirik investitsiya loyihalardan biri hisoblanadigan mazkur UzGTL majmuasi ham innovatsion ishlab chiqarish namunasidir.

Mamlakatimizda erishilayotgan yutuqlar bilan birgalikda hal yechimini kutayotgan muammolar mavjud:

- tadbirkorlarимиз biznesni boshqarishda yetarlicha malakaga ega emaslar;
- ular ichki va tashqi risklarni, innovatsiyalarga bo‘lgan ehtiyojni va jahon bozoridagi o‘z holatini yetarlicha baholay olmaydilar;
- korxonalarni rivojlantirish, raqobatbardoshlikni oshirishga yetarlicha e’tibor qaratilmagan;
- ishbilarmonlik muhitini tashkil etish va innovatsiyalarni rag‘batlantirish tuzilmasini ishlab chiqishda ham ko‘plab muammolar mavjud.

Юқоридаги фиклардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тависяларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- sanoatda raqobatbardoshlik va mahsuldorlikni oshirish;
- innovatsion texnologiyali mahsulotlar ulushini oshirishni rag‘batlantirish, ishlab chiqarishni ko‘paytirish va eksport tarkibida ulushni oshirish;
- ilg‘or boshqaruvni qo‘llashni kengaytirish.

Shunday qilib, global dunyoning chekka chekkasida qolib ketmaslik uchun yagona mumkin bo‘lgan yechim bu - ilm-fan va ilmiy- tadqiqotlarni , innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirish, ular o‘rtasida aloqa o‘rnatish, mamlakatning eng yaxshi resursi hisoblanadigan ishchi kuchidan unumli foydalanish.

Г.Х Кайпназарова – Қорақалпоқ давлат университети, “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти, мустақил тадқиқотчи

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИК ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий иқтисодиётда корхоналар мустақил хўжалик фаолиятини юритувчи субъект сифатида олиб қаралади. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик шаклланишида хам корхоналарнинг ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни амалга ошириши учун тегишли ишлаб чиқариш омилларига эга бўлиши масаласига ҳам тўхталган. Корхона фаолияти самарадорлигининг яна бир муҳим шарти – ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳисобланади. Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги нисбат жуда хилма-хил вариантларда бўлиши назарий жиҳатдан очиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, корхона, маҳсулот, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, самарадорлик, мутаносиблик, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш функцияси.

Аннотация.В данной статье предприятия рассматриваются как независимыми субъектами современной экономической деятельности. Также, при формировании соотношения между факторами производства в малом бизнесе предприятия должны иметь соответствующие факторы производства для осуществления производства, работ и услуг. Ещё одним важным условием эффективности предприятия является соотношение между факторами производства. Соотношение между факторами производства теоретически обосновано в разных вариантах.

Ключевые слова: экономика, предприятие, товар, производство, сервис, эффективность, пропорциональность, производственные факторы, производственная функция.

Abstract. In this article, enterprises are considered as independent subjects of modern economic activity. Also, when forming the ratio between the factors of production in a small business, enterprises must have the appropriate factors of production for the implementation of production, work and services. Another important condition for the efficiency of the enterprise is the ratio between the factors of production. The ratio between the factors of production is theoretically substantiated in different versions.

Keywords: economy, company, product, production, service, efficiency, proportionality, factors of production, production function.

Замонавий иқтисодиётда хўжалик фаолиятини юритиш корхона шаклида амалга оширилади. Корхона – бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган мустақил хўжалик юритувчи субъект[1].

Корхона ўз фаолиятини, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни амалга ошириши учун тегишли ишлаб чиқариш омилларига, яъни мазкур жараёнларда иштирок этувчи иқтисодий ресурсларга эга бўлиши лозим. Булар қаторига асосан ер, капитал, меҳнат

[1] Предприятие (company). - https://economic-definition.com/Business/Predpriyatie_Company__eto.html

ва тадбиркорлик қобилияти киритилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фан-техника тараққиётининг тобора ривожланиб бориши билан билим, ахборот, технология кабиларни ишлаб чиқаришнинг мустақил омиллари сифатида ажратиб кўрсатиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқариш омиллари билан тўлиқ ва етарли даражада таъминланганликка боғлиқ. Тўлиқ таъминланганлик – бу сифат кўрсаткичи бўлиб, ишлаб чиқаришнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланувчи омилларнинг турлари бўйича тўлиқ қамраб олинишини англатади. Етарли даражада таъминланганлик эса устун равишда миқдор кўрсаткичини ифодалаб, ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши ҳамда кўзда тутилган натижага эришиши учун ҳар бир омилнинг миқдор жиҳатдан мослигини англатади. Ҳар иккала жиҳат шартлари қондирилганда ишлаб чиқариш жараёни ўзининг юқори самарадорлигига эришади.

Корхона фаолияти самарадорлигининг яна бир муҳим шарти – ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳисобланади. Шунга кўра, А.А.Григорьев, Л.И.Шкалаберда ишлаб чиқаришга “бу мақсадга мувофиқ фаолият жараёни бўлиб, унда доимо ишлаб чиқариш омиллари ўртасида маълум мутаносиблик амал қилади”[1], деган таъриф бериб, мутаносибликни ишлаб чиқаришнинг муҳим шарти сифатида кўрсатадилар.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқаришни ташкил этишда унинг омиллари ўртасидаги мутаносибликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур масалада А.Е.Иваньков “Ишлаб чиқаришни ташкил этиш барча ишлаб чиқариш омилларининг уйғунлашган ҳолда амал қилишини, уларнинг мутаносиб нисбатини, ўзаро бир-бирини алмаштиришини ва ҳ.к.ни таъминлайди”[2], деб таъкидлайди. Ушбу ўринда муаллиф ишлаб чиқаришнинг шунчаки, стихияли эмас, балки самарали ва оқилона тарзда ташкил этилиши жараёнини назарда тутади. Яъни, ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам уларнинг омиллари ўртасидаги ўзаро мутаносиб нисбатни табиий ёки автоматик тарзда таъминлай олмайди.

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги нисбат жуда хилма-хил вариантларда таркиб топиши мумкин. Бу ҳар бир ишлаб чиқаришнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқади. Мазкур нисбатни илмий манбаларда ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодаланади.

Ишлаб чиқариш функцияси (Production function) – бу ишлаб чиқариш омиллари тўплами билан мазкур омиллар тўплами ёрдамида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг энг юқори ҳажми ўртасидаги боғлиқлик. Ишлаб чиқариш функцияси доимо аниқ бўлиб, муайян технологияга мўлжалланган бўлади. Агар янги технология қўлланилса, демак, янги ишлаб чиқариш функцияси пайдо бўлади.

Ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида маҳсулотнинг муайян ҳажмини

[1] Григорьев А.А., Шкалаберда Л.И. Теория производства и реалии рыночной экономики. - https://www.rea.ru/ru/org/managements.pdf

[2] Иваньков А.Е. Экономическая теория. 2008. - http://www.tamognia.ru/faq/detail.php?ID=1600348

ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатларнинг энг оз миқдори аниқланади. Ишлаб чиқариш функциялари, улар орқали ишлаб чиқаришнинг қандай тури намоён бўлишидан қатъий назар, қуйидаги умумий хусусиятларга эга бўлади:

1) ишлаб чиқариш ҳажмини фақат бир турдаги ресурс сарфини ошириш ҳисобига кўпайтириш имконияти чекланган (масалан, битта бинога чексиз сондаги ишчиларни жойлаб бўлмайди, чунки ҳаммага ҳам жой етишмаслиги мумкин);

2) ишлаб чиқариш омиллари ўзаро бир-бирини тўлдирувчи (масалан, ишчилар ва асбоб-ускуналар) ҳамда ўзаро бир-бирини ўрнини босувчи (масалан, ишчилар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш) бўлиши мумкин.

Нисбатан умумий ҳолда ишлаб чиқариш функциясини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$Q = f (K, L, M, T, N),$$

бу ерда: Q – ишлаб чиқариш ҳажми; K – капитал; L – ишчи кучи; M – хом ашё, материаллар; T – технология; N – тадбиркорлик қобилияти.[1]

Фикримизча, мазкур ишлаб чиқариш функциясидаги эркин ўзгарувчилар – ишлаб чиқариш омиллари расман тенг куч ёки аҳамиятдаги кўрсаткичлар ҳисоблансада, бироқ амалда, иқтисодий жараёнлар давомида улар ўртасидаги таъсир кучи ўз даражасига кўра фарқланади. Шартли равишда мазкур омилларни “мутаносибликни белгилаб берувчи” ҳамда “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” кўрсаткичларга ажратиш мумкин. Масалан, йирик автоматик линиялар билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришида кўпинча капитал (K) “мутаносибликни белгилаб берувчи” омил ҳисобланса, ишчи кучи (L) ва хом ашё, материаллар (M) “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омиллар ҳисобланади.

Шу ўринда кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни шаклланишининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) кичик бизнес корхоналарининг миқдорий чегараларини белгилашда асосан ишловчиларнинг ўртача сони мезонидан фойдаланганлик сабабли “мутаносибликни белгилаб берувчи” омил сифатида ишчи кучи (L)нинг майдонга чиқиши;

2) кичик бизнес корхоналарида кичик қувватли, ихчам ва автоном ҳолда ишловчи қурилма ва жиҳозлардан устун равишда фойдаланишнинг капитал (K)ни “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омилга айлантириши;

3) кичик бизнес корхоналарининг молиявий имкониятлари чекланганлиги моддий захирани шакллантириш чегараларини қисқартириб, натижада хом ашё, материаллар (M)нинг ишчи кучи (L) ва

[1] Производственная функция. - https://www.economicportal.ru/ponyatiya-all/production_function.html

капитал (К)га нисбатан “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омил сифатида намоён бўлиши ва ҳ.к.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиниши ҳамда тегишли равишда оқилона нисбатнинг таъминланиши корхона фаолияти самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

N.A Abduqodirova – SamISI o‘qituvchisi
U Xudoyberdiyev – SamISI o‘qituvchisi

AHOLINI RO‘YXATGA OLISH-MAQSADI, VAZIFALARI VA AHAMIYATI

Annotatsiya: Maqolada aholini ro‘yxatga olishning vazifalari, maqsadi va ahamiyati hamda aholini ro‘yxatga olish bo‘yicha tayyorgarlik: tashkiliy va metodik prinsiplari yozilgan. Ro‘yxatga olish natijasida aholi soni, tarkibi, xududlar bo‘yicha joylanishi bo‘yicha ishonchli ma’lumotlar olinadi.

Kalit so‘zlar: Aholi soni, ro‘yxatga olish, aholi tarkibi, xududlar bo‘yicha joylashuvi.

Аннотация: В статье разъясняются задачи, цель и значение переписи населения и подготовка к переписи: организационно-методические основы. Перепись дает достоверную информацию о населении, составе и местоположении.

Ключевые слова: Население, перепись, структура населения, размещение по регионам.

Abstract: The article explains the tasks, purpose and significance of the population census and preparation for the census: organizational and methodological foundations. The census provides reliable information about the population, composition and location.

Keywords: Population, census, population structure, regional distribution.

O‘zbekiston aholisini 2021 yil yozida 35,0 milliondan oldi deb habar qilishdi. Lekin bu joriy hisob ma’lumotlaridir. Aholining aniq, ishonchli soni, hududlar bo‘yicha joylashuvi, ma’lumoti, Yoshi, ish bilan bandligi va shu kabi boshqa ma’lumotlar aholini yoppasiga, to‘liq ro‘yxatga olinganda aniqlanadi. O‘zbekiston aholisni ohirgi marta 1989 yil yanvarida shunday ro‘yxatga olingan edi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “ O‘zbekiston Respublikasida 2022 yilda aholini ro‘yxatga olishni o‘tkazissh konsepsiyasini tasdiqlash tog‘risida” 2019 yil 5 fevraldagi PF-5655-son Farmoni qabul qilindi. Pandemiya sharoitida aholini ro‘yxatga olishni puxta o‘tkazish, yaxshi tayyorgarlik kurish maqsadida aholini ro‘yxatga olish 2023 yilga ko‘chirildi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 11 noyabrdagi 710-son “O‘zbekiston Resoublikasida 2023 yilda aholini ro‘yxatga olishga olishga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazish chora- tadbirlari to‘g‘risida” gi qaroriga asosan uni 2023 yil 1-25 noyabr kunlari o‘tkaziladigan bo‘ldi.

Aholini ro‘yxatga olishdagi 30 yildan ko‘proq davrda (2023-1989-yil)

mamlakat aholisini tarkibida ancha o‘zgarishlar; tug‘ilganlar, vafot etganlar, ko‘chib ketganlar va ko‘chib kelganlar bo‘ldi..

XX asrning 80-yillarida yahudiylar, krim tatarlari O‘zbekistondan ko‘chib ketaboshladi, keyinchalik mesheti turklari, russlar va qozoqlar ko‘chib keta boshladi. Natijada migratsiya saldosi manfiy bo‘lib, yangi kelganlar sonidan ko‘chib ketganlar soni ko‘p bo‘ldi. Buni statistik ma’lumotlar ham tastiqlab turibdi. O‘zbekistonga 1994 yilda 221747 kishi ko‘chib kelgan bo‘lsa, 360661 kishi ko‘chib ketgan, saldo-138914 kishi, 1999 yilda 162559 kishi ko‘chib kelgan bo‘lsa, 224656 kishi ko‘chib ketgan, saldo -62097 kishi. Shuni ham takidlash kerakki keying yillarda ko‘chib kelganlar va ko‘chib ketganlar soni tenglashmoqda. Shuning uchun ham Vazirlar Mahkamasining Qarorida “Aholini ro‘yxatga olishning tashkiliy va metodik prinsiplarini, dasturiy- texnik ta’minotini va ma’lumotlarini qayta ishlashning texnalogik jarayonlarini sinovdan o‘tkazish, davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimyati organlari raxbarlarining aholini ro‘yxatga olishga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazish jarayonlaridagi ma’sulyatini yanada oshirish” belgilangan. Qarorda O‘zbekiston Resoublikasi Davlat Soliq qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi, Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligiga 2021 yil 1-aprelga qadar aholini punktlari, va ko‘chalar nom belgilarini o‘rnatish, xonadon va uylarni to‘liq raqamlash ishlarini bajarish yuklailgan.

Aholini ro‘yxatdan o‘tkazish, BMT ningYevropa iqtisodiy komisiyasi, Aholishunoslik jamg‘armasi, MDH Davlatlararo Statistika qo‘mitasi kabi xalqaro tashkilotlar taklif va tavsiyalari inobatga olingan holda o‘tkazilmoqda. Aholini ro‘yxatga olishga doir meyoriy-huquqiy hujjatlar, uslubiy qo‘llanmalar, dastur va savolnoma, birlamchi ma’lumotlarni kiritish va qayta ishlash bo‘yicha axborot tizimini sinovdan o‘tkazish maqsadida 2021-yil 1-25 noyabr kunlari Andijon viloyatining xo‘jaobod, Toshkent viloyatining Yuqori chirchiq, Toshkent shahrining Yangiobod tumanida va Xorazm viloyatining Xiva shahrida aholini sinov tariqasida ro‘yxatga olish o‘tkazildi.

Aholini yoppasiga to‘liq ro‘yxatdan o‘tkazishdan asosiy maqsad, ularning haqqoniy, ishonchli sonini va tarkibini (yoshi, jinsi, millati, oilaviy ahvoli va shu kabi) aniqlash, aholining hududlar bo‘yicha joylashganligini, ish bilan bandligini, ma’lumot darajasini va shu kabi ko‘rsatkichlarni o‘rganish hisoblanadi. Bu ma’lumotlar o‘z navbatida kelgusida mamlakat va uning hududlarini ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlarni rivojlantirish, iqtisodiy strategiya-ni asoslash uchun kerak bo‘ladi. Hududlar aholisining yosh tarkibini aniqlab, o‘rganib qayerlarga qancha maktabgacha ta’lim muassasalari (bolalar bog‘chalari), maktablar qurish kerakligi, mehnat qilish va ish bilan band bo‘l-magan aholi sonini hududlar bo‘yicha aniqalab, ko‘proq va resurslar mavjudligi sharoitidan kelib chiqib, qanday sanoat tarmoqlarini rivojlantirish yoki qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtirishni ko‘paytirish lozimligi rejalashtiriladi.

Xudular bo‘yicha aholining aniq soni aniqlangandan keyin, ushbu hudularda ijtimoiy soha ob’yektlarini, shu jumladan,umumiy ovqatlanish korxonalarini joylashtirish ham rejalashtiriladi.

Aholining hududlar bo‘yicha joylashganligi asosida sog‘liqni saqlash va ma’daniy-ma’rifiy muassasalar joylashtiriladi. Xullas, aholini yoppasiga ro‘yxatdan o‘tkazish muhim tadbir bo‘lib, hamma aholining faol ishtirok etishi ularning konstitutsaviy burchidir. Aholini yoppasiga ro‘yxatdan o‘tkazish ma’lumotlari mamlakat va hududlarini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni prognoz qilish, demografik jarayonlarini o‘rganish bo‘yicha ilmiy ishlarda muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.

О.Кулжанов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти
Д.Шарахматов – Тошкент молия институти магистранти

“ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ” ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Аннотация: ушбу тезисда пахта-тўқимачилик кластерларининг хорижий давлатлар қўллаган услублари ва занжирли ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг хориж тажрибалари ёритиб берилган. Шунингдек хориж тажрибаларини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ривожланиш стратегияси, инновацион кластер, илмий-тадқиқот муассасалари, инвестициялар, ресурс тежамкор технологиялар, замонавий техникалар, ишлаб чиқариш занжири, қўшилган қиймат, захираларни режалаштириш, харажатларни дисконтлаш, ахборот технологиялар.

Аннотация: В тезисе описаны методы хлопково-текстильных кластеров, применяемые зарубежными странами, и зарубежный опыт выращивания сельскохозяйственной продукции с внедрением цепного производства. Также рассмотрено развитие сельского хозяйства с использованием зарубежного опыта.

Ключевые слова: Стратегия развития, инновационный кластер, научно-исследовательские институты, инвестиции, ресурсосберегающие технологии, современные технологии, производственная цепочка, добавленная стоимость, планирование запасов, дисконтирование затрат, информационные технологии.

Abstract: The tezis describes the methods of cotton-textile clusters used by foreign countries, and foreign experience in growing agricultural products with the introduction of chain production. The development of agriculture using foreign experience is also considered.

Keywords: Development strategy, innovation cluster, research institutes, investments, resource-saving technologies, modern technologies, production chain, value added, inventory planning, cost discounting, information technology.

Кириш. Ҳозирги кунда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат нефть, газ, химия, биотехнология, фармацевтака, информатика, автоқурилиш, транспорт логистика, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини

юксалтиради, инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагок кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ва илмий-тадқиқот марказлари янги илмий - услубий ишланмаларни яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароитлар пайдо бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда халқаро кластер координаторларини тайёрлаш илмий марказлари ва кластер проектлари бўйича Кенгашлар пайдо бўлади.

АҚШни барча штатларида илғор технологияларга эга агросаноат кластерлари кенг тарқалган. Йирик агрокластерлар Вашингтон, Оклахома, Луизиана штатларида, вино ишлаб чиқариш Калифорния штатида жойлашган. Юқори самарада фаолият кўрсатаётган кластерларни Силикон водийсидаги “Ахборот технологиялар”, Голливуддаги “Кинофикация” кластерлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Европада (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Голландия, Англия, Швейцария, Дания ва бошқа давлатларда) юқори технологияли агрокластерлар кенг ривож топган.

Францияда аграр корхоналар, таълим ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш асосида европа ва жаҳон технология ва новация бозорларига чиқиш мақсадида 1986 йили Монпелье шаҳрида “Агрополис” уюшмасини тузишди.

Англияда 2001 йилдан бошлаб инновацион агросаноат кластери – Стокбридж технологик марказ ёпиқ грунтда деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик соҳаларида тадқиқотлар ва таълим дастурларини ўтказишмоқда. Ушбу марказ 70 гектар суғориладиган ерга, 40та компьютер орқали бошқариладиган 12 дан 1000 кв.метргача ҳудудга тенг майдонларда жойлашган замонавий иссиқхоналар ҳамда юқори технологиялар билан жиҳозланган лабораторияларга эга.

Австрияда ҳам кластерларни ихтисослаштиришга, агросаноат ва илмий-тадқиқот корхоналарининг ўзаро алоқаларини рағбатлантиришга, инновация дастурларини бошқариш тартибидаги тўсиқларни камайтириш ҳамда рақобатбардош марказларни шакллантиришга кўпроқ аҳамият беришади.

Дания қишлоқ хўжалигида чорвачилик деҳқончиликка қараганда устувор аҳамиятга эга, деҳқончилик маҳсулоти кўпроқ озуқага ишлатилади, чорвачиликда сут йўналишининг аҳамияти гўшт соҳасига қараганда юқорироқ хисобланади, шунинг учун ҳам сут маҳсулоти кластерлари (масалан таниқли «Молочная вертикаль» кластери) кенг тарқалган.

Чили ҳукумати кейинги 30 йил ичида виночилик соҳасида интеграциялаш ва замонавий технологиялар билан жихозланган йирик компаниялар сафини кенгайтириш билан жаҳон бозорида ўз улушини оширишга дадил қадам қўйди. Шу мақсадда виночилик кластери тузилди.

Унинг таркибига тармоқ ичидаги ўзаро бир бирига боғлиқ уюшмалар, таълим муассасалари, давлат ташкилотлари ва агентликлар, илмий-тадқиқот марказлари, тармоқ оммавий ахборот воситалари, товар етказиб берувчилар ва пудратчилар кирди. Европадан таниқли майпазлар мамлакатига ўз сармоялари, янги технологиялари, маҳсулот маркетинги ва экспортга жўнатиш имкониятлари билан қайтиб келишди. Натижада вино экспорти бўйича Чили жаҳон бозорида бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Россияда ҳам иқтисодиётни барча соҳаларида, ш.ж. агросаноат комплексида, кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича 200дан кўп лойиҳалар амалга оширилмоқда. Иқтисодий тараққиёт вазирлиги 2008 йилда қабул қилган «Ҳудудий-саноат кластерларини ривожлантириш Концепцияси" уч блокдан иборат: кластерларни институционал тараққиётига ёрдам бериш; кластерда қатнашувчиларни рақобатбардошлилигини кўтариш; кластерларни тараққиёт этиши учун қулай шароитларни яратиш.

Кластерлар Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финляндия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган.

Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой, ва Туркия давлатлари енгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқат ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда.

Кластерларни шакллантириш жараёни Жануби-Шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония, ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Масалан, Германияда яқин вақтгача минтақавий кластерлар ривожланиши давлат аралашувисиз кечар эди. Бироқ 2003 йилда хукумат кластер ташаббусларига жиддий эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, юқори технологияли соҳаларни лойиҳалашда амалга оширилди. Давлат нафақат маҳаллий, балки бошқа манбалар ҳисобидан саноат ва илмий марказлар куч-ғайратини бирлаштиришни кўзда тутмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тўқимачилик саноатида вертикал интеграциялашган тизим самарали ва рақобатбардош бўла олади, бу тизим пахта хом ашёсини етиштириш ва дастлабки ишлов беришдан бошлаб, то уни пахта заводларида кейинги қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга (яъни ип-калава, трикотаж, газлама ва кийим-кечакка) айлантиришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Иқтисодиётда янгича, замонавий ёндашувларни жорий этмасдан туриб, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулот яратишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан "Ўзпахтасаноат" АЖ ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргалик-да пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ҳудудида жойлашган 16та пахта тозалаш корхонаси ва 68та пахта тайёрлаш пункти

хатловдан ўтказилиб, уларнинг ҳолати баҳоланди. Тўқимачилик саноатини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари белгиланди. Ўзбекистонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кластерлаштириш асосида жадал ривожлантириш "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Қабул қилинган қарорларда ўз моҳиятига кўра, миллий иқтисодиётимиз учун янги бўлган, саноатнинг илғор тури кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида "пахта хомашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот" шаклидаги ёпиқ занжирдан иборат, юз фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш кўзда тутилган эди.

Бу ерда сўз нафақат пахтакор хўжаликлар тамонидан анъанавий тарзда хомашё етиштириш ҳақида, балки пахтани қайта ишловчи, ёғ-экстракция ва бошқа корхоналарда бирламчи пахта хомашёси ҳамда ғўзапояни қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратиш ҳақида бормоқда. Бунда пахтани қайта ишловчи ва ёғ-экстракция корхоналарида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот (пахтани йигиришдаги қолдиқлар, шрот, шелуха каби) кейинчалик чорвачилик комплексида ишлатилади, чорвачилик комплексининг чиқитлари эса – биогаз қурилмасида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланиб, кейинчалик сабзавот ва кўкатлар етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхоналарга узатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Қарори билан илк тажрибавий саноат кластерининг яратилиши қуйидаги мақсадларга қаратилган эди:

- таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги иштирокини камайтириш;
- агросаноат комплексини инновацион усулда ривожлантиришнинг интеграциялашган кластер тизимини яратиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;
- пахта хомашёсини етиштиришга самарали усулларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш;
- аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш.

Ушбу тажрибавий саноат кластерларининг пировард мақсади – юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу асосида ҳудудларга кўпгина муаммолар, яъни меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, бюджетни тўлдириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишдан иборат эди.

Табиий савол туғулади: пахта-тўқимачилик кластери нима дегани?

Бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини беради.

Муҳтарам Президентимиз хомашёни сотиб эмас, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, моддий манфаатдор бўлиш зарурлиги ҳақида кўп бора гапириб, бунга эришишнинг йўлларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, бу йўл билан ҳозиргидан кўра ўн мартагача кўпроқ моддий бойликка эга бўлиш мумкин. Бу борада таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини чуқурлаштиришнинг аҳамияти, янги технология-ларни жорий этишнинг ўта муҳимлиги ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Б.Ш. Хусанов– Главный научный сотрудник Самаркандского регионального отделения Центра экономических исследований и реформ, к.э.н., доцент.

СВОЙСТВА ЭЛЕМЕНТОВ СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Аннотация: В статье раскрыты элементы и свойства социального обеспечения позволяющие правильно понять закономерность его движения, это дает возможность отметить не только понятие целей развития системы, но и правильность корректировки и целенаправленности её свойств, анализ сложных элементов социального обеспечения так же важен для выявления индивидуальных подходов не противоречащих их фундаментальным экономическим развитиям реальной системы социального обеспечения.

Ключевые слова: система, социальное обеспечение, наука, финансовая защита,элимент, самореализация

Abstract: The article reveals the elements and properties of social security, allowing to correctly understand the pattern of its movement, this makes it possible to note not only the concept of the goals of the system development, but also the correctness of the adjustment and purposefulness of its properties, the analysis of the complex elements of social security is also important for identifying individual approaches that do not contradict them fundamental economic developments of a real welfare system.

Keywords: system, social security, science, financial protection, maintenance, self-realization

Annotatsiya: Maqolada ijtimoiy ta'minotining nazariya elementlari ochib berilgan,bu nafaqat tizim rivojlanishining maqsadlarini tushunish, balki ularni ongli ravishda tuzatishga imkon beradi.

Annotatsiya: Maqola ijtimoiy ta'minotining qonuniy harakatlarini to‘g‘ri tushunishga imkon beradi nazariya elementlari va xususiyatlarini ochib berilgan. Bu nafaqat tizimni rivojlantirish maqsadlari kontseptsiyasini, balki uni yunalishini to‘g‘riligi va maqsadga muvofiqligini ham qayd etish imkonini beradi. Shuningdek ijtimoiy ta’minotning murakkab elementlarini tahlil qilish, real farovonlik tizimining fundamental iqtisodiy rivojlanishiga zid bo‘lmagan individual yondashuvlarni aniqlash uchun ham muhimdir.

Kalit so‘zlar: tizim, ijtimoiy ta’minot, fan, moliyaviy himoya, element, o‘zini o‘zi amalga oshirish.

Неотъемлемым свойством системы социального обеспечения, позволяющим правильно понять закономерности ее движения, является целенаправленность. Системный анализ исключает предположение об анархичности движения и функционирования систем социального

обеспечения. Каждая из них подчинена реализации той или иной цели, которая предопределяет особенности ее развития и функционирования. При этих условиях характерной чертой таких сложных социальных систем, как социальная защита, социальная помощь является осознанность целей их развития. Она дает возможность не только понимания целей развития системы, но и осознанной их корректировки.

Другим примером сознательной корректировки задач функционирования системы социального обеспечения могут быть наблюдаемые в последнее время отказ многих выплат от цели и их ориентация на стабильную, гарантированную социальную выплату. Это привело к изменению характера выплат.

Исключительно важна для понимания каждого элемента социального обеспечения их способность к самореализации. Их движение всегда сопровождается воздействием внешних объектов. В зависимости от направленности они могут существенно влиять как на отдельные элементы системы, так и на нее в целом. При таких обстоятельствах упомянутое выше стремление системы социального обеспечения сохранить качественную определенность будет обуславливать необходимость введения таких изменений, которые обеспечивали бы жизнеспособность системы в изменившихся условиях. В этой связи главное условие жизнеспособности и эффективности системы социального обеспечения – это регулирование и развитие.

Действительно, эта способность становится для систем механизмом «естественного отбора» элементов социального обеспечения. Для систем социального обеспечения отсутствие или низкая степень развитости не приводит автоматически к их устранению, а первоначально воздействуют на показатели эффективности его функционирования. Социально-экономическим системам свойственна высокая степень неопределенности протекаемых в них процессов. Это выражается в том, что на практике очень трудно однозначно определить все особенности наблюдаемого процесса, а главное – выявить все последствия и характер его воздействия на различные элементы системы. Может породить множество негативных явлений, в частности, резкое ускорение инфляции и рост цен, намного возросшие масштабы безработицы, колоссальные дефициты платежных и торговых балансов, кризисное состояние государственного бюджета, понижение темпов развития большинства отраслей экономики. Однако свойство самонастройки вызвало такие процессы, которые оказались исключительно эффективными в среднесрочном и долгосрочном плане. Среди них – диверсификация источников формирования, расширение использования альтернативных источников (то есть средств хозяйствующих субъектов и специальных внебюджетных фондов).

Полная реализация задач исследования затрудняется свойством неполной наблюдаемости, присущим всем элементам социального обеспечения, и возможность активного использования их позволяют в

какой-то степени нейтрализовать неопределенность ряда процессов, протекающих в этой системе.

Последнее из важнейших свойств системы социального обеспечения – регулируемость. С точки зрения целенаправленной деятельности человека – потребителя средств социального обеспечения – по познанию и изменению степени его уязвимости – это один из главных его качеств. Его использование дает возможность вносить соответствующие изменения в функционирование внешней среды или в элементы и связи самой системы. При правильном учете особенностей системы социального обеспечения его реакция на эти изменения приводит к желаемым результатам. Наиболее яркий пример управляемости системы социального обеспечения – государственное регулирование. Так, резкое повышение уровня инфляции и ставки рефинансирования являются мерой воздействия на один элемент системы, которое привело к ряду изменений в социальном обеспечении. Они заключались, прежде всего, в массовом приливе капиталов из-за границы, стимулировавшем хозяйственную активность в стране, оказались фактором внешней среды, на который отреагировали элементы социального обеспечения.

Важное положение, связанное с управляемостью, как раз и состоит в том, что регулирование систем может осуществляться только путем воздействия на его элементы. Как правило, внешняя среда остается фактором, находящимся вне поля их целенаправленного непосредственного воздействия. Именно невозможностью воздействия на этот внешний по отношению к ней фактор обусловлены трудности в регулировании цен.

Другое важное понятие – это «внешняя среда». Правильное определение границы между социально-экономической системой и внешней средой, т.е. вычленение системы из этой среды, представляет один из главных инструментов системного подхода к формированию социального обеспечения. Проведение такой границы в каждом случае зависит от поставленных задач.

Правильное использование системного подхода к свойствам социального обеспечения позволяет значительно упростить исследование процессов формирования его сегментов.

Среди наиболее сложных проблем применения системного подхода следует назвать его информационное обеспечение, без которого даже правильно построенные модели окажутся неприемлемыми для принятия научно обоснованного решения по регулированию элементов социального обеспечения.

Ш.С. Олтаев – СамИСИ доцент в.б., и.ф.н.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – МИЛЛИЙ ИННОВАЦИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация: Ушбу мақолада инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш - миллий инновация тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили тўғрисида мулоҳазалар юритилган бўлиб, юқори самарали технологияларни жорий этишнинг янги механизмлари, илм-фан ҳамда техниканинг устувор йўналишларини жадал ривожлантириш мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается комплексная поддержка инновационной деятельности - важный фактор развития национальной инновационной системы, разрабатываются новые механизмы внедрения высокоэффективных технологий, опережающее развитие научно-технических приоритетов, важные направления масштабной экономической деятельности. реформы.

Abstract:This article discusses the comprehensive support of innovative activities - an important factor in the development of the national innovation system, develops new mechanisms for the introduction of high-efficiency technologies, the rapid development of science and technology priorities, important areas of large-scale economic reforms. .

Калит сўзлар: инновацион фаолият, миллий инновация тизими, микроинновациялар, инновацион фаоллик, конструкторлар, муҳандислар, самарали фойдаланиш, инновациялар, риск, тадбиркор, тадбиркорлик.

Ключевые слова. инновационная деятельность, национальная инновационная система, микроинновации, инновационная деятельность, конструкторы, инженеры, эффективное использование, инновации, риск, предпринимательство, предпринимательство.

Keywords:innovation activity, national innovation system, microinnovation, innovation activity, designers, engineers, efficient use, innovation, risk, entrepreneurship, entrepreneurship.

Агар микроинновациялар ва яхшиловчи инновациялар тадбиркорнинг ташаббуси билан ва унинг маблағлари ҳисобига ўйлаб чиқилиши ва ижро этилиши мумкин бўлса, иқтисодиётда чуқур ўзгаришларга сабаб бўладиган асосий ва муҳим инновациялар тўртта асосий куч - давлат, фан, тадбиркорлар ва жамиятнинг ўзаро алоқа қилиши, ҳамкорлигини кўзда тутади. Бу кучларнинг ҳар бири ўз манфаатларига эга бўлиб, бу ҳамкорликда ўзига хос функцияларни бажаради ва инновациялардан олинадиган қўшимча фойдадан, инновациялар маҳсулидан фойдаланишда ўз улушига эга бўлиши лозим.

Инновацион фаоллик тадбиркорлик фаолиятининг асоси ҳисобланади. Тадбиркор олий унвонига бозор иқтисодиётида фаолият юритаётган ташкилот ёки корхонанинг рақобат курашида муваффақиятга эришиш учун доимий равишда янгиликлар излаш ва қўллашга мойил бўлган раҳбаргина муносиб. Бу тадбиркорларга юқоридан берилган қисмат ҳам, маънавий бурч ҳам эмас. Бу қаттиқ рақобат курашида жон сақлаш эҳтиёжи амр қиладиган жиддий ҳаётий заруратдир.

Инновационлик бу - рақобат қонуни, бозор иқтисодиётининг зарурий хусусияти бўлиб, у ёки бу бозор тизими усиз турғунликка, бошқалар томонидан сиқиб чиқарилишга ва ҳалокатга маҳкумдир. Бизнингча исталган мулкчилик шаклидаги тадбиркорларнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда қуйидагиларни аниқ фарқлай олиш зарур:

биринчидан, тадбиркорларни инновациялар рискли йўлига туришга ундайдиган стимуллар;

иккинчидан, тадбиркорлар учун инновацияларни амалга ошириш имкониятлари;

учинчидан, тадбиркорларнинг инновацион фаоллигини тўхтатиб турадиган чекловлар.

Одатда тадбиркорларни инновацияларга ундайдиган стимуллар нафақат уларнинг бозорда сифатлироқ, рақобатбардошлиги баландроқ ва тамомила янги маҳсулот сотиши эмас, балки муваффақиятли инновациялар ҳақиқатда фойда ва ҳатто қўшимча фойда ҳам келтиради. Бироқ бу қўшимча фойда инновацион бўсаға йўлида ётади, уни босиб ўтиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, чунки янги маҳсулот ва технологияни ўзлаштириш даврида юқори харажатлар талаб қилинади.

Бундан ташқари, янги ёки яхшиланган маҳсулот (товар ёки хизмат) харидорлари ўзини қандай тутиши, бозор уни қанчалик қабул қилиши, харажатларнинг ўзини қоплаши ва сотув ҳажмидан умидлар ўзини оқлаши маълум эмас. Бунинг устига, янги маҳсулот охирига етказилмаган, доим ҳам бартараф этиб бўлмайдиган жиддий камчиликларга эга бўлиши ва кутилган самара чиройли бир орзу, хомхаёл бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли тадбиркор етти ўлчаб бир кесишига, яъни бironта янги ишни бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришига тўғри келади. Бироқ тадбиркорни барибир инновацион риск томон юришга ундайдиган куч бор. Бу бозор рақобати кучидир.

Рақобат қонуни тадбиркорларни фойданинг пасайиши, рақобат-бардошликни йўқотиш ва банкрот хавфи остида рискли инновацион йўл тутишга мажбур қилади. «Мен бўлмасам, бошқаси» қоидаси амал қилади. Бозор нафақат бозор «ниша»лари учун, балки харидорлар талаби ва мойиллиги учун ҳам курашадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларга тўла. Ким хотиржам бўлиб, тортишувларда чарчаб қоладиган, бу мусобақада ортда қоладиган бўлса, эртами-кеч бозордаги ўз ўрнини йўқотади ва хонавайрон бўлади. Бу хавф ҳар бир тадбиркорга - хоҳ кичик, хоҳ йирик тадбиркор бўлсин - таҳдид солиб туради.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига олинган илмий-техник фаолият натижаларига эгалик қилиш ҳуқуқини тақсимлашда бундай натижаларга эгалик қилиш алоҳида ҳуқуқларини давлатга бириктириб қўйиш, уларнинг тақдирини амалдорлар кўриб чиқиши учун бериш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳуқуқларни ижрочиларга (мамлакат хавсизлиги ва мудофаасига тегишли бўлган ихтиролардан ташқари) бепул бериш ҳақидаги таклиф асослироқ кўринади. Бу ихтиролар ва илмий-техник

фаолиятнинг бошқа натижаларидан инновацион фойдаланишда тадбиркорларнинг ташаббуслари ва масъулияти ўсишига хизмат қилади.

Бироқ янги тартибни жорий қилишда учинчи ва асосий ҳамкорни - ўз ғояларини ихтиролар ва илмий-техник фаолиятнинг бошқа натижаларида мужассам этган ижодкор шахсни эсдан чиқармаслик керак. Олимлар, конструкторлар, муҳандислар, янги самарали техник ғояларнинг бошқа муаллифлари ва уларни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар бунда вужудга келадиган фойда ва қўшимча фойдадан кафолатланган улуш олишлари лозим. Давлат маҳаллий интеллектуал мулкларни хорижда ҳимоя қилишда ҳам фаол рол ўйнаши лозим.

Ҳозирда унинг сезиларли улуши хориж фирмаларига деярли бепул бериб юборилмоқда ва уларга кўплаб даромад келтирмоқда. Дастурлар ва бошқа интеллектуал маҳсулотлар экспортидан, офшор дастурлашни ривожлантиришдан кўп миллиардли даромад олаётган Ҳиндистон тажрибасини ҳисобга олиш лозим. Бу ерда гап табиати бўйича инновацион характерга эга бўлган билимлар жамияти, гуманистик-ноосфера постиндустриал цивилизацияси шаклланиши даврида жамият ривожланиши ва иқтисодиётда давлатнинг ролини қайта кўриб чиқиш хақида боради. Бундай жамиятда ўтмишда қолиб кетаётган индустриал цивилизацияга хос бўлган давлатнинг иқтисодиётдаги ролига бўлган иккала ёндашуви умуман мақбул эмас.

Жамиятдаги асосий бойликлар мулкдори ва бошқарувчиси, асосий инвестор ва инноватор сифатида давлатнинг чексиз ҳукмронлик концепсияси иқтисодиётнинг осойишта ривожланиш, давр чақириқларига тўғри жавоб беришга қодир бўлмаган бюрократ амалдорлар аппарати зўравонлиги шароитларида ўзининг самарасиз эканлигини кўрсатди. Интеллектуал маҳсулот кимнинг ташаббуси билан ва қайси маблағлар ҳисобига яратилганлигидан қатъи назар, гап мамлакат бойлигининг энг муҳим қисмидан самарали фойдаланиш ҳақида кетмоқда.

Хулоса қилиб айтганда ихтироларга аризаларни баҳолаб ва экспертизадан ўтказар экан, давлат патент идораси уларнинг орасидан энг истиқболли ва самаралиларини танлаб олиши ҳамда улардан мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар янги маҳсулот ва технологиялар яратишда фойдаланишига кўмаклашиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иқтисодиёт назарияси. Ш. Ш. Шодмонов, У. В Ғафуров.
2. Иқтисодиёт назарияси. Б. Й. Ходиев, Ш. Ш. Шодмонов; Тошкент-2017.
3. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. А. В Вахабов, Д. А. Таджибаева, Ш. Х. Хажибакиев; Тошкент-2015.

A.B. Xushvaqov – QarMII tayanch doktoranti

MINTAQADA KAMBAG‘ALLIK TUSHUNCHASINING NAZARIY VA HUQUQIY ASOSLARI

Annotatsiya: Maqolada kambag‘allik tushunchasiga ta’rif berilgan, mintaqada kambag‘allikni qisqartirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning shart-sharoitlari, tamoyillari, xorij tajribasi va undan samarali foydalanish yo‘llari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: kambag‘allik, kambag‘allik qisqartirish, kambag‘allik darajasi, ishsizlik, qashshoqlik.

Аннотация: В статеь дано определение понятия бедности, изложение условия, принципы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в регионе, зарубежний опыт и пути его эффективного использования.

Ключевие слова: бедность, уровень бедности, безработица, бедность.

Abstract: the article describes the concept of poverty, describes the conditions, principles, foreign experience and ways of using it more effectively in the development of small business and private entrepreneurship in the reduction of poverty in the region.

Keywords: poverty, poverty rate, unemployment, poverty.

Бу эса, ўз навбатида, ахборот технологиялар соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатиш корхоналари учун бизнес фаолият, талаб. Самарқанд вилоятида компьютер дастурларини ўрнатиб бериш, жойида ходимларга ўргатиш ва ишлатиш жараёнида носозликлар ва тушунмовчиликларга аниқлик киритиш хизматлари таклифлари мавжуд, бу борада юридик ва жисмоний шахслар фаолият юритишмоқда.

Бу корхоналар хизматлари сифатини ошириш, мижозлар мутахассислари билан онлайн мулоқот орқали хизмат кўрсатиш бу йўналишнинг бозор салмоғини оширишга олиб келади. Ундан ташқари, тадбиркорларга янги-янги тайёр амалий дастурлар таклиф этиш, уларни тадбиркорлик субъектлари амалиётига жорий этиш ахборот технологияларининг бошқаришни ва технология жараёнлар сифатини оширишга, уларга вақт ва маблағ сарфларини камайтиришга олиб келади.

Корхона ва ташкилотлар учун дастурлар тайёрлаб бериш хизматлари. Корхона ва ташкилотлар учун дастурлар (ишланмалар) тайёрлаб бериш (ишлаб чиқиш) хизмати бозорда охирги пайтларда ривожлана бошлаган йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай тайёр амалий дастурни жорий қилишда корхона хусусиятларини дастурга ўтказиш қийин бўлади, чунки тайёр дастур одатда ҳар қандай корхонанинг бир хил жараёнларини, хўжалик операцияларини (масалан, бухгалтерия ҳисоби, кадрлар ҳисоби, товар-моддий бойликлар ҳаракати оператив ҳисоби ва ҳоказо) компьютерлаштиришга мўлжалланган бўлади.

Бу дастурлар орқали баъзи ҳолларда бошқариш функцияларини

автоматлаштирилгандан кейин корхонанинг ўзига ҳос жараёнлари кўплиги сабабли бир қатор жараёнларни қамраб олиш имкони бўлмай қолади. Бу ҳолларда автоматлаштириш даражасини ошириш, бошқарув аппарати ходимлари иш унумини таъминлаш мақсадида индивидуал дастурлар ишлаб чиқишга тўғри келади.

Ахборот технологиялари бозорида корхонанинг фаолияти хусусиятларига мос келадиган индивидуал дастурлар ишлаб чиқиш хизматлари ҳам мавжуд, уларнинг улуши ҳозирча кам бўлсада, буюртмалар бор, бу хизмат турига ҳам талаб ошиб бориш эҳтимоли жуда катта.

Бу йўналишни ривожлантириш учун корхоналарга аниқ ва натижадор таклифлар бўлиши керак. Буларни эса юқори малакали дастурчилар уддалай олишлари мумкин. Бир қатор олий таълим муассасаларида, айниқса, кейинги 5 йилда Ўзбекистонда очилган хорижий олий таълим муассасалари филиаллари ва факультетларида, ахборот технологияларига, унинг муҳим таркибий қисми бўлган дастурлашга ўқитиш жадал ривожланмоқда.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда ахборот технологиялари соҳасида мукаммал биладиган мутахасисларни кам. Дастурчиларни кўпайтириш борасида мамлакатимизда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси эълон қилиниб, унга асосан Full-Stack, Андроид иловалар, Front-End ва Маълумотлар таҳлилчиси йўналишларида онлайн платформа орқали камида бир миллион Ўзбекистон ёшлари ўқитилиши белгиланиб, бугунги кунда республика бўйича бу дастурни муваффақиятли тугатиб, сертификат соҳиблари бўлганлар сони юз мингдан ошди. Бу ёшлар ҳам яқин келажада дастурчилар сафида салмоқли ўрин эгаллашлари мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда ахборот технологиялар соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаятган хизмат турларидан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларни шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин: ўқув курслари, консалтинг хизматлари ва дастурлар (ишланмалар) тайёрлаб бериш (ишлаб чиқиш). Бу йўналишларнинг барчаси яқин келажакда юқори талаб билан фойдаланилиб, яқин келажакда ўсиш суръатлари бошқа хизмат турларига нисбатан юқорилиги қолади.

Ахборот технологиялар соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик қилиш учун, биринчи навбатда, салоҳиятли кадрлар улушини ошириш, олий таълим муассасаларида бу йўналишда кадрлар тайёрлашни кўпайтириш зарур. Бугунги кунда кадрлар етишмовчилигини юмшатиш мақсадида қисқа муддатли курсларда кадрларни ўқитиб таёрлаш керак.

Консалтинг хизматлари ва амалий дастурлар ишлаб чиқиш хизматларини бозорга олиб чиққанда, кадрлар масаласини ҳал қилиш билан бирга, бу хизматларга талабни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон ёшлари “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

Т.Досчанов – Иқтисодиёт кафедраси профессори, УрДУ,
С.О Чўпонов – УрДУ, Менежмент ва маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси

АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Abstract. This article analyzes the issues related to the development of innovative services, thereby increasing employment, welfare, quality and standard of living.

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы, связанные с развитием инновационных услуг, тем самым повышая занятость, благосостояние, качество и уровень жизни.

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион хизматларни ривожлантириш, бу орқали аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар таҳлил қилинган.

Keywords: Innovative services, types of innovative services, employment, welfare, intellectual technological innovations.

Ключевые слова: Инновационные услуги, виды инновационных услуг, занятость, благосостояние, интеллектуальные технологические инновации.

Калит сўлар: Инновацион хизматлар, инновацион хизматлар турлари, аҳоли бандлиги, фаравонлик, интеллектуал технологик инновациялар.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобаллашув шароитида хизматлар соҳаси жадал суръатлар билан ривожланаётган истиқболли соҳалардан бирига айланиб бормоқда ва мамлакатлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида инновацион хизматлар турларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида хизматларнинг инновацион йўналишларидан бўлган таълим хизматлари, дастурлаш хизматлари, интеллектуал мулк, инженеринг ва бошқа истиқболли хизматлар турларини жадал суръатларда ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, хизматлар экспортини ўстириш асосида мамлакатимиз инновацион ривожланиши учун ҳар томонлама фойдали тараққиёт йўлига ўтишни таъминлайдиган устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу эса яқин келажакда аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини оширишда муҳим ўрин тутади.

Хизматлар соҳаси нисбатан катта капитал харажатларсиз аҳоли учун янги иш ўринларини яратишда, ЯИМ ҳажмининг ошишида мамлакат иқтисодиётининг асосий устувор тармоқларидан бўлиб, у иқтисодий-ижтимоий ўсишни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта заҳиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги даги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради”[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 16 июндаги хизмат кўрсатиш ва

Инновациялар барча иқтисодий жараёнлар субъектлари учун фойдали бўлган иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилидир. Инновациялар хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини, тежамкорлигини ва албатта юқори сифат кўрсаткичларининг асоси ҳисобланади. Инновациялар корхоналар учун бозорларга киришда рақобатбардошликни таъминласа, мамлакат учун макроиқтисодий кўрсаткичларни ўстиришга хизмат қилади.Инновацион ривожланишнинг асосини мамлакатда таълимга бўлган эътибор, рақамли ва билимларга асосланган иқтисодиёт, ҳамда эркин ва очиқ иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Мамлакат ва минтақада хизматлар иқтисодиёти ривожида инновацион хизматларнинг ўрни бошқа иқтисодий омиллар ичида энг устуворларидан ҳисобланади. Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг истеъмолчиларга ўзлари таклиф қиладиган хизматларнинг қанчалик сифатли, рақобатбардошлиги ҳамда бозор талабига мувофиқлиги ушбу хизмат турларининг қай даражада замонавий услубларга асосланишига, илғор технологиялардан фойдаланилишига, юқори малакага эга бўлган кадрларга таянишига ёки умумлаштириб айтганда, субъектларнинг инновацион фаолияти билан баҳоланади.

Таҳлилларимиз натижасида шуни таъкидлаш лозимки, инновацион хизматларни янада юксалтиришда ҳар бир хизмат турининг шаклланиш босқичидан бугунги даражасигача босиб ўтилган йўлни, эришилган ютуқ ва камчиликларни ҳамда келажакда жаҳоннинг хизматлар савдоси яхши йўлга қўйган мамлакатларидаги каби натижаларга эришишда ҳар бир хизмат тури истиқболига алоҳида ёндашув талаб қилинади. Минтақада салоҳияти юқори бўлган ва ривожланиб бораётган туризм ва транспорт турлари олинадиган бўлса, уларнинг ибтидоси узоқ ўтмишда ҳам мустаҳкам асосга эга бўлган, яъни мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашиб, “Буюк ипак йўли” гуллаб-яшнаган даврларига бориб тақалади. Тарихий нуқтаи назардан ушбу хизмат турларининг халқаро савдоси турли хил низолар оқибатида ёки яқин ўтмишдаги собиқ Совет иттифоқининг ёпиқ иқтисодиётга асосланиши сабабли таназзулга учраган ёки деярли тўхтаб қолган даврлари ҳам бўлди. Республикамизнинг мустақилликка эришиши туфайли ушбу хизмат турларига бўлган эътибор, яратилган имкониятлар, турли шаклдаги ва ҳажмдаги имтиёз ва эркинликларнинг берилиши, айниқса, охирга йилларда чиқарилган ҳукумат қарорлари ва соҳага инновацион технологияларнинг жалб қилинаётгани ушбу хизмат турларининг жадал суръатларда ривожланишига олиб келди. Буларга янги транспорт-логистика йўллари марказларининг очилиши, деярли тўхтаб қолган темир йўл орқали юк ташишнинг янада ривожлантирилиши, қўшни давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг чуқурлашуви, ички ва ташқи туризм жадал ривожланиши учун катта имкониятлар

ички туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. https://xs.uz/uzkr/site/search?q=2020-06-16.

яратилаётганлиги ва бошқа бир қанча омилларни санаб ўтиш мумкин.

Ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бўлган аҳолини иш билан банд этиш масалаларини бартараф этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти айниқса беқиёсдир. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлиги даражасини ошишига жиддий таъсир қилади, аҳоли турмуш даражасини яхшилайди. Бундан ташқари, мазкур соҳада янги иш ўринларини ташкил қилиниши бюджетнинг истеъмолга ажратиладиган харажатларини камайтиради ва махсус жамғармаларга пул тушумини оширади, тадбиркорликнинг турли самарали хизмат соҳаларида фаолият олиб боришини кенгайтиради.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳар йили 132 мамлакатлар ўртасида “Глобал инновацион индекс” рейтингини аниқлаб боради. Инновациялар бугунги дунё иқтисодиёти дуч келаётган муаммоларга қарши курашишнинг энг самарали йўли ҳисобланади.

2021 йилги Глобал инновацион индекс рейтинги[1]

ГИИ даги ўрни	Мамлакатлар	Индекс кўрсаткичи
1	Швейцария	65,5
2	Швеция	63,1
3	АҚШ	61,3
4	Буюк Британия	59,8
5	Жанубий Корея	58,6
6	Нидерландия	57,8
7	Финландия	57,3
8	Сингапур	55,0
9	Дания	54,8
10	Германия	54,5
45	Россия	36,6
79	Қозоғистон	28,6
86	Ўзбекистон	27,4
98	Қирғизистон	24,5
103	Тожикистон	23,9

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” [2] ги Фармонининг асосий мақсади 2030 йилга бориб мамлакатимизни глобал инновациялар индекси рейтингида дунёнинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига киритишдан иборат. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида, Ўзбекистон Республикаси ушбу рўйхатда 2015 йилдаги 122-ўриндан 2021 йилга келиб 86-ўринга кўтарилишига эришилди. Шунга қарамасдан, юқоридаги жадвалларга асосан, етакчи мамлакатлар билан қиёслаганда

[1] https://www.wipo.int/global_innovation_index/en/2021 2021 йилги Глобал инновацион индекс рейтинги.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистонда илм-фанга ажратилган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улуши анча кам, яъни, 2013 йилда 0,20%, 2015 йилда 0,17%, 2017 йилда 0,16% ва 2020 йилда 0,20% ни ташкил қилган.

2020 йил 29 октябрда қабул қилинган ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” [1] ги Фармонида илм-фанга ажратилаётган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улушини 2021 йилда 0,5%, 2025 йилгача 1,2% ва 2030 йилга бориб 2% га етказилиши белгилаб берилган.

Юқорида кўзланган инновацияга асосланган иқтисодиётга эришишда етакчи мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда, миллий тизимга мос инновацион йўналишларни танлаш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизматларнинг улуши, хизматлар таркибида эса замонавий, инновацион хизматларнинг миқдори ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда кескин фарқ қилади. Хизматларнинг келажакда аҳоли фаравонлигини янада юксалтириш, бандлигини ошириш ва уни миллий иқтисодиётимиздаги улушини ошириб, етакчи мамлакатлар иқтисодиёти қаторига қўшишнинг энг ишончли ва ягона йўли бу билимларга ва технологияларга асосланган инновацион хизматлар турларига жадал ўтиш ҳисобланади.

A. Vaxidov – Andijon davlat universiteti, katta o`qituvchisi

ISHSIZ YOSHLAR RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING JAHON TAJRIBASI

Аннотация: Maqolada yoshlar bandligini ta`minlashda ularning mehnat bozoridagi raqobatbardoshligini tutgan o`rni tahlil qilingan. Sanoati rivojlangan mamlakatlarda bandlik va mehnat bozorini raqobatbardosh yosh mehnat resurslarni tayorlash tizimi o`rganib chiqilgan. Mazkur davlatlar tajribalaridan mamlakatimizda ishsizlikni qisqartirish va aholining ijtimoiy zarur mehnat bilan bandligini ko`paytirish bo`yicha foydalanish imkoniyatlari yoritilgan.

Kalit so`zlar: aholi bandligi, ishsizlik, mehnat bozori, raqobatbardosh, bandlik dasturlari, xorijiy tajriba.

Аннотация: В статье проанализирована роль занятости молодежи в обеспечении ее конкурентоспособности на рынке труда. В промышленно развитых странах изучена система занятости и рынок труда молодых конкурентоспособных трудовых ресурсов. Освещены возможности использования опыта этих государств в целях сокращения безработицы и увеличения занятости населения общественно необходимым трудом.

Ключевые слова: занятость населения, безработица, рынок труда, конкурентоспособность, программы занятости, зарубежный опыт.

Abstract: The article analyzes the role of youth employment in ensuring its competitiveness in the labor market. In industrialized countries, the employment system and the labor market of young competitive labor resources have been studied. The possibilities of using the experience of these states in order to reduce unemployment and

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони

increase the employment of the population with socially necessary labor are highlighted.

Keywords: employment, unemployment, labor market, competitiveness, employment programs, foreign experience.

Mamlakatimizda bozor munosabatlari jadallik bilan rivojlanib rivojlanayotgan hozirgi sharoitda mamlakatda aholiga xizmat ko`rsatish, bandlik muammosini samarali hal etish orqali ularning turmush darajasini yaxshilash hozirgi kunda eng asosiy dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Turli xizmatlar ko`rsatish orqali, birinchidan, aholining xizmatlarga bo`lgan ehtiyojlari qondirilsa, ikkinchidan, ish bilan band bo`lmagan mehnat resurslarini ish bilan ta`minlash muammosi hal etiladi, uchinchidan mamlakat aholisining turmush darajasi yaxshilanishi hamda aholi daromadlarining ko`payishiga olib keladi. Shuning uchun ham tanlangan mavzu doirasidagi yoshlarga sifatli ta`lim xizmatlar ko`rsatish orqali, ularni mehnat bozorida raqobatbardoshliligini oshirish hamda munosib ish bilan ta`minlash erishish ilmiy tadqiqotlarning eng muhim yo`nalishlaridan biri hisoblanadi.

Bugungi kunda mehnat bozori, ayniqsa, uning yoshlar segmenti beqarorligi sharoitlari bandlik siyosatini yanada takomillashtirish va korxonaga zamonaviy texnologiyalar va asbob-uskunalar bilan ishlay oladigan, strategik fikrlash, tovarlar va xizmatlarga talab tarkibidagi o`zgarishlarga tezkor va moslashuvchan javob qaytarish qobiliyatiga ega bo`lgan yosh xodimlar oqimini ta`minlash zaruratini belgilab beradi. Shu munosabat bilan ishsiz yoshlar raqobatbardoshligini oshirishda yordam ko`rsatish tizimini takomillashtirish bo`yicha ilmiy asoslangan boshqaruv qarorlarini qabul qilish alohida ahamiyatga ega. Ushbu tizimni bevosita iqtisodiyot tarmoqlarining ehtiyojlariga yo`naltirishga zarurat vujudga keldi.

So`nggi yillarda ishsizlarning bandlik xizmati organlarining xizmatlariga qiziqishining muayyan darajada pasayib ketganligi quyidagi shart-sharoitlar bilan izohlanadi:

– taklif etilayotgan bo`sh ish o`rinlarining ishsizlar kasbiga mos kelmasligi;

– bo`sh ish o`rinlariga to`lanadigan ish haqi miqdorining kamligi;

– ish o`rinlarining vaqtinchalik tavsifga egaligi;

– taklif etilayotgan aksariyat bo`sh ish o`rinlaridagi mehnat sharoitining og`irligi, zararli va xavfli ekanligi va h.k.

Respublikada yoshlar karerasini yo`lga qo`yishga yo`naltirilgan chora tadbirlar yetarlicha emas. Bizningcha, buni amalga oshirish uchun umumta`lim muassasasalarida o`qish boshlanishidan boshlashga bo`lg`usi kasbni ongli ravishda tanlashni ta`minlaydigan kasbga yo`naltirish vositalarini, mehnat bozorining hozirgi va istiqboldagi ehtiyojlarini to`g`ri qabul qilishni, yosh mutaxassisni ishga joylashtirish va kasbiy muhitga moslashtirish mexanizmlarini ta`minlashi lozim. Bundan tashqari, psixologik-kasbiy yo`naltirish amaliyotini o`rganish va ushbu sohada ilmiy-uslubiy tavsiyalar ishlab chiqish bo`yicha shug`ullanadigan maxsus respublika ilmiy-amaliy markazini tashkil qilish maqsadga muvofiq.

Bugungi kunda kadrlarni takror ishlab chiqarish mexanizmi ham samarali faoliyat ko`rsatmayapti. Bu holat ta`lim xizmatlari bozoridagi taklif tarkibining mehnat bozoridagi talab tarkibi bilan yaxshi muvofiqlashtirilmaganligi bilan bog`liq. Qator ixtisosliklar bo`yicha kadrlar taqchilligining o`sib borishiga qaramay, bunday holat saqlanib kelmoqda, bu esa davlat va ta`lim strukturalarining mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy sohasidagi o`zgarishlarga sekin javob qaytarishidan dalolat beradi.

Hozirgi kunda mamlakatimizda ta`lim tizimida keng kamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda, shu o`rinda ta`lim tizimidagi islohotlarni yo`nalishlarini belgilashda rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribalaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ishsiz yoshlar raqobatbardoshligini oshirishda kasbga yo`naltirish tizimining o`rni katta. O`tgan asrning 70-yillaridan boshlab ishsiz fuqarolarni kasbga yo`naltirish jahon tendensiyasiga aylandi. Kasbga yo`naltirish tizimini shakllantirish bo`yicha Shved modeli alohida qiziqish uyg`otadi. Modelning mohiyati shundan iboratki, kasb tanlash bilan bog`liq ilk qadam maktabning oltinchi sinfidan, ya`ni o`quvchilar 12 yoshga to`lganida boshlanadi. Bu yoshda maktab dasturining murakkablik darajasi tanlanadi.

Tayanch fanlarda (matematika, ingliz tili, boshqa tillar) umumiy va maxsus kurslarni, shuningdek, umumiy tavsifdagi qo`shimcha fanlarni tanlash mumkin. Bunday tanlov yana bir marta – ikki yildan so`ng amalga oshiriladi. Bu safar o`quvchilar turli gimnaziya dasturlari orasidan tanlaydilar (gimnaziya - 10-12 sinflar). Gimnaziyada nazariy (oliy ta`lim muassasalariga tayyorgarlik), nazariy va amaliy (o`quvchida mavjud bo`lgan ma`lumot (ta`lim)ni qo`shimcha to`ldir-gandan so`ng oliy ma`lumotga, shuningdek, bir nechta kasb bo`yicha asosiy ko`nikmalarga yo`l ochadi) hamda biroz nazariya bilan amaliy dasturlar (bu turli kasblarga tayyorgarlik dasturlari. Ular ikki yil yana ishlab chiqarishda bir yil amaliyotdan iborat bo`ladi) mavjud. Bu tadbirlar o`rtasida muntazam ravishda turli ish joylarida – yettinchi, sakkizinchi va to`qqizinchi sinflarda jami 6 hafta amaliyot shaklida kasbga yo`naltirish amalga oshiriladi. Amaliyot uchta turli sohada (masalan, savdo, odamlarga qarash va ishlab chiqarish) hamma uchun majburiy hisoblanadi. Gimnaziyada tanlash oldidan o`quvchilarga turli kasblarga ehtimoliy talab prognozi ko`rsatilgan holda bu kasblar tavsifi taqdim etilgan prospekt beriladi. Gimnaziyada o`qish davrida o`quvchilar kasbiy maslahatlar olish huquqiga ega. So`nggi o`quv yili davomida o`quvchilarning uyiga turli kasblar, ularga o`qish yo`llari, kelajakdagi istiqbollar va h.k. haqida axborot jo`natiladi. Mamlakat oliy ta`lim muassasalari ham o`z dasturlari haqida axborot tarqatadi. Tarmoq tashkilotlari va kasaba uyushmalari o`z kasblarini reklama qiladi.

Iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda o`qitishning amaliy tavsifi mehnat bozorida yoshlar raqobatbardoshligini oshirishning muhim omili bo`lib xizmat qiladi. Ta`lim muassasalari bilan korxona (tashkilot)larning integratsion aloqalari jarayonida iqtidorli talabalarni tanlab olish va ularni o`qishni tugatganidan so`ng ishga qabul qilishga imkon beradi. Masalan, «Lokxid»

korporatsiyasi AQShning 12 ta yetakchi universitetida o`z vakolatxonalariga ega bo`lib, bo`lg`usi xodimlarining 60 foizini aynan shu yerdan topadi.

Iqtidorli talabalar to`g`risidagi ma`lumotlar barcha ish beruvchilar tanishish imkoniyatiga ega bo`lgan milliy ma`lumotlar bankiga kiritiladi. Nafaqat AQShda, balki butun dunyoda universitetlar reytinglarida yetakchi pozitsiyalarni egallab turgan eng nufuzli oliy ta`lim muassasalari – Prinston, Garvard, Yel, Stenford, Kolumbiya, Pensilvaniya, Kornel universitetlari, Massachuset va Kaliforniya politexnika institutlari va boshqalarning bitiruvchilariga talab tadbirkorlarda eng yuqori hisoblanadi. Aynan ular fundamental tadqiqotlar o`tkazishga davlat mablag`larining katta qismini qo`lga kiritib, bu tadqiqotlarga talabalar majburiy tartibda jalb qilinadi, bu esa kelgusida ularning ichki va tashqi mehnat bozorida raqobatbardoshligining yuqori bo`lishini ta`minlaydi.
Xorijiy mamlakatlarda mehnat bozorida faol dasturlarni amalga oshirishga alohida e’tibor qaratilgan, ya`ni resurslarning sezilarli qismi faol dasturlar foydasiga (AQSh va Kanadada YaIM 0,4%idan Shvesiyada 2%gacha) qayta taqsimlanadi va bu bir qator sabablar bilan izohlanadi. Birinchidan, faol pozitsiya ish yo`qotganlarni qo`llab-quvvatlashdan ko`ra har bir fuqaroning ish joyini izlashga qaratilgan faolligini rag`batlantiradi, bu esa, o`z navbatida, ijtimoiy to`lovlar hisobiga daromadlarni qo`llab-quvvatlashga bog`liqlikni qisqartiradi (o`z navbatida, davlat byudjeti xarajatlarini ham kamaytiradi), ishsizlarning og`ir psixologik holati bilan bog`liq jamiyatdagi keskinlikni pasaytiradi (hatto ular yetarli darajada yuqori foyda olishi shartlarida ham).

Ikkinchidan, faol pozitsiya mehnat unumdorligini oshiradi, xususan, iqtiso-diyotni tarkibiy qayta qurishga xizmat qiladi, shu tariqa mehnat resursla-ridan foydalanish samaradorligini oshiradi, chunki uning asosiy vazifasi uning ish samarasi eng yuqori bo`ladigan, ya`ni uning alqiy va jismoniy qobiliyatlariga optimal ravishda mos keladigan ish joyini maksimal darajada tez topishidan iborat.

Mamlakatimizda bugungi kunda kadrlarni tayorlash va takror ishlab chiqarish mexanizmi ham samarali faoliyat ko`rsatmayapti. Bu holat ta`lim xizmatlari bozoridagi taklif tarkibining mehnat bozoridagi talab tarkibi bilan yaxshi muvofiqlashtirilmaganligi bilan bog`liq. Qator ixtisosliklar bo`yicha kadrlar taqchilligining o`sib borishiga qaramay, bunday holat saqlanib kelmoqda, bu esa davlat va ta`lim strukturalarining mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy sohasidagi o`zgarishlarga sekin javob qaytarishidan dalolat beradi.

Barcha sohalar singari ta`lim sohasidagi islohatlar samaradorligi bozor munosabatlari talablariga javob beruvchi, o`zgarishlariga moslashuvchan tizim yaratilishiga bevosita bog`liq hisoblanadi. Shuning uchun ta`lim tizimini isloh qilish jarayonida ta`lim tizimi rivojlangan ilg`or mamlakatlar tajribalaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Fikrimizcha, mamlakatimizda kadrlarni tayorlash va takror ishlab chiqarish sohasidagi davlat siyosati xorijiy davlatlar singari aniq usullar asosida ishlab chiqilishi kerak. Buning uchun quyidagilarni e`tiborga olish zarur deb o`ylaymiz:

milliy iqtisodiyotimizning xususiyatlaridan kelib chiqqan xolda yoshlarni zarur bo`lgan kasb-hunarlarga yo`naltiruvchi ta`lim tizimi bosqichlari(o`rta, o`rta-maxsus va oliy ta`lim)ni yaratish.

ta`lim tizimini yaratish jarayonida xalqaro mehnat bozoridagi o`zgarishlariga tez moslashish imkonini beruvchi ta`lim dasturlarini yaratish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abdurahmonov Q.X, Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O‘quv qo‘llanma. - T.: «Fan va texnologiya», 2013. - 536 b
2. Bartram. D.International Labour Migration.Foreign Workers and Public Policy.UK.2005.
3. Nikluas Steiner.lnternational Migration and Citizenship Today 1st Edition.USA.2009.

Brian Keeley.International Migration.The Human Face of Globalisation.France. 2009.

Обид Мамаюнусович Пардаев– СамИСИ мустақил тақиқотчиси, Молия вазирлигида бўлим бошлиғи

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАНҚИСЛИГИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда ичимлик суви танқислигини бартараф қилиш йўллари ёритилган. Бунда тоза ичимлик суви таъминотини амалга оширишнинг асосий йўналишлари инфратузилмаларни яратиш маҳаллаларда марказлашган тармоқ тортиш ва улашни йўлга қўйиш билан бирга ерости суви яқин ва тоза бўлган жойларда қудиқ қазиб сув иншоати қуриш масаласи ҳам қараб чиқилган. Қудиқ қозиш ва қувур тортиш имкони бўлмаган жойларда катта сиғимдаги ҳавуз барпо этиш ва унга сув ташиб келтириш лозимлиги асосланган.

Калит сўзлар: сув, ичимлик суви, сув танқислиги, сув таъминоти, сув иншоати.

Аннотация: В статье описаны пути преодоления дефицита питьевой воды в нашей стране. Основными направлениями обеспечения чистой питьевой водой являются создание инфраструктуры, налаживание централизованной сети в микрорайонах, а также строительство колодцев и водопроводных сооружений в районах, где грунтовые воды близки и чисты. В его основе лежит необходимость построить бассейн большой емкости и подвести к нему воду там, где нет возможности копать колодцы и прокладывать трубы.

Ключевые слова: вода, питьевая вода, дефицит воды, водоснабжение, водоснабжение.

Abstract: The article describes the ways to overcome the shortage of drinking water in our country. The main directions of the supply of clean drinking water are the creation of infrastructure, the establishment of a centralized network in the neighborhoods, as well as the construction of wells and water facilities in areas where groundwater is close and clean. It is based on the need to build a large-capacity pool and bring water to it where it is not possible to dig wells and lay pipes.

Keywords: water, drinking water, water shortage, water supply, water construction.

Ичимлик суви таъминоти бир томондан ўта зарур ва иккинчи томондан жуда нозик масалалардан биридир. Чунки ичимлик сувининг танқислиги йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Бунга сабаб бир

томондан аҳоли кўпайиб бормоқда ва мос равишда ичимлик сувига эҳтиёж ошиб бормоқда. Аммо сув ресурслари кўпайиш ўрнига йилдан-йилга камайиш тенденциясига ҳам эга бўлиб бормоқда. Шу туфайли мазкур масала давлатимиз раҳбарининг ҳамиша диққат марказида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда ичимлик суви танқислигини бартараф қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 8 февраль куни ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилашга йўналтирилган йиғилиш ўтказди. Ушбу йиғилишда ичимлик суви таъминоти бўйича жуда катта ишларни амалга оширилишига қарамасдан ҳамон ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўплиги ҳам қайд этилди. Хусусан, 1454 та маҳаллада марказлашган сув тармоғи ҳозиргача қилинмаган.

Мамлакатимизда ўзига хос сув таъминоти тизими мавжуд. Шу тизим орқали сув истеъмолчиларига тоза ичимлик суви тегишли ҳажм ва сифатда етказиб берилади. Сув инсон саломатлиги, яшаш сифатига таъсир қилувчи жуда муҳим неъмат. Шу туфайли сув таъминотида унинг камлигига ҳам, сифатининг пастлигига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу жараён нафақат ижтимоий, балки иқтисодий, ҳатто маълум даражада сиёсий жараён ҳамдир. Масаланинг ижтимоийлиги бевосита инсонлар саломатлиги, фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Сув таъминотининг иқтисодий жиҳати бевосита уни етказиб беришда қилинадиган харажатлар, зарур жараёнларни сув билан таъминлаб, маълум миқдорда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг фаолиятига таъсири, маълум миқдорда даромад олишга хизмат қилиши билан боғлиқ. Унинг сиёсий жараён эканлиги, мамлакатимизда сувнинг ҳаракати трансчегаравий бўлиб, бошқа мамлакатлардан олиб, маълум меъёрни яна бошқа мамлакатларга ўтказиш лозимлиги билан баҳоланади.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, “ҳозирги кунда бутун дунёда 17 та давлат “ўта юқори” даражада сув танқислигига учраган мамлакатлар ҳисобланади. Ўзбекистон мазкур кўрсаткич бўйича 164 та давлат орасида 25-ўринда. Шўрланиш сабабли ҳар йили 10 миллион гектар ер ташландиқ ерга айланиб бормоқда. 2050 йилга келиб, бутун дунёдаги қишлоқ хўжалиги ерларининг 50 фоиздан кўпроғи тупроқ сифати ва деградация (таназзулга учраши) билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши тахмин қилинмоқда”[1]. Албатта ушбу ҳолат бевосита Ўзбекистонга ҳам дахлдор. Чунки бизнинг ер ресурсларимиз худди шундай ҳолатго мойил. Айниқса Орол денгизининг қуриши ушбу омилни янада кучайишига олиб келмоқда. Шуни қайд этиш жоизки, “Дунё ресурслари институтининг прогнозларига кўра, 2040 йилга келиб, жаҳоннинг 33 давлати сувнинг ўта даражада танқислиги муаммоси билан тўқнашади. Бу мамлакатлар орасида Марказий Осиё давлатларининг барчаси мавжуд”лиги қайд этилган[2]. Сувнинг танқислиги жуда кўп

[1] Муҳайё Тошқораева. Мамлакатимизда сув танқислиги муаммосини бартараф этишнинг чоралари борми? – Вазир жавоб берди. ЎзА электрон партали. 11:16 / 05.01.2022

[2] Ўша жойда.

муаммоларни келтириб чиқаради. Буларнинг бевосита малакатимизга тегишли томонлари шундан иборат бўлиши мумкин:

- аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш меъёрларининг етарли даражада бўлмаслиги;
- аграр соҳага сув етказиб беришнинг узулишлари, ушбу соҳа тараққиётига салбий таъсири;
- қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликнинг пасайиб кетиши;
- аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашнинг мураккаблашиб бориши;
- мамлакат миқёсида озиқ оақат ҳавфсизлигининг вужудга келиши;
- қишлоқ аҳолисининг даромадларининг камайиши эвазига камбағалликнинг ортиб бориши кабиларни киритиш мумкин.

Шу туфайли мамлакатимизда сув таъминотини йўлга қўйиш учун сув тежамкорлигига қаттиқ риоя қилган ҳолда аҳолини ичимлик суви билан меъёр джаражасида таъминлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Бу бугунги кун талабидан келиб чиқадиган объектив вазият. Чунки аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти тизимига табиий манбалардан сув олишни, агар бу истеъмолчиларнинг талаблари билан боғлиқ бўлса, уни тозалашни ва истеъмол жойларига етказиб берилишини таъминлаши тадбирларини амалга ошириш ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Бундай муҳим вазифаларни бажариш учун одатда сув таъминоти тизимини шакллантиришни тақозо қилади. Бу тизимга қуйидагилар киради:

Изоҳлар:

1. Сув таъминоти манбаи.
2. Сувни қабул қилиш иншоати.
3. 1-насос станцияси.
4. Сувни тозалайдиган иншоат.
5. Тоза ичимлик суви резервуарлари.
6. 2-насос станциялари.
7. Сув узатгичлари.
8. Сув берувчи минора.
9. Сув тақсимловчи тизим.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бир қанча босқичларда (кетма-кетликларда) амалга оширилади. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (1-расм).

Турли ташкилотларнинг тадқиқотларига кўра, глобал иқлим таъсирида минтақамизда сув ресурслари камайиб бораверади. Бироқ аҳоли сонини йилдан-йилга ортиши, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ҳисобига сувга талаб ҳам ортиб боради. Мана шундай шароитда сув танқислигини юмшатишнинг ягона йўли сувни тежашдан эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Булардан кўриниб турибдики, сувдан оқилона фойдаланиш Ўзбекистон учун сув тақчиллигини камайтириш учун асосий омиллар-



1-расм. Сув таъминоти тизимининг кетма-кетлиги[1]

дан бири бўлиб қолаверади. Бу эса ўз навбатида, сув тежовчи технологияларни жорий этишни ва ичимлик сувини бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни тақозо қилади.

Сув олиш иншоотлари, улар ёрдамида сув табиий манбалардан олинади. Бунда сув кўтариш иншоотлари, яъни уни тозалаш, сақлаш ёки истеъмол қилиш жойларига сув етказиб берадиган насос станциялари ўрнатилади. Сўнгра сув тозалаш иншоотларини истеъмол қилиш жойларига ташиш ва етказиб беришга хизмат қилувчи сув қувурлари ва сув таъминоти тармоқлари барпо қилинади. Оқибатда, сув таъминоти тизимида тартибга солувчи ва захира резервуар ролини ўйнайдиган миноралар ва сув омборлари фаолияти ҳам йўлга қўйилади. Маҳаллий табиий шароитларга ва сув истеъмол қилиш хусусиятига, шунингдек, иқтисодий нуқтаи назарга қараб, сув таъминотида бироз фарқлар бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси тизимли равишда аҳолига ичимлик сувини етказиб беришга хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, ичимлик суви таъминоти хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолиятида бир қанча ютуқлар, кучли томонлари билан бирга зайиф томонлари ҳамда имкониятлар ва таҳдидлар ҳам йўқ эмас. Бундай шароитда ичимлик суви таъминотини такомиллаштиришда SWOT таҳлил усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, ушбу таҳлил соҳадаги мавжуд барча имкониятларни ишга солиш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

[1] Ушбу чизма мамлакатимизда амалга оширилаётган сув таъминоти тизими асосида шакллантирилди. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%92%D0%BE%D0%B4%D0%BE%D1%81%D0%BD%D0%B0%D0%B1%D0%B6%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5

Ичимлик суви таъминлашни яхшилаш бўйича учта йўналишда иш олиб бориш мақсадга мувофиқлиги айтилди. Буларнинг йўналишлари қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Тоза ичимлик суви таъминотини амалга оширишнинг асосий йўналишлари

Расмдан кўриниб турибдики, тоза ичимлик суви таъминотини амалга оширишнинг асосий йўналишлари инфратузилмаларни яратиш маҳаллаларда марказлашган тармоқ тортиш ва улашни йўлга қўйиш билан бирга ерости суви яқин ва тоза бўлган жойларда қудиқ қазиб сув иншоати қуриш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Агар қудиқ қозиш ва қувур тортиш имкони бўлмаган жойларда катта сиғимдаги ҳавуз барпо этиш ва унга сув ташиб келтириш кўзда тутилган. Нима бўлганда ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бугунги кунда устувор вазифалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, ичимлик сувининг танқислиги йилдан-йилга кескинлашиб борадиган бир шароитда мазкур мақолада илгари сурилган тавсиялар амалга ошадиган бўлса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳал қилинади.

Ш.Ш.Файзиева – ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
Р.Ж. Азимов– ҚарМИИ, иқтисодиёт мутахассислиги 2-курс магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШНИНГ ИНСОН КАПИТАЛИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мазкур мақолада жамиятда инсон капиталидан фойдаланиш орқали самарадорликни ошириш, хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш ҳамда тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлари тўғрисида ёритилган.

Калит сўзлар: Инсон капитали, инсон омили, хизмат кўрсатиш, аҳоли фаровонлиги, турмуш сифати, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий соҳа, инсон қадри

Аннотация. В данной статье рассматриваются приоритеты стратегии развития по повышению эффективности в обществе за счет использования человеческого капитала, совершенствования системы обслуживания.

Ключевые слова: Человеческий капитал, человеческий фактор, сервис, благополучие, качество жизни, здоровье, образование, социальная сфера, человеческое достоинство

Abstract. This article discusses the priorities of the development strategy to increase efficiency in society through the use of human capital, improving the service system.

Keywords: Human capital, human factor, service, well-being, quality of life, health, education, social sphere, human dignity

Замонавий шароитда инсон капитали тушунчасининг моҳиятини тушуниш учун у билан боғлиқ ишчи кучи, меҳнат ресурси, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили тушунчаларининг мазмунини назарий таҳлил қилиш зарур ҳисобланди. Ҳозирги кунга қадар ушбу тушунчаларнинг мазмуни, моҳияти борасида баҳслар, тортишувлар давом этмоқда. Бироқ, бу бир-бири билан боғлиқ тушунчалар иқтисодиёт фанининг таянч категориялари бўлиб, булар ўртасидаги мавжуд фарқли томонларни аниқлашни тақозо қилади. Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, юқоридаги иқтисодий тушунчалар ҳозир ҳам ўзининг муҳим аҳамиятини йўқотган эмас, балки замонавий иқтисодиётда уларнинг номланиши ҳам янгича талқинни талаб этмоқда.

Инсон омили тушунчаси юқорида келтирилган тушунчаларга нисбатан анча кенгроқ тушунчадир. Бу тушунчанинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, у нафақат ишлаб чиқариш муносабатларини ҳаракатга келтирувчи омил балки ўзининг таъсир этувчи омил кўринишидаги хусусиятлар яъни, эҳтиёжи, хулқ-атвори, ташаббускорли, тадбиркорлиги, қизиқишлари, узоқни кўра билиш хусусиятлари, ҳар қандай вазиятдан чиқишда тўғри қарор қабул қилиш хусусияти, фикри, ғояси, ўзига хос ноодатий фикрлаш қобилияти, ихтирочилик қобилиятлари билан ижтимоий ҳаётимиздаги барча муносабатларга таъсир этади ва биз бу омилни “инсон омили” деб атаймиз.

Ҳозирги ахборотлашган замонавий шароитда иқтисодий адабиётларда инсон капитали тушунчаси жуда кўп қўлланилмоқда. Иқтисодиётни ҳозирги ривожланиш босқичи, бошқа иқтисодий тизимлардан фарқли равишда, айнан номоддий ҳолдаги активлар яъни дастурий таъминотлар, ахборот ресурслари, интеллектуал билимлар, электрон ресурсларни яратиш ишлаб чиқаришнинг билимларга асосланган янгича усулига айланиб бормоқда. Ахборот, билимлар эса иқтисодий категория сифатида шаклланмоқда. Бунда иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб илмий кашфиёт ва ишланмалар хизмат қилади. Бундай янги иқтисодий тизимнинг юксалиши марказида инсон капитали туради.

Инсон капитали тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, унга биринчилардан таъриф берган ва тадқиқотлар олиб борган америкалик олимлар Теодор Шульц ва Гэри Беккердир. Бу олимларнинг инсон капитали борасидаги янгилиги ХХ- асрнинг иккинчи ярмида дунё иқтисодий тафаккурида кашф қилинган энг муҳим янгиликлардан бири бўлди. Бу оламшумул янгиликлари учун иккала олим ҳам Нобель мукофоти билан тақдирланишган. Т. Шульц таъкидлашича, камбағал инсон фаровонлигини ошиши ерга, техника воситаларига эмас, балки унинг билимларига боғлиқ. Ундан ташқари ушбу атама бўйича қуйидаги фикрларни айтган, инсон қобилиятларини барчаси туғма ёки ортирилган бўлади. Ҳар бир одам ўзининг туғма қобилиятларига хос индивидуал ген мажмуи билан туғилади. Инсон томонидан маблағлар билан орттирилган ёки кучайтирилган қобилиятларни биз “инсон капитали” деб атаймиз” деган. Унинг издоши Г.Беккер инсон хулқ-атворининг ўзига хос “иқти-содий ёндашуви”ни ажратиб ўзининг универсал методологик ёндашувини яратишга эришди. Унинг таъкидлашича, инсон капитали – бу, ҳар бир кишида мавжуд билим хазинаси, малака кўлами ва мотивациялар заҳирасидир. Инсон капиталининг жисмоний капиталдан фарқи шундаки, у алоҳида капитал тури бўлиб, унда ўхшаш ҳаракат қилади. Лекин унда бир қатор фундаментал тафовутлар ҳам борки, улар орасида бу капиталнинг ўз эгасидан ажралмаслиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Инсон капиталининг жамғарилиши жисмоний капитал сингари катта харажатларни талаб этади ва бу мураккаб инвестицион жараён билан боғлиқдир”.

Маҳаллий олимларимиздан А. Ўлмасов ва А. Ваҳобовлар инсон капитали - бу кишиларнинг ҳаётий неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроки ва куч қувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади деган фикрларни билдиришган. Инсон капитали тушунчаси билан юқоридаги тушунчаларни ўзаро таҳлил қиладиган бўлсак, масалан инсон капитали тушунчасининг негизини ишчи кучи, жисмоний ва ақлий қобилиятлари ташкил этади. Ишчи кучида ҳам инсон капитали мавжуд. Инсон капитали инсон ресурсларининг таркибий қисмидир. Мамлакатдаги миллий инсон капиталининг сифати шу мамлакатнинг меҳнат патенциали белгилаб беради. Инсон ўзидаги билим, тажриба, кўникмалари билан ҳар қандай

ижтимоий муносабатларга кучли таъсир этар экан демак у умумий маънода энг зўр инсон омилидир десак хато бўлмайди. Иқтисодий қонунларни тушуниш учун иқтисодий категорияларни билиш зарур бўлганидек, замонавий шароитдаги янги иқтисодий муносабатларни тушунишимиз ва мослашишимиз учун у билан боғлиқ барча тушунчаларни яхши ўзлаштиришимиз лозим. Бугунги кунда нега ишчи кучи, меҳнат ресурслари эмас балки инсон капитали тушунчасига кўпроқ урғу берилмоқда. Бунинг энг муҳим сабабларидан бири биз бораётган ҳозирги тараққиёт йўли ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ишлаб чиқаришнинг ҳам билимларга асосланиб боришини кўрсатмоқда. Демак, ишчини билими нафақат уни ўзини ёки оиласини балки мамлакат керак бўлса жаҳон иқтисодиёти учун фойда келтиради.

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади – инсон капиталини тараққий эттиришдир. Мазкур ҳужжатда 2030 йилга келиб Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингида жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Жаҳон банкининг бугун эълон қилинган янги тадқиқот натижалари ҳукуматларга болалар саломатлигини сақлаш ва уларга таълим беришга оид энг яхши натижалар келгусида аҳоли ва мамлакатлар даромадларини сезиларли даражада ошириши мумкинлигини намойиш қилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.”[1] Дарҳақиқат, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимининг қайтадан кўриб чиқилганлиги, алоҳида вазирлик ташкил этилганлиги, мактабгача таълим муассасаларининг қайта таъмирланиши, янги объектларнинг барпо этилиши, хусусий муассасаларнинг ташкил этилиши, болаларни қамраб олиш даражасининг ортиши, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг амалга оширилиши, ихтисослаштирилган мактабларнинг ташкил этилиши, ёшларни олий ўқув юртларидаги қамровининг кенгайишига яратилаётган имкониятлар бунинг яққол мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Мақсад-илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш, асосий мақсадимиз-

[1-3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь

мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришдир”, деган сўзлари инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишига маблағ ажратиш инсон капиталига киритиладиган инвестицияларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Биринчидан, таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шунга мос иқтисодий ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишнинг кафолати бўлиб ҳисобланади. Жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон умумий даромадини ўртача 10 фоизга оширишини кўрсатган. Албатта, ушбу жараёнда таълим сифатига эътибор ҳам муҳим омил бўлади.

Иккинчидан, таълим билан бир қаторда соғлиқни сақлашга маблағ ажратиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу касалликлар ва ўлимнинг қисқаришига, инсон умрининг меҳнатга лаёқатли қисмининг узайишига, шу билан бир қаторда, инсон капиталининг фаолият кўрсатиш вақтини узайишига олиб келади.

Мамлакатда аҳолининг интеллектуал салоҳияти юқори даражага кўтарилиши иқтисодиёт реал секторида инновацион фаолиятни ривожлантиришга ва жамият аъзолари эҳтиёжининг қондирилиши доимий равишда таъминланиб борилишига эришилади. Инсон капиталини ривожлантириш дунё бўйича етакчи олий таълим муассасаларини ўз ичига олган рақобатбардош ва мослашувчан таълим тизимига асосланган. Бутун дунё бўйлаб барча олий таълим муассасаларининг меҳнат жамоалари ўз таълим муассасаларининг нуфузи, унинг глобал рейтингда юқори ўрни учун курашади.

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади - мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантиришдир. Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида етарли миқдорда зарур ва юқори малакали кадрларга талабнинг ортиши меҳнат бозоридаги асосий муаммолардан биридир. Жаҳон тажрибасида бундай муаммони “skills gap” – яъни кадрлар бўшлиғи, деб номлашади. Бундай муаммонинг асосий сабабларидан бири, мутахассис ходимларнинг миқдорий жиҳатдан йўқлиги эмас, балки фаолият турига қараб уларнинг зарур малака ва компетенцияга эга эмаслиги ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан айтганда инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан ходимлар малакасини ошириш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон фармонига мувофиқ, шунингдек, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман

(шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш белгиланди. Бунинг натижасида ҳам инсон капиталини ривожлантиришга таъсир этувчи механизмлар мужассамдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқори малака ва кўникмага эга кадрлар ислоҳотлар самарасининг гаровидир. Президентимиз ташаббусига кўра, юртимизда 2022 йилга "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб ном берилганлиги ҳамда қабул қилинаётган Давлат дастурларининг амалга оширилиши, хизматлар турини кўпайиши ва сифатини ошиши натижасида келажагимиз бўлган ёшларни етук кадр бўлиб тайёрланишига ҳамда ўз навбатида инсон капиталининг ҳар томонлама камол топишига эришамиз.

А.М. Раҳимов – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ассистенти

АҲОЛИГА ЯШАШ ЖОЙ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАРИ ҲАМДА ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ СИФАТ ДАРАЖАСИ БАҲОЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ички ва ташқи омиллари ҳамда техник-иқтисодий сифат даражаси баҳолашда эконометрик моделлаштиришнинг аҳамияти тадқиқ қилинган. Аҳоли турмуш даражаси инсон ички имкониятлари ва истиқомат муҳитига боғлиқлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: модел, эконометрика, аҳоли турмуш даражаси, регрессия, корреляция, таълим, соғлиқни сақлаш, сув, коммунал хизмат, истеъмолни қондириш коеффицийенти

Аннотация. В данной статье рассматривается значение эконометрического моделирования при оценке внутренних и внешних факторов и уровня технико-экономического качества жилищно-коммунального хозяйства и обслуживания населения. Изучено, что уровень жизни населения зависит от его внутренних возможностей и среды обитания

Ключевые слова: модель, эконометрика, уровень жизни, регрессии, связь, образование, здравоохранение, вода, объекты, удовлетворение удовлетворенности потреблением

Abstract. This article discusses the importance of econometric modeling in assessing internal and external factors and the level of technical and economic quality of housing and communal services and public services. It has been studied that the standard of living of the population depends on its internal capabilities and habitat

Keywords: model, econometrics, standard of living, regression, communication, education, healthcare, water, value, satisfaction with consumption

Kirish: Respublikamizda xalqning turmush darajasi va sifatini yuksaltirish maqsadida mavjud imkoniyatlardan to‘g‘ri va oqilona foydalanib, bunyodkorlik ishlarini jadallashtirishga katta ahamiyat berilmoqda. Mamlakatni moder-

nizatsiyalash sharoitda, xususan, iqtisodiyotning mintaqaviy tarkibini tubdan takomillashtirish, mavjud tabiiy-iqtisodiy salohiyatdan unumli foydalanish, avvalambor, joylarda aholiga xizmat ko‘rsatish tarmoqlaridagi muammolarni hal qilish asosida turmush darajalarini yanada oshirish, iqtisodiy islohotlarning yangi bosqichida tarkibiy o‘zgartirishlar va iqtisodiyotni modernizatsiyalash siyosati mintaqalardagi boy meneral xom ashyo, tabiiy va mehnat resurslaridan samarali foydalanishga asoslangan bo‘lishi o‘ta dolzarb masala hisoblanadi.

Shuningdek, mintaqalarda aholiga yashash joy va umumiy ovqatlanish rivojlantirishning uzoq muddatli istiqbollarini ishlab chiqish ham mamlakat taraqqiyotida muhim ahamiyatga ega.

Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishga qaratilgan maqsadli dasturlarni tizimlashtirish, umumlashtirish va tahlil qilish natijalari iqtisodiyot va uning alohida sektorlari taraqqiyotiga daxldor qator maqsadli parametrlarni aniqlash imkonini beradi. Aholi daromadlari darajasi bilan o‘lchanmaydigan xizmatlar ham borki, bugungi hayot tarzini ularsiz tasavvur qilish qiyin. Ijtimoiy xizmatlar: ta’lim, sog‘liqni saqlash, suv, kommunal xizmat va issiqlik bilan ta’minlash xizmatlari shunday xizmatlar sirasiga kiradi.

Ijtimoiy soha tarmoqlarini tahlil qila turib, ko‘pchilik mutaxassislar qaysi kuchlar islohotlarga ta’sir ko‘rsatishiga, ularning manfaatlari va qiziqishlari qanday, fikrlari qanday o‘zgarishi kabilarga e’tibor qaratishmoqda. Taalluqli guruhlardan manfaatlarni aniqlash va o‘rganish ushbu sohada vujudga kelayotgan jarayonlarni to‘g‘ri tushunishning garovidir. Shu bilan birga, manfaatlar ijtimoiy subyektlarning faoliyati nuqtai nazaridan,ya’ni,ularning ehtiyojlari qondirilishini ta’minlovchi faoliyat turlarini aniqlash tushuniladi.

Iqtisodiyotning quyidagi tarmoqlari ijtimoiy soha tarmoqlari jumlasiga kiradi: turarjoy kommunal xo‘jaligi, aholiga maishiy xizmat ko‘rsatish sohasining ishlab chiqarishga xos bo‘lmagan turlari, yo‘lovchi transporti, aloqa (ijtimoiy soha tashkilotlari va aholiga xizmat ko‘rsatish yuzasidan), suv xo‘jaligi (ijtimoiy soha hususida), sog‘liqni saqlash, jismoniy tarbiya va ijtimoiy ta’minot, ta’lim, madaniyat va san’at, kredit va davlat sug‘urtasi, hokimiyat va jamoat tashkilotlarini boshqarish.

Har bir hududning demografik holati va aholi talabidan kelib chiqqan holda turmush sharoitini yaxshilashda ijtimoiy infratuzilmani, jumladan, aholiga yashash joy va umumiy ovqatlanish xizmat ko‘rsatish va servis sohasini rivojlantirish uchun muhim zamin yaratadi. Ta’kidlash kerakki, bu jabhada muayyan yutuqlarga erishilmoqda, ammo ularning ba’zilarida yaxshilanish, ayrimlarida yomonlashish holatlari kuzatilmoqda.

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti tomonidan O‘zbekiston iqtisodiyotining uzoq muddatli strategiyasi ishlab chiqilgan. Undan kutilgan asosiy maqsad mamlakat aholisi turmush darajasini yuksaltirish uchun iqtisodiyotning barqaror va muttasil rivojlanishini ta’minlashdan iborat. Mazkur strategiya asosida O‘zbekiston iqtisodiyoti uzoq muddatli istiqbolli rivojlanishining asosiy ko‘rsatkichlari va variantlari bir necha holatda ko‘rib chiqildi.

Qashqadaryo viloyati aholiga yashash joy va umumiy ovqatlanish

tarmoqlarining rivojlanish jarayonlarini baholashda trend modellaridan foydalanishni lozim topdik. Viloyat aholiga yashash joy va umumiy ovqatlanish tarmoqlaridan har biri rivojlanishining n-ko‘rsatkichli va eksponensial ko‘rinishda trend modellarini hosil qildik. Buning uchun jarayonning trend modellarini hosil qilishda eng kichik kvadratik usulidan foydalandik.

$\mathbf{Y_x = a_0 + a_1 x + a_2 x^2 + \cdots + a_k x^k}$ trend modelini hosil qilish uchun quyidagilarni amalga oshirish lozim:

$\mathbf{F = \sum (Y - Y_x)^2 \to min}$ ёки $\mathbf{F = \sum \left(Y - a_0 - a_1 x - a_2 x^2 - \cdots - a_k x^k\right)^2 \to min}$ bundan xususiy hosila olsak, quyidagi ko‘rishdagi tenglamalar sistemasi hosil bo‘ladi.

$$\begin{cases} \sum Y = a_0 n + a_1 \sum x + a_2 \sum x^2 + \cdots + a_k \sum x^k \\ \sum Yx = a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 + a_2 \sum x^3 + \cdots + a_k \sum x^{k+1} \\ \cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots \\ \sum Yx^k = a_0 \sum x^k + a_1 \sum x^{k+1} + a_2 \sum x^{k+2} + \cdots + a_k \sum x^{2k} \end{cases}$$

$\mathbf{Y_x = a_0 e^{a_1 x}}$ trend modelini hosil qilish uchun quyidagi ishni amalga oshirish lozim:

Buning uchun tenglik ikkala tomonini natural logarifmlaymiz.

$$\mathbf{\ln Y_x = a_1 x + \ln a_0}$$

$\mathbf{F = \sum (\ln Y - \ln Y_x)^2 \to min}$ ёки $\mathbf{F = \sum (\ln Y - \ln a_0 - a_1 x)^2 \to min}$ Bundan xususiy hosila olsak, quyidagi ko‘rishdagi tenglamalar sistemasi hosil bo‘ladi:

$$\begin{cases} \sum (\ln Y) = n \ln a_0 + a_1 \sum x \\ \sum (x \ln Y) = (\ln a_0) \sum x + a_1 \sum x^2 \end{cases}$$

Olingan natijalarni quyidagi baholash mezonlari bilan baholaymiz:

Regressiya tenglamasining «ahamiyatliligini» baholash uchun Fisherning F-mezonidan foydalaniladi. Bu F-mezoni miqdori determinatsiya koeffitsiyenti bilan quyidagicha bog‘langan:

$$F_{haqiqiy} = \frac{r_{xy}^2}{1 - r_{xy}^2} \cdot (n-2), \quad n \geq 3.$$

Agar $\alpha = 0{,}05$ (besh foizli ma’nodorlik darajasi) va erkinlik darajasi $k_1 = 1$ va $k_2 = n - 2$ bo‘lsa, tasodifiy miqdorlarning Fisher taqsimoti keltirilgan jadvallardan F – mezoni jadval qiymati - F_{jadv} topiladi. Agar ushbu $F_{\text{haqiqiy}} > F_{jadv}$ tengsizlik o‘rinli bo‘lsa, regressiya tenglamasi statistik ma’nodor hisoblanadi.

Regressiya tenglamasidagi xatoliklarga "a" va "b" parametrlarni hamda r_{xy} – korrelyatsiya koeffitsiyentini hisoblashdagi tasodifiy xatoliklar ham ta’sir etadi. Shuning uchun "a" va "b" parametrlarni hisoblashdagi standart xatoliklar m_a, m_b lar aniqlaniladi.

Regressiya koeffitsiyentining tasodifiy xatoligi quyidagi formula bilan aniqlaniladi:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum (y - y_x)^2 / (n-2)}{\sum (x - \bar{x})^2}}.$$

Regressiya tenglamasining "a" parametri tasodifiy xatoligi quyidagi formula bilan aniqlaniladi:

$$m_a = \sqrt{\frac{\sum (y - y_x)^2}{n-2} \cdot \frac{\sum x^2}{n \cdot \sum (x - \bar{x})^2}}.$$

Chiziqli korrelyatsiya koeffitsiyentining tasodifiy xatoligi esa quyidagi formula asosida aniqlaniladi:

$$m_r = \sqrt{\frac{1 - r^2}{n-2}}$$

Regressiya tenglamasi parametrlarining statistik ma'nodorligini baholash Styudent- t kriteriyasi yordamida ham amalga oshirilishi mumkin (erkinlik darajasi soni $n-2$ va $\alpha = 0{,}05$ bo'lganda t belgining jadval qiymatlari Styudent taqsimoti jadvalidan topiladi). Unda quydagilar hisoblanadi:

$$t_a = \frac{a}{m_a}, \quad t_b = \frac{b}{m_b}, \quad t_r = \frac{r_{xy}}{m_r}.$$

Agar t belgining topilgan asl qiymatlari uning jadval qiymatidan katta bo'lsa (ya'ni $t_a > t_{jadv}$, $t_b > t_{jadv}$, $t_{rxy} > t_{jadv}$), "a" va "b" parametrlar statistik ma'nodor hisoblanadi.

Ijtimoiy sohani rivojlantirish va rejalashtirish moddiy ishlab chiqarishga nisbatan ko'proq hududiy omillar hamda demografik jarayonlarga bog'liq. Ijtimoiy sohani rivojlantirishni rejalashtirishda hudud iqtisodiyotining rivojlanish darajasini, aholi punktlari hududlarining katta-kichikligini, aholi soni va tarkibi, uning qay tariqa joylashganini aniq hisobga olish zarur. Ijtimoiy soha tarmoqlari kishilarning shaxsiy talablarini qondirgani uchun xizmatlarning bir turini ikkinchisi bilan almashtirish imkoniyati cheklangan.

Mehnat bozorini davlat tomonidan tartibga solishda huquqiy, ma'muriy va iqtisodiy chora-tadbirlar ko'riladi. Bu usullar ishsizlik darajasini pasaytirish, mehnat resurslaridan samarali foydalanish, mehnat xizmatiga qondirilmagan talabni yo'qotish, mehnat xizmatiga talab va taklifning eng maqbul nisbatiga erishish maqsadlariga yo'naltiriladi.

Demografik jarayonlarni o'rganish hududlarning ijtimoiy rivojlanish sur'atlari aholining o'sish sur'atlariga mos kelishi yoki kelmasligini, xizmat ko'rsatish tarmoqlarini samarali tashkil qilish, xizmat ko'rsatishni rivojlantirish orqali aholi bandligini bilish uchun ham muhim.

Demografik jarayonlarni o'rganish aholining mehnatga layoqatli qismining iqtisodiyot tarmoqlarida bandligini bilish uchun ham zarur. Band bo'lgan faol aholini hududlar miqyosida tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Chunki, bunday tahlil mehnat resurslarining hududlar miqyosida qay darajada joylashganligi, shunga binoan ishlab chiqarish yo'nalishlariga qanday

o‘zgartirishlar kiritish, hududlar bo‘yicha ishsizlar sonini aniqlash, hududlarda mehnat birjalarining qanday ahvoldaligi kabi makroiqtisodiy masalalarni o‘rganish uchun zarur.

Bu islohotlarni amalga oshirishda qishloqlarni shaharlashtirish, zamonaviy uy-joylar qurib, obodonlashtirish shaharlashgan hududlar safi kengayishiga, shu tariqa shahar aholisi ko‘payishiga olib keladi.

Shunday qilib, mamlakat rivoji, aholining turmush sharoitini yaxshilashda xizmat ko‘rsatish tarmoqlarining rolini oshirish va takomillashtirish asosiy vazifalardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика. М., 2001. с. 399.
2. Дагбаева С.Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ., 2008. с.35.
3. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti. Toshkent, “Mehnat” 2009.357- b
4. Muxiddinov X. S. Hudud aholisi turmush darajasini oshirish va ijtimoiy rivojlanishini modellashtirish. Monografiya. T.: “ФАН”, 2009. 12b.
5. Rustamov N.I. Sanoat korxonalari samaradorligining aholi turmush darajasiga ta’sirini baholash. Monografiya- T.: “ФАН”, 2013 й. 11 б.
6. G‘oyibnazarov B.K. Aholi turmush darajasini statistik baholash Monografiya. T.: “FAN”, 2005. 69 b.
7. O‘zbekistonda ijtimoiy rivojlanish va turmush darajasi. Statistik to‘plam. Toshkent - 2014 y.
8. Kh.S. Mukhitdinov, A.N.Rakhimov. The forecast for the development of the public services sector. Scopus, Solid State Technology, December 2020, Vol 63, № 6 (2020)
9. 30. Kh.S. Mukhitdinov, G.Kh.Makhmatkulov. Providing trade services to the population of the region. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), e-ISSN: 2456 –6470, 32-41 pag. https://www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd38499 .pdf
10. 31. Kh.S. Mukhitdinov, A.M.Rakhimov. Providing accommodation and food services to the population of the region .International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), eISSN: 2456 – 6470, 42-48 pag. https://www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd38500.pdf
11. Kh.S. Mukhitdinov, F.D. Juraev. Methods of Macroeconomic Modeling. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), eISSN: 2456 – 6470, 29-32 pag, https://www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd38498.pdf
12. Anvar Norimovich Rakhimov, Golibjon Kholmuminovich Makhmatkulov, Abdihakim Muhammadiyevich Rakhimov, (2021). Construction Of Econometric Models Of Development Of Services For The Population In The Region And Forecasting Them. The American Journal of Applied Sciences, 3(02), 21-48 The American Journal of Applied sciencesFebruary 20, 2021 | Pages: 21-48. https://usajournalshub.com/index.php/tajas/article/view/2119. pdf
13. Abdihakim Muhammadiyevich Rakhimov. “Residence and catering services to the populationthe importance of econometric modeling in regulatory assessment of consumer requirements to improve display quality” galaxy international interdisciplinary research journal (giirj)issn (e): 2347-6915vol. 9, issue 12, dec.(2021) Pages:1043-1048 https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/859/808.pdf
14. Маматқулов А. Минтақаларни барқарор ривожлантириш стратегияси. // Иқтисодиёт ва таълим. 2009, №6. 6-б
15. Павленко В.Ф. Планирование территориального развития (территориальный аспект планирования). –М.: Экономика, 1984. С.267

Ш.Ш.Файзиева – ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
Ю.Ш.Адилова – ҚарМИИ, 1-курс магистранти

ИЖТИМОИЙ СОҲАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолияти бўйича мамлакатимизда яратилган имкониятлар, ижтимоий соҳадаги тадбиркорликнинг жамият ривожланишидаги ҳамда учинчи ренессанс такомиллашувидаги тутган ўрни тўғрисида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, ижтимоий лойиҳалар, давлат томонидан рағбатлантириш йўллари, учинчи ренессанс, тарққиёт стратегияси

Аннотация. В статье рассматриваются возможности, созданные в нашей стране для предпринимательства, роль предпринимательства в социальной сфере в развитии общества и благоустройстве третьего ренессанса.

Ключевые слова: социальное предпринимательство, социальное предприятие, социальные проекты, способы государственного стимулирования, третий ренессанс, стратегия развития.

Abstract. The article discusses the opportunities created in our country for entrepreneurship, the role of entrepreneurship in the social sphere in the development of society and the improvement of the third renaissance.

Keywords: social entrepreneurship, social enterprise, social projects, methods of state stimulation, third renaissance, development strategy.

Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислоҳотлар натижасида уларнинг олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ҳамда корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси муҳокамага қўйилган.

Ижтимоий тадбиркорлик - юридик шахслар ёхуд якка тартибдаги тадбиркорларнинг муайян ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишга ёки уларнинг оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Ижтимоий корхона – аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари билан таъминлашни, ижтимоий товарлар ишлаб чиқаришни ва ижтимоий хизматлар кўрсатишни ёки бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳамда мазкур Қонунда белгиланган тартибда ижтимоий корхоналар реестрига киритилган тадбиркорлик субъектидир.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг мақсадларига қуйидагилар киради:

- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш;
- аҳолига тиббий буюмлар, дори воситалари ёки ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини таннархида ёхуд таннархидан паст бўлган нархларда сотиш;
- фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган фаолиятни амалга ошириш кабилар киради.

Шу ўринда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига кимлар киритилиши ҳақида танишадиган бўлсак, улар жумласига қуйидагилар киради:

- бозор шароитида товарларни (хизматларни) харид қилишда ёки меҳнат бозорида иш топишда қийинчиликка дучор бўлаётган ёхуд ўзгаларнинг кўмагига муҳтож шахслар, жумладан:
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар;
- ижтимоий аҳамиятга молик бўлган касалликлар ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларга (сил, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик, инфекцион, таносил касаллиги, ОИТС ва касб касаллиги) чалинган шахслар;
- қарамоғида 16 ёшга тўлмаган ёки ногиронлиги бўлган болалари бўлган ёлғиз шахслар;
- ўқишни тугатгандан кейин 3 йил ўтмаган умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълими ташкилотлари битирувчилари;
- “Меҳрибонлик” уйларининг 30 ёшга етмаган битирувчилари;
- Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахслар;
- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:
• имтиёзлар ва преференциялар тақдим этиш;
• ижтимоий лойиҳа харажатларини субсидиялаш;
• давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш;
• молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
• ижтимоий корхона ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
• маслаҳат бериш, методик ёрдам кўрсатиш ва ахборот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Бугунги кунда ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга оширилиб, ижтимоий корхона томонидан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлашга ёки бошқа ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усули ҳисобланади.

Ижтимоий товар – бошқа фуқаролар билан тенг имкониятлар яратиш мақсадида зарур бўлган маҳсулот ва воситалар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия буюмлари ва инвентарлар, реабилитация-техник воситалари, “Брайл алифбо”ли китоб ва бошқа босма материаллар, имконияти чекланган болаларга ўқув ва бадиий адабиётлар, ишора тилини қўллаган ҳолда аудио китоб ҳамда видеоматериалларни ўз ичига олади.

Ижтимоий хизматлар эса Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган шаклларда кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун ортопедик протезлаш, протезортопедия буюмлари ва инвентарларини таъмирлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш, умумтаълим мактабларига бора олмайдиган ногиронлиги бўлган болаларга уйида таълим бериш, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш хизматларидан иборатдир.

Жамиятда ижтимоий тадбиркорликнинг асосий принципларига ижтимоий адолат, жамият манфаатларининг устуворлиги ва ижтимоий тадбиркорликнинг ихтиёрийлигини киритишимиз мумкин.

Ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:
- давлат томонидан ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш;

- ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ижтимоий лойиҳалар учун инвестициялар жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, 2021 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида “Замонавий тадбиркор-Янги Ўзбекистоннинг таянчи” мавзусида “Очиқ мулоқот” бўлиб ўтди. Ташкил этилган очиқ мулоқотда, мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар, уларнинг натижадорлиги, хусусан, Савдо-саноат палатаси томонидан бу борада 2017-2021 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборотлар берилди. Президентимиз ташаббуси билан бундан 4 йил аввал тадбиркорлик субъектларини текширишга оид мараторий эълон қилинган эди. Бунинг натижасида сўнгги 4 йил мобайнида 311 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, тадбиркорлар сони 2,1 баробарга ошди ёки 460 мингтага етди. Жойларда ишбилармонлик муҳити ҳолатининг ўзгариши ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида 60 мингдан ортиқ сўровномалар ўтказиб, соҳада юзага келаётган муаммолар ечими юзасидан таклифлар тайёрланди. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида - тизимга малакали кадрлар жалб қилиниб, тадбиркорлар манфаатида судларга 400 мингга яқин даъво аризалар киритилди, ваҳоланки 2013-2016 йилларда бу кўрсаткич атиги 38 мингта бўлган. Натижада Палата иштирокида бугунги кунга қадар тадбиркорлар ўртасидаги 6 мингта низоли ҳолат ўзаро келишув йўли билан ҳал этилишига эришилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда учинчи ренессанс ривожланишига замин яратиш мақсадида тадбиркорлар иштирокида халқаро даражада юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш бўйича Палата ҳузурида “Тошкент халқаро арбитраж маркази” ташкил этилди. Ушбу марказга 50 дан ортиқ етакчи халқаро экспертлардан иборат арбитрлар жалб қилинган. Амалга оширилган ишлар натижасида қиймати 3,8 млн. долларга тенг бўлган 22 та халқаро тижорат низолари кўриб чиқилди.

Палата томонидан ҳудудларда тадбиркорларга кўмаклашиш мақсадида барча туман ва шаҳарларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ташкил этилиб, аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилганлиги мақсадга мувофиқдир. Марказлар томонидан тадбиркорларга 600 мингдан ортиқ бизнес-хизматлар кўрсатилди, уларнинг 95 фоизи бепул ҳизматлар ҳисобланади.

Айниқса, савдо-саноат палатаси тизимида ёшлар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, Палата томонидан 14 та ўқув марказининг фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда ижтимоий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадларни кўпайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларининг муҳофазасини кучайтириш ҳамда учинчи ренессансни ривожлантиришга имконият яратади.

III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

И.С. Тухлиев– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси профессори, и.ф.д., профессор
С.А. Абдухамидов– иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). СамИСИ “Туризм” кафедраси мудири.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОХАСИНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ

Аннотация: Мақола учинчи ренессансни шакллантириш шароитида туризм сохасининг ўтмиши ва бугунги кунига бағишланган. Унда туризм соҳасининг, жумладан, илмий ва зиёрта туризмининг тарихий ривожланиш жараёнлари, Янги Ўзбекистон шароитида ҳамда учинчи Ренессанснинг пойдеворини яратишда мамлакатимизда жойлашган маданий мерос объектларидан фойдаланиш зарурати очиб берилган.

Калит сўзлар: Шарқ Ренессанси, учинчи Ренессанс, Марказий Осиё қомусий олимлари, жамият тарихида илм-фан, илмий туризм, зиёрат туризми, илм-фан ва маданият, янги Ўзбекистон, Уйғониш даври.

Аннотация: Статья посвящена прошлому и настоящему развитию индустрии туризма в контексте становления третьего ренессанса. Раскрывается историческое развитие туризма, в том числе научного и паломнического туризма, необходимость использования объектов культурного наследия, находящихся на территории нашей страны, в условиях Нового Узбекистана и в закладке основ Третьего Возрождения.

Ключевые слова: Восточное Возрождение, Третье Возрождение, среднеазиатские энциклопедисты, наука в истории общества, научный туризм, паломнический туризм, наука и культура, новый Узбекистан, Возрождение.

Abstract: The article is devoted to the past and present development of the tourism industry in the context of the formation of the third renaissance. The historical development of tourism, including scientific and pilgrimage tourism, the need to use cultural heritage sites located on the territory of our country, in the conditions of New Uzbekistan and in laying the foundations of the Third Renaissance are revealed.

Keywords: Eastern Renaissance, Third Renaissance, Central Asian encyclopedists, science in the history of society, scientific tourism, pilgrimage tourism, science and culture, new Uzbekistan, Renaissance.

Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқида “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини

яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик."[1] деб таъкидладилар. Маълумки антик даврда Юнонистонда IX-XII асрларда бўлган буюк уйғониш Марказий Осиёда ҳам илм-фан ривожланишининг янги йўналишларини очиб берди.

Шарқнинг ҳар иккала Уйғониш даври - умуман олганда инсоният тарихи даги ноёб ҳодиса бўлиб, буюк аждодларнинг илм-фан, маърифат, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик ҳақидаги эзгу ғоялари билан сингиб кетган. Бизнинг замонамизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, чуқур рок маъно касб этмоқда[2].

Дархақиқат Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган давлатимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Бунинг исботи сифатида, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар бир неча минг йиллик бой тарихимиздан далолат беради.

Кўп асрлик тарихдан маълумки, инсон ўз савдосини ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, янги илм-фандаги янги йўналишларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб амалга оширган саёҳатлар жараёни, бугунги кунда туризм фанида туризмнинг ўзига хос бўлган зиёрат ва илмий туризм тури бўлиб ҳисобланади.

"Туризм" тушунчанинг қадимий илдизлари ва ўзига хос тарихи бор, ҳозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм XIX асрнинг охирига бориб шаклланган бўлсада, фақат XX асрга келиб у жадал суръатларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида у «XX аср феномени» номини олди.

Туризм кўп қиррали ҳодиса бўлиб, турли тарихий даврларда маълум бир гуруҳ омиллари таъсирида шаклланган. Агар Ўрта асрларда зиёратга боришни рағбатлантирувчи диний ва дунёвий фанларга интилиш каби маънавий омиллар туризмнинг муҳим таркибий қисмлари бўлган бўлса, ҳозирда бошқа омиллар, ижтимоий-иқтисодий (турмуш даражасининг ўсиш суръатлари, фаровонлик, бўш вақтнинг мавжудлиги), демографик (ўртача умр кўришнинг ўсиши, урбанизация) каби омиллар таъсир қилмоқда.

Шарқнинг ҳар иккала Ренессанс давридаги Марказий Осиёлик буюк ватандошларимиз Мовароуннахрдан хорижий мамлакатларга қилган сафар ларининг асосий мақсади Маккаи мукаррамада ҳаж амалини ошириш билан биргаликда, ўз ватанида олинган диний ва дунёвий фанлар, айниқса хадис илми бўйича билимларини янада ошириш учун ўша даврда илм-фан ва маданияти тараққий қилган марказлар: Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадина, шунингдек Хуросоннинг турли шаҳарлардаги таниқли олимлар билан ҳамкорликда йиллар давомида илмий тадқиқот ишларини олиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020.
[2] Акмал Саидов.Новый Узбекистан и третий Ренессанс. Страна фокусе.9.09.2020.

боришдан иборат бўлган.

Ўзга мамлакатларга аниқ мақсадлар билан саёҳат қилиш Марказий Осиё ўлкасида қадим замонлардан ривожланган бўлиб, ўлкамиздаги илк сайёҳлик кўринишлари «Буюк Ипак йўли» га бориб тақалади. Бунда миллоддан аввалги II-асрда очилган Буюк Ипак йўлини аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо-сотиқ йўли бўлмай, айни пайтда дунё халқлари ўртасида маданий-маърифий ва илм-фан тараққиёти ҳамда халқаро алоқалар йўли бўлган.

Юқоридаги маьлумоларидан туризмни шакллантириш Марказий Осиёлик қомусий олимлар ўз саёхатларини **819 йилда, яъни IX асрда** дастлаб зиёрат мақсадида ва турли фанлар бўйича илмий билимларини янада бойитиш ҳамда мавжуд билимларини хорижий олимлар билан фикир алмашиш учун Шарқ Ренессанси давридаги илмий марказларга ташриф буюришгани маьлум бўлмоқда. Марказий Осиёлик қомусий олимларнинг IX - XI асрлар давомида илму ирфон ривожи йўлида амалга оширган сафар маршрутлари 1-расмда ифодаланган.



1-расм. Марказий Осиёлик қомусий олимларнинг IX-XI асрлар давомида илм-у ирфон ривожи йўлида амалга оширган сафар маршрутлари

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шарқ Ренессанси давридаги Марказий Осиёлик олимлар жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани ва уларнинг илм-фан тарақиёти йўлидаги хорижий мамлакатларга қилган сафарлари натижасида инглиз олими Д.Бернал ўзининг «Жамият тарихида илм-фан» фундаментал монографиясида такидлаганидек “...мусулмон оламида табиий фанлар соҳасида эришилган ютуқларни кўрсатиб ёзишича, мусулмон олимлари жонли, ривожланиб борувчи илм-фанни бунёдга келтирдилар. Мазкур олимлар юнон математикаси, астрономияси ва тиббиёт ҳақидаги фанларнинг тор асосини кенгайтиришга, алгебра, тригонометрия ҳамда оптикага асос солишга

муваффақ бўлдилар. Мусулмон дунёси илм-фани кимё, алкимёда ҳал қилувчи ютуқларга эришди, мусулмон олимлари бу соҳалардаги эски назарияларни тубдан ўзгартириб юбордилар ва янги анъаналарга эга бўлган янги фанлар яратиш тажрибасини амалга оширдилар[1].”

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган туризм фани ҳам Ўзбекистонда нисбатан ёш фанлар қаторида бўлса ҳам, халқаро туризм жаҳон хўжалигини энг йирик ва юкори даромад келтирувчи соҳалардан бирига айланиб улгирди. Шу туфайли туризм фани бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда уни дастлабки шаклланиш тарихини ва Марказий Осиёлик қомусий олимлар саёхатлари натижасида кишилар билимини оширадиган туризмнинг **“илмий” ва “зиёрат”** турларига асос солинганлигини ва ўз вақтида кенг ривожланганлигини ҳисобга олишимиз лозим.

Бугунги даврда Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негзида барпо этилмоқда. Шу муносабат билан “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси қабул қилинди.

Ўзбекистонда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантирилмоқда. Қатор фармон ва қарорлар асосида бу соҳадаги шароитлар кенгайтирилмоқда. Хусусан, фуқароларидан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди, 53 та давлат учун «электрон виза» тизими жорий этилди. Туризм учун қийин бўлган жорий йилда соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, уларга субсидия ва ссудалар берилди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида туризм соҳасини қўллаб қувватлаш орқали, ҳудудларда янги ишчи жойларни ташкил қилиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиянинг учунчи устувор йўналишида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш вазифаси[2] белгиланди.

Мазкур вазифаларнинг бажарилишида буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, **Учинчи Ренессанснинг** пойдеворини яратишда Ўзбекистонда жойлашган 8 минг ортиқ маданий мерос объектлари,

[1] Джон Бернал, Наука в истории общества, М., «Иностранная литература», 1956 г., с.572. Источник: https://vikent.ru/author/793/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28январдаги “ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт страткгияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. https://lex.uz/pdfs/ 5841063.

уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш зарур бўлмоқда. Бу ўз навбатида ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6165-сонли Фармони бўйича туризм соҳасига қатор имтиёз ва преференциялар берилди.

Т.С.Шарипов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув ишлари бўйича проректор, и.ф.н., доцент.,
А.Н.Холиқулов– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.

МЕҲМОНХОНАЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада сервис маданиятини кўтариш йўллари, сервис фаолияти маданияти, Меҳмонхона сервиси маданияти тушунчаларининг назарий талқини атрофлича ёритиб берилган.

Калит сўзлар: сервис, сервис фаолияти, хизмат кўрсатиш маданияти, меҳмонхона, меҳмонхона сервиси маданияти.

Аннотация: В статье подробно описывается теоретическая интерпретация понятий способов продвижения культуры обслуживания, культуры сервисной деятельности, культуры гостиничного обслуживания.

Ключевые слова: сервис, сервисная деятельность, культура обслуживания, гостиница, культура гостиничного обслуживания.

Abstract: The article describes in detail the theoretical interpretation of the concepts of ways to promote the culture of service, the culture of service activities, the culture of hotel service.

Keywords: service, service activities, service culture, hotel, hotel service culture

Учинчи ренасансни шакллантириш шароитида меҳмонхона сервиси сифатини оширишнинг бир қанча йўллари бор. Булар жумласига меҳмонхоналарда сервис маданиятини ҳам киритиш мумкин. Сервис маданиятини кўтариш ҳам сервис сифатини кўтаришга олиб келади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳмонхонада хизмат маданиятини ошириш;
- меҳмонларнинг (туристларнинг) хавфсизлигини таъминлаш;
- меҳмонларга барча қулайликларни яратиш, хизмат турларини максимал даражада кўпайтириш;
- меҳмонларнинг дам олиши учун бир қанча қўшимча хизматларни ташкил қилиш кабилар.

Меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятини, унинг сифатининг бир қисми ёки сервис сифати, унинг маданиятининг бир қисми тарзида

баҳолаш мумкин. Бу қачон ва қайси нуқтаи назар билан қарашга боғлиқ.

Бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат барча соҳаларни, шу жумладан меҳмонхона сервиси соҳасини, унинг маълум талабларга жавоб беришини ҳам қамраб олади. Бунда мувоффақият қозониш бевосита унинг нархи, сифати ва маданиятига ҳам боғлиқдир. Шу туфайли сервис фаолиятининг сифатини ошириш, нархини нисбатан камайтириш ва маданиятини юксалтириш масаласи бугунги кунда муҳим иқтисодий-ижтимоий масалалардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Меҳмонхона сервиси фаолиятида сервис маданиятини назарий жиҳатдан таҳлил ва талқин қилиш учун, энг аввало, унинг мазмуни нималардан иборат эканлигини билиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун маданият сўзининг изоҳидан бошлаш лозим, деб ўйлаймиз.

Маданият тушунчаси иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида қўлланилади. Беш томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “маданият” сўзига қуйидагича изоҳ берилган. “Маданият” сўзи араб тилидан келиб чиққан бўлиб, цивилизация, деган маънони билдиради. Унга 5 та йўналишда тушунчалар келтирилган.

1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари.

2. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси.

3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, маърифат.

4. Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит.

5. Ўсимлик ёки экиннинг турларини етказиш, ўстириш, етиштириш[1], деб изоҳ берилган.

Бизнинг тадқиқотимизга юқорида келтирилган изоҳлардан биринчиси тўғри келади ва биз бу масалага айнан шу нуқтаи назардан қарашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Агар маданиятга жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, унинг бир қанча турларини кўриш мумкин. Булар жумласига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- ишлаб чиқариш маданияти;
- иқтисодий маданият;
- жисмоний маданият;
- хулқ-атвор маданияти;
- турмуш маданияти;
- меҳнат маданияти;
- ҳуқуқий маданият;
- деҳқончилик маданияти;
- миллат маданияти;
- хизмат маданияти ва унинг таркибий қисми бўлган меҳмонхона хизматлари маданияти кабиларни киритиш мумкин.

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006.- 521 б.

Агарда маданият сўзига кенг маънода қарайдиган бўлсак, унинг бир қанча йўналишларга эга эканлигида кўрамиз:

- миллий маданият;
- умуммиллий маданият;
- умуминсоний маданият;
- табақавий маданият (бойлар маданияти, камбағаллар маданияти) кабилар. Буларнинг барчаси “Маданиятшунослик” номли махсус фанда ўрганилади. Аммо ушбу фанда маданиятнинг умумметодологик жиҳатлари ўрганилса, мазкур ишда меҳмонхона маданиятининг ўзига хос жиҳатларига тўхталинади. Чунки, меҳмонхоналарда сервис сифатини тадқиқ қилганда албатта унинг маданиятини ҳам иқтисодиёт нуқтаи назаридан ўрганмоқ мақсадга мувофиқдир.

Агарда маданият тушунчасига бирорта тарихий даврга қиёслаган ҳолда қарайдиган бўлсак, уни ҳам бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қадимги маданият;
- замонавий маданият кабилар.

Ушбу маданиятлар тизимида **сервис фаолияти маданияти, унинг таркибий қисми бўлган меҳмонхона хизматлари (сервиси) маданияти** ҳам алоҳида иқтисодий маданиятнинг бир тури сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай тушунчага, хусусан, меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятига ҳам таъриф беришда уларнинг ички табиатини ва инсонларга (меҳмонларга, туристларга) таъсир доирасини очиб беришга ҳаракат қилиш керак. Чунки маданият том маънода, жамиятнинг, ижодий кучларнинг ва инсон қобилиятининг яшаш даражасига мос равишда қулай имкониятларни яратиши билан белгиланади. Шундай экан меҳмонхона сервиси фаолиятининг маданияти ҳам инсонларга (меҳмонларга, туристларга) қулайлик туғдириши нуқтаи назаридан қарашни тақозо қилади.

Меҳмонхона сервиси (хизмати) маданиятини тўлиқ тушуниш учун олдин сервис маданиятини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш лозим бўлади. Сервис маданияти бўйича олимларимиз томонидан айрим фикрлар айтилмоқда. Хусусан, Э.С.Файзиев бу борада қуйидагича қарашга эга: “Сервис маданияти деганда истеъмолчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни тасдиқлайдиган, давлатнинг миллий анъаналарига мос келадиган ва дунё замонавий стандартлари талабига жавоб берадиган тамойиллар, меҳнат нормаларининг андозалари, юқори маънавий қадрият ва ўз-ўзини тутиш этикаси тушинилади”[1]. Мазкур таъриф сервис хизмати маданиятини тўлароқ қамраб олгандир. Чунки, инсоният тарихида эришилган миллий анъаналар ва дунё стандартларига жавоб берадиган хизмат тамойилларига таяниш лозимлиги кўрсатилган.

[1] Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маърузалар матни. Самарқанд, СамИСИ. - 2007. – Б. 180.

Ҳақиқатда сервис бир кишига кўрсатилади. Бир киши дунёнинг турли мамлакатлар вакиллари бўлиши мумкин. Ушбу шахс қаерда бўлса ўзига хос ва мос хизматдан баҳраманд бўлишни тақозо қилади. Шу туфайли хизмат маданияти жуда юқори ва ҳаммага мос бўлиши учун у дунё миқиёсида эришилган ютуқ ва тажрибаларни умумлаштирган ва ўзида мужассам этган бўлишлари лозимдир.

Ушбу назарий қарашлардан келиб чиқадиган бўлсак, сервис фаолияти маданиятига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Сервис фаолияти маданияти деганда, унинг истеъмолчиларига қулай бўлган, бу борадаги миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ва инсоният тамаддунида эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда сервис хизматини аъло даражада кўрсатиш жараёнининг мажмуи тушунилади.** Кўриниб турибдики, сервис бевосита унинг истеъмолчиларига (инсонлар, корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, жамият ва давлат) қаратилган. Уларнинг сервисга бўлган талабини фақат қондирибгина қолмасдан, уларга юқори савияда хизмат қилиш орқали, уларнинг барча талабларини ҳар томонлама қондирган ҳолда ижро этилиши тушинилади. Булар, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашда сервис хизматларининг ҳам ўзига хос ўрни борлиги тўғрисида тегишли, хулоса қилишимиз учун асос бўлади.

Меҳмонхона сервиси фаолияти маданияти маданиятлар тизимида ўз ўрнига эга тушунча бўлиб, қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олади:

- давлат томонидан инсонларнинг юқори сифат даражасида яшашини таъминлашга қаратилган ва улар учун яратиладиган сервис фаолияти;
- меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятини ўзида мужассам этган сервисга оид фанларнинг мавжудлиги ва уларнинг реал ҳаётимизни яхшилашдаги ўрни;
- инсонлар онгида меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятининг шаклланиши, яъни инсонлар онгида ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимининг шаклланиши ва уларнинг яшаш тарзига айланиши;
- илгарги эришилган меҳмонхона сервиси фаолияти маданияти бўйича кенг тажриба ва ютуқларнинг бугунги ҳаётимизга жорий қилиниши ва улардан самарали фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилганлиги;
- меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятини баҳолаш, рағбатлантириш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг ҳаётда беками-кўст ишлашини таъминлаш механизмининг мавжудлиги;
- одамларда меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятини баҳолайдиган меъзонларнининг бўлиши ва улардан шуларни талаб қиладиган савиянинг мавжудлиги;
- меҳмонхона сервиси фаолиятининг сертификатланганлиги ва лицензия зарур бўлган ҳолларда у билан таъминланиш даражасининг йўлга қўйилганлиги.

Буларнинг ҳаммаси меҳмонхона сервиси фаолияти маданиятининг

муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Аммо ҳар қандай фаолият сингари сервис фаолияти ҳам доимий равишда такомиллашиб, ҳаётимизга мослашиб боради. Шу туфайли ушбу соҳани ҳам доимий равишда модернизация қилиб боришга тўғри келади. Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда меҳмонхона сервисига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Меҳмонхона сервиси маданияти деганда унинг меҳмонларга (туристларга) қулай бўлган, уларни қаноатлантирадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ва инсоният тамаддунида эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда сервис хизматини аъло даражада кўрсата оладиган малакали ходимлар хизматларининг мажмуи тушунилади.**

Ушбу таърифни назарий жиҳатдан шу билан асослаш мумкинки, биринчидан, меҳмонхона сервиси маданияти бевосита меҳмонларга (туристларга) кўрсатиладиган хизматлар қулай бўлиши лозим. Зеро, кўрсатиладиган хизмат маданияти, энг аввало, қулайликни таъминлашини тақозо қилади. Иккинчидан, ҳар қандай хизмат меҳмонларни (туристларни) қаноатлантирадиган, уларнинг кўнглига мос, кайфиятини кўтарадиган бўлиши лозим. Учинчидан, ҳар қандай кўрсатиладиган хизматларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашган ва уларга таянган бўлиши керак. Тўртинчидан, кўрсатиладиган хизматлар инсоният тамаддунида эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бешинчидан эса, сервис хизматини аъло даражада кўрсата оладиган малакали ходимлар томонидан кўрсатилган хизматларининг мажмуи бўлмоғи лозим. Кўриниб турибдики, юқоридаги таъриф ушбу талабларнинг ҳаммасига жавоб беради.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, сервис фаолияти ва унга қўйилган талаблар, хусусан, меҳмонхона сервиси хизмати маданияти доимий равишда такомиллашиб бориши лозим бўлган жараёндир. Шу туфайли мазкур таърифда тарих, бугунги ҳолат ва миллат истиқболи ўз ифодасини топган деб ўйлаймиз.

M.M. Hakimova – Samardand iqtisodiyot va servis instituti assistenti

JAHON TURIZMI VA MEXMONXONA INDUSTURASINI RIVOJLANISHINING ASOSIY TENDENTSIYALARI.

Annatotsiya: Maqolada mehmonxonalar korxonalarida xizmatlarning raqobatbardoshligini baholash muammolari ko‘rib chiqiladi, bunda sifat ob'ektning raqobatbardoshligining muhim omili sifatida qaraladi. Maqolada mehmonxona korxonalarida xizmatlarning raqobatbardoshligini baholash uchun ekspert, faktorial va parametrik usullardan foydalaniladi, shuningdek regressiya aloqalari orqali talablar va sotuvlar shakllanishi o‘rganiladi.

Kalit so‘zlar: sifatni ta'minlash, "kiruvchi", "chiquvchi", "umumiy" va "o‘ziga xos" omillar, xizmat ko‘rsatish sifati, izchillik, ishonchlilik, aniqlik, tan olish, bod tezligi, regressiya, pul qiymati.

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы оценки конкурентоспособности услуг на гостиничных предприятиях, в которых качество рассматривается как важный фактор конкурентоспособности объекта. В статье используются экспертный, факторный и параметрический методы оценки конкурентоспособности услуг на гостиничных предприятиях, также изучаются вопросы формирования требований и продаж через регрессионные ссылки.

Ключевые слова: обеспечение качества, «входящие», «исходящие», «общие» и «специфические» факторы, качество обслуживания, согласованность, надежность, точность, распознавание, скорость передачи данных, регрессия, соответствие цены и качества.

Abstract: The article deals with the problems of assessing the competitiveness of services at hotel enterprises, in which quality is considered as an important factor in the competitiveness of an object. The article uses expert, factorial and parametric methods for assessing the competitiveness of services in hotel enterprises, and also studies the formation of requirements and sales through regression links.

Keywords: quality assurance, "inbound", "outbound", "general" and "specific" factors, quality of service, consistency, reliability, accuracy, recognition, baud rate, regression, value for money

Turizm biznesi jahon iqtisodiyotining eng tez rivojlanayotgan tarmoqlaridan biridir. Ba'zi ma'lumotlarga koʻra, xalqaro turizm neft sanoati va avtomobilsozlik sanoatidan keyin eksport qilinadigan eng yirik uchta sanoat tarmogʻi qatoriga kiradi.

Jahon Sayohat va Turizm Kengashi 2017 yilda sayohat va turizm iqtisodiy faolligini 3,6 trillion dollarga baholadi. Zamonaviy turizm daromadi trillionlab AQSH dollariga baholanmoqda, bu “buyuk” davlatlarning YaIMlari bilan solishtirish mumkin.

Sayyohlik sanoatining tashrif buyurish uchun eng mashhur mamlakatlarning YaIM tarkibiga qoʻshgan hissasi hali ham juda kam.

Avstriya (8%), Ispaniya (5,8%), Shveytsariya (5,2%) YaIMda turizmdan eng yuqori daromadga ega. Turizmni rivojlantirish boʻyicha Xitoy, Meksika va AQSH alohida ajralib turadi. Shu bilan birga, ba'zi mamlakatlarda turizmdan olingan daromadlar YaIMning aniqlovchi elementi hisoblanadi: Bermuda - 34,7%, Seyshel orollari - 27,4%, Antigua - 58,5%, Bagama orollari - 52,1%. Dunyoning eng kam rivojlangan 49 ta davlatida turizm valyuta tushumlari manbai sifatida statistik ma’lumotlarga koʻra neftdan keyin ikkinchi oʻrinda turadi.

Iqtisodiyotning daromadli va infratuzilmaviy tarmogʻi sifatida turizm Oʻzbekistonda sovet davridan beri ustuvor asosga ega boʻlib, bu Markaziy Osiyo respublikasini sobiq ittifoq sub’yektlarining koʻpchiligidan yaxshi ajratib turdi. Bu hodisa, birinchi navbatda, respublikaning geografik joylashuvi, jozibador turistik marshrutlarni tashkil etish sohasidagi ulkan salohiyat va boshqalar bilan bogʻliq.

Bularning barchasi turizm bugungi kunda jahon iqtisodiyotida asosiy oʻrinlardan birini egallashini va ayni paytda dunyodagi eng daromadli biznes

turlaridan biri ekanligini to‘liq tushuntiradi. Shuning uchun jahon iqtisodiyotining ushbu tarmog‘ining kelajagi, uning istiqbollari va kelgusi uchinchi ming yillikda rivojlanish dinamikasi haqidagi savollar juda muhimdir. Natijada turizm hozirda xalqaro biznesning eng jadal rivojlanayotgan turlaridan biri hisoblanadi. Tadbirkorlarning turizmga bo‘lgan qiziqishi yaqqol ko‘rinib turibdi va bir qancha omillar bilan izohlanadi. Birinchidan, turizm biznesini boshlash uchun ortiqcha sarmoya talab etilmaydi. Ikkinchidan, yirik, o‘rta va kichik firmalar sayyohlik bozorida muvaffaqiyatli o‘zaro ta'sir qiladi. Va shu bilan birga, biznesning bu turi kapitalni tezda aylantirish imkonini beradi, shuningdek (xalqaro turizm sohasida) valyuta operatsiyalari orqali ma'lum imtiyozlarni olish imkonini beradi.

G‘arbiy Yevropa, AQSh, Yaponiya va Kanadaning an’anaviy bozorlaridan Markaziy va Sharqiy Yevropa, jumladan Rossiya, Xitoy, Janubiy Koreya, Meksika va Yaqin Sharqning ayrim mamlakatlari kabi muqobil bozorlarga turizm rivojlanishining bosqichma-bosqich o‘tishi kutilmoqda. (1-jadval.).

1-jadval.

Turizm hajmining dunyo mintaqalari bo‘yicha taqsimlanishi (xalqaro turistlar, million kishi)

Jahon mintaqalari	Qaytish				Prognoz	
	2010	2012	2015	2019	2020	2025
Jami	327,1	457,2	565,4	667,7	1006,4	1561,1
Afrika	9,7	15,0	20,2	27,4	47,0	77,3
Amerika (Shimoliy va Janub)	64,3	92,8	108,9	130,2	190,4	282,3
Sharqiy Osiyo (Tinch okeani)	31,1	54,6	81,4	92,9	195,2	397,2
Yevropa	212,0	282,7	338,4	393,4	527,3	717,0
yaqin Sharq	7,5	9,0	12,4	18,3	35,9	68,5
Janubiy Osiyo	2,5	3,2	4,2	5,5	10,6	18,8

Jahon amaliyotida qo‘llaniladigan strategiyalarning asosiy tarkibiy qismlari: global tendentsiyalar va turizm rivojlanishining multiplikativ ta'sirini hisobga olgan holda an'anaviy va istiqbolli yo‘nalishlar nisbatini baholash bilan o‘z bozorlarini batafsil tahlil qilish, har yili xalqaro kampaniyalarni o‘tkazish. muayyan esda qolarli shiorlar, shuningdek, turizm xizmatlari iste’molchilari bilan muloqot qilishning asosiy platformasi sifatida ilg‘or axborot texnologiyalaridan keng foydalanish. Turizm sohasi muvaffaqiyatli rivojlanib, mamlakatni rivojlantirishning strategik maqsadlariga erishish uchun shart-sharoitlar yaratish imkonini beruvchi asosiy elementlardan biriga aylanishi mumkin, xususan, dinamik va barqaror iqtisodiy o‘sish asosida aholi farovonligini oshirish, aholi bandligini ta’minlash, ishlab chiqarish salohiyatini oshirish. ijtimoiy va ma'naviy ehtiyojlarni qondirish darajasi, davlatning kelajakdagi rivojlanishi uchun salohiyatni oshirish va xalqaro pozitsiyalarni mustahkamlash. Zamonaviy turizmning muhim tendentsiyasi butun mamlakatda

turizmni rivojlantirish bo‘yicha davlat siyosatining rolini oshirish, shuningdek, alohida turistik mahsulotlarni ichki va xalqaro bozorlarda maqsadli targ‘ib qilishdir (1-rasm).



1-rasm. Milliy turizm tashkilotlarining reklama uchun ajratilgan byudjetlari, million evro, 2018 yil

Samarali davlat siyosatini amalga oshirish sharti bilan turizm sohasi xizmatlar sifatining o‘sishini ta’minlaydi, inson kapitalini rivojlantirishni rag‘batlantiradi, hayot sifatini yaxshilaydi, infratuzilmani yaratadi va takomillashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Азоев ГЛ. Конкуренция: Анализ, стратегия и практика. М.: ИНФРА-М, 1996.
2. Алексеев В. Практикум по маркетингу: Задачи, тесты, ситуации. М.: ИНФРА-М, 2001.
3. Амблер Т. Практический маркетинг. Издательство "Питер", 1999-400 с. (серия "Теория и практика менеджмента")
4. Андреева О.Технология бизнеса: Маркетинг: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 1997.
5. Ассэль Г. Маркетинг: Принципы и стратегия. М.: ИНФРА-М, 2001.
6. Барышев А. Маркетинг: Учебник. М.: Академия, 2002.
7. Бейкер М. Маркетинг: Энциклопедия. СПб.: Питер, 2002.

Белявский И. Маркетинговое исследование: Информация, анализ, прогноз. М.: ИНФРА-М, 2001.

Х.УСаматов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада зиёрат туризмини ривожлантиришнинг маънавий аҳлоқий асослари, зиёрат ва сафар одоблари ҳамда нақшбандия тариқатида сафар қилишга оид ғоялари таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье проанализированы духовно-нравственные основы развития паломнического туризма, этикет паломничества и Сафара, а также идеи о путешествии в накшбандийском тарикате.

Abstract: This article analyzes the spiritual and moral foundations of the development of pilgrimage tourism, the etiquette of pilgrimage and Safar, as well as ideas about traveling in the Naqshbandi tariqa.

Калит сўзлар: туризм, зиёрат, маънавият, аҳлоқ, дин, одоб, нақшбандия тариқати.

Ключевые слова: туризм, паломничество, духовность, мораль, религия, этикет, секта накшбандия

Keywords: tourism, pilgrimage, spirituality, morality, religion, etiquette, Naqshbandiya sect.

Туризм — иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда[1]. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Кўплаб уламолар, донишмандлар ва мўтабар зотлар етишиб чиққан ва жаҳонга машҳур қадамжолар ва зиёратгоҳларга эга мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш, халқаро зиёратчиларни жалб этиш йўлида кўплаб залворли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномаларида зиёрат туризми ва ички туризмни ривожалантиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб берган эди[2]. Жумладан, Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёнинг етакчи ўнта мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан юртимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар мавжуд. Хусусан, 7300 дан ортиқ қадимий ва археологик обидаларнинг 200 дан зиёди ЮНЕСКОнинг номоддий маданий репрезентатив мероси рўйхатига киритилган. Дарҳақиқат, мазкур зиёратгоҳлар миллий –диний қадриятларимизнинг асл намуналарини ва анъанларини ва анъанавий миллий урф-одатларимизни ҳам ўзида мужассам этган[3].

Биз мақоламизда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг айнан миллий ва диний қадриятлари билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз. Аввало, зиёрат тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур тушунчага қуйидагича таъриф берилган: зиёрат (араб.- бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш) – муқаддас жойларга, мозор ва қабристонларга бориб, муайян

расм-русумларни бажариб келиш[4]. Ислом динида дастлаб қабрларни зиёрат қилиш ман қилинган эди. Чунки, жоҳилият (исломгача бўлган давр) даврида араблар мусибат етганида Аллоҳнинг тақдиридан норози бўлиб, ғазабланишар, қабр тепасига бориб, оҳу воҳ қилишарди. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) саҳобаларни фитнадан сақлаш учун қабр зиёратидан қайтарган эдилар. Кейинчалик саҳобаларнинг қалбларига имон мустаҳкам ўрнашгандан кейин қабрларни зиёрат қилишга рухсат берган эдилар[5]. Исломда шахсга сиғиниш ширк ҳисобланади. Муҳаммад (с.а.в) бир ҳадиси шарифларида айтганлар: “Қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар, зеро, у охиратни эслатади”[6]. Шу боис, зиёратларга борилганда, улардан нажот сўраш ўрнига, ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа-эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринли амаллардан саналади. Зиёрат туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва бу борада ислоҳотларни изчил давом эттирилиши ижобий ҳолат бироқ, зиёрат туризмни инфратузилмасини ташкил этилиши бир томондан иқтисодий масала бўлса, иккинчи томондан инсонларни зиёратга бориши, руҳий қувват олиши, ўтганларни ҳақларига дуо қилиш билан биргаликда зиёратгоҳларда айрим бидьат, ширк амалларнинг кўпайиб бораётганлиги турли тушунмовчиликлар ва фитналарга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун зиёрат туризмни тарғиб қилишда маънавий, аҳлоқий, диний жиҳатдан асосланган маълумотларни мунтазам бериб бориш ҳамда зиёрат қилувчиларни зиёрат одоблари, зиёрат қилишнинг фазилатлари, савобли амаллардан эканлиги ҳақида ҳам тарғиботлар қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Исломий адабиётларда зиёрат қилиш, сафар қилиш одоблари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Жумладан, сафар уч хил фарз, фазилат ва мубоҳга бўлинади. Фарз сафари ҳаж қилиш, илм олиш, ота-она чақирса дарҳол бориш, зулмни бартараф этиш кабилардан иборат. Фазилат сафарининг тўрлари кўп. Рўзғор тебратиш учун тижорат ниятида ёки томоша ва кўнгил ёзиш учун сафар қилиш мубоҳдир[7]. Сафарнинг фойдалари кўп. Ҳазрати Али (р.а) сафарнинг беш фойдасини баён қилган. Биринчиси, ғам андуҳни кетказади; иккинчиси, тирикчилик сармояси ҳосил бўлади; учинчиси, илм ҳосил бўлади; тўртинчиси, одоб-ахлоқ мукаммаллашади; бешинчиси улуғлар суҳбатида бўлинади[8].

Исломий адабиётларда сафарнинг 15 одобига риоя қилган инсонларнинг зиёрати ибодат даражасида қабул қилиниши таъкидланган. Жумладан, мусофир яхши ният қилмоғи керак. Ота-она ва яқинларидан рухсат сўралиши керак. Сафарга суннатга мувофиқ кунларда чиққан афзал. Ҳафтанинг пайшанба куни сафарга чиқиш маъқул[9]. Бундан ташқари, зиёратгоҳ ҳудудига таҳоратли, сатри авратда бўлган ҳолда салом бериб кириш, марҳумларнинг ҳаққига Қуръон ўқиб, дуо қилиш вожиб амаллардан саналади. Зиёрат вақтида қабр тошларини ўпиш, уларни силаб юз-кўзга суртиш, қабр атрофини айланиб тавоф қилиш, шам ёқиш, зиёратгоҳ ҳудудидаги дарахт ёки ёғочларга латта парчаларини боғлаш

жоиз эмас. Шунингдек, ҳозирги кунда аксарият ёшларнинг қабрларни ёнига суратга тушиши, уни босиб ўтиши тез-тез кузатилаётган ҳолатлардан бири бўлмоқда. Бундай ҳатти-ҳаракатлар мумкин эмас. Афсуски, зиёрат қилувчилар бунга эътибор беришмайди ёки бу ҳақда билими йўқ. Зиёрат қилинаётган муҳтарам зот ҳам Аллоҳнинг бир бандасидир. Шунинг учун ундан нажот тилаш ёки бирор ҳожатни сўраш, унга атаб жонлик сўйиш катта гуноҳдир. Қабр устига пул сочиш мумкин эмас, балки ҳар қанча хайрия,эҳсон бўлса махсус эҳсон қутиларига ташлаш тўғри бўлади. Зиёратдан сўнг, оҳиста чиқиб кетилади. Чиқиш вақтида қабрга таъзим қилиш мумкин эмас. Мақбара ёнида ўйин-кулгу, шовқин-сурон қилиш ёки ухлаб дам олиш мумкин эмас. Зиёратгоҳ ҳудуди озодалигини сақлаш, бошқа зиёратчиларга халал бермаслик ҳам зиёрат одобларидан саналади[10].

Мамлакатимизда зиёрат туризмини нафақат ички туризм доирасида балки, ҳалқаро зиёрат туризмни ривожлантиришда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йил 7–14 ноябрь кунлари Ўзбекистонда Малайзиянинг “Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти” ташаббуси билан “Hilal travel” сайёҳлик ташкилоти ҳамкорлигида ҳамда бевосита Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг, шунингдек Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмагида зиёрат туризми йўналишида “Нақшбанд туризм фестивали – 2018” номли халқаро тадбир ўтказилган. Ушбу ҳалқаро фестивал доирасида 18 давлатдан 170 яқин меҳмонларнинг ташрифи амалга оширилган (жумладан, Малайзия, Индонезия, Туркия, Буюк Британия, Янги Зеландия, Хитой, Хиндистон, Австралия, АҚШ, Замбия давлатларидан). Мазкур зиёратчилар орасида кўплаб жаҳонга машҳур олимларнинг бўлиши, айтиш жоизки, бугунги кунда дунё хамжамиятининг Ўзбекистондаги зиёрат туризмига, хусусан, кўҳна шаҳарларимиз ва юртимиздан етишиб чиққан фозилу уламолар, донишмандлар, машойихлар ҳаёти ва асарларини ўрганишга ва ўз кўзи билан кўришга қизиқиши ниҳоятда баландлигидан далолат беради. Шунингдек, мазкур зиёрат доирасида хориждан нақшбандия тариқати вакилларининг келиши ва Бухоро шаҳрида “Етти пир” номи билан машҳур бўлган Ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувоний, Ҳазрат Хўжа Ориф Ревгарий, Ҳазрат Хўжа Махмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрат Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳазрат Хўжа Бобоий Самосий, Ҳазрат Хўжа Али Ромитоний ва Ҳазрат Абул Хафс Кабир ҳамда Ҳазрати Саййид Амир Кулол зиёратгоҳ-мажмуаларини зиёрат қилиши тариқат ғояларига мувофиқ келади. Нақшбандия тариқатида тариқат ғояларидан бири “Сафар дар ватан” бўлиб, унга кўра тариқатга кирган солик тариқат пирларнинг руҳониятларига боғланиш учун қабрларга зиёрат қилишга рухсат этилган. Бу тариқат рашҳасини уч хил маънода тушуниш мумкин. «Ватанда сафар қилиш». Бу шиорда ҳар одимда аслига ва Ҳаққа сафар қилиш маъноси бўлиши кераклиги илгари сурилган. Нақшбандийлар таълимотида сафарнинг уч хил маъноси бор:

Биринчи маъно: Ер юзида ибрат учун сафар қилиш. Ер юзида сафар қилиш махлуқотларга назар солиш ила тушунчани кенгайтиради ва ибрат олишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, банданинг назар орқали Аллоҳ таолонинг буюклигини англаб етишига ёрдам беради. Иккинчи маъно: етук муршидни ахтариб, сафар қилиш. Бу борада кўпчилик машойихлар ўзларига етук муршид ахтариб, диёрларни кезганлари мисол қилиб келтирилади. Учинчи маъно: соликнинг башарий сифатдан малакий сифатга ва ёмон сифатдан яхши сифатга сафар қилишидир. Махлуқотлар оламидан Ҳақ субҳанаҳу ва таоло томон сафар қилишдир. Бир ҳолдан ундан аълороқ бўлган ҳолга сафар қилишдир.

Умуман олганда, мамлакатимизда ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, туризм йўналишларини кенгайтириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш бўйича алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, зиёрат туризмини ривожлантиришнинг маънавий-аҳлоқий асосларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

1. Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зиёратгоҳларни тарихий жиҳатдан ўрганиш, асл манбаларда келган маълумотларни зиёратчиларга тақдим этиш лозим. Акс ҳолда, айрим зиёратчиларда нотўғри билимлар шаклланиб, ҳар хил бидъатлар кўпашига олиб келади.
2. Нақшбандия тариқатига юртимизда асос солинган. Ҳозирги кунда Малайзия, Индонезия, Туркия ва бошқа давлатларда 40 миллиондан ортиқ нақшбандия тариқати вакиллари истиқомат қилишади. Зиёрат туризмини ҳалқаро даражада ривожлантириш асосида “Нақшбанд туризм фестивали” ҳар йили ўтказиш мақсадга мувофиқ.
3. Зиёратни ташкил қилиш жараёнида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларида имкон даражасида зиёрат қилиш одоблари ҳақида маълумотларни мунтазам бериб бориш лозим. Шу орқали зиёратчиларнинг билимларини ошишига ҳамда зиёрати ҳам ибодат даражасида бўлиши мумкинлигини тушуниб олишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://kun.uz/40211066
2. Алимов У. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилайлик! Ҳидоят журнали. 2021 йил №1 сон. Б.2.
3. Ўша жойда.
4. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ/ Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2017. – Б.184.
5. Алимов У. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилайлик! Ҳидоят журнали.2021 йил №1 сон. Б.3.
6. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ/ Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2017. – Б.184.
7. Иномов И.Сафар одоблари. Ҳидоят журнали.2021 йил №1 сон. Б.21.
8. Ўша жойда Б.21.
9. Ўша жойда Б.21.
10. Аҳмедов О.Зиёратга борганда. Ҳидоят журнали.2021 йил №1 сон. Б.7.

А.А. Садуллаева – Ўзбекистон Миллий университети эркин тадқиқотчиси

МИНТАҚАДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада сўнгги йилларда Хоразм вилояти туризмини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг мазмун моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, турист, ички туризм, зиёрат туризм

Аннотация: В данной статье рассматривается сущность указов и постановлений, принятых Президентом Республики Узбекистан, Кабинетом Министров за последние годы в сфере развития туризма в Хорезмской области.

Ключевые слова: туризм, турист, внутренний туризм, паломнический туризм

Abstract: This article discusses the essence of decrees and resolutions adopted by the President of the Republic of Uzbekistan, the Cabinet of Ministers in recent years in the field of tourism development in the Khorezm region.

Keywords: tourism, tourist, domestic tourism, pilgrimage tourism

Барчамизга маълумки, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун ҳар битта туристик ҳудудни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Шунингдек, ҳар бир ҳудуда туризм соҳасини ривожланиши бевосита ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уларни самарали ишлашига боғлиқ. Бугунги кунда, мамлакатимизнинг барча туристик минтақаларини ривожлантириш мақсадида кўпгина меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, манзилли дастурлар қабул қилинмоқда. Хоразм вилояти мамлакатимизнинг бошқа Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби муҳим туристик марказларидан бири ҳисобланади. Сўнгги 4-5 йил давомида вилоят туризмини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан бир қанча манзилли дастурлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу манзилли дастурларнинг амалда бажарилиши натижасида Хоразм вилоятида туризм индустриясини йилдан ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Хоразм вилояти ҳокимининг вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қарор, фармон, чора-тадбирлар режаси ва йўл хариталарида берилган топшириқлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингги таҳлил қилганимизда, Хоразм вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида жами 14 та ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятига 3 та ташрифи давомида берилган топшириқлар, 4 та қарори, 2 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигида ўтказилган 1 та йиғилиш баёни ижроси юзасидан

амалга оширилган ишлар бўйича мунтазам равишда мониторинг юритилмоқда. Шунингдек, ушбу қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда берилган топшириқлар ижросини вилоятда ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг қарор, фармонлари ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

2017 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2953-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур Дастурнинг асосий мақсади Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги янада ривожлантириш, Хива шаҳрининг ноёб тарихий-маданий ва меъморий обидалар, шу жумладан очиы осмон остидаги “Ичан қалъа” шаҳарча музейи ҳудудидиги ёдгорликлар билан туристларни кенг таништириш мақсадида энг қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш, ҳудудларнинг замонавий туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ички туризмни фаоллаштириш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек янги ишчи ўринларини яратиш ва аҳоли даромадлари ўсишини рағбатлантириш ҳисобланади. Ушбу лойиҳалари амалга ошириш учун жами 11226,0 млн.сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ушбу Дастур доирасида 5 та бўлимда 63 та банд бўйича белгиланган тадбирлар ва лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарканд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти ҳокимининг 2017 йил 28 ноябрдаги 882к-сонли карори қабул қилинган. Мазкур қарор бўйича Хива шаҳрида ҳавфсиз туризмни таъминлаш бўйича концепция ишлаб чиқилган. Хавфсиз туризмни таъминлаш Концепциясига мувофиқ, вилоят ҳудудидаги меҳмонхона ва жойлаштириш воситаларида “E-mehmonxona” электрон тизими ишга туширилган.

2018 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу фармоннинг асосий мақсади ҳудудларда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш ҳисобланади. Мазкур фармонда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурида Республиканинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Хоразм вилоятида Ички туризм ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга бўлган туманлар ва шаҳарлар алоҳида рўйхатга кирган (1-жадвал).

1-жадвалда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризм ривожлантириш дастурига Хоразм вилоятининг Боғот, Урганч, Янгаириқ ва Янгибозор туманлари киритилган. Мазкур туманларнинг ўзига хос иқлим шароити, ихтисослашуви ҳамда бош бир қатор омиллар ички туризмни ривожлантириш имкониятларини беради. Шунингдек, юқорида қайд қилиб ўтилган туманларда экологик туризм, тарихий туризм, гастрономик туризм каби туризм турларини ривожлантириш имкониятлари катта ҳисобланади.

1-жадвал

Хоразм вилоятида ички туризмни ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга бўлган туманлар[1]

№	Жой номланиши	Шаҳардан масофаси (км)	Табиат манзаар афзаллиги	Маҳаллий аҳолининг асосий машғулоти	Туризмнинг салоҳиятли турлари
1	Боғот тумани Деҳқонбозор ва Мири шкор қишлоғи	30	Узумзорлар	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик	Гастрономик туризм
2.	Урганч тумани Чолиш посёлкаси, Тўқай комплекси	10	Амударё соҳили	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик	Экотуризм, гастрономик туризм
3	Янгиариқ тумани «Хоразмбалиқ» ОАЖ тасарруфидаги кўл	35	Сунъий кўллар	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва балиқчилик	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва балиқчилик
4	Янгибозор тумани «Маданият» фермерлик уюшмаси ҳудуди	45	Узумзорлар	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик	Экотуризм, гастрономик туризм

Ўзбекистон Республикаи Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 августдаги “2019-2022 йилларда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 673-сонли қарорининг ижроси бўйича Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 19 августдаги 560-қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ, Хоразм вилояти Хива шаҳридаги маданий мерос объектларини таъмирлаш, реставрация қилиш ва тиклаш чора-тадбирлари, Хива шаҳридаги ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш чора-тадбирлари, Хива шаҳрида саноат, хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик йўналишида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, Хива шаҳридаги йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари бажарлиши белшгиланган бўлиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 793-сонли қарорининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарори 2-илова

ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 25 сентярдаги №621-қарори қабул қилинган. Мазкур қарор вилоятда маҳаллий аҳоли ва туристлар учун қўшимча қулай шароитлар яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари, автомобилларга газ қуйиш станциялари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини замонавий талабаларга мувофиқ жиҳозлаш ва мослаштириш назарда тутилган.

2021 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармонда Ўзбекистон Республикасидаги йирик моддий маданий мерос объектларида ички туризм оқимларини шакллантириш режаси тасдиқланган. Айнан мазкур режага мувофиқ, Хоразм вилояти Хива шаҳридаги «Паҳлавон Маҳмуд» мақбарасини зиёратгоҳи ҳам киритилган.

Хива шаҳри марказида ва бошқа йирик аҳоли пунктларида зиёратгоҳга олиб келувчи йўналишни кўрсатувчи йўл кўрсаткич ва ахборот белгиларини ўрнатиш, ҳалол туризм талабларига жавоб берадиган овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш ҳамда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида устувор равишда зиёратгоҳ атрофида ҳалол туризм талабларига жавоб берадиган оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш учун 33 млн. сўмгача кредит маблағларини жалб қилиш назарда тутилган. 2021 йил давомида тарғибот ишлари учун 50 млн.сўм маблағ ажратиш назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур фармонда Хоразм вилоятига зиёрат туризми мақсадида ташриф буюрувчилар учун шарт-шароитлар яратилиш режалаштирилган маданий мерос объектлари сифатида “Уч авлиё бобо” зиёратгоҳи, “Саидмухаммад Моҳи руйи Жаҳон” мажмуалар киритилган. Ундан ташқар фармонда вилоятда зиёрат туризми маршрутларида фойдаланиладиган маданий мерос объектларининг 2021-2025 йилларда устувор равишда рестарвация қилиш Дастури ҳам тасдиқлаган (2-жадвал).

2-жадвал

2021-2025 йилларда Хоразм вилояти зиёрат туризм маршуртларида фойдаланиладиган маданий-мерос объектлари рўйхати[1]

№	Объект номи	Барпо этилган даври	Манзили
1	«Саид Мухаммадхон» мадрасаси	1864 йил	Хива шаҳри
2	«Тунг отарлар» уйи	XIX аср	Хива шаҳри
3	«Дешон Қалъа» девори «Кўй дарвоза»га туташ қисми	1842 йил	Хива шаҳри
4	«Дешон Қалъа» девори Хива шаҳар маданият боғи ичидаги	1842 йил	Хива шаҳри

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон қарорига 1-ИЛОВА

	дарвоза қисми		
5	«Аваз Ўтар уйи» 1-даражали уй	XIX аср	Хива шаҳри
6	«Боғча ховуз» мажмуаси	XVIII аср	Хива шаҳри
7	«Хусан Муҳаммад бой» мадрасаси	1905 йил	Хива шаҳри
8	«Отажон бой» мадрасаси	1884 йил	Хива шаҳри
9	«Саид Муҳаммад Мохирўй» мажмуаси	1884 йил	Хива шаҳри
10	«Хоразмшоҳлар» мадрасаси	1915 йил	Хива шаҳри
11	«Музхона» мажмуаси	XIX аср	Хива шаҳри
12	«Шихназарбой» уйи	XIX аср	Хива шаҳри
13	«Оқмасжид» мажмуаси	1838 — 42 йиллар	Хива шаҳри
14	Чодира ховли» мажмуаси	1871 йил	Хива тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелда «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6199-сонли қарорининг қабул қилиниши мамлакатимиз туризм соҳасидаги ташкилиий бошқарув тизимида ўзгаришларга олиб келди. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистонда Туризм ва спорт вазирлиги ташкил қилинди (2-илова). Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчилари лавозимлари жорий қилинган.

Х. Қ. Самаров – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

МИЛЛИЙ МЕРОС ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИМЛАРИ

Аннотация: мақолада миллий мерос туризмини ривожлантиришдаги муаммолар аниқланиб бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари келтирилган. Хулоса ва таклифлар шакллатирилган.

Калит сўзлар: миллий маданият, миллий санъат, миллий анъаналар, миллий ўйинлар, ҳунарманд.

Аннотация: в статье определены проблемы развития туризма национальных наследий и даны пути решения этих проблемы. Формированы выводи и предложении.

Ключевые слова: национальная культура, национальное искусства, националные традиции, национальные игры, ремесленник.

Abstract: In this conspect there are shown possibilities for improving National Culture of International Tourism in Uzbekistan as well as there are proposals for problem development In Tourism

Keywords: National Heritage, National Culture, National Art, Traditional Games, National craft

Давлат миқёсидаги долзарб масала–бу жамиятда эҳтиёжларнинг келиб чиқиши, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муҳим талаблари

ҳам бўлиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик йўналишларига киритилган туризм соҳасида эндигина ўрганилаётган янги йўналишни, миллий мерос туризми турини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини тадқиқ қилишда ҳозиргача тўплаган тажрибаларимиз ва туризм соҳасидаги тадқиқотларимизнинг натижаларидан фойдаланишимиз лозим.

Ўзбекистон туризмида халқимизнинг миллий мероси бойликларидан туризмда фойдаланиш йўналишидаги кузатувларимиздан маълум бўлдики, ҳозиргача ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг натижаларини эълон қилиш саноқли сонларда экан.Бу ҳолат Ўзбекистон туризмида янги-миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш йўналишида илмий тадқиқотларнинг бошланмаганлигини, халқимизнинг миллий мероси бойликларидан туризмда фойдаланиш каби долзарб мавзу олимлар, мутахассисларнинг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам эътиборидан четда қолиб келаётганлигидан далолат беради.

Ўтказилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш ва асослаш, бажариш,шакллантириш жараёнида мамлакатимизда миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги муаммоларни ҳам аниқлашга муваффақ бўлдик. Бизнинг хулосаларимиз бўйича бу муаммолар асосан миллий маданиятимиз, миллий санъатимиз, миллий урф-одатларимиз, миллий мерос бойликларидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришимиз ва миллий ўйинларимизни ички ва халқаро туризмда ахборотлаш ва оммавийлаштириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолардан иборат:

1.Ўзбекистон туризмида янги миллий мерос туризми турини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари туризм соҳасини ривожланти ришга бағишланган илмий анжуманларда, ахборот тизимларида ташвиқот қилинмаган. Шу сабабли, туризм соҳасида тайёрланаётган бакалавриат ва магистратура таълими тизимидаги мутахассислик фанларига алоҳида мавзу сифатида киритилмаганлиги натижасида халқимизнинг миллий мероси бойликларидан туризмда фойдаланишнинг долзарблиги эътибордан четда қолган. Бинобарин бу мавзу бўйича талабалар ва магистрлар миллий мерос туризмини ривожлантиришнинг юзага чиқиши бўйича дастлабки оммавий лаштиришни амалга оширган бўлар эди (миллий мерос бойликларидан мустақил ишлар, курс ишлари, магистр диссертациялари ва бошқ...)

2. Тарихнинг оғир, тала-тўп ўтмишида ҳам сақланган, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкам лаш йўналишига салоҳиятли ҳисса қўшиш имкониятлари бўлган янги, миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги муаммоси.

3.Халқаро туризмни ривожлантириш дастурларига юртимизда ўтказиладиган миллий маданият, миллий санъат ва миллий ўйинлар тадбирларига ҳамда маданият марказлари томонидан хорижий сайёҳлар учун ташкил этиладиган маданий тадбирлар, дастурларни киритиш муаммолари.

4.Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари орқали юртимизда ўтказиладиган миллий маданий тадбирларни хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, миллий маданиятимиз соҳасида чет эл мамлакатлари билан маданий ҳамкорликни янада жадаллаштириш, хорижий сайёҳларни миллий маданият тадбирларга,жалб қилиш дастурларининг ишлаб чиқилмаганлиги муаммо лари.

5.Халқимизнинг бой қадриятларини, ҳунармандчилигини, урф-одат, анъаналари, яратувчилик санъатини жаҳон халқларига етказишда миллий мерос туризмини ривожлантириш жуда муҳимлигини асослаш муаммоси, туманларимизда, қишлоқларимизда дунёнинг ҳар қандай давлатларидан келган халқаро туристларни қизиқтириш ва уларни миллий ҳунармандчилик уйларига олиб боришни ташкил қилиш муаммолари.

6.Миллий мерос туризмининг қишлоқ туризмини, зиёрат туризмини, экологик-рекреация туризмини ва гастрономия туризмларига қўшилиб кетиши ва бу туризм турларининг ривожланишини кучайтиришини асослашдаги муаммолар.

7.Халқаро туризмда миллий меросимизга хос ноёб бойликларни намойиш қилиш ва шу омиллар асосида халқаро туризмни ривожлантириш вазифаларининг белгиланмаганлиги муаммолари.

8.Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкам лаш йўналишига салоҳиятли ҳисса қўшиш имкониятлари бўлган янги, миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилмаган.

9.Халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, ҳунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмаларини яратишдаги муаммолар.

10.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида[1],“Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида[2] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий

[1].Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони(Тошкент ш., 2021 йил 6 апрель, ПФ-6199-сон).

[2] .Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори (Тошкент ш., 2021 йил 6 апрель,ПҚ-5054-сон).

маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори”да[1] белгиланган топшириқлар, кўрсатмалар ва режаларни бажаришдаги муаммолар.

11.Ўзбекистон миллий туризмини ривожлантиришда туризм соҳасига кадрлар тайёрлаётган институт ва университетлар миллий туризмнинг соҳалари ва турларига ихтисослашган мутахассисларни тайёрлашга ҳозиргача киришмаганликлари муаммолари. Туризмни юксак даражада ривожлантирган ва ривожлантираётган АҚШ, Канада, Австралия ва Европа давлатлари мутахассисларни биздагидек умумий туризмга эмас, туризмнинг соҳалари, турлари ва йўналишлари бўйича тайёрлашади.

12.Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг ташаббуси ва раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазир-лиги, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ва Маданий мерос илмий-тадқиқот институти миллий туризмни ривожлантиришда алоҳида-алоҳида дастурлар билан эмас, ўзаро ҳамкорликда ватанимизда миллий мерос туризмини ривожлантиришнинг бош маркази бўлиши,“Стратегик ривожлантириш режаси” ва “Стратегиянинг тактик вазифалари” ягона “Дастур”ни ишлаб чиқишидаги муаммолар.

13.Мамлакатимизда халқимизнинг миллий маданий мероси бойликлари маконларига, манзилларига ички ва халқаро туризм йўналишларида туризм маршрутларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, миллий мерос бойликларидан туризмда фойдаланиш рекламаларининг қониқарсиз ҳолатларда эканлиги муаммоси.

14.Миллий мерос туризмининг миллий мерос бойликларидаги йўналишларга гид-экскурсиячилар тайёрлашга ҳанузгача киришилмаганлиги муаммолари.

Хулоса: Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкам лаш йўналишига салоҳиятли ҳисса қўшиш имкониятлари бўлган янги, миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Таклиф: Ўзбекистонда мақолада келтирилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш ва мукаммал ечимларни тавсия қилиш учун Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг ташаббуси ва раҳбарлигида Ўзбекистон Республика си Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги ва Маданий мерос илмий-тадқиқот институти миллий туризмни ривожлантиришда алоҳида-алоҳида дастурлар билан эмас, ўзаро ҳамкорлик да ватанимизда миллий мерос туризмини ривожланти-ришнинг бош маркази бўлиши, “Стратегик ривожлантириш режаси” ва “Стратегиянинг тактик вазифалари” ягона “Дастур”ни ишлаб чиқиши керак.

[1] .Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори (Тошкент ш., 2019 йил 18 октябрь, 881-сон)

Ш.Ж.Маматкулова – СамИСИ доценти

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада туризм соҳасини ривожлантиришда инновацион маркетинг тамойилларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: маркетинг, туризм, бозор, инновация, стратегия, реклама.

Аннотация: В данной статье рассматривается использование инновационного маркетинга в развитии сферы туризма и гостеприимства.

Ключевые слова: маркетинг, туризм, рынок, инновация, стратегия, реклама.

Abstract: This article discusses the use of innovative marketing in the development of the sphere and tourism and hospitality.

Keywords: marketing, tourism, market, innovation, strategy, advertisement.

Мамалакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Туризм ривожланиши бевосита маркетинг фаолияти билан боғлиқдир. Бугунги кунда маҳаллий туристик корхоналаримизда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда кўплаб маркетинг хизмати, маркетинг ва консалтинг фирмалари мавжуд. Узоқни кўзловчи тадбиркорлар ва менежерлар маркетингнинг бизнесдан ажралмаслигини ва рақобатлар мавжуд бўлган шароитда унинг роли беқиёс эканлигини яхши тушунишади. Маркетинг фалсафасига биноан туристик корхона узоқ муддатли вақт давомида самарали фаолият юритиши учун қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиб иш тутиши лозим:

-инновацион маркетингни қўллаб, фирма муттасил равишда ўз тур хизматларини ва маркетинг услубларини янгилаб бориши;

-қадриятий маркетингдан фойдаланиб, фирма турмаҳсулотнинг истеъмолчи учун қадрли бўлган томонларини ривожлантириб, ошириб бориши;

-фирма ўз ижтимоий вазифасини англаб ўз фаолиятида тор ишлаб чиқариш – хўжалик вазифаларидан эмас, балки ўз ижтимоий ўрнидан келиб чиқиб иш тутиши;

-ижтимоий-ахлоқий маркетинг концепциясига амал қилиб туристик фирма нафақат туристларнинг аниқланган талабларини рақобатчиларга нисбатан самаралироқ ва тўлароқ қондириши балки, алоҳида олинган ҳар бир туристнинг фаровонлигини қўллаб – қувватлаши ва яхшилаб бориши;

-истеъмолчи – туристларга мўлжалланиб иш юритиши керак.

Ушбу ҳолатдан келиб қичиб, туристик маркетинг ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

-тур махсулотни ишлаб чиқаришнинг максималлашуви;

-туристларнинг қониқиши даражасининг оптималлашуви;

-туристлар танловининг такомиллашуви ва бошқалар.

Ўзбекистон сайёхлик қўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Охирги йилларда қабул қилинган Қонун ва фармонлар мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, сайёхлар оқимини кўпайтириш, туристларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилган ишларни янада юқори босқичга олиб чиқади десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 150 та меҳмонхона, 1300 ўринли 135та оилавий уй-меҳмонхона ҳамда 180 та туроператорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Йилдан-йилга уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти кенгаймоқда. Вилоятда туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар бажарилди. Йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, миллий ва замонавий услубдаги ресторан ва чойхоналар, турли кўнгилочар масканлар қурилди.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унда рақобат муҳитини вужудга келтириш, ҳозирги шароитда кун тартибига турли янги ва ўта муҳим масалаларни қўймоқда. Шунингдек, қайд этиб ўтилганлар қаторида туризм соҳасидаги меҳмонхона хўжалигини хизматларининг сифат самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Туризм соҳасининг тараққиёти иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган транспорт ва алоқа хизматларининг ўсишига, истеъмол товарлари ишлаб чқаришнинг кенгайишига, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг юксалишига, шунингдек, ташқи савдо айланмасига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасидаги иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш стратегиялар замирида туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларни йўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, инфраструктура ва сервис хизматларини йўлга қўйиш, замонавий инновацион маркетинг билан қуролланган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, инвестиция ва кадрлар ресурси билан таъминлаш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш каби вазифалар ётади. Туризм бозори қанчалик кенгайса, бу бозорда туристик маҳсулотлар қанчалик кўпайса, ўша ҳолатда бу бозордан туризм маҳсулотларини олувчилар сони кўпаяди. Туристик бозорда туристик маҳсулотларнинг кўпайиши ўша бозор жойлашган мамлакатларда туризм соҳасининг ривожланганлигини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида инновацион маркетинг фаолияти маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб ва таклифларнинг бир-бирига тўғри келиши учун эркин ва рақобатли алмашувдан иборат бўлади. Туризм муҳим хусусиятлари бўйича ҳўжалик фаолиятининг бошқа шаклларидан

ҳеч қандай фарқ қилмайди. Шунингдек замонавий маркетингнинг ҳамма мавжуд хусусиятлари туризмда ҳам тўлиқ қўлланилиши мумкин.

Туристик фирмалар самарадорлигини ошириш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу масаланинг ечимини таъминлашда инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосий ўринни эгаллайди. Туризм маркетингида янги бозор сегментларига кириб бориш, бозор сиғимини ошириш, туризм бозорида рақобатда устунлигини яратиш туристик маҳсулотни истеъмолчиларга янгича тақдим қилиш ва истеъмолчилар диққатини туристик маҳсулотга жалб қилиш асосий вазифалардан саналади. Туризмда фаолият натижасини туристик маҳсулот касб этади. Туристик маҳсулот – туристларнинг у ёки бу талабини қондирадиган ва улар томонидан тўланадиган ҳар қандай хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади. Туристик хизматга меҳмонхона, транспорт, экскурсия, таржима, маиший-воситачилик ва бошқа хизматлар киради. Меҳмонхона хизматлари ишлаб чиқариш ва истеъмолида инновацион маркетинг масалалари жуда муҳим роль ўйнайди. Сифатли хизмат кўрсатмайдиган меҳмонхона корхонаси ўзининг асосий мақсадларига эриша олмайди. Турли меҳмонхона корпорациялари ривожланишининг тарихи фойда маркетингнинг маҳсули эканлигини кўрсатади. Меҳмонхона корхонаси олдида хизмат кўрсатиш маркетингини керакли даражада сақлаб туриш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мижоз меҳмонхонага яна келиш ёки келмаслиги унга кўрсатилган хизматнинг яхши ёки ёмонлигига боғлиқ. Биринчи марта меҳмонни яхши реклама, бой жиҳозлар ёки кенг турдаги таомномалар билан жалб қилиш мумкин. Аммо иккинчи марта меҳмон ходимларнинг малакали ишлаши ва олдин унга кўрсатилган хизмат сифатининг юқорилиги учун келади. Агар хизмат кўрсатиш корхонасини уни ривожланиш динамикаси нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, инновацион маркетинг унинг ҳаётийлигига энг катта таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Меҳмонхона корхонаси хизматларининг инновацион маркетингига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

-моддий –техника базасининг ҳолати, яъни: меҳмонхона биноларнинг қулай режалаштирилганлиги ва сифатли жиҳозланганлиги, жамоат ва яшаш хоналарининг қулай мебел ва ускуналар билан жиҳозланганлиги, тўлиқ комплектли юқори сифатли чойшаблар, замонавий ошхона жиҳозлари, қулай лифтлар ва ҳ.к.

- хизмат кўрсатишнинг илғор технологияси. Бунга жамоат ва турар хоналарни тозалаш тартиби ва усуллари; мижозларни рўйхатга олиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш, ресторан ва барларда овқатлар ва ичимликларни тайёрлаш рецептлари, савдо залларида хизмат кўрсатиш шакллари ва бошқалар киради.

Мижозларнинг хизмат маркетингига бўлган талабларини доимий ўзгариши ва кўпайишини эътиборга олган ҳолда мижозларнинг барча

эҳтиёжларини ва белгиланган стандартларга мос келувчи сифатли хизматлар кўрсатиши муҳим стратегия ҳисобланади. Туризм минтақалари ҳам, алоҳида хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам истеъмолчи билан муносабатга бўлиш соддалаштирилган ҳолда, фақат хизмат кўрсатиш технологияси асосида амалга оширилмаслиги кераклигини тушуна бошладилар. Хизмат маркетинги ҳар доим ҳам истеъмолчилар, раҳбарлар ва катта хизматчиларнинг ўзини ҳам қониқтирмайди. Юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи омил маркетинг стратегиясини танлаш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш стратегиясини ташқил қилиш учун корхона раҳбари энг аввало танламоқчи бўлаётган бозор шароитининг моҳиятини англаб етиш ва бу шароитда корхона қандай ўрин тутишини англамоқи лозим. Яхши ишлаб чиқилган стратегия қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим, яьни биз мижозларни қандай эҳтиёжларини қондира оламиз? Кимдан-дир яхшироқ хизмат кўрсатиш учун, биз етарлича билим ва тажрибага эгамизми – йўқми?

Туристик бозорда дам олиш, кўнгил ёзишга бўлган эҳтиёжлар ва бундай эҳтиёжларни амалга ошириш истаклари уларни туристик бозорда аниқ маҳсулотларга (манзилларга) айлантира олади. Туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларни йўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, инфраструктура ва сервис хизматларини йўлга қўйиш, замонавий маркетинг билан қуролланган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш, инвестиция ва кадрлар ресурси билан таъминлаш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш каби вазифалар ётади. Ушбу масаланинг ечимини таъминлашда маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосий ўринни эгаллайди.

Р. Ҳайитбоев – СамИСИ катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ МИНТАҚАЛАРИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ТУРИЗМИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасининг чўл минтақаларидаги археология туризмининг ресурслари келтирилган. Шунингдек, археология туризмининг чўл минтақаларидаги ресурсларидан фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: қалья, археология, қадимий, эрамиздан олдинги, ўзан, инклар.

Аннотация: в статье приведены ресурсы археологического туризма находящих ся в зоны пустыни Республика Узбекистан. А также даны рекомендации по использава ния из этих ресурсов для развития археологичекий туризма в зоны пустыни.

Ключевые слова: крепость, археология, древный, до наших эры, русло, инки.

Abstract: the article presents the resources of archaeological tourism located in the desert zone of the Republic of Uzbekistan. And also recommendations are given on the use of these resources for the development of archaeological tourism in the desert zone.

Keywords fortress, archeology, ancient, in our era old, channel, Incas.

Археология туризмини-Самарқанд,Бухоро, Хоразм, Термиз, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларининг қолдиқлари, қадимий қальаларнинг харобалари, қадимий Марказий Осиёнинг халқлари ҳаёти ҳақидаги археологик топилмаларга қизиқиш деб тарифлаган эдик [1]. Кейинчалик, адабиётларни ўрганишдан маълум бўлдики, халқаро туризмда ҳам археология туризмининг тарифи шундай экан.Ўзбекистоннинг чўллари минтақаларида ҳозиргача топилган ва тарихи ўрганилган археоло гик маконлар ва масканларнинг барчасини ушбу ишимизда келтириш катта ҳажмларни олади. Шунинг учун ҳам биз, ҳозирда ҳам қадим мозийда бунёдкор боболаримизнинг теран ақли-заковатини, маданиятини эслатиб турган энг йирик археологик объектларнинг рўйхатини келтириш билан чегараланамиз.

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги энг йирик қадимий археоло гик объектлар:

- Эски Бухоро-Варданза шаҳри;Қадимги Нурота қалъаси; Раҳимхон (Феруз)нинг эски саройи қолдиқлари.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудлари да эрамиздан олдинги 20 дан зиёд қадимий шаҳарлар ва қалъаларнинг қолдиқлари яхши сақланган ва ҳозирги туризмда фойдаланилмоқда. Бу шаҳарлар ва қалъаларнинг энг катталари қуйидагилар:

- Тупроқ қалъа;Қўй қирилган қалъа;Яккапарсон қалъаси;Қозоқли шаҳри харобалари;Тоғ қалъа;Аёз қалъа;Уст-юртнинг тош ҳайкалла ри; Гулдурсин қалъаси;Бозор қалъаси;Қум босган қалъаси;Канга қалъаси;Гаур қалъаси;Бургут қалъаси;Жанбас қалъа;Баракгам қалъа; Шох санам қалъаси;Дарялик қалъаси;Кят қалаъси;Қават қалъаси ва бошқалари[2].



Қозоқли ётган шаҳар харобалари

[1].Ҳайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С ва бошқ.. Туризм маршрутлари, Ўқув қўлланма, «Илм Нур файз» МЧЖ, Самарқанд, 2016.- 180 б.

[2] Расмлар интернетдан олинди.



Қўй қирилган қалъа харобалари(милоддан олдинги IV аср,қум барханларидан тозаланган кўриниши)



Эрамиздан IV-III асрлардан олдинги қалъаларнинг қолдиқлари (Қорақалпоғистон Республикаси)

Хоразм тарихини жаҳонда танилган, машҳур олимлар- Яҳё Ғуломов С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, М. В. Воеводский, Ю. А. Рапопорт, В. А. Лившиц, Е. Е. Неразик, У. Каримов, П. Г. Булгаков ва уларнинг шогирдла ри, таниқли олимлар-С. К. Камалов, В.Н. Ягодин, Г. Хўжаниёзов, М. Мамбетуллаев, С. Баратов ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг умумий хулосалари бўйича бу қалъалар эрамиздан олдинги IV-II асрлардаги Хоразмшоҳларнинг саройлари ва шаҳарларнинг марказлари эканлиги археологик тадқиқотлар натижасида тасдиқланган. Яна бир ишончли тахминлар бўйича бу қалъалар ва шаҳарлар ўтмишда Амударё ўзанини ўзгартириб Каспий денгизига қуйила бошлагандан кейин, сувсизлик туфайли харобаларга айланган.

Археология туризмига қизиқувчиларни қуйидаги икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Инсоният тараққиёти билан боғлиқ қадимий иншоатларни излаш, топиш, уларнинг ҳозиргача сақланиб қолган қолдиқларининг ёшини аниқлаш, қурилиш усулларини, қурилиш ашёларини аниқлаш ва ушбу жойларда мозийда яшаган халқлар, уларнинг маданияти, дини ва яшаш

тарзи ҳақида хулосаларни кенг оммага эълон қилувчи тарихчи олимлар. Ҳозирда дунёнинг янги 7 мўжизасига киритилган инкларнинг Мачу-Пикчу тош шаҳри шу тариқа топилган эди. Бундай жойларнинг мавжудлиги ҳақидаги афсоналар, қадимий қўлёзмалар кўпинча халқаро фондлар, давлатлар ва тарихга қизиқувчи бойларнинг маблағ ажратишидан кейин изланади, текширилади, натижалар дунё матбуотида эълон қилинади.



Яккапарсон қалъаси



Аёз-қалъа

2. Археологик объектларнинг ҳозирги ҳолатини кўришни ҳоҳлаган қизиқувчилар Ўзбекистоннинг чўлларидаги қадимий иншоатларнинг сақланиб қолган харобалари ҳозирнинг ўзидаёқ 80 дан зиёд мамлакатлар нинг туристларини жалб қилмоқда[1]. Бу ҳақида қуйидаги иккита халқаро туристик маршрутнинг қисқача тавсифларини келтирамиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги энг йирик қадимий, тарихий обида лар жойлашган, Тошкент-Самарқанд-Бухора-Шаҳрисабз-Хива шаҳарлари га 2 та йирик- “Тарихга сайёҳат” ва “Тарих ва ҳозирги давр” деб номлан ган ички ва халқаро туризмга мўлжалланган туристик маршрут (ҳаво, автотранспорти ва туя транспорти) муваффақият билан ишламоқда.

«Тарихга сайёҳат» туристик маршрутида туристлар Хива шаҳарида ги тарихий обидаларни кўриб чиқандан кейин, эртасига Хива шаҳаридан 95 км масофадаги “Аёз қалъа” туристик лагерига (Қорақалпоғистон Республикасида) таклиф қилинади. Туристлар учун бу жойларда қадимий “Гулдурсин қалъа”, “Қўйқирилган қалъа”, “Бозор қалъа” ва “Қумбосган қалъа”ларга экскурсиялар уюштирилади. Тунаш “Аёз-қалъа” харобалари яқинида жойлашган “Аёз-қалъа” туристик лагерида.Бу лагер қорақалпоқ қора уй-юртларидан қурилган. Тушликдан кийин туристлар туяларда “Аёз-

[1] Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти департаментлари маълумотлари

қалъа” кўлига боришади. Қечқурин туристларга қорақалпоқ миллий фольклёр ансабли концерт беришади. Эртасига туристлар автотранспорт да Қизилқум орқали 500 кмлик йўл босиб Бухора шаҳарига етиб келишади. Бухоро шаҳридан туристлар Самарқандга йўл олишади.

It is forecasted that also in the near future the inflows of FDI in the country will grow. As the example for this tendency can be named the Samarkand region of Uzbekistan. In 2021 in Samarkand were launched 1079 investment projects in sum of 5,2 billion sums, which created 13 300 new jobs. It is estimated that in the near future this numbers will increase. For example, while in 2022 the region will receive investments worth 18 billion sums, in 2026 the inflows of investments will reach 25,1 billion sums. In total, in 2022-2026 8240 investment projects worth 105,1 trillion sum are expected to create 116 100 new jobs.

In this region the service sector is relatively developed as well and in 2026 this sector will make 35,8 % of total GDP of the region. This means that in 2026 the service sector will account for 12 238 000 sum pro person. In addition, there will be in total 9173 new projects in service sector of Samarkand, which will create 45 813 new job places. As a result of the development of the service sector the region will have 350 Electrobuses, 75 busses and 50 microbuses, 3 new logistic centers and new IT clusters.

Domestic institutions as FDI determinants

The literature on determinants of FDI has highlighted several important factors, which could attract FDI in developing countries. It has been noted that domestic and international institutions, openness of the economy, taxation rate, market size, presence of natural recourses, level of wages, development of infrastructure and economic development of the host country could affect the attraction of FDI (e.g., Bailey 2018; Fadiran 2020; Kinda 2010; Sekkat and Veganzones-Varoudakis 2007). Such studies concluded that developed physical and financial infrastructure of the host country attracts FDI by decreasing transactions costs thanks to facilitated connection between supplier and buyer (Richaud et.al. 1999; Sekkat and Veganzones-Varoudakis 2007, p.610; Kinda 2010, p.499). Other papers argued that the location of countries, particularly their natural recourses are the main reason for the FDI attraction in developing countries (Letete, 2015 in Fadiran 2020, p.2; Asiedu 2002; Alexander 2014, p.28). Next, some studies have highlighted market size as the most important determinant of FDI attraction in the developing economies (Sengenberger, 2002;

Tondel 2001). According to these research FDIs are market seeking and big domestic markets, which offer more consumers, are the main reason of their attraction to the transition economies (Fadiran 2020, p.7; Te Velde and Willem, 2001). Overall, in the literature of FDI attraction numerous wide-variety factors and conditions, which can attract FDI to the host country, has been pointed out. However, most of the current literature on determinants of FDI in developing countries pay particular attention to the role of domestic institution's quality in country's FDI attraction ability. They see the quality of institutions as the main factor that influences the decision of Multinational Enterprises (MNEs) over investing in developing countries (e.g., Kinda 2010, p.498; Nguyen and Cao 2015; Asif and Majid 2017, p.392; Chaib and Siham 2014, p.143). It is necessary here to clarify exactly what is meant by good and bad domestic institutions. Throughout the article, the term good institutions will be used to refer mainly to the practices of the developed countries, especially Anglo-American institutions (Moore and Schmitz 2008, p.1; Chang 2011, p.474). The examples for such institutions are democracy, low levels of corruption and strong property rights.

North (1990) was one of the first to highlight the importance of good institutions in FDI attraction. After the innovative and influential work of North (1990) academics begun to study more the relation between the quality of domestic institutions and FDI attraction (Globerman & Shapiro 2003; Bailey 2018, p.139). Moreover, the role of institutions in attracting foreign investors has been intensively investigated due to its claimed importance by the international organisations and development community. Pournarakis and Varsakelis (2004, p.91) by using the panel data analysed the economies in transition in Europe and concluded that the quality of institutions determined FDI attraction in these countries. In the same vein, Globerman and Shaprio (2003) came into conclusion that, the countries with the better domestic institutions and government policies received noticeably higher inflows of US FDI than the countries with the weak institutions. Furthermore, it has been suggested that good institutions play even more important role in attracting foreign investors to the developing countries than the already developed states (Bailey 2018, p.142; Doytch and Eren 2012, p.16). Contrariwise, where the host state's domestic institutions are weak, MNEs should be deterred from investing in such countries, as bad institutions create uncertainty and extra costs for the FDI (Globerman & Shapiro 2003, p.20; Bailey 2018, p.140; Asiedu, 2006; Kurul and Yalta 2017, p.2).

The analyse of attracted investment in Uzbekistan helps to clarify if the quality of institutions were important in FDI attraction. According to majority of sources good institutions are important only in FDI attraction to manufacturing sector, especially in service sectors and insignificant to FDI attraction for primary sectors, such as natural resources (Ali et.al 2010, p.201). However, the

biggest part of FDI in Uzbekistan came to energy sector, precisely to oil and gas sectors and the biggest investor in this sector was Russian 'Lukoil' company (UNCTAD 2020, p.59; investment promotion agency 2019). Similarly, 'Orano Mining' from France also invested big amounts in Uranium mining sector (UNCTAD 2020, p.59). Although there were investments from other countries like UK, USA, India and Turkey to the sectors such as service, chemical production, textile industries, electronics and machinery, their share in attracted FDI to Uzbekistan is still low (UNCTAD 2020, p.59).

So, the fact that FDI inflows are not attracted to the other sectors rather than natural resources, indicates the weak domestic institutions and underdeveloped financial markets. Overall, the analysis of attracted FDI in Uzbekistan's sectors indicate that FDI was mainly attracted to natural recourses and not to the service sector, therefore the improvement in Uzbekistan's domestic institution's quality is important in country's FDI attraction ability to its service sector.

Importance of the financial markets

However, the host state also should have some conditions in order to experience wide spread benefits from FDI. One of the most important conditions for benefiting from FDI is the existence of well- developed financial markets in the host country (Azman-Saini et al. 2010, p.212; Ozturk, 2007, p.86). For example, developed financial markets provide adequate recourses for local firms for the imitation and adaptation of transferred technologies (Navas 2019, p.401; Azman-Saini et al. 2010, p.211). Moreover, local companies, especially in infant industries, to be able to compete with strong MNCs need access for credits with low interest rates, which will be used for generating similar technologies like transferred ones and to hire high skilled labour. Furthermore, with access to credits people, who previously worked in MNC, will be able to create their own firms in the service sector. Classical example for this is the textile industry of Bangladesh, where from 130 workers trained by Korean MNE 'Daewoo' 115 later created their own textile firms due to well-functioning financial markets and availability of credits with low interest rates in Bangladesh (Alfaro et al, 2004, p.91). Moreover, underdeveloped financial markets of sub-Saharan African states are the main reason for the failure of transferred technologies through FDIs to generate positive impacts in this region (Hermes and Lensinsk 2003, p.153). In sum, it can be concluded that in order to benefit from FDI, it is important for Uzbekistan to develop its financial markets.

Conclusion

The article has shown the importance of good domestic institutions for the attraction of FDI in service sector. Moreover, it was argued that countries in order to benefit from attracted FDI must have developed financial markets. Overall, in case of Uzbekistan followings can be advised:

1. Uzbekistan should improve the quality of domestic institutions in order to receive more FDI in its service sector

2. Uzbekistan should develop its financial markets in order to have wide spread benefits from FDI

Bibliography:

- Alexander, J.S., (2014) 'The Rule of Law and Foreign Direct Investment in the Developing World', Doctoral dissertation, UC Irvine.
- Alfaro, L. et al. (2004) 'FDI and economic growth: the role of local financial markets' Journal of international economics, 64:1, pp.89-112
- Ali, F. A., Fiess, N., & MacDonald, R. (2010) 'Do institutions matter for foreign direct investment?' Open Economies Review, 21:2, pp. 201–219.
- Asiedu, E. (2002) 'On the determinants of foreign direct investment to developing countries: Is Africa different?' World Development, 30:1, pp. 107–119.
- Asiedu, E. (2006) 'Foreign direct investment in Africa: The role of natural resources, market size, government policy, institutions and political instability'. The World Economy 29:1, pp. 63–77.
- Asif, M., & Majid, A (2018) 'Institutional quality, natural resources and FDI: empirical evidence from Pakistan.' Eurasian Business Review, 8:4, pp. 391-407
- Azman-Saini, W. et. al. (2010) 'FDI and economic growth: New evidence on the role of financial markets.' Economics letters, 107:2, pp.211-213.
- Bailey, N. (2018) 'Exploring the relationship between institutional factors and FDI attractiveness: A meta-analytic review.' International Business Review, 27:1, pp. 139-148
- Chaib, B., & Siham, M. (2014) 'The impact of institutional quality in attracting foreign direct investment in Algeria.' Topics in Middle Eastern and African Economies, 16:2, pp.142–163.
- Chang, H. J. (2011) 'Institutions and economic development: Theory, policy and history', Journal of Institutional Economics, 7:4, pp. 473–498.
- Chowdhury, A. and Mavrotas, G. (2006) 'FDI and growth: what causes what?'. World economy, 29:1, pp.9-19
- De Mello, L. R. (1999) 'Foreign direct investment-led growth: evidence from time
- Doytch, N., & Eren, M. (2012) 'Institutional determinants of sectoral FDI in Eastern European and Central Asian countries: The role of investment climate and democracy.' Emerging Markets Finance and Trade, 48:4, pp. 14-32.
- Fadiran, D. O. (2020) 'Do De Jure Institutions Matter for Foreign Direct Investment Flows in Nigeria?.' Journal of African Business, 21:1, pp. 1-19
- Globerman, S., & Shapiro, D. M. (2003) 'Governance infrastructure and US foreign direct investment.' Journal of International Business Studies, 34:1, pp. 19–39
- Hermes, N. and Lensink, R. (2003) 'Foreign direct investment, financial development and economic growth'. The journal of development studies, 40:1, pp.142-163
- Hewko, J. (2002) 'Foreign Direct Investment: Does the Rule of Law Matter?'. Washington, DC: Carnegie Endowment for International Peace
- Investment promotion agency of Uzbekistan (2019) "Guide for investors". Tashkent.

- Kinda, T. (2010) ‘Investment climate and FDI in developing countries: firm-level evidence.’ World development, 38:4, pp. 498-513.
- Kurul, Z., & Yalta, A. Y. (2017) ‘Relationship between institutional factors and FDI flows in developing countries: New evidence from dynamic panel estimation.’ Economies, 5:2, 17.
- Meyer, K.E. (2004) ‘Perspectives on multinational enterprises in emerging economies’. Journal of international business studies, 35:4, pp.259-276.
- Moore, M. & Schmitz, H. (2008) ‘Idealism, Realism and the Investment Climate in Developing Countries.’ Policy File
- Moran, T. (2008) ‘Foreign Direct Investment and development’ in Birdsall, N., The White House and the world: a global development agenda for the next US president. CGD Books
- Navas, A. (2019) ‘Does FDI generate technological spillovers in the host country? Evidence from patent citations’. Economia Politica, 36(2), pp.399-414.
- Nguyen, T. V. H. & Cao, T. H. V. (2015) ‘The impact of institutional quality on foreign direct investment (FDI) inflows to Vietnam. ‘EADN Working Papers, 86
- North, C. (1990) ‘Institutions, Institutional Change and Economic Performance.’ New York: Cambridge University Press.
- O’Brien, R. and Williams, M. (2016) ‘Global Political Economy’. London: Palgrave Macmillan.
- Ozturk, I (2007) ‘Foreign direct investment-growth nexus: A review of the recent literature’. International Journal of Applied Econometrics and Quantitative Studies, 4:2, pp.79–98.
- Pournarakis, M., & Varsakelis, N. (2004) ‘Institutions, internationalization and FDI: the case of economies in transition.’ Transnational Corporations, 13:2, pp. 77-94.
- Sengenberger, W. (2002) ‘Foreign direct investment, industrial restructuring and local labour markets in the transition economies of Central and Eastern Europe: issues for debate’, Geneva: United Nations Economic Commission for Europe series and panel data. Oxford economic papers, 51:1, pp. 133-151
- Strachan, Ruth (2020) ‘The state of play: FDI in Uzbekistan’. Available at: https://investmentmonitor.ai/uzbekistan/the-state-of-play-fdi-in-uzbekistan (Accessed: 05.02.2022).
- Te Velde, Willem D. (2001) ‘Policies towards foreign direct investment in developing countries: emerging best-practices and outstanding issues’, working paper (March), mimeo, London
- Tondel, L. (2001) ‘Foreign direct investment during transition: determinants and patterns in Central and Eastern Europe and the former Soviet Union’ working paper No. 2001:9, mimeo.
- United Nations Conference on Trade and Development (2020) ‘International trade beyond the pandemic.’ Geneva: United Nations

Ж.Х Бобаназарова – ЖизПИ профессори, и.ф.д.
Н.Б Эргашева – ЖизПИ 1 босқич магистри

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг ўзига хос хусусиятлари, хизматлар бозорининг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар ва инсон омилини фаоллаштириш тадқиқ қилинган, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, инсон омили, бошқарув, инсон капитали, баҳолаш.

Аннотация: В статье рассматривается развитие сферы услуг, ее особенности, факторы, влияющие на эффективность рынка услуг и активизацию человеческого фактора, выдвигаются предложения и рекомендации.

Ключевые слова: сервис, человеческий фактор, управление, человеческий капитал,оценка.

Abstract: The article examines the development of the service sector, its specific features, factors influencing the efficiency of the services market and the activation of the human factor, puts forward proposals and recommendations

Keywords: servicee, human factor, management, human capital, evaluation.

Ҳозирги кунда иқтисодиётни юксалтириш муаммоларини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Айнан, товарлар ва хизматлар бозори, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши, бир томондан истеъмолчилар, яъни аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим воситаси бўлса, иккинчи томондан ушбу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи субъектларнинг доимий, узлуксиз кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Аҳолининг турли-туман товарларга ва хизматларга бўлган ҳамда тобора ўсиб ва кенгайиб бораётган эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида [1] “...хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, хизматлар бозорининг ривожланишига ижтимоий-иқтисодий муҳит, рақобатчилик шартлари, маркетинг ва савдо-сотиқ фаолияти, сотувчилар ва харидорларнинг ҳаракати,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 7 б.http: // www.lex.uz.

давлатнинг иқтисодий сиёсати, ташқи муҳит ва протекционизм сиёсати, тадбиркорлик фаолияти ва нарх тизими каби ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Ички омиллар эса ижтимоий-иқтисодий муҳит, маркетинг ва савдо-сотиқ фаолияти, сотувчилар ва харидорларнинг ҳаракати, тадбиркорлик фаолияти ва нарх тизими кабилардан иборат бўлади.

Шунингдек, "Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта заҳиралардан бири сифатида мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради"[1]. Аҳолининг замонавий хизматларни ўрганишига шароит яратиш мақсадида тармоқни тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадга мувофиқ. Соҳани ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 триллион сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш, бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратиб ва кредит ставкаси 15 фоиздан ошмаслиги белгиланди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон омилининг илмий-методологик асосларининг таҳлилари, илмий менежмент таълимотининг илк давридан бошлабоқ бошқарув ишларини самарали ташкил этиш учун инсон омилини фаоллаштиришга бевосита ва билвосита эътибор қаратилганлигини кўрсатди. Хизматлар бозорида ушбу ички омиллар ўзаро бир-бирига боғланган ҳолда ҳаракат қилишлари ва иқтисодий фаолиятни самарали амалга оширилишини таъминлаши лозим, Бу эса унга таъсир қилувчи ички-ташқи омилларни аниқлаш ва ижтимоий-иқтисодий баҳолашга имкон беради (қаранг: 1-жадвал)

1-жадвал

Хизматлар бозорининг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи

Ижтимоий-иқтисодий муҳит	Хизматлар бозорининг фаолият кўрсатиши шунга асосан яхши ривожланган ва ташкил қилинган бўлса товарлар ва хизматлар бозори самарали тараққий этади
Рақобатчилик шартлари	Хизматлар бозорини самарали ташкил этишда жуда зарур ҳисобланади ва хизматлар бозорида барча бозорларнинг бир-бирларига нисбатан ривожланишга интилишини ифодалайди
Маркетинг ва	Хизматлар бозорини дастлабки тараққий қилишида,

[2]Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидан. htpss//uza.uz. 16.06.2020 htpss// uza.uz.

савдо-сотиқ фаолияти	шунингдек бутун фаолиятида ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилади ва улгуржи-чакана савдо фаолиятлари билан амалга ошади
Сотувчилар ва харидорларнинг ҳаракати	Хизматлар бозорининг асосий субъектлари бўлиб майдонга чиқиб, бевосита уларнинг иштироки орқали иқтисодий ҳаракат-савдо айирбошлаш ва шунга мувофиқ хизмат кўрсатиш амалга оширилади
Давлатнинг иқтисодий сиёсати	Товарлар ва хизматлар бозорининг самарали ишлашига етарли шарт-шароит яратиб беради, монополистик фаолият ва асоссиз равишда нархларни белгилаш назорат қилинади товарлар ва хизматлар бозорининг мувозатини таъминлайди
Тадбиркорлик фаолияти	Товарлар ва хизматлар бозорида амалга ошириш орқали ялпи минтақа маҳсулоти ҳажми ошади, харидор ва сотувчилар эҳтиёжлари максимал даражада қондирилади ва бозорда иқтисодий фаолият амалга оширилиб, самарадорлигини оширади

Жадвал лойиҳа иштирокчилари ишланмаси.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ходимларни ҳар томонлама тайёргарлигини ошириш ва иқтисодиётни бошқаришнинг олий мақсади энг аввало инсон омилини фаоллаштириш билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга оширишни талаб қилади.

Кейинги вақтларда инсон меҳнати натижаларини баҳолашда номоддий актив кўринишдаги интеллектуал мулк, яъни илм-фан жадал ривожланмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқиш сифатига бўлган талабнинг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши, инновацион технологияларнинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларини муттасил равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ходимлар тайёргарлигини доимий шай ҳолатда тутиш, инсон омилини янада фаолаштиришни зарурат қилиб қўймоқда. Бошқарувнинг энг муҳим жиҳати ходимларнинг салоҳиятини баҳолаш бўлиб, бундай баҳолаш: кадрларни самарали танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрларни мотивлаш ва тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Кадрлар капиталини баҳолашнинг замонавий турлари қуйидагилар: шахс фаолиятини мажмуавий баҳолаб бориш, ходимнинг бутун меҳнат фаолиятини ўрганилиш натижасида меҳнат натижавийлигининг давомийлигини баҳолаш, инсонни ҳозирги даврда намоён бўлаётган сифати натижасида тезкор баҳолаш.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳаларида бошқарув тизими инсон омилининг инсоний сифатларини ўзаро боғлиқликдаги даражаларини ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инсон омили фаоллик даражасининг ҳақиқатга яқин белгиланганлиги ва уни мақбуллаштириб бориш;

- инсон омилининг фаоллик даражаси етарли бўлса-да, олдинга қўйилган вазифаларни уддаламаслик сабабларини ўрганиш, яъни шарт-шароит, ресурслар таъминотининг аҳволи ва ҳ.к.

- корхона фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун инсон капиталини зарурий салоҳият асосида лойиҳалаш;

- мавжуд инсон капитали салоҳияти асосида корхонадаги фаолиятни қай йўналишда ташкил этиш, диверсификациялаш ишларини амалга ошириш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 7 б.http: // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидан. htpss//uza.uz.

А.Т Мирсодиқов – Фарғона давлат университети таянч докторанти

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЛОГИСТИКА ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Annotatsiya: Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси қурилиш соҳаси ва соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ёки кластерлар фаолият самарадорлигини таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасининг асосий истеъмолчилари ҳисобланган аҳолининг соҳа корхоналари томонидан тақдим этилаётган объектлар ва уларнинг сифатидан қониқиши учун биринчи навбатда соҳада табиий монополия даражасини қисқартириш ҳамда бозор муносабатларини чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: қурилиш соҳаси логистикаси, логистика харажатларини бошқариш, логистик занжири харажатлар

Keywords: construction industry logistics, logistics cost management, logistics chain costs

Ключевые слова: логистика строительной отрасли, управление логистическими затратами, затраты на логистическую цепочку

Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги ҳолат таҳлили соҳада бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда унинг таркибидаги корхоналарни ягона фаолият тизимига жамлаш жараёни, яъни ўз ичига логистик тизимларни ҳам бирлаштирувчи ягона қурилиш тизимининг шаклланиш жараёни ҳали ниҳоясига етмаганлигини ҳамда тизим субъектларининг моддий-техник, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий салоҳият даражаси бозор қонуниятлари талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Таклиф этилаётган модел таркибидаги бошқарув механизмлари ҳар бир йўналишда ишлаб чиқилган ташкилий-иқтисодий механизмлардан ташкил топган бўлиб, бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг асосий вазифаси – бошқарув объектига таъсир этиш

орқали жараён самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

Қурилиш корхоналари ёки кластерларида бошқарув механизмининг самарадорлиги кўп жиҳатдан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари роли ҳамда қарор қабул қилиш жараёнига истеъмолчиларнинг кенг жалб қилинишига боғлиқ.

Бошқарувнинг ташкилий механизми ўз ичига бошқарув функциялари, бошқарувнинг ташкилий тузилиши, ходимлар, бошқарув техникаси ва технологияси, бошқарув қарорлари, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, бошқарувнинг ҳуқуқий асослари ва бошқаларни бирлаштиради. Бошқарувнинг ташкилий элементларига бошқарув мақсадлари, тамойиллари, функциялари, усуллари, техникаси, технологияси ҳамда ходимлар, бошқарув таркиби ва ахбороти киритилади[1].

Бошқарувнинг иқтисодий механизмлари иқтисодий қонуниятлар, тамойиллар, бошқарув усулларига ҳамда хўжалик фаолиятининг мақсади, фойда, мулкчилик муносабатлари ва бошқа дастакларига таянади. Бошқарувнинг иқтисодий механизми фаолият жараёнида юзага келувчи аниқ ижтимоий-иқтисодий, технологик, ижтимоий-психологик муаммоларни ечишга йўналтирилади[2].

1-жадвал

Қурилиш соҳаси корхоналари фаолиятини бошқариш доирасидаги асосий вазифалар[3]

Тайёргарлик, харид ва ишлаб чиқариш йўналишида	**Ташиш, тақсимот ва истеъмолчига етказиб бериш йўналишида**	**Истеъмолчиларни ҳисобга олиш йўналишида**	**Истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар, хизмат кўрсатиш ва сотиш йўналишида**
Истеъмолчилардан буюртмаларни қабул қилиш, истеъмол ва унинг мавсумий ва кунлик тебранишини режалаштириш	Энергия ресурслари оқимини мақбуллаштириш мақсадида диспетчерлик жараёнини бошқариш	Истеъмолчилар билан шартномалар тузиш ва тарифларни белгилаш жараёнларини бошқариш	Мижозларни хизмат кўрсатиш жараёнига қўшиш ва чиқариб ташлаш
Энергия ресурслари бўйича талаб ва харид ҳажмини			Аҳоли ва саноат корхоналарига тўлов ҳисобларини

[1] Основы менеджмента [Текст]: учеб. пособие /М. В. Цыпленкова, И. В. Моисеенко, Н. В. Гуремина, Ю. А. Бондарь. – М.: Изд. дом Акад. естествознания, 2013. – С.1-2.

[2] Кузнецов, И. А. Механизмы и методы принятия и реализации управленческих решений в современных рыночных условиях / И. А. Кузнецов // Социально-экономические явления и процессы. 2010. № 6. С. 103–106.

[3] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

режалаштириш			тақдим этиш ҳамда тўловларни умумий таҳлил қилиш
Қурилиш ва мукаммал таъмирлаш лойиҳаларини бошқариш	Тармоқ жиҳозларини ишлатиш жараёнини бошқариш	Ҳисоблагичлардан энергия ресурсларининг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини олиб бориш	Пул тушумларини ҳисобга олиш
Ҳисобга олиш қурилмалари ва эскирган жиҳозларни янгилашни режалаштириш	Энергия ресурсларини узатиш тармоқлари ва бошқа тармоқ объектларига даврий ва режадан ташқари техник хизмат кўрсатиш		Мижозларга уларнинг шахсий ҳисоблари бўйича маълумотлар тақдим этиш
Хизматлар буюртмалари ва бажарилган хизматлар ҳажми ҳисобини бошқариш		Энергия ресурсларини аҳоли ва саноат корхоналари томонидан истеъмол қилинишини ҳисобга олиш	Мижозлар билан алоқалар тарихини юритиш
Етказиб берувчилар ва пудратчи ташкилотлар билан шартнома тузиш жараёнларини бошқариш	Эскирган жиҳозлар ва воситаларни фойдаланишдан чиқариш	Турли тариф схемалари бўйича кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш	Истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар сифатини назорат қилиш

Соҳада фаолият олиб бораётган тизим иштирокчилари манфаатларининг қондирилиш даражаси ташкилий механизмлар самарадорлигини ифодаловчи асосий натижа ҳисобланади.

“Ташкилий самарадорлик” тушунчаси бошқарув фанларига Р.Холлу томонидан киритилган бўлиб, ушбу тушунча умумий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган корхона ичидаги тузилма хусусиятлари ва жараёнлар ҳамда ташқи муҳит билан алоқаларни ўз ичига олувчи тизим фаолияти модели сифатида талқин қилинган[1].

Бу ерда интеграция жараёнлари асосан логистик занжирларда ҳаракатланувчи моддий ресурсларни бошқаришга қаратилган. Ушбу ташкилий тузилмада қурилиш корхоналарида мавжуд бўлган бўлимлар функционал ихтисослашувини сақлаб қолади ва шу тарзда шакллантирилган ташкилий тузилма қурилиш корхоналарида қуйидаги

[1] Холл Р.Х. Организации: структуры, процессы, результаты. – Санкт-Петербург: Питер, 2001 – С. 58-59.

бошқарув тузилмаларининг мавжудлигини назарда тутади:

1. Логистик бошқарув хизмати.

2. Умумхўжалик бошқарув хизмати.

3. Стратегик ривожлантириш хизмати.

Ушбу ташкилий тузилма логистика фаолиятининг барча босқичларида асбоб-ускуналар ва материаллар билан таъминлашдан бошлаб, ишлаб чиқариш жараён и ва тайёр маҳсулотларни мижозларга етказиб бериш билан якунланувчи молиявий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ягона тузилмасини назарда тутади. Шундай қилиб, таклиф этилаётган тузилма асосий фаолият билан бирга моддий-техник таъминот тизимини ҳам тўғридан-тўғри бошқариш заруратини юзага келтиради.

Юзага келаётган логистик занжирларда шаклланувчи харажатларни бошқариш масаласини ечиш тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган интеграциялашган логистика харажатларини бошқариш тизими орқали амалга оширилиши таклиф этилади. Интеграциялашган логистика харажатларини бошқариш тизимининг асосий ғояси етказиб бериш ва сотиш, сақлаш ва моддий оқимлар ҳаракатини таъминлаш, молиявий ва бухгалтерия бўлимлари каби моддий оқимлар ҳаракати билан боғлиқ функционал бўлинмаларни бирлаштирувчи ягона услубий ҳамда ахборот базасини ўз ичига олувчи тизимдан ташкил топади. Интеграциялашган логистика харажатларини бошқариш тизими ягона интеграциялашган тизимда қурилиш корхоналарининг барча хизматлари фаолиятини умумий маълумотлар базаси билан бирлаштиришни назарда тутади.

Харажатларни минималлаштириш мақсадида ресурсларни интеграциялаш ва бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш умуман олганда қурилиш корхоналари логистик занжирини оптималлаштириш масаласининг ўзига хос ечимидир.

Тадқиқот жараёнида интеграциялашган логистика харажатларини бошқариш тизимини шакллантиришнинг асосий услубий қоидалари ишлаб чиқилди. Унга асосан интеграциялашган логистик занжирлар бошқарув тизимини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга амал қилиниши лозим:

1. Харидлар, заҳиралар ва моддий оқимлар ҳаракатини автоматлаштирилган логистик бошқаришнинг ягона занжирини шакллантириш, бу интеграциялашган логистик занжирлар бошқарув тизими операциясининг барча босқичларида ҳам жараёнларни, ҳам харажатларни бошқариш имконини беради.

2. Логистик, молиявий ва асосий қурилиш фаолиятини бошқариш ҳаракатларини интеграциялаш ва мувофиқлаштириш.

Интеграциялашган логистик занжирлар бошқарув тизими моддий оқимлар ҳаракати занжири бўйлаб логистика ҳаракатларини охиригача интеграция қилиш талаблари билан боғлиқ бир қатор хусусиятларга эга бўлиши керак, яъни:

- фойдаланувчи учун ахборотнинг тўлиқлиги ва яроқлилиги;

- дастлабки маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги;

- ўз муддатида амалга оширилиш (логистик ахборотлар тизимга белгиланган аниқ вақтда етказилиши);

Умуман олганда, логистик занжир харажатларини бошқариш тизими қуйидаги асосий модулларнинг интеграциялашган тўплами сифатида қаралади:

- молиявий фаолиятни бошқариш;
- моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш;
- қурилиш фаолиятини бошқариш;
- мижозлар билан алоқаларни бошқариш;
- ходимларни бошқариш.

Шундай қилиб, интеграциялашган логистик занжирлар бошқарув тизими қурилиш корхонаси ёки кластерининг турли тизим ости бўғинларига хизматлар кўрсатувчи аниқ дастурлар тўпламини ўз ичига олади.

Бошқарувнинг интеграл тизимини шакллантиришда корхонада мавжуд бўлган ҳар қандай ҳисоб тизимлари (бухгалтерия, моддий оқимлар, молиявий ва бошқалар)дан фойдаланиш тавсия этилади. Мавжуд ҳисоб тизимлари маълумотларидан фойдаланиш маълумотларнинг икки ёқлама киришининг олдини олади ва логистиканинг асосий ғоясига мос келадиган қисқа муддат ичида ва энг кам харажат билан интеграциялашган логистик занжирлар бошқарув тизими яратилишини таъминлайди. Моддий ресурсларни қурилиш объъекти кўринишидаги якуний маҳсулотга айлантиришнинг бутун занжири бўйлаб корхонанинг логистик занжири харажатларини бошқариш учун интеграциялашган логистик занжирлар бошқарув тизимининг қурилиш корхонаси ёки кластерида мавжуд бўлган бухгалтерия ва бошқарув ҳисоби тизимлари билан ўзаро алоқасини таъминлаш керак. Тадқиқот жараёнида ушбу логистика менежменти тизимининг бухгалтерия тизими билан интеграциясини амалга оширишнинг батафсил схемаси ишлаб чиқилди.

Ш.Ж.Маматкулова – СамИСИ доценти, и.ф.н.
Темур Тиллаев – СамИСИ, ММР-121гуруҳ магистранти

САВДО КОРХОНАЛАРИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада савдо корхоналарининг тижорат фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: тижорат, маркетинг, самарадорлик, реклама, фойда**.**

Аннотация. В данной статье обозначены основные направления повышения эффективности коммерческих предприятий.

Ключевые слова: коммерция, маркетинг, эффективность, реклама, прибыль.

Abstract. This article outlines the main directions for improving the efficiency of commercial enterprises.

Keywords: commercial, marketing, efficiency, advertising, profit.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида истеъмолчи талабини тўла қондирилиши борасида тижорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш унинг самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш билан бир қаторда тижорат фаолиятини такомиллаштиришда комплекс тизимдан фойдаланиш корхоналарнинг тижорат фаолияти бир томондан ва иккинчи томондан харидорга қаратилган бўлмоғи зарур.

Савдо ташкилотлари ва корхоналарининг тижорат фаолиятини такомиллаштиришнинг комплекс тизими товарларни сотиб олишда ва унинг ҳаракатини ташкил этишда маркетингдан кенг фойдаланишни, истеъмолчилар талабларини назарда тутишни ва шу билан бирга фойда олиб ишлаш зарурлигини ўз ичига олади. Тижорат фаолиятида маркетингдан фойдаланиш, аввало бозорни ўрганишни тақозо этади, қолаверса, товарлар ассортименти ва сифатини бошқариш ишларини, уларни сотиш жараёнидаги операцияларни ва рекламани ташкил этиш муаммоларини ўз ичига олади.

Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ва корхоналари бозорни ўрганишни қуйидаги йўналишларда олиб борадилар:

– бозор сиғимини аниқлаш;
– бозорнинг товар гуруҳлари бўйича ҳажмини аниқлаш;
– савдо ташкилотлари ва корхоналарининг бозорда товар сотишдаги салмоғини аниқлаш;
– бозор вазиятини, нарх навони, талаб ва таклифни таҳлил этиб тавсиф бериш;
– истеъмолчиларни ўрганиш ва уларни рағбатлантириш;
– бозор конъюнктурасини ўрганиш ва уни прогноз қилиш;
– чет мамлакатлар бозорига чиқиш имкониятларини ўрганиш.

Товар ассортиментини бошқариш ва сифатини яхшилаш қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

– харидорларнинг кундалик ва аҳён-аҳёнда сотиб олинадиган товарларга бўлган талабини ўрганиш ва эҳтиёжини аниқлаш;
– сифатли товар ишлаб чиқарувчиларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, улар билан алоқа боғлаш;
– товар ишлаб чиқарувчиларнинг ассортимент сиёсатини шакллантиришда қатнашиш ва ўз ассортимент сиёсатини ишлаб чиқиш;
– бозорни янги товарга бўлган муносабатини аниқлаш;
– товарларни истеъмолчи талабига мувофиқ, уларнинг сифатига, баҳосига, истеъмол хусусиятларига, рақобатга бардош бера олиш қобилиятларига қараб сотиб олиш.

Товарларни сотишни қуйидаги йўналишларда ташкил этиш тавсия этилади:

– товар сотишда илғор усуллардан фойдаланиши;
– харидорларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;
– товар сотишда кундалик ва узоқ муддатларда мўлжалланган режа-

лардан кенг фойдаланиш;

– савдо ходимлари меҳнатини инновацион тараққиёт талабларига мувофиқ ташкил этиш;

– улгуржи савдо корхоналарида ва чакана савдо тармоқларида жойлашган товар заҳираларининг оптимал муносабатда бўлишига эришиш, товар заҳираларини маневрлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш;

– товар ҳаракатини рационал ташкил этиш;

– харажатларни оптималлаштириш ва тижорат фаолиятини фойда келтирадиган қилиб ташкил этишга эришиш;

– маркетинг-логистика сервис тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Товарларни реклама қилишда қуйидагилар кўзда тутилади:

– реклама ишларини самарали этиб ташкил этиш;

– реклама ишлари билан шуғулланувчилар меҳнатини рағбатлантириш;

– савдо ташкилотлари ва корхоналари бажарадиган реклама ишларини амалий таъсирчанлигини ошириш.

Савдо корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш учун унинг маҳсулоти (товари, иши, хизмати)ни сотишдан тушадиган соф тушумни муттасил кўпайтириб бориш лозим, чунки ушбу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ кўрсаткичлардир. Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти кўпайган сари, унинг кўрсатадиган хизмат сифати ўзгариши билан сотиш ҳажми ҳам ошиб боради. Бунинг учун савдо хизмати сифатини ошириш, рекламани яхши йўлга қўйиш, товарлар ассортиментини истеъмолчилар талабига мос ҳолда кўпайтириш, сотишнинг илғор усулларидан, хусусан, уйга ва иш жойларига етказиб бериш каби хизматларни кенгайтириш чоралардан фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо этади. Иккинчидан, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун унинг даромадлилигини ҳам ошириш лозимдир. Савдо корхонасининг даромадлилики жуда кўп омилларга боғлиқ. Ижобий натижага эришиш учун кўпгина тадбирларни амалга ошириш лозим. Бундай тадбирларга аҳолининг талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда товар ассортиментини шакллантириш, товар тақсимот каналларини бирмунча камайтириш эвазига, товарларни арзонроққа сотишни ташкил қилиш эвазига унинг сотилишини кўпайтириш, харидорларни кўплаб жалб қилиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.Бу эса ўз навбатида савдо корхонасининг даромадлилигини ҳам турли омилларни ишга солган ҳолда ошириб бориш лозимлигини талаб этади.

Учинчидан, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун унинг фойдаси ва рентабеллигини ҳам ошириш лозимдир.

Тўртинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун барча маблағлардан, уларнинг таркибий қисми бўл-ган,

асосий воситалар ва ресурсларнинг ҳам самарадорлигини ошириш лозимдир. Улардан бири савдо корхонасининг асосий воситаларидир. Савдо корхонасига келтирилган асосий воситалар биринчи галда, ўз вақтида ўрнатилиб, ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш лозим. Ҳозирги шароитда, савдо соҳасида ҳам модернизация жараёни кескин ривожланмоқда. Товар сотишнинг илғор усуллари, янги техника, технология қўлланилмоқда. Сарф қилинган ҳар бир сўм маблағ қайси соҳа бўлишлигидан қатъи назар, маълум даражада самара келтириши керак.

Бешинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бевосита айланма маблағлардан ҳам самарали фойдаланишни тақозо қилади. Айланма маблағларнинг таркибини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.Товар моддий захираларнинг айланувчанлик коэффициентини оширишга эришиш учун уларнинг таркибини ҳамиша назорат қилиб туриш, муддати яқинлашган товарларни эртага нобуд қилмасдан, бугун арзон нархга бўлса ҳам сотиш чораларини кўриш керак бўлади.Товарларни реклама қилишни йўлга қўйиш, уларнинг ассортиментини доимий равишда кенгайтириб бориш, диверсификация жараёнларига ҳам ҳар томонлама эътиборни қаратиш, савдо зали майдонини кенгайтириш каби тадбирлар ҳам айланма маблағлар самарадорлигининг муттасил олиб боришини таъминлайди.

Олтинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бевосита номоддий активлардан ҳам самарали фойдаланишга боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида номоддий активларнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга кескин ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Номоддий активлар ичида товар белгилари, рухсатноманинг қиймати, фирманинг нуфузи каби кўрсаткичларнинг ошиши савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириши тайин. Шу туфайли савдо корхонаси раҳбари ва барча бўғин менежерлари ушбу масалага катта аҳамият беришлари лозим. Ҳар қандай муносабатда, биринчи галда савдо корхонаси манфаати билан бирга, унинг нуфузини ҳам ўйлаб иш кўриш мақсадга мувофиқ. Савдо корхонаси хизмат кўрсатиш соҳасига таалуқли бўлганлиги сабабли , биринчи галда харидорнинг манфаати билан ҳисоблашишга тўғри келади. Қачон уларнинг эҳтиёжи қондирилишига хизмат қилинсагина улар пулларини шу савдо корхонасига қўйиши мумкин. Ҳозир савдо корхоналари ўртасида кескин рақобат муҳити шаклланди ва ривожланмоқда. Бундай шароитда савдо корхоналари ҳам ўз нуфузини сақлаб қолиш чораларини кўришни тақозо қилади. Шундагина савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг муттасил ошиб бориши таъминланади.

Шундай қилиб, тижорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш мураккаб ва хилма-хил савдо-технологик жараёнларни такомиллаштиришни талаб этади. Эндиликда савдо ташкилотлари ва корхоналари олдида турган тижоратнинг асосий мақсади бўлиши, фойда олиб ишлаш, аҳолига зарур бўлган юқори сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларни етказиб бериш, аҳолига юқори даражада сифатли савдо хизмати кўрсатиш тақдирдагина амалга ошади.

Ш.Ж.Маматкулова – СамИСИ доценти, и.ф.н.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолиятида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, маркетинг, инновация, рақобат.

Аннотация. В данной статье показано, как использовать маркетинговые возможности в деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, маркетинг, инновация, конкуренция.

Abstract. This article shows how to use marketing opportunities in the activities of small businesses and private entrepreneurship.

Keywords: small business, entrepreneurship, marketing, innovation, competition.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарор ва изчил давом этмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини вужудга келтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ниҳоят макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта. Жаҳон бозорларида рақобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилашда нафақат маҳсулотга бўлган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишлари керак, балки биринчи навбатда, салоҳиятли истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари ҳамда мақсадларини доимо диққат марказда тутиб, уларни чуқур ўрганишлари ва шу шароитга мос келадиган стратегияни амалга оширишлари муҳим бўлиб қолмоқда. Инновацион шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолиятида маркетинг комплексидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Маркетинг малакали бозор қатнашчиларини асосий тартиб интизомларидан биридир. Улар бозорни қандай қилиб тасвирлаш, қандай қилиб сегментларга бўлиш, мақсадли бозор доирасида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ва талабларини баҳолаш, бозорда керакли бўлган истеъмол хусусиятлари бўлган товарни яратиш ва синашни, нарх воситасида товарнинг қимматлиги ғоясини истеъмолчиларга етказишни, товар ҳаммага қулай бўлиши ва яхши танишиши учун тажрибали воситачиларни танлашни, истеъмолчилар товарни танишлари ва уни олиши иштиёқида маҳсулотлар ва жараёнларни яратишни назарда тутади. Кейинчалик эса инновациядан олинган натижаларни кенг тарғиб этишни кўзлайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсифика-

циялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида инновацион ишланмаларни жалб этиш жараёнларини янада фаоллаштиришлари зарур бўлади. Республикамизда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрларнинг амалда тадбиқ этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар, қулайликлар яратиб келинмоқда. Мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини шакллантиришда, ички бозорни импорт ўрнини босувчи юқори сифатли ҳамда уни экспорт қилишда етакчи кучга айланиб бормоқда. Маълумки, ҳар бир тадбиркор кўр-кўрона иш бошламайди ва фақат таваккал қилиб ҳаракат қилмайди, шу билан бирга ҳеч сабабсиз ўз соҳа ва тармоғини танламайди. Албатта, бунда истеъмолчи талаби туртки бўлади. Айтганимиздек, тадбиркорнинг манфаати, истеъмолчи манфаатисиз амалга ошмайди. Демак, унинг даромад олиши, уларнинг даражаси товарларга бўлган талаб билан белгиланади. Бозорни энди маркетингсиз тасаввур этиш қийин, чунки ҳозир маркетинг бозорнинг зарур ва кенг мазмунли таркибий қисмига айланган. Маркетинг бозор туфайли тараққий этиш билан бирга, ўз навбатида, бозорни тараққий эттиришда катта аҳамият касб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири маркетингдан унумли фойдаланишдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маркетингдан фойдаланишда йирик корхоналарга нисбатан ыуйидаги устунликларга эга:

-маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқаришдаги оддийлик, мижозлар, истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиши;

-маркетинг тадбирларини ўтказиш ва қисқа фурсатда маркетинг қарорлари қабул қилиниши;

-ишчи ва хизматчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконияти кнглиги, инновациянинг тезроқ тадбиқ қилиниши ва ишлаб чиқаришга қўйилиши.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва ўсиши шароитида тадбиркорлар бозор талабларига мос ҳаракат қилишга мажбур, истеъмолчилар талабини ҳисобга олиши, рақобат кураши услубларини ўзлаштириши, товарни сотиш ва силжитишда маркетинг воситаларини қўллаш, тижорат тадбир-корлигида маркетинг стратегиясига таяниши керак. Бозор фаолиятининг услубияти сифатида маркетинг тадбиркорлик соғасида кенг қўлланил-моқда. Маркетинг тамойиллари маркетинг асосини ва унинг моҳиятини очиб берувчи ҳолатдир. Фирмани бошқаришда маркетинг етакчи ўрин эгаллайди. Маркетинг фирма ишини бозор шароитида мослаштиришга қаратилган махсус фаолиятдир. Маркетинг иши бозорни ўрганиш, нархларни шакллантириш, бозор талабига монанд равишда товарларни ишлаб чиқариш, уларни вақтида бозорга етказиш, реклама ўтказиш ва харидорларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти маркетинг таҳлилининг натижаларига таянади, чунки бу нимани ва қандай турларда ва миқдорда ишлаб чиқариш, кимга ва қандай нархда қачон сотиш, бозорга қандай жойлашиб олиш мумкин деган саволларга жавоб беради. Маркетинг савдо-ситиқни ташкил этишгина эмас, шу бирга бозор талабини ишлаб чиқаришга етказиш, шунга қараб ишлаб чиқаришни созлаш ва бозор талабини қондиришни ҳам билдиради. Маркетинг фақат бозордаги талаб-эҳтиёжни қондириш воситасигина бўлмай, балки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш самарасининг ҳам юқори бўлишига қаратилади. Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Маркетинг фаолиятининг тамойиллари ва асосларини билиш тадбиркорлик ишларида хавф-хатарни камайтиришга, мавжуд шароиту, вазиятларнинг энг мақбулини танлаб олишга, ишлаб чиқаришнинг ва сотувнинг маҳсулот сифати юқори бўлгани ҳолда фойда бериб туришини таъминлашга, турли гуруҳлардаги харидорлар учун тўғри келадиган баҳоларни билишга ёрдам беради.

Тадбиркорлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири, эркин иқтисодий рақобат шароитида кам сарф-харажатлар билан бозор талабларига мос товарлар ишлаб чиқариш ва унинг турларини кўпайтириб боришидан иборатдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари тараққиётининг муҳим шартларидан бири-фаолиятда маркетинг тамойилларидан кенг фойдаланишдан иборатдир. Корхоналарнинг иқтисодий-молиявий ҳолати, шаклланаётган бозор конъюнктураси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, рақобат ва корхонанинг бозор талабларининг ўзгаришига мос равишда ҳаракат қилишига қараб инновацион маркетинг тамойилларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

З.Н. Бободустов – ассистент кафедры «Маркетинг», СамЭИС

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ОРИЕНТАЦИИ МАРКЕТИНГОВЫЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ОСНОВНОЙ ПРИОРИТЕТ КОНКУРЕНТНЫХ ПРЕИМУЩЕСТВ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация: Актуальность маркетинга для организаций обусловливается общими требованиями рынка и необходимостью приспосабливаться к ним. Речь идет о глубоком насыщении рынка товарами, превышении предложения над спросом и усилении конкурентной борьбы за внимание покупателя.

Ключевые слова: Системы производства, структура организации, систематизация, пайщики и партнеры.

- Alfaro, L. et al. (2004) 'FDI and economic growth: the role of local financial markets' Journal of international economics, 64:1, pp.89-112
- Ali, F. A., Fiess, N., & MacDonald, R. (2010) 'Do institutions matter for foreign direct investment?' Open Economies Review, 21:2, pp. 201–219.
- Asiedu, E. (2002) 'On the determinants of foreign direct investment to developing countries: Is Africa different?' World Development, 30:1, pp. 107–119.
- Asiedu, E. (2006) 'Foreign direct investment in Africa: The role of natural resources, market size, government policy, institutions and political instability'. The World Economy 29:1, pp. 63–77.
- Asif, M., & Majid, A (2018) 'Institutional quality, natural resources and FDI: empirical evidence from Pakistan.' Eurasian Business Review, 8:4, pp. 391-407
- Azman-Saini, W. et. al. (2010) 'FDI and economic growth: New evidence on the role of financial markets.' Economics letters, 107:2, pp.211-213.
- Bailey, N. (2018) 'Exploring the relationship between institutional factors and FDI attractiveness: A meta-analytic review.' International Business Review, 27:1, pp. 139-148
- Chaib, B., & Siham, M. (2014) 'The impact of institutional quality in attracting foreign direct investment in Algeria.' Topics in Middle Eastern and African Economies, 16:2, pp.142–163.
- Chang, H. J. (2011) 'Institutions and economic development: Theory, policy and history', Journal of Institutional Economics, 7:4, pp. 473–498.
- Chowdhury, A. and Mavrotas, G. (2006) 'FDI and growth: what causes what?'. World economy, 29:1, pp.9-19
- De Mello, L. R. (1999) 'Foreign direct investment-led growth: evidence from time
- Doytch, N., & Eren, M. (2012) 'Institutional determinants of sectoral FDI in Eastern European and Central Asian countries: The role of investment climate and democracy.' Emerging Markets Finance and Trade, 48:4, pp. 14-32.
- Fadiran, D. O. (2020) 'Do De Jure Institutions Matter for Foreign Direct Investment Flows in Nigeria?.' Journal of African Business, 21:1, pp. 1-19

- Globerman, S., & Shapiro, D. M. (2003) ‘Governance infrastructure and US foreign direct investment.’ Journal of International Business Studies, 34:1, pp. 19–39
- Hermes, N. and Lensink, R. (2003) ‘Foreign direct investment, financial development and economic growth’. The journal of development studies, 40:1, pp.142-163
- Hewko, J. (2002) ‘Foreign Direct Investment: Does the Rule of Law Matter?’. Washington, DC: Carnegie Endowment for International Peace
- Investment promotion agency of Uzbekistan (2019) "Guide for investors". Tashkent.
- Kinda, T. (2010) ‘Investment climate and FDI in developing countries: firm-level evidence.’ World development, 38:4, pp. 498-513.
- Kurul, Z., & Yalta, A. Y. (2017) ‘Relationship between institutional factors and FDI flows in developing countries: New evidence from dynamic panel estimation.’ Economies, 5:2, 17.
- Meyer, K.E. (2004) ‘Perspectives on multinational enterprises in emerging economies’. Journal of international business studies, 35:4, pp.259-276.
- Moore, M. & Schmitz, H. (2008) ‘Idealism, Realism and the Investment Climate in Developing Countries.’ Policy File
- Moran, T. (2008) ‘Foreign Direct Investment and development’ in Birdsall, N., The White House and the world: a global development agenda for the next US president. CGD Books
- Navas, A. (2019) ‘Does FDI generate technological spillovers in the host country? Evidence from patent citations’. Economia Politica, 36(2), pp.399-414.
- Nguyen, T. V. H. & Cao, T. H. V. (2015) ‘The impact of institutional quality on foreign direct investment (FDI) inflows to Vietnam. ‘EADN Working Papers, 86
- North, C. (1990) ‘Institutions, Institutional Change and Economic Performance.’ New York: Cambridge University Press.
- O‘Brien, R. and Williams, M. (2016) ‘Global Political Economy’. London: Palgrave Macmillan.
- Ozturk, I (2007) ‘Foreign direct investment-growth nexus: A review of the recent literature’. International Journal of Applied Econometrics and Quantitative Studies, 4:2, pp.79–98.
- Pournarakis, M., & Varsakelis, N. (2004) ‘Institutions, internationalization and FDI: the case of economies in transition.’ Transnational Corporations, 13:2, pp. 77-94.
- Sengenberger, W. (2002) ‘Foreign direct investment, industrial restructuring and local labour markets in the transition economies of Central and Eastern Europe: issues for debate’, Geneva: United Nations Economic Commission for Europe series and panel data. Oxford economic papers, 51:1, pp. 133-151

- Strachan, Ruth (2020) ‘The state of play: FDI in Uzbekistan’. Available at: https://investmentmonitor.ai/uzbekistan/the-state-of-play-fdi-in-uzbekistan (Accessed: 05.02.2022).
- Te Velde, Willem D. (2001) ‘Policies towards foreign direct investment in developing countries: emerging best-practices and outstanding issues’, working paper (March), mimeo, London
- Tondel, L. (2001) ‘Foreign direct investment during transition: determinants and patterns in Central and Eastern Europe and the former Soviet Union’ working paper No. 2001:9, mimeo.
- United Nations Conference on Trade and Development (2020) ‘International trade beyond the pandemic.’ Geneva: United Nations

Б.Ш.Хусанов – Главный научный сотрудник Самаркандского регионального отделения Центра экономических исследований и реформ, к.э.н., доцент.

ФИНАНСОВЫЕ ИНСТРУМЕНТЫ ПОИСКА НОВЫХ ЭЛЕМЕНТОВ СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Аннотация: В статье проанализирована цель системного подхода, которая может играть решающую роль при создании концептуальной модели изучаемого объекта, в частности социальной защиты. В статье так же отмечаться что анализ сложившихся элементов социального обеспечения важен для выявления индивидуальных подходов, не противоречащих фундаментальным экономическим, эконом развитиям реальной системы социального обеспечения. В рамках сказанного в статье даются конкретные направления результатов исследования в условиях принятых обоснованных данных по регулированию финансовых источников формирования социального обеспечения в разрезе его элементов с учетом развития социальных структур.

Ключевые слова: инструмент, анализ, система, социальное обеспечение, финансовая защита,элимент, системный подход

Annotatsiya: Maqolada tizimli yondashuvning maqsadi tahlil qilingan, natijada ijtimoiy ta'minotning turli elementlari uchun vaziyatni tahlil qilish va prognozlash imkoniyatlarini yaratib beradi. Maqolada o‘rganilayotgan ob'ektning, xususan, ijtimoiy himoyaning kontseptual modelini yaratishda hal qiluvchi rol o‘ynashi mumkin bo‘lgan tizimli yondashuvning maqsadi tahlil qilingan. Maqolada, shuningdek, ijtimoiy ta'minotning mavjud elementlarini tahlil qilish orqali real ijtimoiy ta’minot tizimining fundamental va iqtisodiy rivojlanishiga zid bo‘lmagan individual yondashuvlarni aniqlash uchun muhim ahamiyatga ega ekanligi qayd etilgan. Maqolada ijtimoiy ta’minotni rivojlantirishni hisobga olgan holda, uning elementlari kontekstida ijtimoiy ta'minotni shakllantirishning moliyaviy manbalarini tartibga solishga oid tadqiqot natijalari bo‘yicha aniq yo‘nalishlar berilgan.

Kalit so‘zlar: vosita, tahlil, tizim, ijtimoiy ta’minot, moliyaviy himoya, element, tizimli yondashuv.

Abstract: The article analyzes the goal of a systematic approach, which can play

a decisive role in creating a conceptual model of the object under study, in particular social protection. The article also notes that the analysis of the existing elements of social security is important for identifying individual approaches that do not contradict the fundamental economic, economic developments of a real social security system. Within the framework of the foregoing, the article gives specific directions for the results of the study in the context of the accepted reasonable data on the regulation of financial sources for the formation of social security in the context of its elements, taking into account the development of social structures.

Keywords: tool, analysis, system, social security, financial protection, maintenance, systematic approach.

Другим важным условием использования системного подхода является тщательный учет критерия лиц, нуждающихся в социальной обеспеченности. С одной стороны, нуждающиеся лица выступают как основной объект потребителей средств социального обеспечения, что требует учитывать в его исследовании особенности и поведение отдельных уязвимых групп, социальных слоев. С другой стороны, человеческий фактор играет решающую роль при создании концептуальной модели изучаемого объекта, напр. социальной защиты. Научный анализ заключается в системном отображении реально протекающих процессов, в формализации подобных, но сложных элементов социального обеспечения. Здесь важно, чтобы индивидуальный подход не противоречил фундаментальным экономическим законам развития реальной системы социального обеспечения.

Вместе с тем, нельзя рассматривать системный подход как универсальный инструмент поиска новых элементов социального обеспечения. Этот прикладной подход может дать позитивный эффект лишь в случае его сочетания с введением обоснованных элементов социального обеспечения, базирующимся на фундаментальных законах. В рамках исследования системный подход позволяет:

- вычленить относящиеся к социальному обеспечению процессы из многообразия социальных явлений;
- выделить, классифицировать и структуризовать элементообразующие факторы;
- представить внешне разнородные элементы социального обеспечения и тенденции развития в виде частых проявлений в общей системе социального обеспечения;
- выявить взаимоотношения отдельных элементов социального обеспечения, в частности, элементов, предназначенных отдельным группам населения;
- структуризовать такую сложную социальную систему, как социаль-ное обеспечение;
- исследовать такие категории, как «потребность», «обеспеченность», «минимальный размер», «социальные границы выплаты», «соответствие выплат ценам на товары первой необходимости»;

- графически интерпретировать элементы и категории социального обеспечения;

- осуществить экономико-математическое моделирование регулиро- вания финансового механизма социального обеспечения;

- провести научный анализ и прогноз тенденций его развития;

- принять обоснованные решения по регулированию финансовых источников формирования социального обеспечения в разрезе его элементов с учетом развития товарных конъюнктур.

Целью системного подхода, в конечном счете, являются обоснованный анализ и прогноз положения по тем или иным элементам социального обеспечения. Экономическая действительность представляет великое многообразие элементов социального обеспечения с различной степенью агрегированности как по географическому, так и по обеспечительному признакам.

Финансовые механизмы регулирования социального обеспечения как сложный процесс и явление в жизнедеятельности населения не должны интересовать их лишь в той связи, в какой они могут воздействовать на состояние социального обеспечения. Выделение в качестве объекта исследования социальной обеспечительности не претендует на познание всех закономерностей, характеризующих развитие этой сложной системы социального обеспечения. В этой связи, на наш взгляд, категории «социальное» и «обеспечение» не являются идентичными, они отличаются, прежде всего, тем, что на рынке социальные отношения между потребителями ограничиваются в основном отношениями, связанными с процессом реализации элементов обеспечительности, тогда как отношения между субъектами не ограничиваются реализацией социальных услуг, охватывают такие отношения, которые выходят за рамки непосредственного удовлетворения потребностей уязвимых групп населения.

Другими словами, выделяя в качестве объекта исследования «обеспечительность», финансовая наука не расширяет объект выплат; им по-прежнему остаются услуги социального обеспечения. Этим объясняется некоторая условность определения данного объекта таким емким понятием, как «социальное», которое традиционно ассоциируется с гораздо более широким набором явлений, чем процессы, происходящие в сфере обеспечительности или непосредственно влияющие на нее. В этой связи условным можно считать и обособление «социального» и «обеспечительности». Прежде всего, и то и другое направления концентрируют внимание на степени достаточности выплачиваемых средств конкретному лицу, нуждающемуся в социальной защите.

Поэтому обособление отдельных элементов социального обеспечения возникает при структуризации категории «потребитель», исходя из различных признаков – географического, товарно-отраслевого и социально-экономического.

А.Д.Равшанов – ҚарМИИ доценти,
А. Худоёров – ҚарМИИ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий хизматларни ривожлантириш тушунчаси, унинг иқтисодий моҳияти ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари ёритиб ўтилган. Шунингдек, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради.

Калит сўзлар: тараққиёт стратегияси, рақамли иқтисодиёт,ахборот технологияси, ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёни.

Аннотация: В статье рассматривается концепция развития финансовых услуг в условиях цифровой экономики, ее экономическое значение и развитие сферы услуг. Цифровые технологии не только улучшают качество товаров и услуг, но и снижают ненужные затраты.

Ключевые слова: стратегия развития, цифровая экономика, информационные технологии, процесс информатизации и цифровизации.

Abstract: The article discusses the concept of development of financial services in the digital economy, its economic significance and the development of the service sector. Digital technologies not only improve the quality of products and services, but also reduce unnecessary costs.

Бугунги кунда инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш ва рақамлаштириш масаласи жуда долзарб ва муҳим аҳамиятга эга. Инсон меҳнатини абстракциялаш ва уни машина меҳнати билан алмаштиришга қаратилган лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳар қандай мамлакат тараққиётга эришиши учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиши зарур ва шарт. Бу юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан “Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш” дастурини ишлаб чиқиш вазифасини белгилаб бердилар[1].

[1] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

Оддийроқ қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт компьютер технологияларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, унга онлайн хизматлар, электрон тўловлар, crowdfunding ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699 сонли қарорига асосан 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутилган[1].

Шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш мумкин.

Рақамли иқтисодий қонунчиликни кузатиш ва такомиллаштириш бўйича monitoring маркази ташкил этилди. Рақамли иқтисодиётни анъанавий иқтисодиётга қўшимча қатлам деб ҳисоблаш мумкин. Қатламлар ўртасида ўзаро алоқа бўлса-да, ҳар бир қатлам ўзи тартибга солишини ва қоидаларини талаб қилади.

Сўнгги рақамли технологиялар мамлакатлар ва интеграциялашган макроминтақаларнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди, рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисодиётдан бир неча баробар тезроқ ўсиб бормоқда.

Бу ўсишнинг кўп қисми замонавий технологиялар, жумладан, жадал ривожланаётган ахборот ва телекоммуникация технологиялари (АТТ) га асосланган ва қўллаб-қувватланмоқда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини рақамлаштиришнинг потенциал иқтисодий фойдаси катта - бу, биринчи навбатда, янги даромад манбаларини шакллантириш ва мамлакат иқтисодий имкониятлари чегараларини кенгайтириш ҳисобланади.

Бу иқтисодий тикланиш глобал рақобатбардошликнинг ошишига ва аҳоли учун турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг рақамли ўзгартириш икки баробар бўлади. Бир томондан, у иқтисодий субъектлар харажатларини камайтириш учун самарали чора-тадбирлар қабул қилиш талаб, бир бутун сифатида ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт таркибида, жамиятда сифат ўзгаришлар шаклида потенциал хавф яратади ва бошқа томондан бу рискларни минималлаштириш механизмини яратади, бу бу рақамлаштириш жараёни томонидан тақдим илғор имкониятлар асосланган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699 сонли Қарори

М.Х Дустова – ҚарМИИ Молия кафедраси катта ўқитувчиси,

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва уларни миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ёритилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, портфель инвестиция, инвестор, капитал экспорти, дивиденд, тадбиркорлик фойдаси, экспорт, импорт.

Аннотация. В статье рассматривается значение иностранных инвестиций и их роль в развитии национальной экономики и проводится их анализ на основе статистических данных, а также рассматриваются текущие проблемы привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику и меры по их устранению

Ключевые слова. Иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, портфельные инвестиции, инвестор, вывоз капитала, дивиденды, прибыль от бизнеса, экспорт, импорт.

Abstract. The article discusses the importance of investment and its role in the development of the national economy, as well as the analysis of statistical data.

Keywords: foreign investment, foreign direct investment, portfolio investment, investor, capital export, dividend, business profit, export, import.

Республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш ва инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратишни тез суръатларда ривожлантириш иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш ва иқтисодиётга замонавий технологияларни жорий этиш асосида маҳсулот сифатини оширишга, пировардида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш деб номланган учинчи йўналиши, 26-мақсадида Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш масаласига тўхталиб ўтилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технология, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. 2021 йил январ-декабр ойларида асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатларини молиялаштириш манбалари бўйича юқори кўрсаткич Тикланиш ва тараққиёт жамғармасида кузатилиб, 2020 йилга нисбатан 11,9% га кўпайди. Бу юқори ўсиш табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, янги Боинг-787-8 самолётини харид қилиш, Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитенини қуриш, Шовот-Қораўзак янги темир йўл линиясини ҳамда Амударё устидан ўтувчи темир йўл ва автомобил йўли қўшма кўпригини қуриш инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ (1-жадвал).

1-жадвал

2021 йил январ-декабр ойларида асосий капиталга инвестициялар

	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича (жамига нисбатан % да)			
	хорижий инвестиция ва кредитлар	сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	банк кредитлари ва бошқа ташкилотларнинг қарз маблағлари
Ўзбекистон Республикаси	42,7	1,1	1,3	8,0
Қорақалпоғистон Республикаси	38,2	0,6	3,7	8,7
вилоятлар:				
Андижон	49,0	1,4	0,3	4,9
Бухоро	60,0	1,0	0,5	5,1
Жиззах	28,9	1,5	1,0	9,7
Қашқадарё	55,9	2,7	0,7	3,6
Навоий	60,2	0,5	0,4	9,7
Наманган	32,6	1,4	0,5	16,6
Самарқанд	31,8	1,7	0,3	10,6
Сурхондарё	44,1	6,6	1,2	7,8
Сирдарё	56,7	0,3	1,8	10,2
Тошкент	37,8	0,7	0,5	8,0
Фарғона	39,7	1,4	1,5	6,3
Хоразм	34,9	1,2	3,0	10,5
Тошкент ш.	39,6	0,0	2,4	7,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

Шунингдек, кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар 2020 йилга нисбатан

39,8% га кўпайди. Бундай юқори ўсишни цемент, кир ювиш машиналари, савдо совутгичлари ва музлатгичларини, таблетка ва капсула шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, “Ауминзо-Амантой” конлари ҳудудида олтин мавжуд конларда қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича қурилиш ишлари I-II босқич, терини қайта ишлаш ва пойабзал ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ип, жинсий мато ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уяли алоқа тизимини кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари билан изоҳлаш мумкин.

2-жадвал

2021 йил январ-декабр ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар

	Инвестициялар ҳажми, млрд. Сўм	Ўсиш суръати, % да	Ўзбекистон Республикасидаги улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	244962,6	105,2	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	7879,1	102,1	3,2
вилоятлар:			
Андижон	12143,7	115,3	5,0
Бухоро	18995,6	136,4	7,8
Жиззах	13224,4	104,0	5,4
Қашқадарё	16225,1	72,7	6,6
Навоий	16309,1	93,4	6,7
Наманган	13302,4	102,9	5,4
Самарқанд	17722,8	112,0	7,2
Сурхондарё	11326,5	103,2	4,6
Сирдарё	8708,0	116,4	3,6
Тошкент	27822,4	119,1	11,4
Фарғона	12920,6	108,2	5,3
Хоразм	8580,3	144,2	3,5
Тошкент ш.	57311,3	104,0	23,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

Ҳудудлар кесимида аосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича 2020 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати 144,2% га ўсиб, Хоразм вилоятида кузатилди. Бу асосан замонавий иссиқхоналар ва турар жойлар қурилиши билан боғлиқ. Шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам юқори ўсиш суръати кузатилиб, 2020 йилга нисбатан 136,4% ни ташкил қилди. Бундай натижани Қандим гуруҳи конларини газни қайта ишлаш заводи қурилиши, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш ва геология-қидирув ишларини олиб бориш дастури доирасида ўзлаштирилган инвестициялар билан изоҳлаш мумкин. Тошкент вилоятида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 2020 йилга нисбатан 119,1% ни ташкил этиши,

“Ёшлик 1” конини ўзлаштириш бўйича инвестициялар билан боғлиқ. Республикада асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори улуш Тошкент шаҳри – 23,5%, Тошкент вилояти – 11,4% ва Бухоро вилоятида – 7,8% кузатилди.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради; иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устивор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади; учинчидан, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди; тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддийтехник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради; бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади, давлат бюджетига солиқ тушумининг келиб тушиши кўпаяди. Хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазифаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифаларни бажариш натижасида ўтган йилларда инвестицияларнинг ўсиши жадаллашди.

S.N Xamrayeva – QarMII, Innovatsion iqtisodiyot kafedrasi mudiri, i.f.d.
J Nishonov – QarMII, Iqtisodiyot mutaxassisligi, 1-kurs magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BANK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya. Raqamli iqtisodiyotni shakllantirishda moliyaviy texnologiyalar transformatsiyani amalga oshirish obektiv zaruriyati aniqlashtirilgan, raqamli bank xizmatlaridan foydalanish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Аннотация. Выявлена объективная необходимость трансформации финансовых технологий в условиях формирования цифровой экономики, разработаны предложения и рекомендации по использованию цифровых банковских услуг.

Abstract. The objective need for the transformation of financial technologies in the context of the formation of the digital economy has been identified, proposals and recommendations for the use of digital banking services have been developed.

Калит сўзлар. Moliyaviy xizmatlar, raqamli bank xizmatlari, raqamli transformatsiya.

Ключевые слова. Финансовые услуги, цифровые банковские услуги, цифровая трансформация

Keywords. Financial services, digital banking, digital transformation

Bank sohasi iqtisodiyotning yangi texnologiyalar keng qo‘llanadigan sohasi hisoblanadi. Ular texnik va inson kichik tizimlari bilan amalga oshiriladi.

So‘nggi o‘n yilliklar yangi kompyuter texnologiyalari, kredit kartalari va pul-moliya bozorida muhim innovasiyalarni joriy etish davri bo‘ldi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, banklar ijtimoiy tarmoqlarga, mobil Internetga va hatto onlayn o‘yinlar e’tiborini tortadigan yangi reklama kanallarini faol rivojlantirmoqda.

Bank innovasiyalari – tamomila yangi bank mahsulot va xizmatlarining yig‘indisi sifatida mijozlarga foyda olishda yordam beradigan yangiliklar kiritishni joriy qilish orqali resurslar salohiyatini shakllantirish va joylashtirish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish jarayonida qo‘shimcha daromad olishga qaratilgan yangi texnologiyalar sohasida bank faoliyatining maqsadi va natijasi haqida sintetik tushunchadir.

Aksariyat global banklar raqamli yoki mobil shaklga o‘tishni qo‘llab – quvvatlamoqda – nega bu shunchalik muhim?

Bugungi kunda shuni guvohi bo‘lyapmizki banklar mijozlarining salmoqli qismini online dunyoga to‘laqonli moslashgan va usiz hayotini tasavvur qilolmaydigan yosh avlod tashkil etadi. Ayniqsa, dunyo aholisining 90 foizini 30 yoshgacha bo‘lganlar tashkil etishini hisobga olsak, bank xizmatlarini raqamlashtirish banklar uchun hayotiy zaruratga aylanib bormoqda.

1980-yillar oxirlarida Angliyaning NationalWestminsterBank telefon aloqasi asosida mijozlarga masofadan turib xizmat ko‘rsatishning kashshofi bo‘ldi. 1995 yil «to‘g‘ridan-to‘g‘ri banking» muvaffaqiyatlari dastlabki virtual banklar paydo bo‘lishiga olib keldi. Banklarning aksariyati global tarmoqda o‘z saytlariga ega, lekin ular asosan reklama va axborot berish maqsadlarida foydalaniladi. Ayrim banklar qimmatli qog‘ozlar xarid qilish va sotishga talabnomalar berish imkonini beradigan dasturiy mahsulot xarid qildi, internet orqali bank hisob raqamlarini boshqarish tizimi – uy bankingini ishlab chiqdilar. Bu tizim valyutani konvertasiya qilish, kommunal xizmatlar uchun pul to‘lash, pul o‘tkazmalarini uydan turib o‘tkazishga imkon beradi.

Virtual bank xizmatlari lahzada bajariladigan va kamxarjliligi bilan an’anaviy banklardan ajralib turadi. 24/7 formatda faoliyat olib boradigan raqamli banklar mijozlar potensialining kattagina qismini egallab olmoqda.

2000 - yillarda online banking e-savdoda namoyon bo‘la boshladi. Osiyodagi dastlabki litsenziyalangan raqamli banklar Xitoy, Singapur, Janubiy Koreya, Yaponiya, Tayvan va Gong Kongda paydo bo‘ldi. Prezidentning “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi [1] Farmoni imzolangach, bank tizimiga chakana bank xizmatlariga ixtisoslashgan “raqamli” banklar va bank bo‘linmalarini tashkil etish hamda innovatsion bank texnologiyalaridan foydalangan holda mijozlarga xizmat ko‘rsatish sifatini yanada kengaytirish vazifasi yuklatilgan.

[1] PF – 5296 “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. 09.01.2018

Shundan kelib chiqib, Respublikamizda 2020 yilda “Anorbank” va “TBC bank”lar dastlabki raqamli banklar sifatida ro‘yxatga olindi.

“Anorbank” va “TBC bank”lar o‘z mijozlariga mobil ilovalar yoki statsionar kompyuterlar orqali to‘liq raqamli xizmatni taqdim etmoqda. Bu shuni anglatadiki, raqamli bank mijozi 24/7 tizimida bank xizmatlaridan foydalanishi mumkin. Ya’ni, raqamli bank tizimida mijozga mobil dasturi, mobil dasturga asosan esa yuqori texnologiyali IT-infratuzilma bilan ta’minlangan bank operatsiyalarining yuqori moslashuvchanligi taqdim etiladi.[1]

Xo‘sh, raqamli banklar va an’anaviy banklar orasida qanday farqlar mavjud?

Onlayn banklar:

- 24/7 rejimda ishlovchi mobil ilovalar va aloqa markazlari;
- tezkor, qulay hamda xavfsiz;
- mijoz talabiga to‘la javob beruvchi omonatlar, kreditlar va boshqa bank xizmatlari;
- bank filiallarini kengaytirish zaruriyati yo‘qligi;
- uzundan-uzoq navbatlarning bo‘lmasligi;
- istalgan joydan turib bank xizmatlaridan foydalanish va h.

An’anaviy banklar:

- har bir ma’muriy hudud kesimida bank filiallarining faoliyat ko‘rsatishi zarurligi, xizmatlar sifatiga e’tiborning kamligi;
- call markazlar bilan aloqa o‘rnatishning qiyinligi;
- bank xizmatlaridan foydalanish jarayonida inson omilining aralashuvi korrupsiya va shunga o‘xshash salbiy holatlarning yuzaga kelishi;
- xizmat ko‘rsatish mumkin bo‘lgan mijozlar sonining cheklanganligi

O‘zbekistonda davlat ishtirokidagi banklar ko‘pchilikni tashkil etadi. Shuning uchun ularni raqamlashtirish mamlakat YAIM o‘sishiga bevosita ta’sir qiladi. Davlat banklarining raqamli transformatsiyasi O‘zbekistonda iqtisodiy o‘sishning muhim drayverlaridan biri bo‘la oladi.

Raqamli transformatsiya ko‘plab imkoniyatlarni ochib beradi. Birinchidan, tushum o‘sadi. Bu biznes, mahsulot va xizmatlarning yangi yo‘nalishlarini ishga tushirish hisobiga yuz beradi. Ikkinchi ijobiy samara operatsion xarajatlarning pasayishi va jarayonlar samaradorligi oshishida namoyon bo‘ladi. Buxgalteriya, soliq va kadrlar hisobini yuritishni avtomatlashtirish axborotning katta hajmini tez va sifatli boshqarish imkonini beradi. Ma’lumotlarni “Big Data” usuli bilan qayta ishlash maqsadli mijozlarni muayyan mezonlar bo‘yicha o‘ta aniqlik bilan ajratib olish (targetlash) imkoniyatlarini ochib beradi. Bu esa marketing tadbirlarining muvaffaqiyatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Moliyaviy xizmatlarning raqamli transformatsiyasi bank mijozlari uchun keng imkoniyatlar yaratib, moliyaviy faollikni oshirish uchun muhim bosqich sanalish bilan birga, mijozlarning iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beradi. Ya’ni, raqamli banklarning

[1] Depozit.uz “O‘zbekistondagi raqamli banklar va ularning istiqbollari” 26-iyul 2021-yil.

istiqbollaridan biri, bu moliyaviy tarmoqlarni raqamlashtirish evaziga xizmatlar tannarxi 40-60 foizgacha pasaytirilishiga erishiladi. Mijozlar bankka tashrifi, hujjatlarni rasmiylashtirish uchun ketadigan vaqt hamda mablag‘larini tejashiga imkon yaratadi.

Xulosa qilib aytganda, tijorat banklarining transformatsiya jarayoni va raqamli bank tizimida ishlashga o‘tishi bu – yangi axborot texnologiyalarini rivojlanishi va butun dunyo raqamlashtirish poygasiga munosib javob hisoblanadi hamda raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, balki ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi. Boshqacha aytadigan bo‘lsak, raqamli moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish mamlakat bank-moliya tizimi ravnaqining muhim yo‘nalishi bo‘lib xizmat qiladi.

С.Х. Дустмуродова– Банк иши ва аудити мутахассислиги магистри
Ж.Х. Мухиддинов– и.ф.н., катта ўқитувчи, илмий раҳбар

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банларининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва уларни базасини кенгайтиришга оид назарий ёндошув баён этилган, унда рақамли иқтисодиёт шароитида банлар томонидан русрсларини шакллантириш имкониятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: ресурслар базаси, инфляция, депозит, инновацион хизматлар, рақамли иқтисодиёт, банк капитали

Аннотация: В данной статье изучен теоретический подход к формированию финансовых ресурсов коммерческих банков и расширение их базы, которая раскрывает возможности формирования банками банков в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: ресурсная база, инфляция, депозит, инновационные услуги, цифровая экономика, банковский капитал.

Abstract: This article explores a theoretical approach to the formation of financial resources of commercial banks and the expansion of their base, which reveals the possibility of banks forming banks in the digital economy.

Keywords: resource base, inflation, deposit, innovative services, digital economy, banking capital.

Бугунги кунда Республикамиз Марказий банки монетар сиёсати доирасида амалга оширилаётган назорат бўйича талабларнинг кучайтирилиши миллий валютадаги узоқ муддатли ликвид ресурсларнинг етишмаслиги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келиши мумкин бўлган инфляция даражасининг катталиги, шунингдек, узоқ муддатли депозитларни жалб этиш соҳасида банклараро рақобатнинг кучайиб бориши ҳамда

технологияларнинг модернизацияланишини кучайиши натижасида мижозларнинг инновацион хизматларга бўлган талабининг ошиб бориши тижорат банклари томонидан барқарор депозит сиёсатини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Барқарор депозит сиёсатини амалга ошириш механизми ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида: “2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” [1] деб қайд этилиши тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ресурслар базасини шакллантириш сиёсатининг фундаментал асосларини қайта кўриб чиқиш заруратини, шунингдек, депозит ва устав капитални ошишириш сиёсатига таъллуқли бўлган назарий, услубий ва амалий масалаларни, шунингдек ривожаланган давлатлар ва халқаро молия институтларини тажрибалари ва тавсияларини тадқиқ этишнинг зарурлигини асослайди. Тижорат банклари ресурслар базасини шакллантириш жараёнлари бугунги кун талабларига мос ҳолда мослашиш муаммоси фақат мамлакатимиз банк секторига хос бўлган хусусиятлардан бири бўлиб қолмасдан, балки ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк соҳаси мутахасислари ва иқтисодчи олимлари диққат марказида турган масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Deloitte TTL мутахассислари томонидан тайёрланган “2020 йилда банклар ва капитал бозори истиқболлари” номли аналитик таҳлилий материалда: “Ўн йиллик якунига келиб чакана хизматлар бозорида фаолият юритувчи банклар камайиши мумкин… банклар мавжуд шароитда ўзларининг етакчилик ролини сақлаб қолиш учун мижозлар билан муносабатларини ўзгартиришда қадриятлар ва хизматларнинг яхлитлигига устуворлик беришлари ва янги молиявий технолгияларга асосланган компаниялар билан хамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашлари зарур бўлади”[2].

Тижорат банкларида муддати жиҳатидан «узун» ва барқарор молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги, шунингдек улардан самарали фойдаланмаслик ҳолатлари иқтисодий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келди.

Тижорат банклари ресурслар базасини шакллантиришни назарий жиҳатларини ўрганиш асосида молиявий режалаштириш, тактик ва стратегик каби назарий усулларини инобатга олган ҳолда банк ресурслари базасини ташкил этиш зарурлиги аниқлаб беради.

[1] https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzieevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar)

[2] https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ru/Documents/about-deloitte/ru/ao-deloitte-business-report-2020.pdf

Тижорат банклари ресурслари – маълум шартлар асосида иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жалб қилиш ва хусусий маблағлар (капитал)ни шакллантириш ҳисобига ташкил топган молиявий қийматдир.

Тижорат банки ресурсларини шакллантиришда асосий эътибор уларнинг манбаларини барқарор ва узоқ муддатли ресурслар ҳисобидан таъминлаш, уларни сақлаш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мутаносиблигининг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.

Тижорат банклари ресурслари таркибида депозит маблағлар асосий манба ҳисобланади, тадқиқот жараёнида уларнинг гуруҳланиши бўйича меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда ягона ёндошув мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Тижорат банклари ресурсларини шакллантиришда асосан бешта ҳал қиладиган вазифалари борлигини алоҳида таъкидлаш керак: - банк ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг узлуксиз таъминланиши; - банк ресурсларини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шаклланиши; банк ресурсларини сақлаш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мутаносиблигини таъминланиши; –банк ресурслари фойдалилик даражасининг таъминланиши; –банк капиталини барқарор молиявий маблағлар ҳисобидан шаклланиши ва уларни етарлилигини таъминлаш каби мезонларидан иборат.

Мамлакатда рақамли иқтисодиётининг чуқурлашуви банкларнинг депозитли ресурслар ҳисобидан манбалағларни жалб қилиш борасида ўзаро рақобатни кучайтирмоқда, шунга қарамасдан, республикамиз тижорат банкларида депозит маблағлари ҳисобидан, айниқса муддатли ресурсларни жалб қилиш амалиёти жуда заифлиги маълум бўлди. Айрим тижорат банклари депозит ресурслари таркибида муддатли депозитларнинг салмоғи сезиларсиз улушни ташкил этади.

Тижорат банклари ресурслар базасини шакллантиришда узоқ муддатга мўлжалланган субординар қимматли қоғозларини муомалага чиқариши зарур. Уларнинг сўндириш муддатини камида 10-15 йил қилиб белгилаб, фоиз ставкалари ҳам нисбатан паст даражада бўлиши лозим. Субординар қимматли қоғозларнинг 80-90 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захиралари ва бошқа маблағлари ҳисобидан сотиб олиши мақсадга мувофиқ. Бунда шакллантирилаётган маблағлар тижорат банкларининг қўшимча капиталини оширишга йўналтирилиши лозим. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши республикамизда монетизация коэффициентини ошириш ва банкларга нисбатан арзон манбалар ҳисобидан капиталлашув даражасини ошириш имкониятини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулклар қийматининг ошиб бориши, банк биноларининг ривожланган шахар ва ҳудудларда жойлашганлигини эътиборга олиб, уларнинг устав капиталини 10 фоизгача бўлган қисмини кўчмас мулк сифатида шакллантириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ш.Ш.Мейлиев – КарМИИ ДМ-503-20 гуруҳ магистранти
А. Ходжимамедов– “Молия” кафедраси ўқитувчиси, СамИСИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН РИСК ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларини кредит портфелини бошқариш ва унда юзага келадиган рискларни олдини олиш бўйича фикрлар баён этилган. Тижорат банлари кредит портфелини бошқаришда юзага келадиган рискларга таъсир этувчи омилар ўрганилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит портфели, кредит риски, кредит рискини баҳолаш.

Аннотация: В статье представлены идеи о том, как управлять кредитным портфелем коммерческих банков и предотвращать возникающие в нем риски. Исследованы факторы, влияющие на риски, возникающие при управлении кредитным портфелем коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческий банк, ссудный портфель, кредитный риск, оценка кредитного риска.

Сўнг йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тубдан янгича ёндашувларга асосан олиб борилмоқда. Туб ўзгаришлар мамлакатимизнинг иқтисодий соҳаларини шиддат билан ривожланишига кенг имкониятлар очмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, бу жараёнларни янада мустаҳкамлаш республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредит рискларини тўғри баҳолаш, кредит портфелини диверсификация қилиш орқали кредит рискларини камайтириш ва самарали бошқариш ролини имконият даражасида оширишни талаб этади. Тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган кредитлар бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаига айланади. Шу билан бирга тижорат банлари томонидан бериладиган кредитлар мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий таянчи ҳисобланади. Ҳозирги кунда берилган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтмаслиги, трансформация рискининг чуқурлашиб кетиши Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ликвидлилик муаммосининг пайдо бўлишига ва чуқурлашиб кетишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “халқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика Йўл жамғармаси ва “Ўзкоммунхизмат” агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда”[1]. Шунинг учун 2017-2021 йилларда

[1] Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 28.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш вазифалари қўйилди[1].

Тижорат банлари фаолиятида кредит портфелини бошқариш тижорат банкининг риск даражаси ва ликвидлиги даражасини нисбатан юқори даражада ушлаб туриш имконини беради. Бугунги кунда, тижорат банкларининг қарз олувчиларининг муаммоли кредитлари ўсиши билан бирга, кредит портфелини бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Хорижлик иқтисодчи олимлар кредит портфелини бошқаришни амалга оширишга имкон берадиган вазифалар, яъни керакли рентабелликни таъминлаш, зарур кредит ресурслари структурасини сақлаб қолиш ва банк фаолиятини ривожлантириш учун қўядиган вазифалар билан кредит портфелини бошқариш кераклигини илгари сўради. Банк кредит портфелини бошқариш банк активларини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир.

Тижорат банкларида кредит портфели рискини камайтириш ва уни самарадорлигини оширишни такомиллаштириш, шунингдек рискларни баҳолашнинг халқаро эътироф этилган усулларини ўрганиш ва Ўзбекистон банк тизимига жорий этиш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги вазифалар қўйиш мумкин:

• Кредит рискини бошқаришни назарий нуқтаи назардан кўриб чиқиш;

• Кредит риски бўйича тўпланган маълумотлар асосида таҳлил ўтказиш;

• Тижорат банклари кредит амалиётини таҳлил қилиш;

• Тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш юзасидан юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни асослаш;

• Банкларнинг кредит фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни атрофлича ўрганиш ва кутилиши мумкин бўлган рискларни олдиндан аниқлаш тизимини яратиш;

• Кредит рискини бошқаришни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантириш ва унинг истиқболларини аниқлаш.

Амалиётда тижорат банклари кредит портфели рискини бошқаришда банкларнинг кредитлаш жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган банк фаолиятини англатиб, кредит рискини олдини олишга ёки камайтиришга йўналтиради. Кредит портфелини бошқаришни моҳиятини аниқлашнинг мукаммал ёндашуви менежментни ўзаро боғлиқ бошқарувларни ўз ичига олган тизим сифатида қараладиган бундай ёндашув ва алоҳида операциялардан иборат бўлган жараёндир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, тижорат банкларининг жамланма балансидаги трансформацион жараёнлари макроиқтисодий даражадаги бир

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” гиПФ-4947-сонли Фармони

қатор рискларни юзага келтириши мумкин. Бундай рисклар жумласига юқори инфляция ва ички молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги шароитида, сўмдаги кредитлар бўйича нисбатан юқори фоиз ставкалари кредит портфелининг долларлашув даражасининг ошиши ва валюта курси бўйича рискларга нисбатан заифлашиши, шунингдек, жаҳон иқтисодиётидаги салбий трендларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг кучайиши каби рискларни киритиш мумкин. Шушингдек, яқин ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини миллий ва хорижий валютадаги омонатларга жалб этиш жараёнларини фаоллаштиришда инфляция даражасидан юқори бўлган фоиз ставкаларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб боради. Хусусан, қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва тижорат банклари актив операцияларининг диверсификация қилинмаганлиги тижорат банкларини асосан кредит амалиёти билан чекланишига, шунингдек, ликвидлик бўйича белгиланган меъёрларни бажариш учун маълум миқдордаги маблағларни кассада ёки Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида сақлашига олиб келмоқда.

Бугунги кунда амалиётда тижорат банкларида кредит риски, уни ҳисоблаш ва бошқаришни такомиллаштириш йўллари, кредит портфелини диверсификацияси билан боғлиқ муаммолар ва кредит портфелининг самарадорлигини ошириш йўллари кўрилмоқда. Натижада олинган хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тижорат банкларида кредит портфели сифатининг яхшиланиши ҳамда банк амалиётида кредит билан боғлиқ муаммоларни камайтириш йўлларини такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб етади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек мамлакатимиз банк тизимида кредит портфели рискларини баҳолаш ва тартибга солиш тизимнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Ушбу рискларнинг банк фаолиятига таъсирини камайтириш ва йўқотишларни олдини олиш учун юзага келадиган риск даражасини тўғри баҳолай олиш лозим бўлади. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кредит портфел рискларини бошқариш ва тартибга солиш жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг айримларидан фойдаланиб келинмоқда. Лекин баъзи банкларда ушбу кўрсаткичларнинг айримларига кўпроқ эътибор қаратилаётганлигини кузатиш мумкин. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кредит рискларини баҳолаш ва бошқаришни инобатга олган ҳолда амалга ошириши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Х.С. Мухитдинов– Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори
У.Э. Эшмахматов– Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти магистранти

УЙ ЖОЙ КОММУНАЛ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОЛИҚ МУНОСОБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОМПЛЕКС МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Аннотация. Ушбу мақолада уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришни комплекс моделини ишлаб чиқишнинг усуллари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: солиқ муносабатини моделлаштириш усули, модел, эконометрика, коммунал хизмат кўрсатиш, коэффициент.

Аннотация. В данной статье рассматриваются методы разработки комплексной модели формирования налоговых отношений в деятельности жилищно-коммунального хозяйства.

Ключевые слова: метод моделирования налоговых отношений, модель, эконометрика, полезность, коэффициент.

Annotation. This article discusses methods for developing a comprehensive model for the formation of tax relations in the activities of housing and communal services.

Keywords: method of modeling tax relations, model, econometrics, utility, coefficient.

Кириш: Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан аҳоли таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сони ошиши муносабати билан аҳоли уй-жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги, сифатли коммунал хизматлар кўрсатилмаётганлиги истиқболда мазкур соҳани янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Тадқиқот методлари: Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда таҳлил учун танланадиган кўрсаткичлар тизими қуйидаги тамойилларга таяниши лозимлиги олимлар томонидан таклиф этилган[78,32]:

Бу борада 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида « ... арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ... »[1] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони. // www.lex.uz

каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишни, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни ва уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришнинг комплекс моделини талаб этади.

Уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланишини комплекс моделлаштиришда тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур бўлади.

Уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантириш жараёнида уни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва методларни аниқлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш энг муҳим босқичлардан ҳисобланади. Тадқиқотлар методологиясида модель ва методлар илмий билишнинг муҳим қуроли сифатида қайд этилади.

Ўрганилаётган объектнинг яширинган ички ва ташқи хусусиятларини билишда мантиқий, тарихий ёндашувлар унинг ташқи хусусиятларини очиб беради, холос. Объектни чуқурроқ ўрганиш эса муайян бир ёндошувлар тизимидан фойдаланишни тақозо этади, бу эса модель ва методларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Аввало, “модель”, “моделлаштириш”, “метод” каби тушунчаларнинг мазмунини билиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “модель” лотин тилидан олинган бўлиб, “modulus” – “ўлчов, меъёр” деган маънони бериши, моделлаштириш эса жараёнларни модель ёрдамида тадқиқ қилиш экани айтилган, аммо ушбу тушунчаларнинг иқтисодиёт билан боғлиқ жиҳатлари келтирилмаган.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармонлари, 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2922-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4040-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади[16,17,40].

Натижа ва муҳокама: Уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришнинг методологик асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги фаолияти кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича динамика қаторларида мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда

баҳоланади;

уй-жой фонди статистик кузатиш асоси бўлиб, унинг ҳажми, ҳудудий жойлашуви, таркиби, тузилмаси, техник ҳолати, ободонлаштирилиш даражаси ҳисобланади;

Коммунал хўжаликларида солиқ муносабатларини шакллантиришда асос ҳисобланган, коммунал корхоналар фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Водопроводлар ва уларнинг тармоқларидаги фаолиятни статистик таҳлил этишда қуйидаги кўрсаткичларга асосланилади :

амалда водопроводларнинг мавжудлиги;

умумий водопроводлар сонида амалда ишлаб турганларининг улуши;

шаҳар ҳудудида водопровод тармоқларининг қамрови;

хизмат кўрсатиш даражаси;

сувнинг битта кишига тўғри келадиган ўртача харажати ва бошқалар.

Канализация фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишда қуйидаги статистик кўрсаткичлардан фойдаланилади:

мавжуд канализация миқдори;

амалда канализациянинг умумий канализация сонидаги улуши, %;

алоҳида канализация сетлари сони, унинг узунлиги ва бошқалар.

Коммунал корхоналар фаолиятини ўрганиш ва статистик таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларга асосланилади:

барча кўчалар, проезд ва кўчаларнинг умумий узунлиги;

умумий кўчалар ҳажмида асфальт қилинган кўчалар улуши, %

мавжуд чироқлар сони;

умумий чироқлар сонида амалдаги чироқларнинг улуши,%;

шаҳарларнинг ёритиш тизими билан таъминланганлик даражаси,%;

тармоқ зичлиги – 1 км кўча қисмини ёритиш учун ўртача чироқлар сони;

шаҳар ҳудуди ерларининг республика умумий ер майдонидаги ҳажми;

чиқинди ташиш, ҳудудларни тозалашда фойдаланиладиган автомашиналар сони;

ташилган чиқиндилар ҳажми ва бошқалар.

Илмий ишимизда иқтисодий барқарорликнинг интеграл кўрсаткичларидан фойдаланиб, уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий ҳолатини ҳисоблаш ва рейтингини аниқлаш услубини таклиф этамиз. Ушбу услуб нафақат уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий ҳолатининг интеграл кўрсаткичлар орқали статистик баҳолашгина эмас, балки инвестиция жалб этиш учун ҳам хизмат қилади.

Уй-жой коммунал хўжаликлари иқтисодий ҳолатини ҳисоблаш ва солиқ муносабатлари шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади:

Уй-жой фондини сақлаш ва молиялаштириш кўрсаткичлари уй-жой коммунал хўжалиги тизимида ислоҳотларни амалга ошириш ва аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Уй-жой харажатларига оиланинг рухсат этилган максимал харажатлари мамлакатимиз учун янги ижтимоий стандартдир. Уни қабул қилиш кам таъминланган фуқароларнинг уй-жой коммунал соҳасида ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб боришини англатади. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасининг иқтисодий барқарорлигини характерловчи энг муҳим омиллар қуйидагича ифодаланади (1-жадвал):

1-жадвал

Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий барқарорлигини характерловчи энг муҳим омиллар

№	Омиллар	Ҳисоблаш формулалари, кўрсаткичлари	Белгиланиши
1.	Фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги	$\Phi_{сам} = \frac{В(1 - К_{мат}) + Ф_а}{Н_х}$	В–ўрганилаётган даврда корхонанинг тушуми, сўм; $К_{мат}$–ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ҳисобланадиган материал харажатлари коэффициенти; $Ф_а$–асосий фаолиятдан олинган фойда, сўм; $Н_х$–накладной харажатларининг ҳақиқий миқдори, сўм
2.	Фонд самарадорлиги	$\Phi_{сам} = \frac{Q}{\overline{АФ}}$	$Ф_{сам}$–фонд самараси кўрсаткичи, сўм; Q-бажарилган ишлар ҳажми, сўм; $\overline{АФ}$-асосий фондларнинг ўртача йилик қиймати, сўм;
3.	Салоҳиятдан фойдаланиш даражаси	$С_ф = \frac{ПМ_{ҳақ}}{ПМ_{мак}}$	$ПМ_{ҳақ}$–корхонанинг ҳақиқий ишлаб чиқариш қуввати, сўм; $ПМ_{мак}$–корхонанинг максимал ишлаб чиқариш қуввати, сўм
4.	Доимий ишловчи кадрлар таркиби даражаси	$К_д = \frac{К_{иш}}{\overline{Т_ў}}$	$К_д$–доимий ишловчи кадрлар коэффициенти; $К_{иш}$–бутун йил давомида ишлаган ишловчилар сони, киши; $\overline{Т_ў}$–ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши
5.	Соф фойда	$С_ф = СТ_ф - С$	СФ–соф фойда, сўм; СТФ–солиқ тўлангунга қадар фойда, сўм; С–солиқлар, сўм
6.	Амортизация ажратмалари суммаси (йиллик)	$А^{йил} = \frac{А - Л}{Х}$	А–йиллик амортизация суммаси, сўм; Л–асосий фондларни тугатиш қиймати, сўм; Х–асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил
7.	Молиявий воситалар билан таъминланиши	$М_в = \frac{ЗК}{ХК}$	$К_м$– молиявий активлик коэффициенти; ЗК–қисқа ва узоқ муддатли кредит ва заёмлар миқдори, сўм; ХК–хусусий капитал, сўм
8.	Корхонанинг хусусий айланма маблағлар билан таъминланиши	$К_а = К_а + Ш_м - У_м$ $Р = \frac{К_а \times 100}{В}$	$К_а$–хусусий маблағларнинг мустақиллик коэффициенти; $Ш_М$–корхонанинг шахсий (хусусий) маблағлари, сўм; $У_М$–умумий маблағлар ҳажми, сўм

9.	Тўловга қобилятлилиги	$К_{пр} = \frac{ҚДҚ + ҚМҚ + ПМ}{ҚМ}$	$К_{пр}$ – ликвидлилик коэффициенти; ҚДҚ–қисқа муддатли дебитор қарзлари, сўм; ҚМҚ–қисқа муддатли молиявий қийматлар, сўм; ПМ–пул маблағлари, сўм; ҚМ–қисқа муддатли мажбуриятлар, сўм
10.	Талаб ва таклиф муносабати	$С_{тт} = \frac{V_{реал}}{V_{режа}}$	$С_{тт}$–ҳудудларда тақдим қилинаётган хизматларга талаб ва таклиф даражаси; $V_{реал}$–ҳудудда сотилган хизматлар ҳажми, сўм; $V_{режа}$–кўрсатиладиган хизматларнинг шартнома ҳажми, сўм
11.	Рақобат даражаси	$Р_{дар} = \frac{n_1X_1+\ldots+n_1Xn}{\sum(X_1+\ldots+X_{湧})}$	1…..n–бажариладиган ишларнинг шартнома (норматив) қиймати, сўм; X_1.....X_n _ i объектга хизмат кўрсатишнинг смета таннархи, сўм;
12.	Солиққа тортиш тизими	$C = \frac{N_{солиқ}}{Т_{сот} - МХ}$x100	$N_{солиқ}$– ташкилот солиқлари миқдори, сўм; $Т_{сот}$– сотишдан олинган тушум миқдори, сўм; МХ–таннархга нисбатан материал харажатлари, сўм
13.	Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги	$K_k = \sum_{i=1}^{n} K_i \times P_i$	K_k–ҳудуд инвестицион жозибадорлигининг комплекс кўрсаткичи; K_i–ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини бир томондан характерловчи i–мезон қиймати; Р-i–мезонни рейтинг баҳолаш

Хулоса: Уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришда фақат давлат томонидан кўрсаткичларни жамлаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш мазмунида қараш нотўғри. Негаки, уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришда статистика ҳисоботлари аввало,уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари бошқаруви юзасидан қуйидаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Яъни, асосий тенденция ва жараёнлар, уларнинг натижалари ҳақидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни доимий билиб туриш; статистик кўрсаткичларни таҳлил этиш орқали уларнинг сифатини баҳолаш; статистика манбалари асосида хўжалик юритувчи субъектнинг келгусидаги ривожланиш тенденция-ларини прогнозлаш; бошқарув субъектларида ҳаққоний маълумотларга нисбатан хавфсиз ва ишонч ҳиссини шакллантириш: аниқ далилларга таянган ҳолда фаолиятни бошқариш; камчиликларга йўл қўйилаётган соҳалар бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашда статистика ҳисоботлари жуда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли

фармони. // www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармони. // www.lex.uz.
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4040-сонли қарори. // www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4028-сон қарори. // www.lex.uz
5.Иванов А.П. Комплексное развитие жилищно-коммунального хозяйства городов и сел. – М., Стройиздат, 2016. – 160 с.
6.Генцлер И. Развитие ТСЖ в Узбекистане. В сб. «Товарищества собственников жилья: опыт деятельности разных стран». – Т.: Урбан Институт, 2005.
7.Мухитдинов Х.С. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларини бошқариш модели // Бозор, пул ва кредит. – 2004, №4. – Б.45-49
8.Эрназаров Г.Б. Коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлашнинг услубий асослари. –Т.: // Иқтисодиёт ва таълим, 2012, № 2. − Б.104-108.
9.Эрназаров Г.Б. Коммунал хизмат тизимини ислоҳ қилишда илғор ёндашувлардан фойдаланиш.–Т.: // Иқтисодиёт ва таълим, 2017, № 5. − Б.111-114.

Т. Абдибаева, Ш.Ш.Рахмонов – Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт “Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчилари

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: Мақолада пул маблағларини таҳлил қилиш, унинг устувор вазифалари, унга таъсир қилувчи ички ва ташқил омиллар, касса ҳисобининг вазифалари, мақсадлари ва тамойиллари акс эттирилган.

Калит сўзлар: пул маблағлари, таҳлил, ички ва ташқи омиллар, касса.

Аннотация: В статье описаны анализ денежной наличности, ее приоритеты, внутренние и внешние факторы, влияющие на нее, задачи, цели и принципы учета денежной наличности.

Ключевые слова: денежные средства, анализ, внутренние и внешние факторы, денежные средства.

Abstract: The article describes the analysis of cash, its priorities, internal and external factors affecting it, the tasks, objectives and principles of cash accounting.

Keywords: cash, analysis, internal and external factors, cash.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект стратегик таҳлилни амалга оширишда иккита ўзаро махсус вазиятни ҳисобга олиши лозим: хўжалик юритувчи субъектнинг жорий тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун ҳисобларда пулга бўлган эҳтиёж ва уларнинг инвестицияларидан даромад

олиш учун пул сарфлаш зарурати ҳисобланади.

Жорий ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағлари оқимини таҳлил қилишнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг нақд пулни ўз вақтида ва жорий харажатларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорда ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолаш ва хулосалар чиқаришдир. Таҳлил хўжалик оборотида фойдаланилмаётган маблағлар миқдорини тахминлаш ва улардан мумкин бўлган муқобил фойдаланиш муддатини тахминлаш имконини беради.

Пул маблағларини таҳлил қилишнинг устувор вазифалари:

- хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари риски устидан оператив, кундалик назорат;
- хўжалик юритувчи субъект маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан жорий назорат;
- ходимлар, контрагентлар, банклар билан ўз вақтида ва аниқ ҳисоб-китоблар устидан жорий назорат;
- контрагентлар билан ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ҳисоб-китобларнинг барча мумкин бўлган шакллари ва турларига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш;
- муддати ўтган қарз рискини қоплаш учун кредиторлар ва дебиторлар билан барча ҳисоб-китобларни ўз вақтида келишиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг мутлақ ликвидлиги ҳолатини доимий диагностика қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш қобилиятини таҳлил қилиш ва прогнозлаш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг пул оқимларини оқилона ва тўғри бошқаришга ҳар томонлама ҳисса қўшиш.

Тадқиқот асосида одатда аналитик вазифаларни қўшишингиз мумкин:

- бизнес жараёнларида нақд пул муомаласининг вақтини таҳлил қилиш;
- бир иш жараёнидан иккинчисига пул ўтказиш жараёнларини таҳлил қилиш;
- асосий манфаатдор томонларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда маблағларни жойлаштириш вариантларини танлаш билан боғлиқ хатарларни таҳлил қилиш;
- бизнес жараёнларида маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли тақсимлананлигини таҳлил қилиш.

Вақтинча мавжуд маблағлар динамикаси, ҳажми ва ҳаракатига таъсир қилувчи омиллар ташқи ва ички ҳисобланади.

Ташқи омилларга қуйидагилар киради: ўрганилаётган хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатадиган иқтисодиёт соҳасидаги иқтисодий фаолият; Мамлакатимиз ва халқаро ҳуқуқ қонунларида белгиланган тижорат корхоналарининг ишлаши қоидалари ва шартлари;

минтақанинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари; валюта курслари; инфляция; банкларнинг фоиз ставкаси сиёсати ва бошқалар.

Ички омиллар ўз ичига олади: шартномалар белгиланган томонлар билан ҳисоб-китоблар шартларини; ишлаб чиқариш ва тижорат цикли хусусиятлари; тури ва фаолият кўлами; ходимларнинг малака, бизнес жараёнлар самарадорлиги; хўжалик юритувчи субъект қабул нархлаш тизими; хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий сиёсати; ҳисоб сиёсати; ва бошқалар.

Ушбу омиллар бевосита ёки билвосита ва турли даражадаги аҳамиятга эга бўлиб, асосий фаолиятга вақтинча жалб қилинмаган маблағларнинг шаклланишига таъсир қилади.

Пул маблағларини таҳлил қилиш бошқарув ва молиявий тизим ҳисобига, шунингдек, турли бизнес-жараёнларга тузилган ҳисоботларга мувофиқ амалга оширилади.

Касса ҳисобининг вазифалари, мақсадлари ва тамойиллари пул маблағларидан тўғри фойдаланиш, сақланишини назорат қилиш бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим вазифасидир. Бозор иқтисодиётида бухгалтерия ҳисоби ўз-ўзидан маблағлардан моҳирона фойдаланиш корхонага пул даромад келтириши лозим, деган тамойилдан келиб чиқиб, фойда олиш учун вақтинча бўш пул маблағларини оқилона инвестиция қилиш керак. Ушбу талқинга асосан бухгалтерия ҳисоби қуйидаги асосий вазифаларга эга. Касса ҳисобининг вазифалари:

- айланма маблағлар ҳаракати билан боғлиқ операцияларни кассада ва банк ҳисобварақларида тўлиқ ва ўз вақтида рўйхатга олиш.
- маблағларнинг мавжудлиги, уларнинг сақланишини ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш.
- ушбу капитални олиш ва уни тасарруф этиш бўйича жорий операцияларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида тўлиқ, ўз вақтида ва тўғри акс эттириш.
- ҳисоб-китоб ва тўлов ҳамда бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш.
- ажратилган лимитлар ва сметага мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган суммаларнинг банкка ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш.
- нақд пуллар, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўғри ва ўз вақтида инвентаризация қилиш ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

Ушбу **вазифаларни** ҳал қилиш кўп жиҳатдан нақд бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги асосий тамойилларига **қатъий риоя қилишга боғлиқ:**

1. Бўш пул маблағлари фақат банкда сақланиши керак ва уларни бериш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ амалга оширилади.
2. Тўловлар инвентаризация жўнатилганидан, ишларни бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан кейин ёки улар билан бир вақтда нақд пулсиз

тарзда амалга оширилади. Аванс тўлови фақат қонун ҳужжатларида ва ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида назарда тутилган ҳолларда рухсат этилади.

3. Тўловлар тўловчининг розилиги (қабул қилиниши) билан ёки унинг номидан амалга оширилади; розилигисиз – фақат амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

4. Тўловлар тўловчининг ўз маблағлари ҳисобидан ёки банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Пул маблағлари ҳисобдан мижознинг буюртмалари ва дебетлаш учун бошқа ҳужжатларни олиш тартибида ташкилотга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли миқдорда дебетланади.

6. Ташкилот ҳисобварағида унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган маблағлар тўловларнинг белгиланган тартибини қўллаш орқали ушбу маблағларнинг ҳисобдан чиқарилишини белгилайди.

Сарвиноз Дустмуродова – СамИСИ, МБИ-120 гуруҳ магистранти
Р.М. Мусаев– СамИСИ, “Молия” кафедраси доценти, и.ф.н.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ РЕСУРС БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШНИ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларининг ресурс базаларини кенгайтиришда инвестицион фаолликни шакллантиришнинг муҳим омиллиги таъкидланади ва ушбу соҳани барқарорлаштириш бўйича таклифлар, муаммолар ва уларга ечимлар келтирилиб ўтилади.

Калит сўзлар: тараққиёт, иқтисодий ислоҳот, модернизация, тижорат банклари, омонат, пул ўтказмалари, кредит, лизинг операциялари.

Аннотация: В данной статье подчеркивается важный фактор формирования инвестиционной активности в расширении ресурсной базы коммерческих банков и приводятся предложения, проблемы и решения по стабилизации этого сектора.

Ключевые слова: развитие, экономическая реформа, модернизация, коммерческие банки, сбережения, денежные переводы, кредит, лизинговые операции.

Abstract: This article emphasizes the important factor in the formation of investment activity in expanding the resource base of commercial banks and provides suggestions, problems and solutions to stabilize this sector.

Keywords: development, economic reform, modernization, commercial banks, deposits, remittances, loans, leasing operations.

Мамлактимизда сўнги йилларда аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшиланаётганлиги, барқарор ва фаровон ҳаёт сари қўйилаётган қадам рақамли иқтисодиётига ўтиш йўлида банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бўлаётганлиги билан бевосита

боғлиқдир. Шунингдек амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилиши натижасида, уларнинг турлари кўпайиб бормоқда. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширилиб келинмоқда.

Бугунги кунда банк тизимида мавжуд амалдаги муаммолар, яъни тижорат банклари фаолиятида кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги, кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаблашган механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятини чегаралаётганлиги, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича фоиз ставкаларини юқорилиги, чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги каби муаммоларнинг мавжудлиги тижорат банкларинг ресурс базасини кенгайишига, уни даврий айланиши тезлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2018-йил 23-мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга асосан масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётда жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини аниқлаш ҳамда уларни кейинчалик республика банкларида жорий этиш мақсадида илғор чет эл банк фаолиятини ўрганиш вазифалари белгиланди. Янги банк хизматлари орқали аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш орқали уларнинг капиталини ошириш муҳим ҳисобланади.

Амалда банклар фаолияти давомида иқтисодиётда юридик ва жисмоний шахслардан тўпланиб қолган жамғармаларини тақсимлаш орқали иқтисодиётни зарур молиявий ресурслар билан таъминлайди. Бу воситачилик иқтисодиётни янада ривожлантириш учун зарур бўлган даврий таъминлайдиган омилидир. Воситачи сифатида тижорат банклари пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўлаш шарти билан омонатларни жалб қиладилар ва уларни аҳоли ва тадбиркорларга кредитлар ва инвестициялар шаклида фоиз эвазига тақдим этадилар.

Тижорат банклари жисмоний ва юрикдик шахслардан омонатлар олиб, кредитлар бериш, банкларнинг кассалари ва мобил иловалари орқали маҳсулотларнинг хариди, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, жарималар ва бошқалар учун тўловлар, шунингдек хорижий валютани нақд ва нақд пулсиз шаклларда сотиб олиш ва сотиш, банк консалтинг ва информацион хизматлар, ҳужжатларни ва бошқа қимматбаҳо нарсалар ва ҳоказоларни сақлаш учун сейф ва ячейкаларни ижарага бериш билан

боғлиқ хизматлар кўрсатиш орқаои ресурслар базасини кенгайтириб боради.

Тижорат банкларининг даромад ва харажатларнинг ўртасидаги фарқи тижорат банкларининг фойдаси ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, кенгроқ жалб этиш, уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин емас.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш - тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларини шакллантириш ва кредит муассасаларининг барқарорлиги ҳамда инвестицион фаоллигини янада оширишни талаб этади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида узоқ муддатли молиявий ресурсларни шакллантириш муҳим аҳамиятни касб этади. Тижорат банкларида узоқ муддатли ресурслар етишмаслиги натижасида банкларнинг узоқ муддатга кредитлаш имкониятлари пасаяди, хўжалик юритувчи субектларнинг узоқ муддатли молиявий ресурсларга бўлган талаби тўлиқ қондирилмайди, узоқ муддатли инвестицион дастурларни молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлади. Шу боис ҳам бугунги кунда тижорат банклари ишини узоқ муддатли кредит қуйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳоланмоқда. Давлатимиз томонидан депозитларини қулай, хавф-хатарсиз ва барқарор даромадли молиявий инструментга айлантириш, банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлаш борасида амалга оширилаётган чоралар натижасида банклардаги жами депозитларнинг ҳажми ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, тижорат банкларининг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлар ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганлиги, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада оширишга ҳамда банкларнинг актив операциялар ҳажми, жумладан, кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларининг ошишига замин яратмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, кредитлашнинг ресурс манбаларини шакллантиришда асосий эътибор ички имкониятларга, яъни аҳоли ва хўжалик юритувчи субектларнинг бўш пул маблағларини банк активлари ва узоқ муддатли депозитларига жалб қилишга қаратилди. Банк тизимини янада ривожлантиришда банкларнинг молиявий барқарорлигини янада

мустаҳкамлаш ва инвестиция фаоллигини ошириш устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг кредит портфели ҳажмининг ошишига эришилади ва улар томонидан янада кўпроқ инвестиция лойиҳаларини молиялаш имконияти юзага келади.

Хар бир тижорат банки ресурсларини самарали бошқариш концепция лойиҳаси ва модели ишлаб чиқиши зарур. Концепция лойиҳасида банкдан ташқари айланмалар ҳажмини қисқартириш орқали тижорат банклари арзон ва узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва мижозлар олдидаги мажбуриятлар тўлиқ бажаришга эришиш, банк ресурсларини шакллантириш ва жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни самарали бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига олиши зарур.

Тижорат банклари МДҲ, кейинчалик Ғарбий Европа мамлакатларида брокерлик – дилерлик ваколатхоналарини ташкил этиш лозим. Уларнинг асосий вазифаси сифатида банкнинг қимматли қоғозларини халқаро фонд биржалари листингига киритиш орқали банкларга маблағларни жалб этиш ва самарали инвестиция операциялари билан шуғулланишларини белгилаб қўйиш лозим.

Мамлакатимиз қимматли қоғозларининг бирламчи ва иккиламчи бозорида банкларнинг иштироки ва эмитентлик ролини фаоллаштириш орқали депозит бўлмаган манбалар ҳисобидан «узун» ресурслари ҳажмини ошириш мақсадида мувофиқдир.

Тижорат банкларининг қисқа ва узоқ муддатли стратегик ривожланиш меморандумини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига мутаносиб равишда татбиқ қилиш лозим.

Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш орқали мавжуд муаммоларни ижобий ҳалт қилиниши орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи янада оширилишига ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиши таъминланишига хизмат қилади.

Ўйлаймизки, ушбу таклифлар мамлакатимиз молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, банк бизнесини янада кенгайтириш, жаҳон тажрибасидан келиб чиққан холда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш, ва бунинг натижасида тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда республикамиз банк-молия тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга имкон яратади.

S.A Navro‘zova - TMI magistranti,

XUSUSIYLASHTIRISH JARAYONLARIDA KONSALTING TASHKILOTLARI XIZMATLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

Annotatsiya: Mazkur tesizda konsalting tashkilotlarining davlat aktivlarini xususiylashtirish jarayonlaridagi ishtiroki yoritilgan bo‘lib, mamlakatimizda xususiylashtirish jarayonlariga professional konsalting tashkilotlarini jalb qilishning, statistik ko‘rsatkichlari, huquqiy asosi hamda istiqbollari keltirilgan.

Kalit so‘zlar: xususiylashtirish, davlat aktivi, konsalting kompaniyalar, bozor fiksatori, “Katta to‘rtlik”, due-diligence

Аннотация: В данном тезисе освещен участие консалтинговых организаций в процессе приватизации государственного имущества, представлены статистические показатели, правовая база и перспективы привлечения профессиональных консалтинговых организаций в процесс приватизации в стране.

Ключевые слова: приватизация, государственный актив, консалтинговые компании, рыночный фиксатор, «большая четверка», due diligence

Abstract:On thesis is highlighted the participation of consulting organizations in the process of privatization of state property and presented statistical indicators, the legal framework and prospects for attracting professional consulting organizations to the privatization process in the country.

Keywords: privatization, state asset, consulting companies, market fixer, Big Four, due diligence.

Xususiylashtirishni to’g’ri amalga oshirish hukumat uchun iqtisodiy o’sish, bandlik ko’rsatkichlarini oshishi va byudjet balansining yaxshilanishi kabi iqtisodiy samaradorlikni ta’minlashi mumkin. Aktivlarni xususiy sektorga o’tkazish davlat balansidagi samaradorligi past va moliyaviy zarar ko‘rib ishlayotgan korxonalar yukini pasaytirish hisobiga davlat xarajatlarini kamaytirishni ta’minlaydi.

Konsalting sanoatining rivojlanish tarixi 19 asr oxiri va AQShdagi elektrokimyoviy inqilobga borib taqalsa-da, biroq hozirgi ko’rinishdagi konsalting xizmatlarini ko’rsatuvchi transmilliy kompaniyalar ikkinchi jahon urishidan keyingi o’n yillikda rivojlanishni boshlagan. Bir necha bo’limlardan tashkil topgan konsalting kompaniyalarining vujudga kelishi, keyinchalik 1980-yillardagi “aksiyadorlar inqilob”larida shu kabi kompaniyalar tomonidan samarali boshqaruvga oid maslahatlar olish imkoniyatlarini yaratdi.

Konsalting kompaniyalari xizmatlarining asosiy foydalanuvchilari davlat tashkilotlari yoxud hukumat sanalib kelgan. 1980-yillarda paydo bo’lgan neoliberalizm oqimi tarafdorlari hukumat iqtisodiyotga iloji boricha kamroq aralishib, asosan “bozor fiksatori” vazifasini bajarishi lozim deb hisoblashgan hamda shu asosda AQSh va Buyuk Britaniyada xususiylashtirish jarayonlari jadallashgan.

Hukumatning muvaffaqiyatsizligi bozordagi muvaffaqiyatsizlikdan ham yomonroq degan fikr hukumatlarni tavakkal qilishdan qo‘rqib, mas'uliyatni

boshqalarga o‘tkazishga majbur qildi. 1979 yili Margaret Tetcherning boshqaruv davrida konsalting xizmatlari uchun davlat xarajatlari yiliga taxminan 6 million funt sterlingdan 246 million funt sterlinggacha ko‘tarildi, kompaniyalar hatto davlat korxonalarini xususiylashtirishga yordam berish uchun shartnoma tuzdilar.[1]

Yangi leyboristlar ham xususiylashtirish yo‘nalishida tanlangan yo‘nalishni o‘zgartirishmadi. Ular davlatni ijtimoiy qadriyatlarning muhim hakami sifatida ko‘rishgan bo‘lsa-da, "Uchinchi yo‘l" siyosatchilari boshqaruv bo‘yicha maslahatchilarning maslahatlarini bu rolga potentsial ziddiyatli deb bilishmadi. Ular, shuningdek, ushbu ijtimoiy vazifalarni bajarish davlat organlaridan kelishi kerakligiga ishonmadilar va aslida ular bozorni davlat xizmatlarini ko‘rsatish va boshqarishning yanada samarali vositasi sifatida ko‘rdilar.

Xususiylashtirish jarayonlariga konsalting va audit kompaniyalarini jalb etish amaliyoti butun dunyoda samarali amalga oshirilmoqda.“Katta to‘rtlik” kompaniyalari qatoriga Deloitte, KPMG, PwC va EY kompaniyalari kiradi. Ular dunyodagi yirik professional xizmatlarni ko’rsatish tarmog’ini tashkil etib, asosan biznesning turli tarmoqlari jumladan audit va buxgalteriya hisobi, taxdidlarni boshqarish, soliq va huquqiy konsultatsiya va maslahatlar berish bilan shug’ullanadilar.



Manba: Statista.com[2]

Davlat aktivlarini boshqarish agentligining (DABA) ma’lumotlariga ko‘ra, bugungi kunda O‘zbekistonda davlatning iqtisodiyotdagi ishtiroki yuqori bo‘lib, qariyb 55 foizni tashkil etadi. Janubiy Koreyada bu ko‘rsatkich 22%, Germaniyada - 18%, AQShda - 11%, Yaponiyada - 5% ni tashkil qiladi.[3] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 29-martdagi “2021-2025-yillarda davlat ishtirokidagi korxonalarni boshqarish va isloh qilish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 166-sonli qaroriga muvofiq, respublikamizda davlat korxonalarining sonini 75 foizga qisqartirish rejalashtirilgan.

[1] https://www.theguardian.com/commentisfree/2021/sep/20/britain-public-sector-consultancy-habit-pandemic-private-services
[2] https://www.statista.com/statistics/250935/big-four-accounting-firms-breakdown-of-revenues/
[3] https://davaktiv.uz/uz/news/zbekiston-respublikasi-davlat-aktivlarini-bosharish-agentligi-direktori-azhortiovning-2021-2025-jillarda-davlat-korhonalarini-bosharish-va-islo-ilish-strategijasi-mavzusidagi-maruzasi

O‘zbekiston Respublikasida xalqaro konsalting, auditorlik va investitsiya maslahatchilari, investitsiya banklari va boshqa ixtisoslashgan kompaniyalarni, ya’ni professional tashkilotlarni jalb etgan holda davlat aktivlarini xususiylash-tirishning zamonaviy usullarini joriy etish amaliyoti amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 11 fevraldagi “Davlat aktivlarini xususiylashtirish jarayonlarini yanada jadallashtirish to‘g‘risida”gi PF-6167-sonli Farmoniga muvofiq, professional tashkilotlar tomonidan davlat aktivlarini sotish maqsadida aniqlangan qiymat yoki qiymatlar oralig‘i (baholash faoliyatining milliy standarti talablaridan qat’i nazar) savdo jarayonida mo‘ljal sifatida hisobga olinishiga ruxsat berilishi belgililab qo‘yilgan.

DABA xususiylashtirish jarayonlariga professional tashkilotlarni jalb etish amaliyotidan samarali foydalanib kelmoqda. Davlat aktivlarining bozor narxini belgilash va xususiylashtirishdan oldingi tayyorgarlik maqsadida xalqaro e’tirof etilgan baholash va konsalting kompaniyalari (KPMG, Deloitte, PriceWaterhouseCoopers и Grant Thornton) jalb qilinib, ular aktivlarni baholash jarayonini amalga oshirmoqda. Istiqbolli investorlar uchun materiallarni o’rganish va tayyorlash jarayoni ochiqlik, shaffoflik va barcha investorlarning teng huquqli ishtirok etishi tartib-taomillari asosida olib borilmoqda.

Xususan, 2021 yil 15 oktyabrdagi “Toshkent” ва “Hyatt Regency Tashkent” mehmonxona majmualarini xususiylashtirish bo‘yicha konsultantni tanlab olish yuzasidan natijasiga ko‘ra, **KPMG kompaniyasi g’olib deb topilg**an. Bunda, xususiylashtirish bo’yicha maslahatchi tomonidan amalga oshiriladigan vazifalar doirasiga, davlat aktivlarini va tegishli bozor segmentini tahlil qilish, aktivlarining jozibadorlini ko’rsatib beruvchi tizer tayyorlash va potentsial xaridorlar orasida targ’ibot olib borish, aktivlarning moliyaviy, soliqqa oid, yuridik masalalari bo’yicha (due-diligence) hisobotlarni shakllantirish, potentsial xaridorlarni o’rganish, sotish strategiyasi va bosqichlari, shuningdek, potentsial xaridorlar bilan muzokaralar o’tkazish yuzasidan tavsiyalarni DABAga taqdim etish kiradi.[1]

Xulosa sifatida ta’kidlash joizki, professional konsalting tashkilotlarining malakatimizda xususiylashtirish jarayonlariga jalb etish davlat aktivlarini xorijiy standartlar asosida transformatsiya qilish, ushbu jarayonlarda xorijiy investorlar ishtirokini oshirish va jahon tajribasidan samarali foydalanish imkoniyatini vujudga keltiradi.Shuningdek, bu mahalliy konsalting xizmatlari bozorini rivojlantirish uchun turtki hamda mazkur tarmoqda raqobat muhitini shakllantirish, xizmat ko‘rsatish sifatining yanada oshishini ta’minlashi shubhasizdir.

[1] https://davaktiv.uz/uz/news/a-consultant-has-been-attracted-for-the-privatization-process

VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Д.К. Уразов - старший преподаватель кафедры реальной экономики СамИЭС

РЕНЕССАНС НУЖЕН ВО ВСЕХ СФЕРАХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ УСЛУГ

Аннотация: в данной статье раскрыты необходимость и основные направления достижения ренессанса в области аудиторско-консалтинговых услуг, а также исследованы пути и факторы повышения профессионализма отечественных аудиторов.

Ключевые слова: ренессанс, профессионал, професонализм, профессиональные услуги, аудиторско-консалтинговые услуги, Сертифицированный международный профессиональный бухгалтер (CIPA), Сертифицированный присяжный бухгалтер (ACCA), Сертифицированный общественный бухгалтер (CPA), Диплом по международной финансовой отчетности (DipIFR).

Annotatsiya: ushbu maqolada audit va konsalting xizmatlari sohasida renessansga erishish zarurati va asosiy yo‘nalishlari, shuningdek, mahalliy auditorlarning professionalligini oshirish yo‘llari va omillari ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: renessans, professional, professionallik, professional xizmatlar, audit va konsalting xizmatlari, sertifikatlangan xalqaro professional buxgalter (CIPA), sertifikatlangan davlat buxgalteri (ACCA), sertifikatlangan davlat buxgalteri (CPA), xalqaro moliyaviy hisobot bo‘yicha diplom (DipIFR).Abstract**:** this article reveals the needs and main directions for achieving a renaissance in the field of audit and consulting services, as well as ways and factors to improve the professionalism of national auditors.

Abstract: v dannoy state raskrыty neobxodimost i osnovnye napravleniya dostijeniya renesansa v oblasti auditorsko-konsaltingovyx uslug, a takje issledovany puti i faktori povysheniya professionalizma otechestvennyx auditororov.

Keywords: renaissance, professional, professionalism, professional services, audit and consulting services, Certified International Professional Accountant (CIPA), Certified Public Accountant (ACCA), Certified Public Accountant (CPA), Diploma in International Financial Reporting (DipIFR).Abstract:

Ренессанс как возрождение новых знаний, идей, мыслей, техники, технологии, стратегической тактики и практики нужен во всех сферах человеческой деятельности. Попытаемся раскрыть необходимость и основные направления достижения ренессанса в сфере аудиторско-

консалтинговых услуг. Для этого, прежде всего, постараемся ответы на следующие вопросы: Что такое профессионализм в целом? Что означает профессионализм в аудиторско-консалтинговых услугах? Какие меры необходимо для роста профессионализма отечественных аудиторов?

Для того, чтобы найти ответы на эти вопросы, сначала остановимся вкратце на сути понятий «профессионал», «профессионализм» и «профессиональные услуги».

Профессионал - это человек:

*сделавший определённое занятие своей профессией;

*человек, ставший в какой-либо области деятельности специалистом;

*подготовленный для работы в определённой сфере специалист, имеющий навыки, квалификацию, а при необходимости и допуск к выполнению обязанностей по своей специальности[1].

Многие путают понятие профессионала с мастером. Не все профессионалы могут быть мастерами своего дела, точно так же, как и мастер в определенной области деятельности не всегда является профессионалом в этой же области[2].

Базовые характеристики профессионала, обычно, ярко проявляются в таких его качествах, как:

- приверженность интересам потребителей и общества в целом;
- наличие необходимых теоретических знаний;
- владение необходимыми для данной профессии навыками и приемами;
- умение формулировать целостные суждения в условиях этической неопределенности;
- системный подход;
- участие в развитии профессионального сообщества[3].

Профессионализм - способность человека систематически, надёжно и эффективно выполнять свою работу в самых разнообразных условиях. В понятии профессионализма отражается такая степень овладения человеком психологической структурой профессиональной деятельности, которая соответствует существующим в обществе стандартам и объективным требованиям. Профессионализм рассматривается в качестве интегральной характеристики человека - профессионала, как индивида, личности, субъекта деятельности и индивидуальности, проявляющийся в деятельности и общении. Профессионализм человека - это не только достижение им высоких производственных показателей, но и особенности его профессиональной мотивации, система его устремлений, ценностных ориентаций, смысла труда для самого человека[4].

---

[1] https://ru.wikipedia.org/wiki/

[2] https://ru.wikipedia.org/wiki/

[3] Джон Богл. Не верьте цифрам! Размышления о заблуждениях инвесторов, капитализме, «взаимных» фондах, индексном инвестировании, предпринимательстве, идеализме и героях . — М.: Альпина Паблишер, 2013. — 545 с.

[4] https://ru.wikipedia.org/wiki/

Термин «профессиональная услуга» широко встречается как в отечественной, так и зарубежной литературе. Он широко применяется и в деловой практике всех стран. Данный термин нашел отражения даже в межгосударственных конвенциях. В частности, в конвенции между Правительством РФ и Правительством Швеции данному термину дано следующее определение: «Профессиональные услуги включают в себя, в частности, независимую научную, литературную, художественную, образовательную или преподавательскую деятельность, также как и независимую деятельность врачей, адвокатов, зубных техников, инженеров, архитекторов, аудиторов и бухгалтеров»[1].

Таким образом, как видно из выше приведенных толкований, в отношение к применению в той или другой сфере человеческой деятельности понятия «профессионалы», «профессионализм» и «профессиональные услуги» практически не имеют границу. Они встречаются и имеют место во всех сферах жизнедеятельности людей. Одним словом, профессионалы, профессионализм и профессиональные услуги нужны везде и во всем.

Понятия «профессионалы», «профессионализм» и «профессиональные услуги» имеют прямое отношение к аудиторско-консалтинговым услугам, являющимя основным видом деятельности так называемых аудиторский организаций.

Отнесение аудиторско-консалтинговых услуг, оказываемых аудиторскими организациями, к профессиональным услугам заложено в самой сути этих услуг и требованиях, предъявляемых к ним.

По сути аудиторско-консалтинговые услуги – это два самостоятельных видов предпринимательской деятельности, право на проведение которых дано только аудиторским организациям согласно закону об аудиторской деятельности. Первый из них – аудиторские услуги представляет собой проверку независимым сертифицированным аудитором бухгалтерской (финансовой) отчетности организации-заказчика и выражение его мнения о достоверности показателей, отраженных в данной финансовой отчетности. Консалтинг как второй вид предпринимательской деятельности аудиторских организаций является одним из видов сопутствующих аудиту услуг. Консалтинговые услуги, оказываемые аудиторскими организациями как сопутствующие аудиту услуги, отличаются от консалтинговых услуг, оказываемых специализированными консалтинговыми фирмами, такими, например, как юридическая компания, компания налогового консультирования, оценочная компания, бухгалтерская компания и т.п.

Состав услуг, входящихся в аудиторско-консалтинговые услуги, в разных странах мира определен законами этих стран об аудиторской деятельности. В частности, согласно новой редакции закона Республики

[1] https://ru.wikipedia.org/wiki/

Узбекистан об аудиторской деятельности (статья 31)[1] аудиторские услуги оказываются в виде обязательных и инициативных аудиторских проверок, а консалтинговые услуги оказываются клиентам как один из видов сопутствующих аудиторской проверке услуг.

Аудиторско-консалтинговые услуги, оказываемые аудиторскими организациями в виде аудиторских проверок и сопутствующих аудиту услуг, отличаются по требованиям, предъявляемым к их проведению и специалистам. В частности, к основным требованиям, предъявляемым к проведению аудита и аудиторам, можно отнести следующее.

По первых, аудиторско-консалтинговые услуги оказываются сугубо специалистом, имеющим квалификационный сертификат аудитора. Квалификационный сертификат аудитора является главным документом, подтверждающим квалификацию аудитора и предоставляющим ему право оказывать аудиторские услуги в составе аудиторской организации. Сертификат является документом строгой отчетности, выдаваемым уполномоченным государственным органом (в нашей республике в лице Министерства финансов) при условии успешной сдачи претендентом квалификационного экзамена.

Biz aniqlaganimizdek, optimal nuqtada byudjet cheklovi tenglik ko'rinishida bajarilishi kerak, binobarin, ikkala tovar o'ta zarur bo'lgani uchun (agar ulardan biri yo'q bo'lsa, foydalilik nolga teng bo'ladi) o'zgaruvchilarning nomanfiyligi shartlari avtomatik ravishda bajariladi. Demak, yechilayotgan matematik programmalash masalasi shartli ekstremumni topishning klassik masalasiga aylanadi. Ekstremumning zaruriy shartlarini yozib (ularga asosan tovarlar limit foydaliliklarining nisbatlari ularning bozor narxlari nisbatlariga teng bo'lishi kerak, byudjet cheklovi esa tenglik ko'rinishida bajariladi),

$$\frac{x_2}{x_1} = \frac{p_1}{p_2}, \qquad p_1x_1 + p_2x_2 = I$$

tenglamalar sistemasini hosil qilamiz.

Bundagi birinchi shart qaralayotgan masalada ikkala tovarga sarflanadigan pul miqdorlari bir xil, ya'ni $x_2 \cdot p_2 = x_1 \cdot p_1$ bo'lishi kerakligini anglatadi. Bu foydalilik funksiyasida x_1 va x_2 o'zgaruvchilarning «vaznlari» yoki daraja ko'rsatkichlari tengligidan kelib chiqadi. Demak, $x_2 \cdot p_2 = x_1 \cdot p_1 = \frac{I}{2}$ va talab funksiyalari

$$x_1 = \frac{I}{2 \cdot p_1}; \qquad x_2 = \frac{I}{2 \cdot p_2}$$

ko‘rinishni oladi.

Shunday qilib, har bir tovarga sarf-xarajat iste’molchi umumiy daromadining yarmini tashkil etadi va har bir tovarning zaruriy miqdorini topish uchun shu tovarga sarflanadigan mablag‘ni uning narxiga bo‘lish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.Шодиев Т.Ш. ва бошқалар. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. – 297 б.

2.Фомин Г.П.Математические методи и модели в коммерческой деятелности. Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2009. – 395 с.

3.Шапкин А.С. Математические методи и модели исследования операций. Учебное пособие. –М.: Дашков и К., 2009. – 361 с.

Н.Б Дониев Н.Б – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

А.Н Холиқулов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.,

МАМЛАКАТИМИЗДА МОНОПОЛИЯГА КАРШИ ФАОЛИЯТНИНГ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда монополияга карши фаолиятнинг рақобат муҳитини шакллантиришнинг институционал жиҳатларидан самарали фойдаланиш йўллари ва истиқболлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: рақобат муҳити, бозор, монополия, монополияга карши фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, солиқ тизими.

Аннотация: В статье показаны пути и перспективы эффективного использования институциональных аспектов формирования конкурентной среды антимонопольной деятельности в нашей стране.

Ключевые слова: конкурентная среда, рынок, монополия, антимонопольное законодательство, малый бизнес и частное предпринимательство, налоговая система.

Abstract: The article shows the ways and prospects of effective use of institutional aspects of the formation of a competitive environment of antitrust activity in our country.

Keywords: competitive environment, market, monopoly, antitrust activity, small business and private entrepreneurship, tax system.

Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг истиқболдаги йўналишларини белгилаш учун энг аввало бозорнинг хозирги реал ҳолатини билиш, уни таҳлил қилиш ғоят муҳим. Мамлакатимизда рақобат муҳити бугунги кунда анча ривожланган бўлиб, унинг шаклланиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитла яратилган. Шу билан биргаликда, айрим тизимларда

монополлашишни кўриш мумкин.

Монопол фаолиятни олдини олиш ва қонунбузарликларга йўл қўймаслик учун авваламбор қайси тармоқларнинг монополлашганлигини ёки бозорда устунлик мавқени эгаллаб турганлигини билиш зарур. Шу мақсадда республикамизда кўпгина хориж давлатларидан фарқли равишда монополист корхоналар давлат реестри юритиб келинмоқда. Ушбу реестрга товар бозорида 65 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган ва қонунчиликда белгиланган айрим ҳолатларда монополияга қарши давлат органи қарорига мувофиқ товар бозоридаги улуши 35 фоиздан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар киритилади.

Мамлакатимизда рақобат муҳити бугунги кунга келиб кай даражада ривожланганлигини ушбу реестрда юзага келаётган ўзгаришлар ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар орқали билиб олиш мумкин. Рақобатни ривожлантириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бу борада жуда катта ютуқларга эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, монополист корхоналарга рақобатчи бўлган янги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши, улар томонидан рақобатбардош товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарилиши натижасида товар бозорида ўз устунлик мавқеини йўқотган монополист корхоналар “Монополист корхоналар давлат реестри” рўйхатидан чиқарилди.

Реклама бозорини тартибга солиш бўйича қўмита 2017 йилда 280 та ўрганиш ва таҳлиллар ўтказган, 179 га яқин турли қонунбузарлик аниқланган, 11 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган, 79 та субъектга кўрсатмалар берилган. Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан эса олти ой ичида 970 та таҳлил ўтказилган, 269 та ҳолатда турли қонунбузарликлар аниқланган, 16 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган. Ҳозирда 200 га яқин ҳужжат чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа тегишли органларга юборилган [1] . Бундан ташқари, олиб борилаётган ислохотлар натижасида рақобат муҳити шаклланиб бормоқда ҳамда янги бозорларнинг очилиши ва чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши натижаси уларок иқтисодиётнинг турли соҳаларида монополистларнинг сони билан бирга монопол маҳсулотларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам камайиб бормоқда.

Ҳозирги кунга келиб, республикада нодавлат мулкнинг ҳар хил шаклларини ривожлантириш учун барча зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт - шароитлар яратилган. Республика иқтисодиётнинг турли тармоқларида яратилаётган маҳсулотнинг катта кисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келмоқда. Бу ютуқлар мамлакатимизда олиб борилган иқтисодиётни эркинлаштириш

[1] http://www.gki.uz-Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси расмий сайти

сиёсати ҳамда хукуматимиз томонидан аниқ чора - тадбирлар тизими ишлаб чиқилганлиги самарасидир.

Республикамизда давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган тадбиркорлик жуда тез суръатларда ривожланмоқда. Давлат томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа имтиёзларнинг берилиши ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи турли институтларнинг ташкил қилиниши шулар жумласидандир. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг солик юкини камайтириш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда, Ўзбекистонда аҳоли ва тадбиркорларнинг солиқ юкини камайтириш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"да назарда тутилган. Лойиҳага кўра, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бунда корхоналарнинг мол-мулк солиғи ставкасини 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтириш белгиланади.

Шунингдек, Республика бўйича қўшимча 200 та саноат зоналарини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бунда:

- саноат зоналарининг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш;
- электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси етказиб беришни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш (бунинг учун 2022 йилда 1,5 трлн. сўм ажратиш)[1].

Буларнинг барчаси кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратади.

Хусусан, Республикада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Монополияга карши фаолиятнинг функционал ва институтционал жиҳатларидан самарали фойдаланиш асосан солиқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар асосий ўринда туради. Солиқ тизими иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлади.

2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш

[1] https://qalampir.uz/news/tadbirkorlarning-solik-yuki-kamaytiriladi-52463

вазифаларини амалга оширишни давом эттириш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ механизмини такомиллаштириш, уни тўлаш интизомига қаттиқ риоя қилиш, солиқ қонунбузарлигига йўл қўймаслик, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш корхоналарнинг монополияга карши фаолиятнинг рақобат муҳитини шакллантиришнинг институционал жиҳатларидан самарали фойдаланишни таъминлашда муҳим омиллардан бири эканлигига гувоҳ бўлдик.

Шунга қарамасдан куплаб халқаро экспертлар ва республикамизнинг етакчи мутаххасислари иштирокида ўрганилганда солиқ кодекси ва солиқ маъмурчилигида катта ислоҳотлар амалга ошириш зарурияти мавжудлиги бўича хулоса қилинган. Ҳозирги кунда ушбу таклифлар ва хулосалар инобатга олинган ҳолда янги солиқ кодекси ва солиқ маъмурчилиги тартиботига ўзгартиришлар амалга оширилди. Ушбу ўзгаришларга асосий пойдевор сифатида рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялар олинган бўлиб, бу йўналишдаги таклифлар, ва жорий қилинаётган янгиликларни тадбиркорлик ва фуқаролик позициясидан чуқур ўрганишларни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5308-сонли Фармони. – Тошкент, 2018 й.
3. Пардаев М, Хасанов Б., Исроилов Ж., Пулатов М., Эшбоев Ў, Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув-қўлланма, Т.: Чўлпон, 2012, 400 бет
4. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г.Ж. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет.
5. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Наврўз. –Тошкент. 2014, 236-бет
6. Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет
7. Холиқулов А.Н., Бердиқулов., Ибодов К.М. Таққослама менежмент. Ўқув-қўлланма, Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2021 йил – 162 бет.
8. Холиқулов А.Н., Махмудова Д.Р. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришни такомиллаштириш. Монография. Самарқанд, СамДЧТИ нашр-матбаа маркази, 2020 йил – 126 бет

Т.И. Ибрагимов – магистрант

РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ВАЗИЯТЛИ ЁНДАШИШ АМАЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада хўжалик субъектларининг рақобатда устунликка эришишлари учун фаолият юритаётган рақобат муҳитини таҳлил қилишда аввало, вазиятли ёндашувга таянган ҳолда муайян босқичларда олиб бориш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: рақобат муҳити, вазиятли таҳлил, диагностика, диагностика моделлари, рақобат устунлиги, рақобат муҳитининг таҳлил босқичлари.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос этапы проведения ситуационного анализа конкурентной среды, в которой действуют хозяйствующие субъекты, с целью получения преимущества перед конкурентами.

Ключевые слова: конкурентная среда, ситуационный анализ, диагностика, диагностические модели, конкурентное преимущество, этапы анализа конкурентной среды.

Abstract. The article discusses the stages of situational analysis of the competitive environment in which economic entities operate in order to gain an advantage over competitors.

Keywords: competitive environment, situational analysis, diagnostics, diagnostic models, competitive advantage, stages of analysis of competitive environment.

Рақобат меҳнат ва капиталнинг оптимал тақсимланиши учун фойда фоизларини мувозанатлаштирадиган бозорнинг «кўринмас қўли» (А. Смит) каби шахс ва жамият манфаатларининг мувофиқлигини тартибга солувчи омил сифатида қаралади. Рақобат-бозорнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бозор тизими субъектлари ўртасидаги ўзаро амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни тартибга солиш механизмидир. Субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий шакли сифатида рақобат икки ёки ундан ортиқ аниқ белгиланган бизнес рақиблари ўртасидаги курашда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг алоҳида иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир.

Рақобат монополияларга барҳам бериш ва олдини олиш воситаси ҳамдир.

Рақобатни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва шу каби мақсадларга эришишдан манфаатдор бўлган бозор иштирокчилари ўртасидаги рақобат жараёни сифатида кўриш муҳим аҳамиятга эга. Маркетингда бу мақсад истеъмолчиларнинг афзалликларини қозониш орқали фойдани максималлаштиришдир. Рақобатчиликнинг асл маъноси рақиб корхоналарга қарши ҳаракат қилиш эмас, балки рақобатчилар хизматидан фойдаланадиган аниқ истеъмолчиларни афзал жиҳатларни исботлаган ҳолда уларни жалб этишдан иборатдир. Шу билан бирга, рақобатда ғалаба қозониш учун бозорда маълум устунликка эга бўлиш, маҳсулотнинг

истеъмол хусусиятлари ва бозорда уни рағбатлантириш воситалари соҳасида рақобатчилардан устунлик омилларини ярата олиш керак.

Ўз вақтида устуворликларга ва бозор ҳолати тенденцияларига юқори даражада мос келадиган ҳамда корхонанинг кучли томонларига асосланган самарали стратегияга эга бўлиш учун ҳар қандай фирма бозорда рақобат устунлигини доимо кузатиб, таҳлил қилиб бориши керак.

Рақобат муҳити ҳолатидаги четланишларнинг характери, белгилари, сабабларини аниқлаш хусусан, рақобат муносабатларини ҳар томонлама ўрганиш учун усул ва воситалари сифатида диагностика орқали амалга оширилади. Илм-фан соҳаси сифатида диагностика жараёнларини ташкил этиш назарияси ва усулларини, шунингдек, диагностик воситаларни ўрнатиш тамойилларини, рақобат муҳити хусусиятларида мумкин бўлган четга чиқишларни таснифлашни ўз ичига олади. Диагностик жараённи ташкил этишнинг учта шакли-аналитик, эксперт ва имитацион моделлари мавжуд.

Аналитик диагностика-маркетинг, статистик ахборотлар ёрдамида ва рақобат муносабатларнинг таҳлили, типологияси, рақобат хариталарини таҳлил қилиш (ретроспектив ва истиқболли) усулларидан фойдаланган ҳолда контактсиз (билвосита) усуллар билан ташхис қўйиш жараёнидир.

Эксперт диагностикаси контакт (бевосита) усуллари билан олинган ташхис мақсадларида, дала тадқиқотлари жараёнида махсус эксперт ва ижтимоий-иқтисодий сўровлар орқали маълумотларга асосланади.

Имитация (модели) диагностикаси моделлаштириш йўли билан ташхис объекти ҳақида маълумот олиш имконини беради. Рақобат ҳолатини моделлаштириш жуда қийин вазифа бўлсада Internet асосида маркетинг ечимларини фаол ахборотлаштириш шароитида моделлаштириш кўпроқ имкониятларга эга бўлиши мумкин.

Диагностиканинг натижаси рақобат муҳитининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини аниқлаш ва тавсифлашдан иборат. Белгиланган диагноз асосида менежер компаниянинг рақобатда устунлик салоҳиятини шакллантириши ёки мустаҳкамлаш бўйича стратегик ва тактик тадбирларини ишлаб чиқади. Рақобат муҳитининг диагностикасини ташкил этиш ва ўтказиш бозор тадқиқотларининг усул ва воситалари ёрдамида амалга оширилади. Рақобат муҳитини ташхислаш таққослашга асосланган бўлиши керак. Диагностик натижалар маркетинг ахборотини шакллантириш ва компаниянинг рақобат сиёсатини ишлаб чиқиш учун зарурий асос ҳисобланади.

Диагностика компаниянинг ва рақобатчи фирмаларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш жараёни сифатида рақобатчиларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида антагонистик зиддиятлардан қочиш, кучларини ва ресурсларни янада самарали режалаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Рақобат устунлиги тушунчаси рақобат муҳитида фирманинг тактик ва стратегик ҳаракатларининг фаол ва превентив хусусиятига асосланган

бўлиши зарур. Пассив стратегия бу - рақобатчиларга эргашиш стратегияси бўлиб, одатда, ушбу стратегияга мослашган фирмалар тўғридан-тўғри рақобат позициясини тарк этишга моил бўлиб, рақобатчилар жозибадор бўлган бошқа бозор сегментларига ўтиб кетадилар. Айрим ҳолларда пассив йўл-рақобатчилар билан муносабатларда «бир-бирига халақит бермаслик» тамойилининг намоён бўлишини асослаб берадилар. Шу билан бир вақтда, рақобат афзалликларининг истиснолиги банкротликка олиб келади.

Компаниянинг рақобат устунлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: рақобатчиларнинг ҳаракатларини кўзатиш, рақобатда ташаббусни сақлаб қолиш, белгиланган мақсадларга эришиш учун ресурс салоҳиятини таъминлаш, компаниянинг бозордаги фаолиятини режалаштириш учун мослашувчан тизимни ишлаб чиқиш, рақобатчилар билан ўзаро ҳамкорлик учун самарали стратегияни асослаш.

Рақобат муҳитининг таҳлилларини амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади::

- Мақсадли ёки янги бозорларда жойлашган фирмаларни аниқлаш.
- Базавий ахборотларни йиғиш.
- Харажат ва молиявий кўрсаткичларни солиштирма шаклга келтириш.
- Танланган бозор типини аниқлаш (сотувчи бозори, харидор бозори).
- Бозор ҳолатини акс эттирувчи хусусиятларни аниқлаш.
- Фирманинг бозордаги улушларини базис даврининг ва таҳлил қилинган даврнинг охирига нисбатан таққослаш.
- Фирмаларнинг ҳар бирининг ўртача бозор улушлари жадвалини тузиш.
- Рақобат интенсивлигининг умумлашган характеристикаларини ҳисоблаш.
- Бозорни монополлашган даражасини баҳолаш.
- Рақобатчилар бозор улушлари динамикасининг омилли таҳлили.
- Бозор улушларининг статистик тақсимланиш турини танлаш.
- Бозорда фирмалар гуруҳларини шакллантириш ва ҳар бир гуруҳнинг ўртача бозор улушини ҳисоблаш.
- Ҳар бир гуруҳ фирмаларнинг бозор улушининг ўсиш суръатини ҳисоблаш.
- Рақобатлашган бозор харитасини тузиш.
- Фирмаларнинг бозордаги типик стратегик позицияларини аниқлаш.
- Ушбу бозорда фирманинг рақобат стратегиясини вазиятли таҳлил қилиш ва прогнозлаш.

Рақобат муҳитининг вазиятлар таҳлили, рақобатчилар фаолияти маркетинг тадқиқотларининг бутун жараёнида энг муҳим бўғин

ҳисобланиши лозим, чунки у бозорда компания томонидан таклиф этилаётган товарлар, технологиялар ва хизматлар муваффақиятининг шарти, гарови ҳисобланади.

Рақобатчиларнинг бозор улушини таҳлил қилиш бўйича услубий тавсиялар, рақобат устунликлари диагностикасининг барча тартиби маҳаллий ва хорижий олимлар ва мутахассисларнинг ишларида кўрсатиб ўтилган.

Турли рақобатчиларнинг муайян бозорлардаги рақобат устунлиги маҳсулот бозоридаги муҳит ёки рақобат вазиятининг муҳим омили ҳисобланади. Рақобат устунлиги товар хусусиятлари мажмуи билан белгиланади, бу эса компания учун унинг бевосита рақобатчиларидан маълум устунликни яратади.

Устунлик фирманинг маҳсулот бозорида ёки бозор сегментида энг қўлай мавқени эгаллаган рақобатчига нисбатан нисбий, қиёсий ҳолати, позицияси билан баҳоланади. Рақобат устунлиги ташқи ёки ички бўлиши мумкин.

Харажатларнинг камайиши ёки самарадорликнинг ошиши туфайли «харидор учун қиймат» ҳосил қилувчи маҳсулотнинг ўзига хос сифатларига асосланса, рақобат устунлиги ташқи сифат кўрсатгичи ҳисобланади. Ташқи рақобат афзаллиги фирманинг бозор қувватини оширади, яъни фирманинг бозорда устувор (энг хавфли) рақобатчилардан юқори бўлган, лекин тегишли ўзига хос сифатни таъминламайдиган маҳсулот нархини қабул қилишга мажбур қилиш қобилиятини оширади. Ички рақобат устунлиги фирманинг ишлаб чиқариш харажатлари, фирма ёки маҳсулотни бошқариш бўйича устунлигига асосланган бўлиб, у «ишлаб чиқарувчи учун қиймат» ва рақобатчига нисбатан камроқ харажат яратади. Бу афзалликни фирманинг ташкилий ва ишлаб чиқариш янгиликларини жорий этиш орқали харажатлар бўйича етакчилик стратегиясини амалга ошириш орқали яратиш мумкин.

Рақобат стратегиясини ишлаб чиқишда америкалик олимлар И.Ансофф («маҳсулот-бозор» матрицаси), М. Портер (Porters model), Америка консалтинг фирмаси «Boston Consulting Group» (портфел модели), шунингдек, «General elektrik» компанияси ва «McKinsey» («бозор-рақобат афзалликлари» модели) компаниялари мутахассислари томонидан таклиф этилган турли моделлардан фойдаланилади.

Шундай қилиб, «бозор кучи» ва «унумдорлик» нисбати фирманинг рақобатчилардан рақобат устунлиги даражасини тавсифлаши мумкин.

Рақобат муҳитининг диагностикаси нафақат рақобатнинг турли усуллари ва стратегияларини таҳлил қилишни, шунингдек товар ва компания имижини ўрганишни талаб қилади. Ҳақиқатдан ҳам, маҳсулот ёки хизмат нархини камайтириш орқали, компания рақобатчилар билан солиштирганда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун имкониятга эга бўлади. Маҳсулот ёки хизмат нархининг ошиши унинг рақобат устунлиги даражасининг пасайишига олиб келади. Маҳсулотнинг сифат

хусусиятларини яхшилаш орқали компания ўз рақобатчиларидан сезиларли устунликка эришади, бу эса, ўз навбатида, юқори нарх белгилаш учун асос бўлиши мумкин. Агар корхона ўз товарлари нархини рақобатбардош товарлар баҳоси даражасида ушлаб турса, у ҳолда юқори сифат бозорда етакчи мавқени яратади, истеъмолчилар сонини ва шунга мос равишда фирма эгаллаган бозор улуши ҳажмини оширишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Ҳ. Ибрагимов Корхонада базавий стратегияларни ўрнатиш амалиёти / СамИСИ.: Сервис журнали. 2013 №1-сон.
2. И.Ҳ. Ибрагимов Конкуренция vs монополия/ СамИСИ.: Учебно-методическиое пособие. Дайджест. 2014.
3. Котлер, Ф. Маркетинг Менеджмент/ Ф. Котлер. Спб. : Питер, 2002. – 480 с.
4. Ламбен, Ж.-Ж. Стратегический маркетинг / Ж.-Ж. Ламбен : СПб. : Наука, 1996. — 420 с.
5. Разумова, С. В. Стратегический маркетинг : учеб. пособие / С. В. Разумова. — Мн : БГЭУ, 2008. — 375 с.

R.Nasimov – Bank-moliya xizmatlari fakulteti BH-520 guruh talabasi
U.Hudayberdiyev – Ilmiy rahbar Iqtisod fanlari nomzodi, dotsent

O‘ZBEKISTONDA TO‘QIMACHILIK SANOATINING RIVOJLANISHI

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekistonda to‘qimachilik sanoatining holati va uning keyingi yillarda rivojlanishi bayon qilingan. To‘qimachilik sanoati rivojlanishida klaster tizimining ahamiyati ko‘rsatilgan.

Kalit so‘zlar. to‘qimachilik sanoati, chet el investitsiyalari, paxta-to‘qimachilik klasteri.

Аннотация:В статье описывается состояние текстильной промышленности Узбекистана и ее развитие в последние годы. Выделена роль кластерной системы в развитии текстильной отрасли.

Ключевые слова: текстильная промышленность, иностранные инвестиции, хлопково-текстильный кластер.

Abstract: The article describes the state of the textile industry in Uzbekistan and its development in recent years. The role of the cluster system in the development of the textile industry is highlighted.

Keywords: textile industry, foreign investment, cotton-textile cluster.

O‘zbekiston to‘qimachilik sanoatining asosiy xomashyosi bo‘lgan paxta yetishtirish bo‘yicha, dunyoda yetakchi o‘rinlarda turadi. Statistik ma’lumotlarga ko‘ra hozirgi kunda O‘zbekiston paxta yetishtirish bo‘yicha dunyoda Xitoy, Hindiston, AQSH, Pokiston, Braziliyadan keyingi ya’ni 6-o‘rinni egallamoqda. Hozirgi kunda yurtimizda 2,3-2,5 mln. tonna paxta

hosili olinmoqda. Sobiq Sovet tizimida O‘zbekiston SSSRning xomashyo yetishtiruvchi mintaqasiga aylangan edi. O‘sha davrlarda barcha sug‘oriladigan yerlarga paxta ekilib, uning yalpi hosili 5,0 mln. tonnadan oshdi. Lekin, paxta xomashyosining juda kam qismigina, ya’ni 6,0% ga yaqini O‘zbekistonda(asosan, Toshkent to‘qimachilik kombinatida) qayta ishlanar edi. Paxta xomashyosining 90,0% dan ortig‘i Rossiya korxonalariga tegishli bo‘lar edi. O‘zbekiston esa asosiy xomashyoni tayyorlab berib, uni yetkazib beruvchi respublika bo‘lib qoldi.

O‘zbekiston mustaqillikga erishgach, iqtisodiyotda bozor munosabat-larini tanlab, to‘qimachilik korxonalari davlat tasarrufidan chiqarilib, ochiq aksiyadorlik jamiyatlariga va boshqa mulkchilik shakllariga aylantirildi.

Yengil sanoat tarmoqlariga chet el investitsiyalarini jalb qilish, mavjud korxonalarni yangi texnika va texnologiyalar bilan ta’minlash, tarmoqni yanada jadal rivojlantirish maqsadida 1991-yil oxirida “O‘zbekyengilsanoat” uyushmasi tashkil etildi. Natijada 1991-2000-yillar davomida 22 ta chet el firmalari ishtirokidagi yengil to‘qimachilik korxonalari ishga tushirildi. Bularga misol qilib, Koreya Respublikasi firmasi ishtirokidagi Toshkent va To‘ytepa shaharlaridagi “Kabul-O‘zbek ko.” Paxta ip, gazlama ishlab chiqaradigan, Namanganda Turkiya “Aston” firmasi bilan hamkorlikdagi “Asena tekstil”, “Kasansay-tekmen” qo‘shma korxonalarini, Gurlan tumanida “Gurlanteks” to‘qimachilik majmualarini keltirish mumkin.

To‘qimachilik sanoatini yanada rivojlantirish, yuqori qo‘shilgan qiymatli tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarishni ko‘paytirish va uning sifatini xalqaro talab va standartlarga javob beradigan qilish, tayyor mahsulotlar eksporti hajmini va geografiyasini kengaytirish maqsadida, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-dekabrdagi “To‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoniga, asosan “O‘zto‘qimachiliksanoat” uyushmasi tashkil etildi. Bu uyushmaga O‘zbekistonda to‘qimachilik tarmog‘ini barqaror rivojlantirish va uning samarali shakli bo‘lgan klaster tizimini joriy qilish, tarmoq korxonalariga yangi zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy etish, hamda to‘qimachilik tayyor mahsulotlari eksportini ko‘paytirish asosiy vazifalar qilib belgilangan. Ko‘rilgan chora tadbirlar natijasida mamalakatda to‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish yildan yilga barqaror ko‘payib bormoqda. Buni quyidagi jadvalda keltirilgan raqamlar ham isbotlab turibdi.

O‘zbekistonda to‘qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish

Yillar / Ko‘rsatkichlar	2015	2016	2017	2018	2019
Ip kalava(ming tonna)	326,1	367,1	393,2	427,9	528,6
Gazlamalar (mln. m^2)	227,1	284,0	364,1	533,3	470,4

Yuqorida ta’kidlaganimizdek yurtimizda boshqa sanoatlar kabi to‘qimachilik sanoati kundan-kunga rivojlanib bormoqda. Jadvalda ko‘rib turganimizdek, “Ip kalava” ishlab chiqarish 2015-yil holatiga ko‘ra 326,1 ming tonnani tashkil etgan bo‘lsa, 2019-yil bu ko‘rsatkich 528,6 ming tonnani tashkil etmoqda. Bu 2015-yilga qaraganda 202,5 ming tonna yoki 62% ko‘proq Ip kalava ishlab chiqarilganidan dalolat beradi. Bundan tashqari gazlamalar ishlab chiqarish to‘qimachilik sanoatining ajralmas bo‘lagi hisoblanadi. Jadvaldagi ma’lumotlarga asoslanadigan bo‘lsak, “Gazlamalar” ishlab chiqarish 2015-yilda 227,1 mln. metr kvatratni tashkil etgan bo‘lsa, 2019-yilda bu ko‘rsatkich 470,4 mln.metr kvatratni tashkil etmoqda. Bu esa 2019-yilda gazlama ishlab chiqarish 2015-yilga nisbatan 243,3 mln. metr kvadrat ko‘p yoki 107% ga o‘sganligidan dalolat beradi.

Yurtimizda to‘qimachilik sanoatini yanada rivojlantirish maqsadida davlatimiz tomonidan qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Paxta-to‘qimachilik ishlab chiqarish klasterlariga ajratilgan paxta maydonlarida sifatli urug‘lik paxta xomashyosi yetishtirish va moliyalashtirishni tartibga solish hamda Vazirlar Mahkamasining “Paxta-to‘qimachilik ishlab chiqarishlarini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2018-yil 19-sentabrdagi 744-son qarorini misol qilsak bo‘ladi.

Mamlakatimizda to‘qimachilik sanoati, qolaversa, paxtani qayta ishlash sanoatini, tarmog‘ini kengaytirish yo‘lida hukumatimiz tomonidan bir qancha innovatsion loyihalar amaliyotga tadbiq qilinmoqda. Hozirgi kunda qishloq xo‘jaligi sohasida, jumladan, to‘qimachilik sohasida qo‘llanilayotgan yangi loyihalardan biri bu **“Klaster[1]”** tizimidir. Klaster tizimi ilk bor ayni to‘qimachilik sanoatini rivojlantirish uchun qo‘llanildi. Klaster tizimi bu xomashyoni mahsulot xoliga keltirishgacha bo‘lgan davrdir. Bunda paxta yetishtirish, mahsulot ishlab chiqarish uchun uni tolaga aylantirish, keyingi qadamda tola ip kalavaga, ip kalava esa matoga aylantiriladi. Hozirgi kunda klaster tizimini, uni qishloq xo‘jaligida qo‘llanilish salmog‘ini oshirish va bu orqali yuqori hosildorlik, arzon va sifatli tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish uchun ko‘pgina ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, joriy yil 27-oktabr kuni Prezidentimiz tomonidan qishloq xo‘jaligida klaster tizimini rivojlantirish masalalari bo‘yicha videoselektor yig‘ilishi o‘tkazildi. Davlatimiz rahbari qishloq xo‘jaligi va agrosanoatda samaradorlikni oshirish uchun klasterga imkoniyatlarni kengaytirish kerakligini ta’kidladi. Klasterlar faoliyatining huquqiy kafolatini kuchaytirish va ularni moliyalashtirish, eksportni qo‘llab-quvvatlash, infratuzilma va texnika bilan ta’minlash bo‘yicha ko‘plab tashabbuslar bildirildi. Bu esa ushbu sohani rivojlantirishga katta e’tibor berilayotganligidan dalolat beradi.

U.X. Xudayberdiev–SamISI dotsenti, i.f.n.,
T.B. Yaxshiliqov– SamISI talabasi

O‘ZBEKISTONDA ELEKTR-ENERGIYA ISHLAB CHIQARISHINING RIVOJLANISHI

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekistonda elektr energiya ishlab chiqarishning rivojlanishi. Uning iqtisodiy omillarga ta’siri va prezident qarori va farmonlari bilan chambarchas bog‘liqdir.

Kalit so‘zlar: Elektr energiya, Issiqlik elektr stansiyasi, Gidro elektr stansiyasi, Elektr energiya sanoati

Abstract: This article discusses the development of electricity generation in Uzbekistan. Its impact on economic factors is closely linked to presidential decrees and decrees.

Keywords: Electricity, Thermal Power Plant, Hydro Power Plant, Electric Power Industry

Аннотация: В данной статье рассматривается развитие электроэнергетики в Узбекистане. Его влияние на экономические факторы тесно связано с указами и указами президента.

Ключевые слова: Электричество, ТЭЦ, ГЭС, Электроэнергетика.

Elektr-energiya iqtisodiyot tarmoqlarining barcha sohalarida mator, stanok va uskunalarni harakatga keltirishda, xodimlarning ish joyini yoritishda, axolining xonadonini yoritishda uy jihozlari (muzlatkich, televizor, changyutgich, kir yuvish mashinkasi va boshqalar)ni foydalanishda ishlatiladi. Shuning uchun ham elektr energiyaga talab katta. Yangi korxonalarning ishga tushurilishi, axoli sonining ko‘payishi, uyjoylaning yangi qurilishi elektr energiyaga bo‘lgan talabni muntazam oshirib kelmoqda. O‘zbekiston hudidi asosan tekisliklardan iborat bo‘lganlgi sababli arzon bo‘lgan suvdan foydalanib,elektr energiya olish murakkab. Shuning uchun ham elektr energiya asosan tabbiy gazni yoqib, issiqlikdan olinadi. O‘zbekistonda bunday issiqlik elektr stansiyalari “ MUBORAK IES” , “NAVOIY IES”, “SIRDARYO IES” , “TALIMARJON IES” , “TAXIATASH IES’ , “YANGI-ANGREN IES” shu kabi IESlari ishlatilmoqda.Gidroelektr stansiyalarda (GES) energiya ishlab chiqarish to‘xtovsiz oqib turadigan suv oqimi kuchiga asoslanadi. Gidroelektr stansiyalari faqat Chirchiq daryosiga qurilgan bo‘lib, ularning eng kattasi “CHARVOQ” stansiyasidir. Issiqlik elektr stansiyalari hozirgi vaqtda yangi tejamkor uskunalar bilan jixozlanib, modernizatsiya qilinmoqda. Natijada elektr energiya ishlab chiqarish mamlakatimizda yildan yilga ko‘payib bormoqda.

Jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, elektr energiyaning 90,0 foizga yaqini qimmatli homashyo bo‘lgan tabiiy gazdan foydalanib, issiqlik elektrstansiyalardan olinadi. Ushbu davrda elektrenergiya ishlab chiqarish 10,1% ga ko‘paygan. Lekin bu davrda yangidan barpo etilgan korxonalar (fermer xo‘jaliklaridan tashqari) soni 60,5mingtaga ko‘payib, 121,7%ga aholi soni esa 105,4%ga o‘sganligini hisobga olsak,elektrenergiyani ishlab

O‘zbekiston 2015-2019-yillarda elektrenergiya ishlab chiqarilishi

Ko‘rsatkichlar	2015	2016	2017	2018	2019	2019-yil 2015-yiliga nisbatan %
Elektr energiya ishlab chiqarish mlrd-kvt-soat shu jumladan ishlab chiqarilgan	57,7	59,1	60,8	62,9	63,5	110,1
Issiqlik elekter stansiyalarida	50,9	51,8	51,1	55,5	56,4	110,8
Gidroelektrostansiyalarda	6,8	6,9	7,9	5,9	7,0	104,4

chiqarishning bunday suratda (o‘rtacha bir yilda2,0% o‘sish) ko‘payishi yetarli emasligi ma’lum bo‘ladi. Shuning uchun ham mamlakatda elektrenergiyani ishlab chiqarishni ko‘paytirish, ayniqsa qaytatiklanuvchi muqobil energiya manbalaridan samarali foydalanishda Prezident Sh.M. Mirziyoyevning 2019-yil 21-martdagi, O‘zbekiston Respublikasida elektr energitika tarmog‘ini yanada rivojlantirish va isloh qilish strategiyasi to‘g‘risidagi qarori muhim ahamiyatga molik bo‘ldi. Bu qarorga asosan Pop tumanidagi Vodiy massivida qauvvati 130 kvt/soat bo‘lgan, Buxoro viloyatining Kandim shaharchasida quvvat 1,2 megavatt bo‘lgan quyosh elektroemergiyalari ishga tushurildi. Bugungi kunda Navoiy viloyatining Karmana tumanida quvvati 100 mvt bo‘lgan, Samarqand va Jizzax viloyatlarida, har biri 200 mvt quvvatiga ega bo‘lgan foto-quyosh elektrstansiyalari qurish ishlari boshlab yuborilgan.

Zarafshon shahri yaqinida quvvati 1,5 GVT bo‘lgan, Qoroqolpog‘istonda va Buxoro viloyatlarida har biri 1,0 GVT dan yuqori quvvatga ega bo‘lgan shamol elektr stansiyalari qurilishi loyihalashtirilmoqda. Mamlakatimizda yilning 300-320 kuni quyosh porlab turishi ayrim huddudlarida esa shamolning tezligi juda yuqori bo‘lishi, bunday katta tiklanuvchi, hamda arzon muqobil energiyaning imkoniyatlaridan yaxshi foydalanishni taqozo etadi. Iqtisodiyotning rivojlanishi va aholi soninng o‘sib borishi, hamda atrof-muhitning ifloslanishi, ekologik toza qayta tiklanuvchi quyosh va shamol energiyasidan samarali foydalanishni va mamlakat elektr energiyasining ishlab chiqarishdagi ulushini oshirish dolzarb vazifaga aylangan. Bu vazifalarni bajarish uchun mamlakat Prezidentining 2021-yil 9 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasida qayta tiklanuvchi va vororod energetikasini rivojlantirish chora-tadbirlari tog‘risida”gi qaroriga asosan “Qayta tiklanuvchi energiya manbalari milliy ilmiy-tadqiqot instituti” tashkil etildi. Bu institute o‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi qoshida tashkil etilgan bo‘lib, asosiy vazifalari qayta tiklanuvchi va vodorod energetikasini rivojlantirish bo‘yicha milliy strategiyani ishlab chiqish, ilg‘or xorijiy tajribalarni o‘rganish, fundamental va amaliy tadqiqotlarni o‘tkazish, ilmiy izlanish natijalarini ishlab chiqarishga joriy etish kabilar belgilangan. Qayta tiklanuvchi muqobil energiya

manbalaridan elektr energiya ishlab chiqaishni rivojlantirib, mamlakatimizda 2030-yilga borib bu manbalardan olinadigan elektr energiya ulushini umumiy hajmdagi miqdorning 25,0 foiziga yetkazish ko‘zda tutilgan.Shu bilan birgalikda Joriy yilning 4 iyul kuni Istanbul shahrida Energetika islohotlari bo‘yicha Markaziy Osiyo ikkinchi konferensiyasi bo‘lib o‘tdi. Tadbir Osiyo taraqqiyot banki (OTB) va Turkiya Respublikasi Energetika vazirligi ko‘magida o‘tkazildi.O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi xabariga ko‘ra, konferensiyada Markaziy Osiyo davlatlari va Afg‘oniston energetika vazirliklari hamda davlat kompaniyalari rahbarlari ishtirok etdi. O‘zbekiston Respublikasi energetika vaziri o‘rinbosari o‘z so‘zida elektr energiyasi mintaqaviy birjasini tashkil etishni taklif qildi. Mazkur tashabbus konferensiyaning barcha ishtirokchilari tomonidan qo‘llab-quvvatlandi.Turkiya Energetika va tabiiy resurslar vazirligi ushbu tashabbusni amalga oshirishda Osiyo taraqqiyot banki bilan birgalikda yordam berishga, o‘z navbatida OTB ham ushbu masalada mintaqa mamlakatlari bilan hamkorlik qilishga tayyor ekanini bildirdi.Tadbir doirasida mintaqa davlatlari energiya tizimini integratsiya qilish, shuningdek bu borada hamkorlikni yo‘lga qo‘yish masalalari muhokama etildi.Hamda davlatimiz rahbari Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomada energetika sohasini rivojlantirish masalalariga alohida to‘xtalib, mazkur yo‘nalishda amalga oshiriladigan loyiha va rejalarni birma-bir sanab o‘tdi. Xususan, iqtisodiy faollik va aholi daromadlari o‘sgani sayin, energiya resurslariga bo‘lgan talab ortib borishi, neft-gaz va energetika sohalaridagi islohotlarni va boshlangan yirik loyihalarni yakuniga yetkazish lozimligi ta’kidlandi.Prezident 2021-yilda davlat va xususiy elektr stansiyalari hamda iste’molchilar o‘rtasida elektr energiyasi ulgurji bozori shakllantirilishi, birgina energetika sohasida xorijiy investorlar bilan davlat-xususiy sheriklik asosida 6 ta yangi elektr stansiyasini barpo etish ishlari boshlanganini misol tariqasida keltirib o‘tdi.2021-yil 12-yanvar kuni Oliy Majlis Qonunchilik palatasining Sanoat, qurilish va savdo masalalari qo‘mitasi tomonidan mamlakatimiz Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasidan kelib chiqib, “Energetika sohasida xorijiy investorlar bilan davlat-xususiy sheriklik asosida yangi elektr stansiyalarini barpo etish ishlarining borishi bo‘yicha istiqboldagi rejalar” mavzusida siyosiy partiyalar fraksiyalari vakillari ishtirokida munozara tashkil etildi.Tadbirga Energetika vazirligi mutasaddilari ham taklif etildi. Unda Murojaatnomada energetika sohasi bo‘yicha ilgari surilgan taklif va tashabbuslarning amaliyotda ro‘yobini ta’minlash, jumladan belgilangan loyihalarni to‘liq amalga oshirish mexanizmi va muddatlari, erishiladigan natijalar hamda alohida e’tibor qaratilishi zarur bo‘lgan masalalar batafsil muhokama qilindi.Respublikamizda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarni qo‘llab-quvvatlash hamda aholining energiya resurslariga bo‘lgan talabini to‘liq qanoatlantirish maqsadida Energetika vazirligi tomonidan Xalqaro moliya institutlari hamda xorijiy sarmoyadorlar bilan hamkorlikdagi investitsiya loyihalarini davlat-xususiy sheriklik tamoyili asosida amalga oshirish kabi masalalar deputatlar diqqat markazida bo‘ldi.Ta’kidlanganidek, hozirgi kunga kelib, elektr energetikasi sohasida o‘nga yaqin xalqaro hamkorlar bilan qiymati

2 milliard dollardan ortiq bo‘lgan shartnomalar imzolangan. Ushbu shartnomalar doirasida Navoiy, Samarqand, Sirdaryo hamda Toshkent viloyatlarida fotoelektr quyosh elektr stansiyasi, bug‘-gaz elektr stansiyasi va shamol elektr stansiyalari loyihalarini amalga oshirish ko‘zda tutilgan.Shuningdek, generatsiya quvvatlarini oshirishda e’lon qilingan tanlovlar bo‘yicha quyidagi ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, Xalqaro moliya korporatsiyasi va Osiyo taraqqiyot bankining texnik ko‘magida Samarqand, Jizzax va Surxondaryo viloyatlarida umumiy quvvati 600 MVt va qiymati 535 mln. AQSH dollari bo‘lgan quyosh fotoelektr stansiyalarini qurish bo‘yicha tender savdolari davom etmoqda. Rejaga ko‘ra, stansiyalar 2023-yilning birinchi yarmidan to‘liq quvvatda ishlashni boshlaydi va yillik 1,05 – 1,240 mlrd. kVt·soat qo‘shimcha elektr energiyasi ishlab chiqaradi.

А.Б. Қурбонов– Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти.

А. Журакулов – Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси 1-курс магистри

АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗУРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация.Мақолада қишлоқ хўжалигининг ўзига хос ҳусусиятлари ва унда тадбиркорликнинг ўрни асосланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги соҳасида илмий тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрлари урганилган ва таҳлил этилган. Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммолари ва истиқболлари келтирилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларининг етишмовчилиги ва тадбиркорликдаги мавжуд муаммоларнининг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, агротадбиркорлик, технология, смарадорлик, маҳсулот сифати.

Аннотация. Статья основана на специфике сельского хозяйства и роли в нем предпринимательства. Также были изучены и проанализированы мнения ученых, проводящих исследования в области аграрного предпринимательства. Представлены современные проблемы и перспективы сельского хозяйства Республики Узбекистан. Высказаны предложения и рекомендации по нехватке специалистов в области сельского хозяйства и решению существующих проблем в сфере предпринимательства.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, предпринимательство, агробизнес, технология, эффективность, качество продукции.

Abstract. The article is based on the specifics of agriculture and the role of entrepreneurship in it. The opinions of scientists conducting research in the field of agricultural entrepreneurship were also studied and analyzed. Modern problems and prospects of agriculture of the Republic of Uzbekistan are presented. Suggestions and recommendations were made on the lack of specialists in the field of agriculture and the solution of existing problems in the field of entrepreneurship.

Keywords: Agriculture, entrepreneurship, agribusiness, technology, efficiency, product quality.

Мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодий ўсишнинг моддий асоси ишлаб чиқариш бўлиб, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан кенг фойдаланиб уни самарали ташкил этишни таъминлашдан иборат. Бунинг учун зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ва хусусий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларини тўғри ҳал қилиш зарур. Бу эса тадбиркорликнинг ижтимоий – иқтисодий моҳиятини чуқур англашни тақозо қилади.

Тадбиркорлик муаммосига ҳозирги иқтисодчи олимларнинг ёндашишлари эътиборга лойиқ. Уларнинг тадқиқотлари асосида тадбиркорликнинг моҳиятини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: Биринчи йўналиш- тадбиркорлик бу фойда олиш учун йўналтирилган мустақил иқтисодий фаолиятдир.

Иккинчи йўналиш – тадбиркорлик фаолиятининг мақсади фойда олишни инкор қилмай, балки тадбиркорлик моҳиятини аниқловчи сифатида, ресурсларнинг янги комбинацияларини амалга оширишда муносабатлар йиғиндисига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш [1].

Учинчи йўналиш – тадбиркорлик фаолиятини ресурсларнинг ҳаракатини бошқаришда ижодкорлик зарур, деб ҳисобланади. Бу олимларнинг тадқиқотларида тадбиркорлик оддий меҳнат фаолияти эмас, балки ижодий активлик сифатида акс эттирилган. Хулоса қилиб айтганда, ушбу муаллифлар тадбиркорликни уч узвий ўзаро боғлиқ компонент тарзида ажратганлар.

Юқоридаги айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, ҳизмат кўрсатиш фаолиятидир.

Тадбиркорлик яратувчилик, яъни товар ва хизмат ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлгани учун ўзининг ёки ўзгаларнинг моддий ва пул маблағларини, яъни капитални амалда ишга солувчи фаолият ҳисобланади. Шу боисдан, тадбиркорлик капитал функцияси билан боғлиқ бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. У бозор рақобат механизмининг оммавий асоси ва элементи ҳисобланади. Кичик бизнес, шу жумладан, тадбиркорликсиз бозор иқтисодиёти ривожланиши у ёқда турсин, ҳатто амал ҳам қила олмайди.

Тадбиркорлик уюшиш даражаси бўйича у ёки бу шаклда намоён бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий, уюшиш шакли, биринчидан, тадбиркорнинг шахсий қизиқишига, ўзини намоён қилишга интилишига; иккинчидан, фаолият соҳасига; учинчидан, пул маблағларининг миқдорига; тўртинчидан,

таваккал қилишга мойиллигига боғлиқ бўлади[7]..

Агросаноат мажмуида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиётига мос турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорлик субъектлари шаклланди. Айрим мулк субъектлари хусусийлаштирилиб, хусусий –якка, хусусий-коорпоратив тадбиркорлик шаклларига айланиб борди. Агросаноат мажмуининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида аввал жамоа (ширкат) хўжаликлари, уларнинг таркибида фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги маданий –маиший, савдо объектлар хусусийлаштирилиб, хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида фаолият олиб борди, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари МТП, ММТП, ўғит билан таъминлаш, уруғлик билан таъминлаш, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналарари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда технологик жиҳатдан йирик бўлганлиги сабабли ҳиссадорлик жамиялартига айлантирилди. Мазкур соҳада фақат мева-сабзовот маҳсулотларини қайта ишловчи кичик тадбиркорлик субъектлари шаклланди.

Аргросанаот мажмуи соҳаларидаги турли мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектларининг бир-бирига боғлиқ ҳолдаги фаолияти аграр муносабатларни вужудга келтиради.

Аграр муносабатлар бу–кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва қишлоқ хўжалиги воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган турли-туман субъектлар ўртасидаги муносабатлардир.

Аграр соҳадаги барча иқтисодий субъектларнинг фаолияти агратадбиркорликнинг шаклланишига олиб келади, зеро агротадбиркорлик бошқа тармоқлардаги тадбиркорлик ҳаракатидан фарқ қилади. Чунки мазкур соҳанинг марказида ер муносабатлари билан боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ётади. Бу эса агросаноат мажмуида хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини англатади.

Бугунги кунда агросаноат тармоқларида фаолият кўрсатаёган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳозирги ва келажакдаги фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқариш учун ўзгармас харажатлар таркибига кирувчи ер ва ер билан боғлиқ харажатларни, техника воситаларини кўпайтириш ва такрор ҳосил қилиш харажатларини, шунингдек, бошқарув харажатларини кўпайтириш билан фойда ўртасидаги нисбатни таъминлаш лозим.

Бизнингча, агросаноат мажмуи тармоқлари бир-бирини тақозо қилганлиги учун соҳаларни ўзида бирлаштирган кооперацияни ташкил қилиш ҳамда ушбу кооперация йириклашган фермер хўжаликлари ва қайта

ишловчи кичик корхонларнинг моддий базасида асосида инфратузилма корхоналари йуналишларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу кооперация агросаноат мажмуи корхоналарида молиявий бирлашуви асосида ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ва қйта ишлаш корхоналарининг ривожланишига асос бўлади.

Кооперация аъзолари агросаноат мажмуи кичик корхоналари бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг функционал йўналишлари бўйича бирлашади. Ташкил этилган кооперация кенгаши қарори асосида амалга оширувчи тузулма томонидан ижро этилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида 2500 га яқин қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланилиб, уларнинг барчасини бир кичик корхона томонидан сотиб ошлиш имкониятига эга эмас. ММТПларнинг қишлоқ хўжалиги машиналарини сотиб олишга имконияти етмайди. Давлат ҳам ҳар бир худудда комплекс қишлоқ хўжалиги машиналари билан таъминлаш имконияти етарли эмас. Чунки фақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мамлакат барқарорлигини таъминламайди. Бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш лозим. Давлат томонидан фақат ташкилий, хуқуқий, иқтисодий ва молиявий имтиёзлар ёрдамида рағбатлантирилиб турилиши мумкин. Бундай вазиятда кичик корхоналар имкониятларини бирлаштириб, кооперация асосида ўзини-узи таъминлаш мумкин. Техника ва технология йуналишида бирлашган кооперация аъзолари ихтиёрий равишда қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш бўйича, қайта ишлаш технологияларини сотиб олиш бўйича инфратузилма корхоналарига керакли воситаларни сотиб олиш бўйича молиявий маблағларини бирлаштириладилар.Тупланган молиявий маблағлар ҳисобига олинган техника ва технологиялардан фойдаланиш кооперация кенаши қарори билан мулк эгалари томонидан тўла фойдаланилади, кооперация аъзоларига улар хизматида имтиёзлар берилади. Кооперацияга аъзо бўлмаган кичик корхонлардан эса тўлиқ хизмат ҳақи олинади. Ушбудан келиб тушган даромаддан кооперацияни ташкил этиш ва ижро этиш харажатлари олиб қолиниб, мулк эгалари ўртасида қўшган улушига кўра тақсимланади. Кооперациянинг бундай тартиби бошқа функционал бирлашувларда ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Экономика и организация рыночнго хозяйства в России М.: Прогресс,1995.155 стр.
2. Герчикова.И.Н. Менеджмент.М.:ЮНИТИ,2007.418стр.
3. Русинов.Ф.М Возраждения предпринимательство в России. Майкоп:1999 27-28 стр.
4. Kurbonov A. B., Shoxo‘jaeva Z. S. Sustainable development of the agrarian sector depends on the efficient use of water resources //International Journal of Engineering and Advanced Technology. – 2019. – Т. 8. – №. 6. – С. 5123-5126.
5. AB K., NM J. Investment directions and principles of entrepreneurial activity development in the regions //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 4046-4050.

Б.Шодиев –ҚарМИИ доценти , и.ф.ф.д. (PhD),
Қ.Аликулов – ҚарМИИ магистранти

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТУЗИЛМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация. Қоракўлчилик тармоғи мисолида иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унга хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини ташкил этиш бўйича инновацион фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, қоракўлчилик, самара, иқтисодий ислоҳот, зооветеринария, инновацион технология, модернизациялаш, биохилма-хиллик.

Аннотация. На примере каракулеводства высказаны новаторские идеи по повышению экономической эффективности и организации деятельности обслуживающих ее структур.

Ключевые слова. Животноводство, каракуль, продуктивность, экономическая реформа, зооветеринария, инновационные технологии, модернизация, биоразнообразие.

Abstract. On the example of the karakul industry, innovative ideas were expressed to increase the economic efficiency and organization of the structures that serve it.

Keywords. Livestock, karakul, productivity, economic reform, zoo veterinary, innovative technology, modernization, biodiversity.

Қоракўлчилик тармоғида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан унга хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этилишига боғлиқ. Хизмат кўрсатувчи тузилмалар ўз навбатида, қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ва қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини ошириш орқали таъсир қилади.

Умумий ҳолатда қоракўл наслчилик МЧЖларининг фаолиятига боғлиқ бўлган хизматлар кўрсатиш ва таъминот соҳасидаги субъектлар таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма субъектлари ҳамда қоракўл-чилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари ўртасидаги ўзаро таш-килий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар томонларнинг тенг иқтисодий манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши талаб этилади.

Бу муносабатлар, бизнинг фикримизча, бозорда талаб ва таклифни чуқур ўрганиш; хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлаш; хизматлар ва таъминот бозорида ҳамкор хўжалик субъектларини мустақил танлаш каби тамойилларга асосланиши лозим.

Хизматлар кўрсатиш, иш бажариш, таъминот ва сотиш корхоналари томонидан бажарилаётган иш ва хизматлар самарадорлигини баҳолашда



1-расм. Қоракўл наслчилик МЧЖларида хизмат кўрсатувчи субъектлар тўғрисида асосий тасниф

қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг пировард натижада олинадиган фойда миқдори мезон сифатида асос қилиб олинишини тақозо қилмоқда. Бундай ҳолат қоракўлчилик хўжаликларида ўз салоҳияти (моддий техника базаси) томонидан бажарилган хизматлар баҳосига нисбатан инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларга нисбатан бажарилганга нисбатан арзон бўлганда ҳисоблаш мумкин бўлади.

Маълумки, қоракўлчилик тармоғининг ривожланишида озуқа базасини яхшилаш билан бирга зооветеринария хизматини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Қоракўл наслчилик МЧЖларида ҳам чорвачиликнинг бошқа тармоқлари сингари - ветеринария хизматини кўрсатиш тизими муҳим ўринни эгаллайди. Республикамизда қоракўлчилик хўжаликларига зооветеринария хизмати кўрсатишда муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ветеринария хизмати – қоракўл қўйларини касалликлардан муҳофаза қилиш ва уларни даволаш, аҳолининг юқори сифатли қоракўлчилик

маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, инсонларни ва ҳайвонларни касалликларга чалинишини олдини олиш, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоа, хўжалик ва махсус тадбирлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасида давлат ветеринарияси, идоравий ветеринария ва хусусий ветеринария хизматлари фаолият кўрсатади. Ветеринария соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳайвонларнинг соғлиғини сақлаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, давлат ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария йўналишида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, эпизоотик осойишталикни ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори, рақобатбардош маҳсулот ва хомашё ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5067-сонли Фармони қабул қилинди ва унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ташкил этилди.

Республикамизда наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантиришни тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон фармонига [1] мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сон қарорига [2] мувофиқ қўмитанинг вазифалари ва ташкилий тузилмалари тасдиқланди.

Республикада қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча тоифадаги хўжаликларда тармоқни фан ютуқлари ва илмий ечимларидан фойдаланиш асосида жадал ривожланишга эришиш муҳим вазифалардан биридир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сонли Фармони, 28.03.2019. https://lex.uz/docs/4259331

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли қарори, 28.03.2019. https://lex.uz/docs/4258732

Қоракўлчилик тармоғида наслчилик билан боғлиқ тадбирлар тармоқ ривожида муҳим ўринни эгаллайди. Наслдор қоракўл совлиқлар ва кўчқорлар подасини яратиш, уларни давлат наслчилик китобида наслдор ва зотлар бўйича ҳисоб-китобини олиб бориш ҳамда рўйхатга олиш, хўжаликларда наслчилик тадбирларини тузиш, илм-фан янгиликлари ва илғор тажрибаларни кенг тарғиб қилишни тақозо қилади.

Қаракўлчилик тармоғининг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва аҳоли эҳтиёжларини қоракўлчилик маҳсулотларига бўлган талабини яхшилашнинг йўлларидан бири – хўжаликлар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш ҳисобланади.

Қоракўлчилик маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида қоракўлчилик хўжаликлари, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда савдо ташкилотлари иштирок этади. Ушбу жараённинг узлуксизлиги улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари тўғри ташкил этилганлиги билан белгиланади.

Қоракўлчилик хўжаликлари ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар шартнома орқали амалга оширилади. Шартномада томонларнинг аниқ фаолиятга бўлган келишуви ўз аксини топади.

Қоракўлчилик тармоғида ҳам, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлар сингари шартнома муносабатлари тизимини ҳар доим ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва моддий ресурслари нархларини ўзгаришига қараб такомиллаштиришга тўғри келади. Айниқса, шартнома муносабатлари бозор иқтисодиёти шароитида наслчилик қоракўлчилик хўжалигини тадбиркорона фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этади.

Чунки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш жараёнида томонларнинг ўзаро иқтисодий-хўжалик муносабатларини такомиллаштиришдан кўзланган мақсад-ўзаро фаолиятда моддий манфаатдорликни таъминлаш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ва сифатини ошириш; ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда якуний натижалар самарадорлигини оширишга қаратилган бўлади.

Мамлакат чўл ҳудудлари салоҳиятидан қоракўлчилик тармоғини кенг ривожлантириш орқали самарали фойдаланиш, ушбу минтақада яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш, саноат корхоналарини қоракўлчилик маҳсулотлари (қоракўл тери, жун) билан таъминлаш ва пировард натижада экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш имконияти яратилади.

Бизнинг фикримизча, қоракўл қўй бош сонларини нафақат қоракўл наслчилик МЧЖ ҳисобига, балки фермер хўжаликлари ҳисобига кўпайтириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин. Ҳар 100 бош совлиқдан 110-120 бош қўзи олиш, қоракўл терини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган янги зотларини яратиш ҳамда жаҳон бозорига чиқишга кенг имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқ. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, уларда сув таъминотини яхшилаш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг фикримизча, қоракўлчилик хўжаликларида самарадорликни таъминлаш мақсадида инфратузилма субъектлари билан биргаликда қуйидаги тадбирларни тизимли ва мақсадли амалга ошириш талаб қилинади:

- қоракўлчилик хўжаликларининг талаблари ва эҳтиёжлари асосида инфратузилма субъектлари фаолиятини йўлга қўйилишида амалий ёрдамлар кўрсатиш;
- қоракўлчилик хўжаликларини наслдор қўчқорлар ва она қўйлар билан таъминлаш тизимини шакллантириш (ўтган йил наслдор қўчқорлар харид қилиб, бу жараённи тўхтатиб қўйиш мумкин эмас);
- қоракўлчилик хўжаликларида малакали мутахассис ва олимлар иштирокида қўчқорлар ва она қўйлар бўйича сифатли бонитировка тадбирларини ўтказиш;
- қоракўлчилик хўжаликларида сунъий уруғлантириш пунктларини мавсум давомида соз ҳолатда фаолият кўрсатишини таъминлаш ва уларда малакали мутахассислар меҳнат қилиш учун замонавий шароитлар яратиш;
- қоракўл қўйларининг мавжуд ирсий маҳсулдорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уни янада кўпайтириш учун қоракўл қўйларининг турли озуқаларга бўлган талабини барқарор қондириш;
- қоракўлчилик хўжаликларида селекция-наслчилик йўналишида илмий-инновацион тадбирлар учун конкурслар миқдорини кенгайтириш, ҳалқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва бошқалар.

М.М. Мардонов– ТошДАУ Самарқанд филиали I-босқич магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада узумчиликни ривожлантиришда мавжуд муаммолар баён этилган ҳамда уларнинг ечими бўйича илмий ва амалий аҳамиятга молик таклиф-тавсиялар берилган.

Аннотация. В статье изложены имеющийся проблемы в развитии виноградарства и подготовлены научно и практически обоснованные предложения по их решению.

Abstract. The article outlines the existing problems in the development of fruit and vegetable production, particularly viticulture, and prepared scientifically and practically sound proposals for their solution.

Калит сўзлар: узум, қайта ишлаш, экспорт, кластер, кооперация, самарадорлик, қиймат занжири.

Ключевые слова: виноград, переработка, кластер, кооперация, эффективность.

Keywords: grapes, processing, export, cluster, cooperation, efficiency, value chain.

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорни сифатли мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида агросаноат мажмуида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланган мева- сабзавотчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини эса хомашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини бериши билан биргаликда маҳсулотлар экспорти натижасида валюта тушумларининг бир манбаси ҳамдир. Қолаверса, Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштириш учун салоҳияти юксак давлат бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”[1] 4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгиланган вазифалар қаторига қишлоқ хўжалигида “... пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш” вазифаси қўйилган. Хусусан, 2017 йилда замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан, 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш, мавжуд паст рентабелли токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш, янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив токзорларга босқичма-босқич томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш, токзорлар майдонларини кенгайтириш ва уларнинг эскирган ва яроқсиз майдонларини янгилаш, токзорлар майдонларини янгилаш натижасида ер унумдорлиги ошиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш вазифалари белгиланган.

Республикамизда узумчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, ички бозорни тўлдириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388 сонли “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

“Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, мева-сабзавотчилик, хусусан, узумчилик соҳасида ҳам қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиши негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари институтини яратишга асос солинди.

Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорида қишлоқ хўжалигида кластерлар ва кооперация тизимини янги қоидалар бўйича ривожлантириш белгиланди. Қарорга мувофиқ токзорлар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш обьектларини яратиш учун 20 млрд сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этилиши, интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этадиган банкларга шбу лойиҳалар учун кредитлар ажратишда боғ ва токзорлар ҳосилга киргунга қадар асосий қарз бўйича имтиёзли давр белгилаш, маҳаллий шароитда етиштирилганг интенсив кўчатлар ҳамда пайвандтаглар сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш каби имтиёзлар белгиланди.

Узумчилик тармоғини ривожлантириш учун ҳуқуқий базанинг яратилиши, кўрилаётган ташкилий чора-тадбирлар, тармоқ учун берилаётган имтиёзлар билан бирликда тармоқ ривожи учун тўсиқ бўлаётган баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Узум маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ мавжуд муаммолар, узумчилик агротехникаси, тармоқни механизациялашдаги баъзи муаммолар, кўчат етиштиришнинг етарлича ривожланмаганлиги шулар жумласидандир. Бу муаммоларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларнингн ечимини топиш тармоқ
ривожи учун бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бизнинг фикримизча республикамизда узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

1.Узумчилик тармоғида бажариладиган агротехник тадбирларнинг механизациялаштириш даражасини ошириш. Маълумки ҳозирда узумчиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликлари, шахсий томорқа хўжаликларида агротехник тадбирларнинг бир қисми жумладан баҳорда ток тупларини очиш, хомток қилиш, ҳосилни узиб олиш, қирқиш каби агротехник тадбирлар асосан қўл кучи билан бажарилади.

2.Узумчилик деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, тармоқ агротехникаси учун мавжуд махсус техника воситаларини сотиб олишлари учун паст фоизли ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш, техника воситаларини лизинг асосида етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш.

3.Маълумки республикамизда етиштирилаётган узум маҳсулоти ички талабдан кўп бўлиб, экспорт ҳажмини ошириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Узум етиштирувчилар манфаатдорлигини ошириш, улар етиштирган узум ва мева-сабзавотларни сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш ҳамда қайта ишлаш ва экспорт қилишни ташкил этиш мақсадида кластер тизимини янада ривожлантириш.

4.Турли мулкчилик шаклидаги узумни қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, узумни қайта ишлаш соҳасида монополияга барҳам бериб, рақобатни кучайтириш.

5.Бевосита узум етиштирувчилар учун узумни сақлаш учун шароитлар яратиш. Деҳқон ва фермер хўжаликлари, шахсий томорқа хўжаликлари эҳтиёжларига мос кичик ҳажмли узумни сақлаш омборлари қурилиши, совутиш ва бошқа сақлаш жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши узумчилик тармоғининг ривожланиши, узумчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ошиши, тармоқ самарадорлигининг ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ҳасанов С. Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. “Экономическое обозрение” журнали 6 (246)-сон. Июн 2020 йил.
6. agrobisiness.ru
7. uzexport.com
8. uzex.com
9. stat.uz

B.T Hasanov – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarqand filiali 2-kurs tayanch doktoranti

URUG'LIK KARTOSHKA YETISHTIRISHDA ZAMONAVIY TIZIMLARNI JORIY ETISH HOLATI

Annotatsiya. Mazkur maqolada kartoshkachilikda qiymat zanjirining ayrim masalalari, umuman kartoshkachilik tarmog‘i holati, muammolar davlat statistika ma’lumotlari misolida tahlil qilindi. Tahlillar shuni ko‘rsatdiki, Respublikada qishloq xo‘jaligida etishtirilgan kartoshka hom ashyosini etishtirish yildan yilga o‘sib borayotganini ko‘rish mumkin, lekin bu kartoshka hom ashyosi ko‘rsatkich aholi iste’moli uchun yetarli emasligini ko‘rishimiz mumkin.

Аннотация. В данной статье анализируются некоторые вопросы цепочки добавленной стоимости в картофелеводстве, состояние картофельной отрасли в целом, проблемы на примере государственной статистики. Анализ показал, что производство сырого картофеля, выращенного в сельском хозяйстве республики, растет из года в год, но мы видим, что этого показателя недостаточно для потребления населением.

Abstract. This article analyzes some issues of the value chain in potato growing, the state of the potato industry in general, the problems on the example of government statistics. The analysis showed that the production of raw potatoes grown in agriculture in the Republic is growing from year to year, but we can see that this figure is not enough for the consumption of the population.

Kalit so‘zlar: qiymat zanjiri, kartoshka ishlab chiqarish, oziq-ovqat xavfsizligi, tadbirkorlik.

Ключевые слова: производственно-сбытовая цепочка, производство картофеля, продовольственная безопасность, предпринимательство.

Keywords: value chain, potato production, food security, entrepreneurship.

Kartoshkachilikda qiymat zanjirining muhim bo‘g‘inlaridan biri bu bevosita kartoshka ishlab chiqarishni xom ashyo bilan ta’minlash bo‘g‘ini hisoblanadi. Sohani sifatli xom ashyo bilan ta‘minlash maqsadida kartoshka urug‘chiligini rivojlantirishga keying vaqtlarda mamlakatimizda keng e’tibor qaratilmoqda. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6-mayda “Respublikada kartoshka yetishtirishni kengaytirish va urug‘chiligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qarori qabul qilindi. Ushbu qarorga muvofiq kartoshka yetishtirish bilan shug‘ullanuvchi kartoshkachilik klasterlari va kooperatsiyalariga bir qancha yo‘nalishlar, xususan kartoshka urug‘chiligi bilan bog‘liq yo‘nalishlar asosiy faoliyat sifatida belgilab berilgan. Jumladan[1];

- “innovatsion va resurs tejamkor texnologiyalar asosida yaxlit maydonlarda iste’mol va urug‘lik kartoshka yetishtirish hamda sohada qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratish”;
- “urug‘lik kartoshkaning super elita va elita avlodlarini yetishtirishni

[1] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. Respublikada kartoshka yetishtirishni kengaytirish va urug‘chiligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida. PQ-4704-son, 2020 yil 6-may.

kengaytirish, urug‘liklar tayyorlash hamda zamonaviy kartoshka plantatsiyalarini barpo etish”;

- “iste’mol va urug‘lik kartoshkaga bo‘lgan ichki bozor talabini qondirish, shuningdek, uning eksportini kengaytirish”;
- “kartoshka ekish uchun mo‘ljallangan ekin maydonining kamida 50 foizida urug‘lik kartoshkaning super elita va (yoki) elita avlodlarini yetishtirishni yo‘lga qo‘yish”;
- “urug‘lik kartoshkani saqlash, saralash, yetkazib berish va qayta ishlashni yo‘lga qo‘yish;
- kartoshkachilik sohasiga ilg‘or texnologiyalar, innovatsion yechimlar (nou-xau) va ilm-fan yutuqlarini joriy etish”.

Shuningdek, mazkur qarorda Respublikada “iste’mol va urug‘lik kartoshka, jumladan, uning super elita, elita avlodlarini yetishtirishga ixtisoslashtiriladigan tumanlar” keltirib o‘tilgan. Biz tadqiqot olib borgan Samarqand viloyatida iste’mol kartoshkasi ishlab chiqarishga Bulung‘ur, Jomboy, Toyloq, Samarqand va Urgut tumanlari, urug‘lik kartoshka, jumladan, uning super elita, elita avlodlarini yetishtirishga esa Bulung‘ur, Jomboy, Toyloq va Urgut tumanlari ixtisoslashtirilishi ta’kidlab o‘tilgan. Shu bilan birgalikda, hududlarning tuproq-iqlim sharoitlarini inobatga olgan holda urug‘lik kartoshkaning super elita avlodini yetishtirishga ixtisoslashtiriladigan hududlar sifatida Samarqand viloyatidan Bulung‘ur timaniga qarashli “F. Yo‘ldosh”, “X. Olimjon”, “Kildon”, “Navoiy” va “A. Maxsumov” mahalla fuqarolar yig‘ini hududi belgilab berilgan. Demak, hukumatimiz tomonidan urug‘lik kartoshka yetishtirishning huquqiy asoslari yaratilgan.

Yaxshi sifatli urug‘lik deyarli hamma kartoshka ishlab chiqarish tizimlarida yuqori mahsuldorlik talabi hisoblanadi. Hozirgi vaqtda kam daromadli mamlakatlarda hosildorlikni cheklab qo‘yayotgan hosildorlikning katta qismi urug‘ning sifatsizligi bilan bog‘liq. Shunday qilib, kartoshka urug‘i sektorini rivojlantirish hukumatlar, tadqiqotchilar, rivojlanish agentliklari va fuqarolik jamiyati tashkilotlarining asosiy tashvishidir. Kartoshka urug‘i tizimlari ko‘pincha rasmiy yoki norasmiy deb tavsiflanadi, ammo norasmiy urug‘lik tizimi murakkab va ayniqsa, kam daromadli mamlakatlarda norasmiy urug‘lik tizmini ko‘plab uchratish mumkin.

Kam daromadli mamlakatlarda norasmiy tizimlar o‘zgaruvchan va ko‘pincha sifatsiz urug‘larni ishlab chiqaradi. Kartoshka hosildorligi yuqori bo‘lgan hududlarda (masalan, AQSh va Evropada) garchi ba'zi ishlab chiqarish subsektorlari (masalan, organik ishlab chiqaruvchilar) ko‘pincha sertifikatlanmagan urug‘lardan foydalansalarda, yuqori sifatli sertifikatlangan urug‘lar bilan rasmiy tizimlarning o‘rni yuqori hisoblanadi. Kam daromadli mamlakatlarda rasmiy urug‘chilik tizimini joriy etish bo‘yicha urinishlar asosan muvaffaqiyatsizlikka uchradi; shuning uchun kam resursga ega bo‘lgan kartoshka fermerlarining aksariyati norasmiy tizim orqali o‘z urug‘ini oladi. Rivojlanish hamjamiyatining tarmoqlari muqobil yechimlarni talab qilmoqda, ular odatda rasmiy va norasmiy urug‘lik tizimlarini yoki sifatli e'lon qilingan

urug‘lik kabi yarim rasmiy tizimlarni va fermerlarning urug‘larni saqlash va sotish huquqlarini himoya qiluvchi siyosat tuzilmasini o‘z ichiga oladi. Urug‘lik sifati hozirgi vaqtda past daromadli mamlakatlarda kartoshkaning past hosildorligiga ta’sir qilishini hisobga olib, birinchi navbatda, resurslari kam bo‘lgan hududlarda urug‘chilik sektorini rivojlantirishga e’tibor qaratilmoqda.

Shu o‘rinda rasmiy, norasmiy urug‘chilik tizimi haqida turli adabiyotlarda ta’riflar berilgan. Jumladan, kartoshkaning norasmiy urug‘lik tizimi - bu ekish uchun ishlatiladigan ildiz mevalari fermerlar tomonidan hech qanday tartibga solinmasdan ishlab chiqariladigan va tarqatiladigan urug‘lik kartoshka tizimidir. Kartoshkaning rasmiy urug‘lik tizimida urug‘lik ildizlari litsenziyaga ega xususiy sektor mutaxassislari va kooperativlar tomonidan ishlab chiqariladi. Rasmiy urug‘lik tizimining konseptsiyasi nisbatan aniq bo‘lib, davlat sektori tomonidan tartibga solinadigan komponentlar, odatda "sertifikatlash" deb nomlanuvchi tekshirish jarayoni va mavjud urug‘larning tan olingan nav bo‘lishini, kasallikning past darajasi bo‘lishini ta'minlash uchun nav chiqarilishini nazorat qilish bilan tavsiflanadi. Norasmiy tizim murakkab va kontseptual jihatdan unchalik aniq emas, chunki u asosan rasmiy bo‘lmagan barcha narsalarni, jumladan, o‘z-o‘zidan tejalgan urug‘larni, fermerlar o‘rtasida sotiladigan va mahalliy bozorlarda sotib olingan urug‘larni o‘z ichiga oladi[1].

Yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, Respublikamizda kartoshka urug‘chiligini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda va bu albatta kartoshkachilikda yuqori hosildorlikni maqsad qilgan. Keltirib o‘tilgan kartoshkachilikda urug‘lik tizimi ta’riflaridan aytish mumkinki, hozirda bizda ikkala ya’ni rasmiy va norasmiy urug‘lik tizimidan ham qishloq xo‘jaligida kartoshka yetishtiruvchi sub’ektlar amalda foydalanmoqda.

Respublikada ishlab chiqarilayotgan kartoshka xom ashyosi haqida gapiradigan bo‘lsak, quyidagi 1-jadvalda so‘nggi besh yilda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligida kartoshka xom-ashyosi yetishtirish holati keltirilgan.

1-jadval

Respublika qishloq xo‘jaligida yetishtirilgan kartoshka xom ashyosi dinamikasi (ming tonna)[2]

Hududlar nomi	**2017 yil**	**2018 yil**	**2019 yil**	**2020 yil**	**2021 yil**	**2021 yil 2017 yilga nisbatan o‘zgarishi**	
						(+,-)	**%**
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	61390	70305	83690	85700	123000	61610	2.0 marta
Andijon	303399	343904	369141	376108	287932	-15467	94.9%
Buxoro	200989	209352	215598	222724	160995	-39994	80.1%
Jizzax	67275	62221	79267	82378	144334	77059	2.2 marta
Qashqadaryo	183485	172632	173638	176752	226694	43209	123.5%

[1] Forbes, G. A., Charkowski, A., Andrade-Piedra, J., Parker, M. L., & Schulte-Geldermann, E. (2020). Potato seed systems. In The Potato Crop (pp. 431-447). Springer, Cham.

[2] Davlat statistika qo’mitasi ma’lumotlari asosida muallif

Navoiy	76170	77011	79281	80349	56495	-19675	74.2%
Namangan	260977	264341	282924	289019	348131	87154	133.4%
Samarqand	**590706**	**579627**	**622594**	**626414**	**643903**	**53197**	**109.0%**
Surxondaryo	274251	306128	324157	331456	280805	6554	102.4%
Sirdaryo	52002	56795	59876	61278	79582	27580	153.0%
Toshkent	351636	363511	366692	367142	369839	18203	105.2%
Farg‘ona	255751	290273	310283	318239	389466	133715	152.3%
Xorazm	115658	115833	122517	126235	124395	8737	107.6%
Respublika bo‘yicha jami	**2793689**	**2911933**	**3089658**	**3143794**	**3235572**	**441883**	**115.8%**

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, so‘nggi besh yilda Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Jizzax viloyatida kartoshka ishlab chiqarish 2 barobarga oshgan bo‘lsa, Andijon, Buxoro va Nazoiy viloyatlarida 2021 yilda 2017 yilga nisbatan kartoshka ishlab chiqarish nisbatan kamaygan. Ushbu kamayishga kartoshka urug‘chiligi tarmog‘i ya’ni xo‘jaliklarni sifatli nav bilan ta’minlash faoliyati ham ta’sir qilgan bo‘lishi mumkin.

Tadqiqot ob’ekti bo‘lgan Samarqand viloyatida kartoshka ishlab chiqarish holati haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, 1-jadvalga ko‘ra kartoshka xom-ashyosi Respublikamida eng ko‘p hududlardan bo‘lib, boshqa hududlarga qaraganda yetakchi hisoblanadi.

Kartoshkachilikda qiymat zanjiridagi har bir sub’ekt faoliyatini takomillashtirish iste’molchilarga arzon va sifatli kartoshkachilik mahsulotlarini o‘z vaqtida yetkazib berish garovi hisoblanadi. Xususan biz tahlil qilib o‘tgan kartoshka ishlab chiqaruvchilarning ham aksariyati hosildorlikni oshirish imkoniyatlaridan, xususan organik o‘g‘itlar berish, almashlab ekish amaliyotlaridan barqaror foydalanmayapti. Bu kabi amaliyotlarni kartoshkachilikda qo‘llash maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4704-son qarori. “Respublikada kartoshka yetishtirishni kengaytirish va urug‘chiligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Toshkent sh., 2020 yil 6 may.
2. Murtazayev O., Ahrorov F. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti.–T.: ILM-ZIYO, 2017.
3. Janssen, W., Hall, A., Pehu, E., & Rajalathi, R. Linking market and knowledge based development: The why and how of agricultural innovation systems. markets, marketing and developing countries: where we stand and where we are heading, 44-53. 2010.
4. Webber, M. C. & Labaste, P. Building competitiveness in Africa's agriculture: a guide to value chain concepts and applications. Washington DC: World Bank Publications. 2010.

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Мухаммедов М. Муродов Ш.	Ўзбекистонда таълим сифатини тубдан ошириш – учинчи ренесанс пойдеворини яратишнинг етакчи омили	4
Дусматов Б.О. Халимов Ш.Х	Мамлакатни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инновацион хизматлар ривожлантириш асослари	7
Кайпназарова Г.	Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари	11
Ниёзов З. Каримова А. Абдибаева Т.	На пороге третьего периода ренессанса	14
Djalilova N. M.	Tadbirkorlikni rivojlantirishda innovatsiyalarning o‘rni	18
Кайпназарова Г.	Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари	23
Abduqodirova N. Xudoyberdiyev U.	Aholini ro‘yxatga olish-maqsadi, vazifalari va ahamiyati	25
Кулжанов О. Шарахматов Д.	“Пахта-тўқимачилик кластерлари” хорижий давлатлар тажрибаси	28
Хусанов Б.Ш.	Свойства элементов системы обеспечения	32
Олтаев Ш.С.	Инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш – миллий инновация тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида	35
Xushvaqov B.A.	Mintaqada kambag‘allik tushunchasining nazariy va huquqiy asoslari	38
Shoxo‘jaeva Z.S Samandarov M.M	Xususiy tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlashning nazariy va uslubiy asoslari	42
Қулиев Б.М	Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даврлари ва унинг моҳияти хусусида назарий ёндашувлар	46
II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Ибрагимов Н.А.	Ахборот технологиялари бўйича хизматларни кўрсатиш тадбиркорлигининг истиқболлари	52

Досчанов Т. Чўпонов С.О.	Аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини оширишда инновацион хизматлар турларини ривожлантиришнинг аҳамияти	56
Vaxidov A.	Ishsiz yoshlar raqobatbardoshligini oshirishning jahon tajribasi	59
Пардаев Обид	Мамлакатимизда ичимлик суви танқислигини бартараф қилиш йўллари	63
Файзиева Ш.Ш. Азимов Р.Ж.	Хизмат кўрсатишни яхшилашнинг инсон капиталидан самарали фойдаланишга таъсири	68
Раҳимов А.М.	Аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишнинг ички ва ташқи омиллари ҳамда техник-иқтисодий сифат даражаси баҳолаш	72
Файзиева Ш.Ш. Адилова Ю.Ш.	Ижтимоий соҳада тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантиришнинг учинчи ренессансга таъсири	77
III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Тухлиев И.С., Абдухамидов С.	Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида туризм сохасининг ўтмиши ва бугуни	81
Шарипов Т.С. Холиқулов А.Н.	Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш маданиятининг назарий масалалари	85
Hakimova M.M	Jahon turizmi va mexmonxona industurasini rivojlanishining asosiy tendentsiyalari	89
Саматов Х.У.	Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари	93
Садуллаева А.А.	Минтақада туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари	97
Самаров Х. Қ.	Миллий мерос туризмини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни ечимлари	101
Маматкулова Ш.Ж.	Туризм соҳасини инновацион маркетинг асосида такомиллаштириш	105
Ҳайитбоев Р.	Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги археология туризми ресурсларидан фойдаланиш	108
Самаров Х. Қ.	Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда миллий мерос бойликларидан фойдаланиш имкониятлари	112
Рахмонов Ш.Т	Рекреационные ресурсы северного таджикистана и их влияние на развития туризма	117

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Абдукаримов В.И.	Управление персоналом в условиях развития информационных технологий	119
Ibragimov M.N.	Integrated marketing communication in the implementation of marketing strategy	124
Kudratov Sh.O.	The role of domestic institutions and financial markets in benefiting and attracting fdi in the service sector in the context of the formation of the ‘Third renaissance’	129
Бобаназарова Ж. Эргашева Н.Б.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда инсон омилини фаоллаштириш	135
Мирсодиқов А.Т	Қурилиш соҳасида логистика харажатларини бошқаришнинг тизимини такомиллаштириш	138
Маматкулова Ш. Тиллаев Т.	Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари	142
Маматкулова Ш.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолиятида маркетинг имкониятларидан фойдаланиш зарурияти	146
Бободустов З.Н.	Стратегические ориентации маркетинговые деятельности как основной приоритет конкурент-ных преимуществ производственных предприятий	148
Рахманов М.А.	Совершенствование менеджмента и маркетинга в развитии сферы услуг в Узбекистане	152
Hamzaev A.H.	Modern technologies in management and marketing	155
Мирсодиқов А.Т	Қурилиш соҳасида логистик занжирлари ва уларни бошқариш хусусиятлари	163
V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Qudratov Sh.O.	The role of domestic institutions and financial markets in benefiting and attracting fdi in the service sector in the context of the formation of the ‘Third renaissance’	166
Хусанов Б.Ш.	Финансовые инструменты поиска новых элементов социального обеспечения	172
Равшанов А.Д. Худоёров А.	Рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий хизматларни ривожлантириш йўллари	175

Дустова М.Х.	Хорижий инвестициялар ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири	176
Xamrayeva S.N. Nishonov J.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida bank faoliyatini rivojlantirish	180
Дустмуродова С. Мухиддинов Ж.	Тижорат банклари ресурслар базасини шакл-лантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари	183
Мейлиев Ш.Ш. Ходжимамедов А	Тижорат банкларини кредит портфелини бошқаришда юзага келадиган риск омиллари ва уларни бартарф этиш йўллари	186
Мухитдинов Х.С Эшмахматов У.Э	Уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришнинг комплекс моделини ишлаб чиқиш	189
Абдибаева Т. Рахмонов Ш.Ш.	Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари таҳлилининг асосий вазифалари	194
Дустмуродова С. Мусаев Р.М.	Тижорат банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтиришда инвестицион фаолликни оширишни муҳим омили	197
Navro‘zova S.A.	Xususiylashtirish jarayonlarida konsalting tashkilotlari xizmatlaridan samarali foydalanish istiqbollari	201
VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Уразов Д.К.	Ренессанс нужен во всех сферах профессиональных услуг	204
Худойбердиев О.Э.	Иқтисодий ресурслар таркибида жорий активлар: моҳияти ва таркиби	210
Ширинов У.А.	Алоқа хизматлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бугунги муоммолари	213
VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Zubaydullayev O‘.R.	Kasbga bo‘lgan qiziqishni ta’minlashning psixologik-pedagogik shartlari	216
Zubaydullayev O‘.R	Bo‘lajak o‘qituvchilarni art-pedagogika asosida kasbiy faoliyatga tayyorlashning pedagogik-psixologik asoslari	219

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Raximova U.Z.	Iste’molchi tanlovi masalasining yechimi va xossalari	222
Дониев Н.Б. Холиқулов А.Н.	Мамлакатимизда монополияга карши фаолиятнинг рақобат муҳитини шакллантиришнинг институцио-нал жиҳатларидан самарали фойдаланиш	225
Ибрагимов Т.И.	Рақобат муҳитини таҳлил қилишга вазиятли ёндашиш амаллари	229
Nasimov R. Hudayberdiyev U.	O‘zbekistonda to‘qimachilik sanoatining rivojlanishi	233
Xudayberdiev U.X Yaxshiliqov T.B	O‘zbekistonda elektr-energiya ishlab chiqarishining rivojlanishi	236
Қурбонов А.Б. Журакулов А.	Агросаноат мажмуида ишлаб чиқариш инфратузурмасини ташкил этиш йўналишлари	239
Шодиев Б. Аликулов Қ.	Қоракўлчилик тармоғида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унга хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини ташкил этиш	243
Мардонов М.М.	Ўзбекистонда узумчиликни ривожлантириш истиқболлари	247
Hasanov B.T.	Urug’lik kartoshka yetishtirishda zamonaviy tizimlarni joriy etish holati	251

ҚАЙДЛАР УЧУН